

Туроб Тиловов

ҒУБДИН

ва ғубдинликлар



2015

Туроб Тилововнинг “Ўбдин ва ўбдинликлар”

номли рисоласининг

аннотацияси

Ушбу рисола Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги “Ертепа” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ўбдин қишлоғининг тарихи, табиати, аҳолисининг ҳаёти ва турмуш тарзига бағишланган. Рисолада асосан қишлоқ аҳлининг XX асрнинг ўрталаридаги ҳаёт фаолияти кенгроқ баён қилинган. Қишлоқнинг қадриятлари, урф-одатлари, унда яшаган инсонларнинг ҳаёти ва хизмат фаолиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, рисолада қишлоқда жойлашган 1-умумий ўрта таълим мактабининг тарихи, унда фаолият кўрсатган ўқитувчилар жамоасининг ҳамда таълим олган инсонларнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги хизматлари қисқача бўлсада, ёритилган.

Рисолада бир неча юз, минг йиллар олдин ўтган донишмандларнинг китоб, соғлик, ҳаёт, кишиларнинг феъл-атворлари ҳақидаги фикрлари ҳам ўрин олган.

Китоб қишлоқ (юрт) тарихи, ҳаёти билан қизиқувчилар, ўқитувчилар, ёшлар, кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

“Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватаннинг тарихини билишни истайди”.

Ислом Каримов

Мундарижа

Кириш	5
1. Қишлоқ табиати.....	10
1.1. Қишлоқда сув муаммоси.....	11
1.2. Қишлоқнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида	19
2. Ғубдин қишлоғининг тарихи ҳақида	30
2.1. Толлисортепа	30
2.2. Ғубдинийлар	34
2.3. XX асрнинг бошида қишлоқ ҳаёти	36
3. Ғубдин қабристони	41
4. XX асрда қишлоқ ҳаёти	58
4.1. “Ертепа” қишлоқ фуқаролар йиғини тарихидан	59
4.2. 30-40-йилларда қишлоқ ҳаёти	63
4.3. 50-60-йилларда қишлоқ аҳолисининг турмуши	87
4.4. 70-80-йилларда қишлоқ ҳаёти	95
4.5. Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳаёти	100
5. Қишлоқ аҳолисининг урф-одатлари	101
6. Қишлоқ халқининг турмуш тарзи	119
6.1. Турли соҳа мутахассислари	155
7. Мактаб- маърифат масканидир.....	185
Хотима	234
Донолар ўғитидан	239
Адабиётлар	270

КИРИШ

Мустақиллик туфайли барча матбуот нашрлари – газета ва журналлар, радио, телевидение халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, миллий қадриятлари, ўзаро муносабатлари ҳақида мақолалар, асарлар, кўрсатувлар, эшиттиришлар, кўрсатувлар ярата бошладилар. Булар ичида ҳар бир жойнинг тарихига оид тайёрланган материаллар муҳим ўринни эгаллайди. Қадимги римлик файласуф, нотик, давлат арбоби Цицерон Марк Туллий (э.р.ав. 106-43 йиллар) айтганидек: “Туғилганингга қадар бўлган воқеаларни билмасанг, доимо гўдаклигингча қоласан”. Ҳа, Цицерон айтганидек, аввало туғилган жойингда, кейин мамлакатда бўлиб ўтган воқеаларни ўрганиб, уларни сабаб ва оқибатларини таҳлил қиладиган киши доимий гўдак бўлиб қолмасдан етук инсон бўлиб шаклланади. Акс ҳолда ёши катта бўлгани билан фикрлаши гўдакниқидан нарига ўтмайди.

Мазкур рисолада сўз юритиладиган Ғубдин қишлоғи ҳам Марказий Осиё мамлакатлари фаолиятдан ёки Ўзбекистондан ажралиб қолган эмас. Ғубдин қишлоғи тараққиёт босқичи Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти билан чамбарчас боғланган. Биологик ташбиҳда Ўзбекистонни бир бутун организм деб ҳисобласак, унинг аъзоларини бир гуруҳ тўқимаси – Ғубдиндир. Яъни, Ғубдинда ҳам шак-шубҳасиз тараққиёт, урф-одат, ривожланиш, маданият, ўзига хос турмуш тарзи тарихан бор. Бошқа қишлоқ ва шаҳарлар сингари Ғубдин ҳам минг-минг йиллар билан ўлчанадиган полеолит (қадимги тош даври), мезолит (ўрта тош даври), неолит (янги тош даври), энеолит (мис-тош даври), бронза даври (милоддан аввалги 3-2 минг йилликлар), темир даври (милоддан аввалги 1 минг йиллар) лари ва ундан кейинги даврларни ҳам босиб ўтган, жамият тараққиётининг барча жараёнларини бошидан ўтказган, нотекис ривожланишда бўлган.

Ҳозирги вақтда, ўтган жараёнларни таҳлил қилиш, ўрганиш жуда қийин ва мураккабдир. Шунга қарамасдан кўҳна, айни пайтда янги Ғубдин ҳақида, айниқса, XX асрдаги баъзи маълумотлар асосида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Албатта, қишлоқ тарихини ёзиш аниқ далилларга таянилиши, яъни ўтмиш қандай бўлса, уни шундайлигича ёритиш керак. Ўтган воқияларни бўрттириш ёки камайтириш, бадиийлаштириш айрим хатоликларга олиб келиб, ўқувчининг фикрини чалкаштириши мумкин.

Шуни айтиш керакки, мазкур қишлоқ тўғрисида “материал” кидирганимизда маълумотлар камлигини сездик. Бунинг сабаби, бир томондан қишлоқ ҳаётига ўша ҳудудда яшаб ўтганларнинг ва кейинги авлодларни эътибори камлигиданми ёки иккинчи томондан алломалар, олимлар, давлат раҳбарларини қишлоқдан кам чиққанлигиданми, ҳуллас қишлоқ ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар кам эканлиги маълум бўлди.

Афсуски, ушбу рисола бундан камида 15-20 йил олдин ёзилганда, унда қишлоқ ҳақида маълумотлар янада кўпроқ ҳолда мазмунлироқ бўларди. Чунки, қишлоқ тарихи, унда ўтган муҳим ибратли воқеаларни биладиган одамларнинг аксарияти ҳаётдан кўз юмганлар ва табиийки, кўп, муҳим маълумотларни ўзлари билан бирга олиб кетганлар. Шундай бўлса ҳам ҳар ҳолда ушбу рисолада қишлоқ тарихи ҳақида имкон қадар йиғилган маълумотлар бор.

Хусусан, XX асрда Ғубдин аҳолисининг қай тарзда ҳаёт кечирганлиги, қандай қийинчиликларни бошидан ўтказганлиги, қишлоқда қандай ўзгаришлар бўлганлиги ҳақида маълум даражада маълумотларга эгамиз. Албатта, булар катта қишлоқ тарихи олдида кичик бир лаҳзага қиёс қилгулик.

Эзгу ниятимиз ушбу рисола тўла-тўқис бўлмасада, келажакда бирор зиёлига Ғубдин ва мазкур қишлоқ мактаб тарихини батафсилроқ ёзишга манба бўлар деб умид қиламиз. Йиллар ўтади, ёш авлодлар улғайиб вояга етади. Албатта, ўшанда қишлоқнинг табиати, кўрки-таровати ва одамларни ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй беради. Келажак авлод кишиларига эса: “XX асрда кимлар бу манзил маконда яшаганлар ва улар халқ хўжалигининг ривожланишига ўзларининг қандай ҳиссаларини кўшганлар, турмуш тарзи, иқтисодий-маданий, маънавий, сиёсий фаолияти қандай кечганлигини...” ўрганиш зарурати туғилар. Шунда ушбу рисола озгина бўлсада тадқиқодчиларга ёрдам бериб, бирламчи материал бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз. Келгуси авлодларимиз қишлоқ ҳақида ўтган аждодларимиз бирор маълумот қолдирмаптилар, демасинлар.

Мен тарихчи эмасман, биолог-экологман. Айрим одамларни таклифи билан мен ана шу эзгу ишга кўл урдим. Ҳар ҳолда мен шу қишлоқда туғилиб ўсганим учун унинг табиатини, муаммоларини, турли йилларда яшаган, фаолият кўрсатган инсонларни кўрганман, мулоқотда бўлганман, уларнинг меҳнат фаолиятидан хабардорман. Шунинг учун бу ишга журъат этдим.

Рисолани ёзишда тарихий манбаълар, хусусан, Қарши туман архив материалларидан фойдаландик. Қишлоқда бўлиб ўтган воқиалар, одамларнинг ишлари ҳақидаги маълумотларнинг аксариятини ғубдинлик кекса кишилардан олдик. Маълумотлар тўплашда қишлоқ қарияларидан Нурматов Шароф, Шаропов Эрназар, Мустаров Хол, Йўлдошев Эргаш, Бердиев Ризоқул каби инсонларнинг кўмаги катта бўлди. Айниқса Йўлдошев Эргаш узоқ йиллар қишлоқ фуқаролар йиғинида масъул котиб бўлиб ишлаганлиги, шу боис қишлоқ аҳли ҳақида кўп маълумотларга эга бўлиши - мазкур рисолани ёзишда кўл

келди. Мактаб тарихи, унда ишлаган ўқитувчилар, битириб кетган ўқувчиларнинг келгуси фаолиятлари ҳақидаги маълумотларни эса Жўра Хидиров (ниёзмудинлик), Муродулло Очилов (ертепалик), мактаб тарих ўқитувчиси Майсара Ҳамроева, совхоз тарихи ҳақидаги китобни Ашир Қаюмов (пармитонлик), (у киши Самад Бозоровнинг “XXII партсъезд тарихи” китобни тақдим этди) бердилар. Китобдаги суратларни сураткаш Гадов Бекназар, Мейлиева Зарина, компьютерда кўлёмаларни ёзишда ўқитувчи Ҳамраева Сарвиноз, китобни чоп этилишига ҳомийлик қилган ----- ҳамда рисолаи тайёрлаш жараёнида ҳайрихоҳлик билдирган барчага ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Китобхон мазкур тадқиқот асар билан танишар экан айрим кишилар ҳақида маълумотлар тўлақонли, айримлари ҳақида эса қисқароқ ёзилганига дуч келади. Бунинг боиси биз маълумот олиш учун юзлаб одамлар билан суҳбатлашдик, муддаони айтиб ўзлари ёки яқинларини иш фаолияти ҳақида маълумот беришларини сўрадик. Айрим кишилар бир-икки кунда аниқ, тўлиқ маълумотлар ёзиб беришди. Айримларидан эса ойлаб, ҳатто йиллаб олаолмадик. Қайта сўраганимизда ҳатто эсимдан чиқибди, фалончага айтган эдим, деган жавобларни олдик ёки ёзган “битиклари”да муҳим маълумот йўқлигига амин бўлдик. Шунинг учун айрим кишилар ҳақида қисқа, умумий маълумотлар бериш билан чекландик.

Юқорида исм-шарифлари келтирилган кишилардан ташқари қишлоқ тарихи ва қишлоқда амалга оширилган ибратли ишларни биладиган, кишилар албатта бор. Эҳтимол улар билан учрашиб, суҳбатларини олаолмаган бўлишимиз ҳам мумкин. Шунингдек, баъзи одамлар воқиаларни баён этишда хатоликлар, англашилмовчиликлар ёки айрим кишилар тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Чунки, 60-70

йил олдин ўтган воқиаларни кексалардан эшитиб, қоғозга туширдик. Ўтган воқиаларни хотирлаб гапирган кишиларда баъзи ҳолатлар эсан чикқан бўлиши табиий. Бундай ҳолатларда улардан узр сўраган ҳолда, янги, аниқ маълумотларга эга бўлган тақдирда китобни қайта нашрига киритиш умидидамиз.

Рисолани охирида “Донолар ўгитидан” номли мавзу билан бундан бир неча юз, минг йиллар илгари ўтган донишмандларни китоб, соғлик, ҳаёт, кишиларни хулқ-атворлари ҳақида айтган фикрларни киритишни лозим кўрдик. Шояд уларни ўқиб, ўзларини ёки яқинларини турмушларига китобхонлар тадбиқ этсалар, ҳаётларига дуч келган муаммоларни ечимини топишларига, ҳаётларини мазмунли, гўзал ўтишига ёрдам беради деб ўйлаймиз.

1. ҚИШЛОҚ ТАБИАТИ

Ғубдин қишлоғи Қарши шаҳрининг ғарбий томонида, қарийб 7-8 км. узоқликда жойлашган. Қишлоқ шимолдан Ниёзмудин, Пармитон қишлоқлари, жанубдан Шойхўжа, Мирмирон, шарқдан Қозикенти, ғарбдан Қумата ва Хонён қишлоқлари билан чегарадош. XX асрнинг 30-йилларида Ғубдин Қозикенти қишлоғи билан бирлаштирилиб, колхозга айлантирилган ва чегара шарқ томондан темир йўлга қадар кенгайтирилган.

Йўллар. Ҳар бир жойни ривожланиши, ободонлиги учун йўлларнинг аҳамияти каттадир. Илгарилари Ғубдин қишлоғи орқали бир неча йўллар ўтиб, қишлоқни Қарши шаҳри, кўшни қишлоқлар, туманлар билан боғлаган. Жумладан, қишлоқнинг шимолий қисми орқали (Ниёзмудин қишлоғи билан Ғубдин ўртасида) ўтган йўл қишлоқнинг ғарб томонидаги Касби тумани қишлоқлари аҳолисини Қарши шаҳри билан боғлаган. Ғубдин қишлоғининг ўртасидан ўтган йўл Хонён, Ертепа, Қумата қишлоғи аҳолисини шаҳарга борадиган йўли бўлган. Қишлоқнинг жануб томонида, Шойхўжа қишлоғи яқинидан ўтган йўлдан Мирмирон, Бешкент атрофидаги кўп қишлоқларнинг одамлари Қаршига ўз юмушларини бажаришлари учун қатнаганлар. Айниқса, шанба, якшанба кунлари одамлар пиёда ёки от, эшак, араваларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтишар, қишлоқда гавжумлик яратишарди. Бундан ташқари қишлоқни бошқа қишлоқлар билан, Ғубдин қишлоғининг ўзини ҳар хил гузарлари билан боғлайдиган пиёдалар юрадиган йўллар ҳам кўп эди. Ҳатто, Қарши станциясига боришда (Шойхўжа қишлоғи орқали) шундай пиёда изма йўлдан юриларди. Бу йўллар ёзда тупроқ, қишда лой бўлган. Катта йўлларнинг чекка қисмида пиёдалар юрадиган қулайроқ ёлғизоёқ йўллар ҳам бўлган.

Ҳозирги даврда йўлларнинг ҳолати олдинги йилларга караганда бирмунча яхшиланган. Тош тўкилиб, асфальт ётқизилган. Машиналар ва пиёдаларнинг юриши анча қулай. Аммо, баъзи жойлари бузилиб қолган ҳолатлар ҳам учраб туради. Вақтида таъмирлаб турилса фойдаланиш муддати узайган бўларди.

1.1. Қишлоқда сув муаммоси

Маълумки, сув ўзининг эритувчанлик хусусияти билан табиатдаги барча ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, шунингдек инсонни ҳаётини таъминлаб турибди. Табиатда сувдан қимматбаҳо модда йўқ. Сувга нисбат олинадиган бўлса олтин, бриллиант, платина каби қимматбаҳо металллар, нодир тошлар ҳеч нарсага арзимайди. Чунки сув бор, ҳаёт бор. Сув бўлмаса, ҳаёт, тириклик бўлмайди.

Биз яшаб турган ҳудудда, шунингдек, Ғубдин қишлоқда сув азалдан муаммо бўлган. Илгарилари сув асосан воҳадаги бош дарё – Қашқадарёдан келган. Бошқача изоҳланганда ариқлар қазилиб, Бешкент ариғи орқали сув келтирилган. Олдин ўтган аجدодлар бу борада машаққатли меҳнат қилиб, қишлоқни сув билан таъминлаганлар. Ғубдин қишлоғи орқали қадимда 4 та ариқ оқиб ўтган (схема). Қишлоқнинг шимол томонидан “Дамшоқ” номли ариқ ўтиб, унинг суви ўша томондаги аҳоли томорқаларини, Толисортепагача бўлган экинзор далаларни сув билан таъминлаган. Қишлоқ ўртасидан “Ўрта шох” деб аталган ариқ ўтиб, у қишлоқ марказидаги аҳоли томорқаларига ҳамда қишлоқнинг ғарб қисмидаги Қумата, Хонён қишлоқлари яқинидаги экинзор далаларга қадар суви етиб борган. “Ўрта шох” дан кейин йирикроқ бўлган “Хонён ариғи” деб номланган ариқ оқиб ўтган. Бу ариқ орқали анча сув оқиб, у Қумата, Хонён, Ертепа қишлоқларини сув билан таъминлаган. “Хонён” ариғидан сўнг,


қишлоқнинг жануб томонидан “Тарнов ариғи” ўтган. Бу ариқ қишлоқни жануб томонида жойлашган аҳолига, Шойхўжа, Мирмирон қишлоқлари яқинидаги Ғубдинга тегишли экинзор далаларга сув етказиб берган. Битта қишлоқ орқали 4 та ариқни оқиши жуда кам ҳолат бўлган. Қишлоқнинг ободонлиги, кўркамлиги шу ариқлар орқали оққан сув туфайли бўлган. Бу ариқлар атрофида тут, ўрик ва бошқа мевали дарахтлар, тол, терак каби манзарали дарахтлар кўп экилган бўлган. Уларнинг атрофи ёзнинг жазирама иссиқ кунлари соя-салқин бўлиб, ўзига хос микроклим яратган. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам айрим жойларда тангадек офтоб тушмаган, деб кексалар гурунгларида айтишарди. Айниқса, суви кўп бўлган Хонён ариғида бир неча гумлар (чуқур, кенг) бўлган. Яъни ўша жойларни кенгайтириб, қазиб кўп сув тўпланадиган, чўмилишга қулай жойлар барпо қилишган. Ёзнинг жазирама иссиқ кунлари катта-кичиклар, айниқса ёшлар чўмилишиб, дам олишарди, ҳордиқ чиқаришарди.

Ариқлар ҳар йили қиш мавсумида қазилиб, тозаланарди. Бу иш “хайров” дейилиб, жуда машаққатли, қўл меҳнати билан бажарилган. Ҳайровда кўпинча мироблар (дастлаб Холмуродбек, кейинчалик Холиков Турсун - бригадирлар) бош бўлган. Ҳайров ариқларнинг энг юқори, яъни Қашқадарёдан ажраладиган жойидан бошланган. Ҳар бир қишлоқ аҳолиси ўзига тегишли жойларни қазिशган, чунки ҳар бир қишлоққа қазिश керак бўлган жойлар бўлиб берилган бўлган. Қишлоқ территориясидаги биз юқорида келтирган ариқлар ҳам қазиб, тозаланган. Шундан кейин баҳор ва ёз ойларида сув исроф бўлмасдан ариқлардан тез ва “ўйнаб” оққан.

Губдин қишлоғида XX асрнинг биринчи ярмига қадар мавжуд бўлган ариқлар (суғориш системаси) ва сув ҳавзаларининг карта схемаси

Пармитон қишлоғи

Ниёзмудин қишлоғи



Мирмирон қишлоғи

Шойхўжа қишлоғи

Ариқ сувлари билан нафақат экинлар, уй ҳайвонлари суғорилган, одамлар ҳам бемалол истеъмол қилишган. Чунки, сув тоза бўлган. Ариқ сувларига ҳеч ким ахлат, ювинди, мағзава тўкмаган. Бу – гуноҳ ва увол саналган. Оби ҳаётни тоза сақлаш ва сарфлаш хусусида кексалар ёшларга кўп панду насиҳат қилишган. Ҳозирги вақтга келиб эса айрим кишиларни тарбияси “ғовлаб” кетганлиги боисми, дарё ва ариқ сувларига ахлат ағдариш одат тусига кирган.

Инсон организмида қон оқиши учун қон томирлари қандай аҳамиятга эга бўлса, ҳар бир жой (қишлоқ) учун ҳаёт манбаи бўлган сув ва унинг “йўллари” ҳам шунчалик катта аҳамиятга эгадир. Унинг моҳиятини кишилар қадим замонлардан бошлаб билганлар. Бу ишларга (ирригацион) эътибор билан қараганлар.

90 ёшга кирган асли ғубдинлик (кўп йиллардан буён темир йўлда ишлаб, Қарши шаҳар Темирйўлчилар маҳалласида яшайди) Мустаров Хол бованинг айтишича, олдинги даврда (XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида) қишлоқда яшаган ака-ука Жўрабек, Абдуҳалимбек, Абдураимбек деган ишбилармон, давлантманд кишилар ўтган. Бухоро амири Амир Музаффархон ҳурмат қилиб уларга “бек” унвонини берган. Беклар мазкур ҳудудда, ҳозирги Қарши туманида мироб, мироббоши бўлганлар. яъни Каманди, Ҳарамжўй, Кўчқак, Ғубдин, Пармитон, Мирмирон, Ертепа, Хонён, Бешкент атрофидаги барча қишлоқларга борадиган Бешкент ариғи ва бошқа наҳрларнинг сувини тақсимлаганлар, назорат қилганлар, солиғини йиққанлар. Бухоро амири уларга шу масъул вазифани юклаган бўлган. Биз юқорида Ғубдинда ариқларнинг кўплиги ва сув билан яхши таъминланганлиги ҳақида фикр юритган эдик. Аммо, кимлар бу хайрли ишни бошида бўлганликлари бизга ҳали номаълум эди. Демак, Хол бованинг айтишларига кўра, юқорида келтирилган

инсонларнинг фаолияти туфайли қишлоқ сув билан яхши таъминланганлиги боис, кўркам ва обод бўлган. Азалдан шундай гап бор: “Сувга эгалик қилган сиёсатга эгалик қилади” (биз навбатдаги мавзуларда юқорида келтирилган кишиларнинг ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида яна қайтамиз).

Собиқ Иттифоқ даврида қишлоқда миробликни Холиқов Турсун бова олиб бордилар. Қиш фаслида ариқларни қазиш, кейин сув келтириш ва тақсимлаш ишларига кўпинча у киши бош бўлар эдилар.

Кейинги йилларда кўп ариқлар кўмиб ташланди. Бунинг сабаби Қашқадарёнинг суви камайиб, Бешкент, Хонён ариқларига сув келмай қолди. Қарши Бош Магистрал канали ўтказилиб, баъзи жойларда лотоклар –цемент қувур ариқлар ўрнатилди. Бундан ташқари аҳоли сони кўпайиб, баъзи жойларда, уларнинг яшаши учун ҳатто ариқлар ўрнида турар жой участкалари қуриб юборилди.

Ҳовузлар. Аҳолини сув билан таъминлайдиган ариқлардан ташқари, қишлоқда 10 дан ортиқ ҳовузлар ҳам бўлган. Мактабнинг ўзида 3 та ҳовуз бўлган, Ҳамро бованинг (Эшим Ҳамроевнинг отаси) ҳовузлари, Жаббор бованинг ҳовузлари, ҳозирги Ғубдин қабристонининг тўғрисида Ҳалим Қўзи деганнинг боғи бўлиб, унда 2 та ҳовуз, юқори масжид олдида ҳам ҳовуз бўлган. Булардан ташқари Дамшоҳ томонда ҳовуз бўлган, Дашт ҳовуз (ҳозирги идора яқинида), Бозор бованинг қудуқлари яқинида ҳам ҳовуз бор эди. Ҳовузлар атрофида тол, гужум каби манзарали дарахтлар экилиб, супалар қурилган. Ҳовуз суви ичишга, уй ҳайвонларини суғоришга ишлатилган. Атрофдаги дарахтлар микроклим яратиб, ёзнинг жазирама иссиқ кунлари супаларда дам олиш кишига ҳузур

бағишлаган. Ҳозирги вақтда қишлоқда бирорта ҳам ҳовуз қолмаган, бачаси кўмиб юборилган.

Қудуқлар. Ёзнинг иккинчи ярмида ариқларнинг суви қуриб қолган, аҳён-аҳёнда овондоз суви келган. Қишлоқ аҳолиси бундай кезде ҳовуз сувидан, кўпинча қудуқ сувидан фойдаланганлар. Қишлоқда бир неча тош қудуқлар ҳам бўлган. Одатда бундай тош қудуқлар аҳолининг уйлари яқинида, йўл ёқаларида, бошқача шарҳлаганда кишилар учун қулай жойларда ўрнатилган. Чунончи, қишлоқнинг шарқий қисмида, ҳозирги масжид яқинидаги тош қудуқ бунга мисол бўлади. Бу қудуқнинг суви анча сифатли, чучук бўлиб, одамлар асосан унинг сувини ичишга, чой ва овқатга ишлатишган. Кексаларнинг айтишича бу қудуқ қадимий сардоба ўрнида қурилган. Демак, илгари қишлоқда энг ноёб сув иншооти ҳисобланган сардоба ҳам бўлган. Ҳозирги кунда вилоятимизда сардобалар санокли. Қишлоқнинг ўртарағида ўтган асрнинг 50-йилларида колхоз раиси Жумаева Махфиратнинг ташаббуси билан тош қудуқ қурилган. У ҳозирги вақтда Отақулов Асаднинг ҳовлиси ҳудудида. Бу қудуқнинг суви ҳам анча сифатли. Қишлоқнинг ғарб қисмида Бозор буванинг тош қудуқлари бор. Бу қудуқ жуда серсув, аммо бироз тахирроқ эди. Ёз ойларида, қишда ҳам ундан ичишга, айниқса молларни суғоришга унумли фойдаланилган. Ўтган асрнинг ўрталарида колхознинг минглаб кўйлари, аҳолининг кўй-эчкилари, қорамоллари шу қудуқдан сув ичишган. Бир неча махсус охурлар бўлиб, сурув, пода келишдан олдин улар сувга тўлдириб қўйилган. Сувни кўпинча иккита бақувватроқ киши челақларга тортиб, охурларга тўлдириб, мунтазам равишда сув қуйиб туришган. Баъзан дор қуриб, уй ҳайвонлари (эшак) ёрдамида ҳам сув тортишган.

Шунингдек кудук сувини челақларда ташиб, рўзғорда ҳам ишлатишган. Кўчатларни, кичик жойдаги ўсимликларни суғоришга ҳам фойдаланишган.

Ҳозирги хўжалик идорасига яқин, Хонён ариғининг лабида Қурбонов Тамуродларнинг ҳам тош кудуқлари бор эди. Негадир ундан кам фойдаланиларди. Ҳозир бу кудуқ кўмиб юборилган. Дамшоқ томонда ҳам кўмилиб қолган кудуқ яқинда очилди. Юқорида келтирилган кудуқларнинг айримлари ҳозир ҳам бор. Улардан фойдаланиш лозим.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқда илгарилари ариқлар, ҳовузлар, кудуқлар кўплиги туфайли сув муаммоси унчалик қийин бўлмаган. Афсус, ҳозирда уларни кўпи кўмилиб кетиб, эътибордан четда қолган.

Кейинги йилларда кишилар ер ости сувини насослар ёрдамида тортиб, ундан фойдаланмоқдалар. Ҳамма жойдан ҳам чучук, сифатли сув чиқмайди. Аммо, ҳар ҳолда бу ҳам бир имконият.

Ҳозирги пайтга келиб қишлоқда сув муаммоси жуда кескин бўлиб турибди. Аҳоли ичимлик сувини сотиб олишади. Экинларни суғоришга ишлатиладиган сув эса кўп хонадонларга бир неча йиллардан буён етиб бормайди. Қишлоқнинг ғарбий қисмидан 1 км. ҳам келмайдиган масофадан насос, лотоклар ҳам ўрнатилган канал ўтади. Кўмилган ариқларнинг бир қисмини очиб (иложи борларини), лоток орқали қишлоқни юқори қисмидан пастга вақти-вақти билан сув оқизилса (эски йўл билан), кўп хонадонларни, далаларни сув билан таъминланишига имкон туғиларди. Келгусида сув муаммоси, турган гап борган сари кескинлашиб бораверади. Бу муаммони ҳал қилишга ҳозирдан киришилмаса, келгусида қишлоқ аҳолисининг ҳаёти

янада қийинлашиши мумкин. Баъзи жойларда каналдан 20-30 км. узоқликда бўлган қишлоқларда каналдан бир неча насослар орқали сув тортилиб, шу йўл билан аҳолининг сувга бўлган талаби кондирилмоқда. Қишлоқда канал яқин бўлса ҳам экинларга зарур бўлганда сув олиш муаммо бўлиб қолаяпти.

Масжидлар. Шўро ҳукуматига қадар қишлоқда бир неча масжидлар бўлган:

1. Ғубдин билан Қозикенти қишлоғи ўртасида “Юқори масжид” деб аталган масжид бўлган. Унинг олд қисмида кудук, ҳовуз бўлиб, масжид атрофи анча обод, кўркам бўлган. Шўролар даврида масжид бутунлай бузиб ташланган.

2. Ўрта кўча билан тарнов кўча ажралган жойда, ҳозирги масжид яқинида ҳам масжид бўлган. Бу масжид урушдан кейинги йилларда ҳам бор эди. Собиқ Иттифоқ даврида унда номоз ўқиш учун эмас, омбор сифатида фойдаланиб келинган. Кейин у бузиб ташланиб, бизнинг давримизда янгидан масжид қурилди.

3. Ўрта кўчанинг мактабга ажраладиган жойида, ҳозирги Раҳматов Неъматнинг уйи яқинида ҳам Холмуродбек қурдирган масжид бўлган.

4. Дамшоқда Инат бозор деган кишини уйи яқинида ҳам масжид бўлган.

Шўролар ҳукуматига қадар битта қишлоқда шунча масжидни мавжудлиги ўша даврда диний маданиятининг юқори даражага етказганлиги, номозхон кишиларнинг кўп бўлганлигидан далолат. Собиқ Иттифоқ даврида бу масжидларни кўпи бузиб ташланиб, ҳатто ўрни ҳам билинмай қолган.

Мустақиллик даврида берилган эркинлик туфайли қишлоқда олдинги масжидининг ўрнида янги масжид қурилди. Шунингдек, бир неча ғубдинликлар – Ҳамроев Эшим, Муродов Абдуқодир, Сирожиддинов Жуманазар, Тиловова Шодмонлар ҳаж сафарига бўлиб, барча ҳаж амалларини бажариб, хожи бўлиб келдилар.

1.2. Қишлоқнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида қишлоқнинг шимолий томони (Дамшок)да ва шарқий қисмларида, жанубида кўп чордеворлар, қаровсиз қолган токзорлар кўзга ташланарди. Демак, бу жойларда олдинги йилларда одамлар яшаганлар, боғ-роғлар яратганлар. Ҳар хил сабаблар билан улар турар жойларини ташлаб кетганлар ёки эркаклар фронтга кетиб боғларда ишлайдиган кишилар қолмаган. Қолганлар ҳам қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида пахта, ғалла, чорва билан банд бўлганлар. Баҳор ойлари тутларнинг новдалари ипак қурти учун кесилиб, хунук кўринишга келарди. Шунга қарамасдан баҳор келиб, кунлар исий бошлагач, далалар кўм-кўк ўт-ўланлар, хилма-хил экинлар билан қопланарди. Лолақизғалдоқ, кўзигул, чучмома, хилма-хил майсалар турфа рангда гуллаб, дашту-далалар гиламдек чиройли тус оларди. Қишлоқдан чиққан ҳар хил жонзотлар, жанубдан учиб келган лайлак, қалдирғоч, кўкқарға, қизиштион кабиларнинг ёқимли сайрашлари оламга тараларди. Ҳар бир хонадон эшиги қалдирғочлар учун очик бўлиб, бу беозор паррандалар одамларнинг уйлари шифтига ин кўярди. Қалдирғочнинг ёқимли сайраши кишига бир томондан хузур бағишласа, иккинчи томондан улар одамларни ҳар хил захарли ҳашарот ва ҳайвонлардан муҳофаза қиларди. Қалдирғоч ва бошқа қушлар баҳор ва ёз ойларида кўпайиб, кузда жанубдаги иссиқ мамлакатларга учиб кетарди.

Кўклам пайтида бутун тирик табиат уйғониб, унинг ўзгача гашти, файзи бўларди. Ҳаво мусаффо, ариқлардан тўлиб-тошиб тоза сув оқарди. Ўша пайтлари қишлоқ табиати кўркам, боғ-роғлар билан ўралган бўлиб, ўрик, олма, нок, шафтоли, гилосларнинг гули атрофни янада яшнатиб юборарди. 40-йилларнинг охирларида баҳор кунларининг бирида Толлисортепаннинг ёнбағирларидаги (жанубий томонида) кичикроқ тепа (Ахмад бобонинг “аланги” дейишарди)га исмалоқ териб бир неча болалар билан бориб қолдик. Тепанинг ёнбағрида кўзигул (дуккакдошлар оиласига мансуб) дейиладиган ўт шунчалик қалин, баланд бўлиб ўсганки, қарийиб 1-1,5 метрдан ошган. Анча катта худудда сап-сарик бўлиб гуллаб турибди. Устига ётсангиз, юмшоқ, пар кўрпадек. Атрофда хилма-хил қушларнинг ёқимли сайрашлари эшитилиб турарди. Бошқа жойларда, бу ўсимлик 1-2 қаричдан ошмасди. Кейинчалик ўйласам, унинг сабаби аввало ўша атрофда ёз, куз ойларида қўй сурувлари, подалар кўп боқилиши натижасида тупроқ таркибида органик ўғитлар кўп бўлган. Бундан ташқари ўша йиллари қишда қор, баҳорда ёмғир кўп бўлганлигидан кўзигуллар шундай қалин ўсган. Бу ўсимлик деярли ҳамма жойда учрайди, аммо ҳозирга қадар айнан шундай манзарани бошқа жойда учратмаганман. Албатта бошқа жойларда ҳам табиати гўзал, кўркам жойлар кўп.

Илгарилари нафақат ёши катта одамларнинг, балки болаларнинг ҳам кўп вақти далаларда ўтарди. Кимдир молини боқса, кимдир исмалоқ териш, ўт олиш ёки колхоз ишлари билан машғул бўларди. Даладан нафақат қўй, эчки, сигирлар, балки одамлар ҳам “тўйишарди”.

Айтмоқчи бўлганим, улар баҳор ойларида чучмома, ерёнғок, туятоппон каби ўсимликларнинг илдизмевалари, исмалок, қоқиўт ва бошқа ўсимликларнинг барглари истеъмол қилардилар. Улар тоза, фойдали ва тўйимли ҳам эди. Ҳозирги вақтда ўсимликларнинг кўплаб турлари йўқолиб кетди ёки жуда кам учрайди. Май ойларида тут, кейинчалик ўрик (зардоли) пишарди. Ариқ бўйларида, далалар атрофида бу дарахтлар жуда сероб эди. Ундан кейин қовун-тарвуз, узум кабилар, бири тугаса иккинчиси пишабошларди. Кўп мевали дарахтларни олдин ўтган ота-боболаримиз узоқни ўйлаб, эккан бўлганлар. Бу мевали дарахтлар, айниқса, уруш йилларида озиқ-овқат муаммоси қийин бўлганда одамларга яради, асқотди.

Илгарилари қишлоқлардаги деярли ҳамма ариқларининг бўйларида тут экилган бўларди. Бешкент ариғининг юқоридан бошланиш жойидан то охириги қишлоқ ариқларини тугаш жойига қадар ҳам тут экилган бўлган. Авваламбор, меваси ва ундан тайёрланган тут майиз, шиннилари йил давомида истеъмол қилиниши мумкин. Қолаверса, тут озуқабоплиги, тўйимлилиги ва дориворлиги жиҳатдан қимматбаҳо ширинлик маҳсулотларидан устун туради. Қадимда одамлар тут пишиғига етишса, қишдан эсон-омон чиқдик, дея шукрона қилишган. Тутнинг яна бир хосияти ипак қурти фақат тут баргини еб, энг қимматбаҳо ҳисобланган ипак тўқийди. Чунки, тут баргида оксил моддалар мўл бўлади. Шўро ҳукумати даврида ота-боболаримиз экиб кетган тутларнинг барги билан ипак қурти боқилиб, ипак етиштирилди. Тут дарахти танасидан бешик, музыка асбоблари ясалади, қудуқларнинг булоғини лой босиб қолмаслиги учун тут кундаларини қўйилган, чунки у узоқ йиллар давомида сув остида турса ҳам чиримайди. Тут дарахтининг таги тоза, теварак-атрофида микроклим яратилган бўлади. Шунини ҳам қайд этиш керакки, тут

дарахти иссиққа, совуққа, сувсизликка чидамлидир, яъни, бизнинг иқлимий шароит учун жуда қулайдир. Ўтган асрнинг 60-йилларида академик М. В. Муҳаммаджонов қишлоқ хўжалик ишлари бўйича маслаҳатчи қилиб Афғонистонга юборилади. У жойда афғонлар олимга бир кишининг томорқасида ўсган тут дарахтини кўрсатишган. Битта тут дарахт 15 сотих ерни эгаллаган экан. Хонадон соҳиблари тут пишганда еганларидан ташқари, 40 центнерчасини қуришиб, 20 центнер шинни ҳолида ҳам ҳосил олишган. Яъни битта тут дарахти эса кичикроқ бир қишлоқ аҳолисининг ширинликка бўлган талабини тўлиқ қондирган.

Шунчалик муҳим аҳамиятга эканлигини эътиборга олиб, қадимда олдинги одамлар “Битта тут дарахти Қуръон ўқийдиган бир ўғилга тенг”,-деб бекорга унга юқори баҳо беришмаган.

Қуръон ўқийдиган ўғил ким? Энг обрўли, топармон, хурматли киши бўлган. Илгарилари тут дарахтини кесиб ташлаш бутунлай маън этилган. Ҳатто қуриганини кесиш учун ҳам масжиддан бирор мулла таклиф этилиб, сўнг икки киши тутнинг қуриганлиги ҳақида гувоҳ берсагина кейин кесишга рухсат этилган.

Ўша йиллари тут ипак қурти боқишда катта режа белгиланарди. Тут барги энди ҳосилга кираётганда кесиларди, натижада унинг меваси одамларга насиб этмай қоларди. Шунинг учун тутга одамларнинг қизиқиши қолмади. Кейинги йилларда пилла қурти боқиш анча камайди, тут дарахти яна кўпая бошлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) соғлиқни сақлаш бўлимининг аниқлашича, бурушка деган халқ дунёда энг соғлом, кам касал бўлар ва узок умр (ўртача 130-140 йил) кўрар экан. Улар Кашмир билан Хитой чегараси орасида Хунза деган жойда

яшайдилар. Бурушкаликларнинг узок умр кўришлари сабабини аниқлаш мақсадида БМТнинг мутасадди бўлим ходимлари экспедиция уюштиришди. Текширишларда шу нарса маълум бўлганки, бу халқнинг суткалик овқати таркибининг 70-80 %ини ўрик меваси ташкил этаркан. Яъни, бурушка халқининг узок умр кўриш сабаби кўп ўрик истеъмол қилганликларидан эканлиги маълум бўлган. Ўрик мевасининг таркибида шакар, оксил, ёғ, витаминлардан ташқари организм учун зарур бўлган 18 га яқин микроэлементлар ҳам мавжуд. Айниқса, калий элементи юрак фаолиятини яхшилашда, организмда биоток ҳосил бўлишида катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз мевали дарахтларга, айниқса ўрикни кўпайтиришга азалдан ҳам катта эътибор берганлар. Илгарилари ўнлаб ўрик навлари (оқ ўрик, аҳрори, кўк пишар, руҳи жувонон ва бошқалар) бўлиб кўплаб ўрикзор боғлар барпо этилган. Қишлоқда ҳар бир кишининг томорқасида ўнлаб ўрик дарахти бўларди. Чунки, улар ўрик мевасининг тўйимли, киши соғлигини мустаҳкамлашда энг фойдали ва доривор озуқа эканлигини яхши билишган. Уруш йиллари ва ундан олдин одамлар ўрик мевасини кўп истеъмол қилганлари учун юрак ва қон томир касалликларига жуда кам учраганлар. Москвадаги Большой Театр жамоаси 70-йилларда Япониянинг Токио шаҳрига ижодий сафарга борганларида солистлардан бирининг юраги оғриб қолади. Театр вакилларида бирини аптекага дорига юборишади. У олиб келган дорини қутисини очиб кўрсалар, 8-10 та қуритилган ўрик бор экан... “Боғида ўриги бўлмаган кишиларга қиз ҳам берма, қизини ҳам олма”,- деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Шунини қайд этиш керакки, бизнинг иқлим шароитида ўрик дарахти яхши ўсади. Иссиққа, совуққа, сувсизликка чидамлидир, кам меҳнат талаб қилади.

Қишлоқ аҳолиси қадимдан узумчилик соҳасига ҳам катта эътибор берган. Чунки, узум жуда сифатли, озуқабоп, мевасини эса хўл ва қуруқ ҳолда йил бўйи истеъмол қилиш мумкин. Токни экиш, кесиш, парвариш қилиш, қишнинг қаттиқ совуғидан муҳофаза қилиш каби агротехник қоидаларни олдинги аجدодларимиз яхши билишган. Илгари деярли барчани томорқасида бир неча жўяк (имкониятига қараб) тоқлар мавжуд бўлган. Бундан ташқари 40-50-йилларда жамоа хўжаликларида алоҳида боғлар ҳам кўп эди. Ўсимликнинг вегетация даврида (яъни баҳор, ёз ойларида) тоқзорлар бирор марта ҳам суғорилмасдан, ундан юқори ҳосил олинган. Бунинг учун, авваламбор тоқ кўчатлари 1-1,5 метр чуқур экилган, ҳар баҳорда тоқ кундаларига ишлов берилганда юқоридаги илдизлари кесиб ташланиб, энг чуқурдаги йирик илдизлари қолдирилган, яъни пастдаги илдизлари чуқурга кетиб ер остидаги сувдан озиқлантирилган. Юзаки илдизлари кесиб ташланганлиги сабаб ривожлантирилмаган. Боиси, агар юзаки илдизларигина қолдирилса, чуқурдаги илдизлари ривожланмайди. Ёз ойларида сув танқис бўлганлиги учун тоқларни суғориш имкони бўлмайди, тоқ қуриб қолиши мумкин.

Ўша даврда Қарши яқинидаги Ғубдин, Қозикенти, Каманди, Лағмон, Ҳарамжўй ва бошқа қишлоқларда узумчилик жуда ривожланган бўлиб, хусайни, маска, қора қишмиш, оқ қишмиш, соҳиби, тоифи, тўкилма ва бошқа турли навлари экилган. Қарши узуми халқаро кўргазмаларда бир неча марта олтин медал билан тақдирланган. Бундан анча йил олдин бир кекса киши гурунги ёдимда. Қадимда Қарши томондан Маккага ҳажга борганлар маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиб, -“Биз томонларда хусайни узум бўлади!- деганда араблар ишонмасдан, - “Бу гап ёлғон, хусайни узум фақат жаннатда бўлади!”-деган эканлар. Зиёратга борган қаршилик ҳожилар

кейинчалик хусайни, маска узумни майизини олиб боришибди. Чунки, ўша даврдаги хўл ҳолдаги узумнинг олиб бориб бўлмаган. Зиёратчилар от, эшакда бир неча ой юриб, аранг етиб боришган. Хусайни узумнинг майизини еб, ишонч ҳосил қилган араблар: - “Сизларнинг жойларингиз ҳақиқатдан жаннат экан!”-дея таъриф берган эканлар.

Аҳоли биз юқорида келтирган тут, ўрик, узумдан ташқари олма, олча, беҳи, шафтоли, анор, анжир ва бошқа мевали ўсимликларни ҳам экиб, парваришлаган. Аммо, уларга нисбатан тут, ўрик, токларни жуда кўп экишган. Чунки, бу ўсимликлар мевасини йил бўйи истеъмол қилиш мумкин. Ҳатто улар зарур пайтда овқат ўрнини ҳам боса олган. Бу ўсимликлар албатта, ўзидан-ўзи кўкариб, мева берган эмас, балки соҳибкор инсонларнинг машаққатли меҳнати эвазига вояга етказилган.

Ҳозирги ёшларга ўлкамиз табиати илгари шундай эди десак, уларнинг тасавурида бундай таъриф бироз бўрттирилгандек туюлади. Чунки, улар ҳозирда баҳор ойларида далага чиқишса, ҳайдаб ташланган қорамтир шудгорни-ю, зараркунанда қарға ёки майна каби қушларни кўришади, холос.

Нима учун тирик табиат қисқа муддатга бунчалик инқирозга учради? Бунинг асл илдизи турғунлик йилларида ўлкамизда ҳукм сурган пахта яккаҳокимлиги деҳқончиликка, табиатдаги турли хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жиддий зарар келтирганлигига бориб тақалади. Пахта майдонларини кенгайтириш баҳонасида мевазор боғлар, токзорлар кўпориб ташланди. Ҳар хил ҳайвонлар яшаши, ўсимликлар ўсиши учун қулай бўлган бутазорлар, чакалакзорлар текисланиб юборилди.

Губдин қишлоғида ҳам бундай ғайритабiiй ишлар кўп қилинди. Бунинг устига ўша йиллари қишлоқ хўжалигига ўта захарли кимёвий моддалар ДДТ, гексохлоран, меркаптофос, бутифосларни самолётлар орқали сепилиб, кенг миқёсда қўлланилди. Қишлоқдаги эски уй ва айвонлар, шийпонлар ҳар хил кимёвий моддалар, маҳсулотлари билан тўлдирилиб юборилди. Улардан чиққан кўланса, захарли ҳидлардан атрофдаги кишилар азият чекишди. Айниқса, ёши катта қариялар ҳам бундай ҳолатни яхши эслайдилар.

Мустақиллик шарофати билан қишлоқ хўжалигида турли хил захарли кимёвий препаратларни қўллаш тартибга олинди. Яъни, ДДТ, гексохлоран, меркаптофос, бутифос каби захарли кимёвий моддаларни қўллаш таъқиқланди, самолётлар ёрдамида сепиш тўхтатилди.

Кейинги йилларда янги мевали боғлар, токзорлар барпо қилинапти. Шахсий томорқаларда тутлар экилмоқда. Албатта бундай ишлар қувонарли. Аммо ҳамма жойда бу дарахтларни экилиш тартиби, агротехник қоидаларини тўғри деб бўлмайди. Хусусан, ҳозирги даврда экинзор далалар камайиб бораётган вақтда ердан унумли фойдаланиш учун дарахтсимон ўсимликларни дала атрофида ихота дарахтларига ўхшатиб экиш лозим. Бунда ҳар доим дала ўртасида бошқа экин экилиб (буғдой, пахта, полиз ва сабзавот ва бошқалар) ердан унумли фойдаланиш имкони туғилади. Баъзи йиллари, дарахтлар гуллаган пайтда аёз туфайли уларнинг гулини совуқ уриб, ҳосил бермай қолади. Бундай вақтда даланинг ҳамма жойида ўсимлик бўлса ерга бошқа экин экиб бўлмайди. Дарахтсимон ўсимликларни дала атрофида ихота дарахтларига ўхшатиб экиш эса ёзнинг иссиқ пайтида гармсел шамолини қайтаради ҳамда ер ости сувини сўриб, улар табиий дренаж вазифасини ҳам бажаради.

Биз айтган фикрлар албатта, янгилик эмас. Олдин ўтган аждодлар ҳам шундай тартибда экишни яхши билганлар. Боиси, уларда деҳқончилик маданияти юқори бўлган.

Ёши кексалар яхши билади, Ғубдин қишлоғида Эгамберди бобонинг зардолзор боғи шундай тартибда эди. Кўп одамлар ўзларини шахсий томорқаларида кўчатларни шундай тартибда экиб, боғ яратганлар. Бундан ташқари боққа ҳар хил ўсимлик экилган. Уларнинг барчасига қуёш нури яхши тегиши эътиборга олиниши керак. Яъни ўсимликларнинг паст бўйлилари қуёш томонга, ундан кейин баланд ўсадиган кўчатларни ўтқазиш керак.

Баъзи жойларда нисбатан яқинда барпо қилинган боғларни қурилиш баҳонасида айрим “зўравонлар” тап тортмай ўз манфаатларини кўзлаб дарахтларни кесиб юборишади. Улар бу боғларни барпо этишда қанча меҳнат, ҳаражат сарф бўлганлигини, келгусида бу боғлар одамларга фойда етказишини ўйлаб ҳам кўришмайди. Ҳолбуки, бундай нохуш ҳолатлар ҳақида радио, телевизор, газеталар орқали қанча эшиттиришлар берилган ва берилмоқда.

Афсуски, ҳозирги даврда кўп ёшлар, айниқса, шаҳарда ўсаётган болалар кўчат экиб, уни парвариш қилишга қизиқишмайди. Уларнинг кўпи компьютерни, машина ҳайдашни яхши билишади. Албатта, бу ишларни ҳам билиш керак. Чунки, ҳозирги даврда кўп ишлар улар орқали тез битади. Энг ачинарлиси кўпчилик ҳозирги ёшлар ўсимликларни парвариш қилишни аҳамиятсиз иш деб тушунишади. Бу ўринда қайд қилиш керакки, ўсимликларни парвариш қилиш - компьютер, техник жиҳозларни бошқаришдан муҳимроқ. Биз юқорида айтганимиздек, ўсимликлар тирик организмлар учун ҳаёт манбаи

бўлган кислородни етказиб бериб туради. Қанчадан-қанча машина, самолётлар мотори ўсимликлар чиқарган кислород орқали ишлайди. Озиқ-овқатимизни, доривор моддаларни, қурилиш материалларини, ёқилғини ҳам ўсимликлардан оламиз. Ўсимликлар сув ҳажмини кўпайтиради, иқлимни қулайлаштиради ва ҳоказолар. Бир сўз билан айтганда сайёрамизда мавжуд бўлган ҳаётни ўсимликлар таъминлаб турибди. Айтмоқчи бўлган фикрим, ҳар бир киши ўсимликларни кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшса, демак у ҳаётни яхшилашга ўз ҳиссасини қўшган бўлади. Ҳадисларда “Умрингдан бир кун қолса ҳам кўчат экиб кет,”- деб бежиз айтилмаган. Ёки киши дунёга келиб умр давомида битта кўчатни экиб, вояга етказиб кетса, унинг умри бекорга ўтмабди, дейилган. Шунинг учун олдинги ўтган аجدодларимиз ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини яхши билиб, уни экишга, парвариш қилишга катта эътибор беришган. Табиийки, келгуси авлод бу ишларни давом этдириб, ўсимликларга бўлган муносабатини ижобий тарзда ривож топтириш лозим.

2. ҒУБДИН ҚИШЛОҒИНИНГ ТАРИХИ ҲАКИДА


“Мозийга назар ташлаб иш тутмоқ хайридир”.

Абдулла Қодирий.

Ғубдин қишлоғининг қадимийлигини кўрсатувчи асосий омил ва далиллардан бири, унинг ғарбий томонида жойлашган Толлисортепадир.

2.1. Толлисортепа

Бу улкан тепа 15 гектар майдонни эгаллаган.



1-расм. Толлисортепанинг олдинги даврдаги кўриниши.



2-расм. Толлисортепанинг ён багридан кесиб ўтган Қарши Бош Магистрал каналининг кўриниши.

Тадқиқодчи Ш. Шаропов (2010 й.) тарихчи олимларнинг фикрларига суянган ҳолда, бу улкан манзилгоҳни ўрта асрларда катталиги жиҳатдан вилоятда Нахшабдан кейинги ўринда турган шаҳарлардан бўлган, - деб ёзади. Тарихий манбаларда келтирилишича, қадимги Нахшаб шаҳрининг тўрт дарвозаси бўлган: Бухоро, Самарқанд, Кеш (Шаҳрисабз) ва Ғубдин дарвозалари. Нахшаб шаҳрининг дарвозаларидан бирига “Ғубдин” номини берилиши Ғубдин қишлоғининг мавқеи ўша даврда ҳам юқори бўлганлигини билдиради. Ғубдин дарвозасидан чиққан йўл қишлоқ орқали Касби, Туркманистон томон кетган. Нахшаб ва Ғубдин оралиғи қишлоқлар билан туташ бўлган (Каманди, Қозикенти). Шу ораликда Ғубдин қишлоғи энг йирик аҳоли пункти саналган. Солномачилар Ғубдинни йирик қишлоқ

деб алоҳида қайд этишган. Унинг шаҳар типигаги манзилгоҳ бўлганлигини ўзига хос уч белги: – Қўрғон, Шаҳристон (атрофи истехком қўрғонлар билан ўралган шаҳар марказий қисми), Робот (қўрғонда соқчилар турадиган жой) қолдиқлари кўрсатади. Булар яқин йилларга қадар Толлисортепа яқинидаги кичик тепаликлар кўринишида мавжуд эди. Уларни аҳоли Бўстоннинг аланги, Ахмад бобонинг аланги деб ҳам юритишган. Ўша даврда бульдозер, кран, трактор каби техника воситалари бўлмаган. Одамлар меҳнати воситасида тепада турар жойлар, истехкомлар қурганлар, сув чиқарганлар. Бу юмушлар бошида билимдон кишилар турган. Кейинги йилларда бу кичик тепаликлар бульдозерлар билан текисланиб, ўрни экинзор далаларга айлантирилиб, канал ўтказиб юборилди (2-расм).

Қадимшунос Б.Д. Кочнев (1977 й) фикрича, Толлисортепа - эрамизнинг биринчи асрларида кичикроқ аҳоли манзилгоҳи сифатида юзага келган. VI-VIII асрларга келиб ҳудудда ривожланиш даражаси кўтарилиб, шаҳар кўринишини олади. Олим фикрича ҳозирги Ғубдин қишлоғининг асосий ўрни Толлисортепа ва унинг атрофида бўлган. IX асрга келиб Шаҳристон атрофида Робот ҳам қад кўтарган. Унинг жами эгаллаган майдони 50 гектардан ошган. Шундай қилиб ҳозирги Ғубдин ўтмишдаги Толлисортепа ўрнида пайдо бўлган. Ўз даврида бу манзилгоҳ йирик шаҳар ҳисобланиб, кейинги даврларда ҳам анча вақт сақланиб турган. Қадимшунос олимларнинг маълумотига кўра Толлисортепада ҳаёт XIII асрда, яъни Чингизхон босқинчилари бостириб келган даврда тўхтаган. Душманнинг ваҳший кўшинлари ҳамма жойни хонавайрон қилиб, аҳолининг аксарият қисмини қириб ташлашган. Инсоният тарихида босқинчилар кўп ўтган, аммо Чингизхондек бешафқат, ваҳшийси бўлмаган.

Шунингдек, Ш. Шаропов (2010) қадимшунос С.Б. Лунина фикри асосида ўрта асрларда Толлисортепа ўрнида “Ғубдин” деган каттагина шаҳар фаолият кўрсатганини келтиради. Чингизхон босқинидан сўнг аҳоли тепанинг шарқий қисмига силжиб, ҳозирги Ғубдин қишлоғи ўрнида кўним топган. Бир неча ўн йиллар олдин одамлар тепа яқинидаги далаларда ишлаган пайтларида ҳар хил қадимги ноёб буюмларни топишган.

Келтирилган қисқа маълумотлар ва фактлар Толлисортепа ва унинг атрофида ўша даврда ҳаёт қайнаганини, ҳунармандчилик ва маданият ривожланганлигини кўрсатади. Толлисортепа билан боғлиқ воқеалар ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва табиийки, келгусида у ўз тадқиқодчиларини кутаяпти. Унда кўп сир-синоатлар яшириниб ётибди.

Қарши Бош Магистрал канали қазилаётганда бироз четлаб ўтказилмасдан, тепанинг бир қисмини кесиб, канал ўтказилган. Ҳолбуки, тепа қадимги ёдгорлик сифатида бутунлигича сақланиб қолинганда мақсадга мувофиқ бўларди. Ўша даврда мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлиги туфайли ана шундай иш содир қилинган. Ҳолбуки, бундай тепалар давлат муҳофазасида туради. Бундан ташқари Ғубдин қишлоғининг асосий ўрни бўлган тепа, ҳозирда қишлоқдан ажралиб, “ғариб” кўринишда бўлиб қолган.

Номшунос олим, профессор Т. Нафасов (2009 й.) фикрига кўра, Ғубдин қишлоғининг қадимий ўрни, ҳаробаси – Толлисортепа. Ғубдин номининг тарқибий қисми ғўб + дин. Таркиби ўзгариб кетган. Қадимий шакли – ғуб / хуф / куф / кўх / сўзи тоғ, баландлик сўзини билдирган. Сўнгги қисми – дин / диз / дех/ сўзи эса кўрғон, қалъа, қишлоқ маъносида қўлланилган. Ном таркибидаги икки сўз ҳам товуш ўзгаришига учраган. **Яъни Ғубдин сўзи баланддаги кўрғон ёки**

баланддаги қишлоқ деган маънони билдиради. Жиззах вилоятида Ғубдин деган тоғ бор. Ушбу тоғ бағридаги қишлоқнинг номи ҳам – Ғубдин. Толлисортепа номи эса сўнгги даврлар маҳсули. Қадимги Ғубдин қалъасининг вайронаси Толлисор деб аталган. Тал – тепа, сор – кўрғон, яъни, кўрғондан қолган тепалик деган маъно келиб чиқади.

Илгари Толлисортепада қишлоқ аҳолиси Наврўз байрамини, турли сайилларни ўтказишган. Байрам ва сайилларда курашлар, ҳар хил ўйинлар ташкил этилган. Айниқса, Наврўз байрамида хилма-хил таомлари тайёрлашиб, кенг дастурхон атрофида барча қишлоқ аҳли баҳор байрамини ўтказиш урф бўлган. Кексаларнинг айтишича, наврўз сайиллари жойларда бир неча кун узлуксиз давом этган. Сўнг баҳорий деҳқончилик ишлари бошлаб юборилган. Яқин йилларда, яъни 40-50-нчи йилларда мактабда спорт иншоотлари бўлмаганлиги сабабли мактаблардан келган футболчилар билан футбол ўйини Толлисортепада ўтказиларди. Баҳор фаслида қишлоқ болалари Толлисортепада молларини боқишар, бўш фурсатларда ҳар хил ўйинлар ўйнашар эдилар.

2.2. Ғубдинийлар.

Тарихий манбаларда келтирилишича, ўтган асрларда бу қишлоқдан бир қанча олимлар - Ғубдинийлар етишиб чиққан. Хусусан, Абдуллоҳ Абдулҳомид Саид тузган “Ўрта Осиё олимлари қомуси” (Тошкент, 2007) номли китобда 654 – Ал - Ғубдиний Насафнинг қишлоқларидан бири, ўша даврда унда бир қанча олимлар етишиб чиққанликларини келтиради:

- **Ал-Хасан ал-Ғубдиний.** Тўлиқ исми Ал-Хасан ибн Абдуллоҳ, ибн Муҳаммад, ибн ал Хусайин, ибн Муадал Ғубдиний. У уламо(олим, шариат қонунларини, диний билимларни мукамал биладиган мулла)лардан. Уламолар ҳам у кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

- **Муҳаммад ал-Ғубдиний.** Тўлиқ исми (Абулҳасан) Муҳаммад ибн Нуайм ибн Исҳоқ ибн Убайдуллоҳ, ибн Ҳотам ибн Ўидод ибн Саид ал-котиб ал-Ғубдиний, ал-Ҳаким аш-Шаҳид Абул Фазл ас-сулламаий ал-вазир ал-Ҳанафий – ёзувчи бўлган. Бу киши уламолардан, уламолар ҳам у кишидан ҳадис ривоят қилганлар (991-йилда вафот этган).

- **Ал-Ҳусайн ал-Ғубдиний.** Тўлиқ исми (Абу Нуайм) Ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Нуайм ал-Ғубдиний – мазкур Абдулҳасаннинг ўғли. У киши ғоятда ҳақгўй, ишончли, кўп ҳадисларни билувчи солиҳ бир киши бўлган. Илм олиш мақсадида Хуросон, Ҳижоз ва Ироққа сафар қилиб, кўп устозлардан таълим олган. Бухоро, Насо ва Боғдодда таниқли олимлардан ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадислар ривоят қилганлар (952-1035 –йилларда яшаб ўтган).

- **Ал-Алоъ ал-Ғубдиний (Абул Ҳусайн).** Ал Алоъ ибн Муҳаммад ибн Нуайм ал-Ғубдиний – Абу Нуайм ас-Содиқнинг биродаридир. У уламолардан, уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар (1018 йилда вафот этган).

- **Ал-Ҳасан ал-Ғубдиний (Абу Али)** ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Ал-Ғубдиний ал Батахдоний-қори, фозил, солиҳ бир инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар (1097-1156-йилларда яшаб ўтган).

- **Абдуллоҳ ал-Ғубдиний (Абу Муҳаммад)** Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Муҳаммад, ибн Ҳошим ал-Ғубдинийдир. Бу киши ёзувчи бўлиб, асосан Бухорода яшаган. У киши ҳам уламолардан, уламолар у кишидан ҳадис ривоят қилганлар (1029 йилда вафот этган).

- **Муҳаммад ал-Ғубдиний** (Ал Қозий Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Мансур ал-Ғубдиний ан-Насафий. У ўз даврининг

фозил имоми сифатида танилиб, узоқ йиллар Самарқандда бош қози лавозимида фаолият кўрсатган. У бир гуруҳ олимлардан, олимлар ҳам ундан ҳадислар ўрганганлар (1111-йилда вафот этган).

Тарихчи олима Ражабова Нилуфар (2010) ўрта асрлар олими Самъони келтирган маълумотлари асосида Ғубдиндан чиққан, ҳадислар тўплаган яна бир қанча таниқли кишилар ҳақида маълумот беради:

- *Абул Ҳасан ал-Котиб ал-Ғубдини (992-йилда вафот этган).*
- *Абу Наим Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ғубдини (Абдул Ҳасан ал-Ғубдинининг ўғли) 1037-йилда вафот этган).*
- *Абул Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ғубдини (Абдул Ҳасан ал-Ғубдинининг акаси, 1019-йилда вафот этган).*
- *Абу Али Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Ғубдиний ал-Батхудани (1099-1157-йилларда яшаб ўтган).*
- *Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний (Бухорода яшаган, ўқиган. 1030-йилда вафот этган).*
- *Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Ғубдиний ан-Насафий. (Самарқандда қози вазифасида ишлаган. 1112-йилда вафот этган).*

Соҳа мутахассисларининг фикрича яна бир неча Ғубдинийлар бўлган. Юқорида Ғубдиндан чиққан таниқли инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти асосан X-XI асрларга тўғри келади. Демак, ўша йилларда Ғубдин, Насаф, умуман шу атрофда фан, маданият ривожланган бўлган. Албатта, ўша даврда яшаб ўтган ғубдинлик олимлар, уламолар ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган деб бўлмайди. Топиб, аниқланиши лозим бўлганлари ҳам табиийки, кўп бўлса керак. Ғубдиний олимлар яратган асарлар ҳақида ҳам маълумотлар жуда кам. Йиллар давомида улар яратган китоб ва қўлёзмалар йўқолиб

кетган бўлиши мумкин. Эҳтимол, китобларнинг кўп қисми чет эл кутубхоналарида сақланаётгандир. Уларни топиш, ўрганиш, албатта келгуси авлоднинг вазифасидир.

2.3. XX асрнинг бошида қишлоқ ҳаёти

XX асрнинг 80-йилларида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Чингизхон бостириб келганида ушбу минтақадан 3 млн. (кейинчалик 4 млн.) китоб ва қўлёзмаларни олиб кетганлиги ҳақида маълумот берилганди. 90-йилларнинг охирида Тошкентда “Табиатни муҳофаза қилиш масалалари” бўйича йиғилиш бўлди. Мен ҳам ушбу анжуман қатнашчиси эдим. Шу йиғилишда таниқли давлат ва жамоат арбоби Н. А. Муҳиддинов “Қадимги ёдгорликларни муҳофаза қилиш” мавзусида маъруза қилдилар. Шунда, маърузачидан Монголияга олиб кетилган китобларни қайтариш бўйича бирор чора кўрилаяптими, деб сўраганимизда, у киши икки марта делегат юбордик, аммо монголлар делегатларни ҳатто кутубхонага ҳам киритмадилар, деган жавобни берган эдилар. Демак, бу китоблар ҳануз Монголия ёки бошқа жойларда яшириб қўйилган ёки йўқотиб юборилган.

Табиийки, бир неча юз йиллар давомида қишлоқдан чиққан, ҳозирги вақтда исмлари маълум бўлмаган улуғ алломалар, ўз даврининг зиёлилари, ҳунармандлар, хон ва бекларга хизмат қилган мўътабар кишилар кўп бўлган. Эҳтимол, келгусида улар ҳақида тарихчи олимлар тадқиқот олиб боришиб, қимматли маълумотларни ёзишар.

Олдинги мавзуда келтирилган Ғубдин орқали тўртта ариқ орқали сув оқиши ва қишлоқни кўркамлиги Жўрабек, Абдуҳалимбек, Абдурайимбек каби инсонларнинг ташаббуси билан бўлган. Жўрабек ака-укаларнинг энг каттаси бўлиб, у кишини Турдибек, Холмуродбек деган ўғиллари ҳам бўлган. Турдибекдан Рўзи, Латиф деган ўғиллар,

Матон деган қиз қолган. Турдиев Рўзи, Латифлар йирик гавдали, соғлом, ишбилармон кишилар эди. Уларнинг ҳаммаси кейинроқ шаҳарга кўчиб кетиб, яшаб қолишган. Турдиев Рўзи урушдан кейинги йилларда шаҳар милициясининг бошлиғи вазифасида ишлаган. Укалари Турдиев Латиф узоқ йиллар Муллатўйчи Тошмухаммедов номидаги Қашқадарё вилояти музыкали ва драма театрида артист, кўп йиллар театрда партком вазифасида ишлаб, жамоа ўртасида катта обрўйга эга бўлган. Турдибекни қизлари Матон бозорда ишлаган. Жўрабекнинг иккинчи ўғли Холмуродбекни хонадони ҳозирги мактаб ўрнида бўлган. Холмуродбекнинг қатор, шинам уйлари кейинчалик мактабга айлантирилиб, синф хоналари, ўқитувчилар учун яшаш жойлари қилиб олинган. У кишининг жуда катта боғи ҳам бўлиб, ҳар хил мевали дарахтлар, токзор, анорзорлар 50-60-йилларга қадар мавжуд эди.

Холмуродбек чиройли, ясантирилган отида шаҳарга отланганда Қозикенти, Каманди қишлоғидаги йўлларда ўтирган одамлар ўзларини четга олиб, унга йўл берганлар, саломлашиб, ҳурматини ўрнига қўйганлар, деб эслайди Хол бова. Холмуродбек вафот этгач (у кишининг боласи бўлмаган) уй-жойлар хизматкори Қовулбек деган кишига қолган. Кейинчалик эса Холмуродбекнинг хонадони мактабга айлантирилган. Хол бованинг айтишича, Ғубдин мозори ўртароғида Файзиев Шодмон қабрининг яқинида иккита мармар тошлар қўйилган қабрлар бор. Шулардан бири Жўрабекнинг, иккинчиси Холмуродбекнинг қабрларига қўйилган тошлардир, яъни ота-болани қабрларидир.

Жўрабекни укаси Абдихалимбекнинг уйи қишлоқ кенгаши идораси яқинида бўлиб, дастлабки бошланғич мактаб у кишининг

хонадонида очилган. Кейинчалик мактаб Холмуродбекнинг хонадонига кўчирилган.

Жўрабек ва Абдихалимбекларнинг укалари Абдирайим бўлиб, у киши хожи бўлган (Шукур аканинг отаси). Шунинг учун Шукур акани Ҳожиев деб ҳам айтишган. Абдирайим хожи 1893 йилда Бухородан усталарни келтириб, ўзларига нақшдор, чиройли, кўркам уй қурдирганлар. Ўша йиллари Бухоро амири Ғубдинга ташриф буюрганда мазкур хонадонда меҳмон бўлган. Қарши шаҳридан қишлоққа қадар (қарийб 8 км) йўлга сув сепилиб, супурилиб амирнинг отини йўлига поёндоз тўшатишган. От поёндоздан юриб ўтгач, гиламлар йиғиштирилиб, олдинга тўшатишган. Амир Олимхон Шукур аканинг отаси Ҳожи бобонинг гулдор нақшли меҳмонхонасида (кейинчалик сельсовет идораси бўлган) меҳмон бўлган. Бухоро амирининг ҳурматига уч қозон ош пиширилиб элга тарқатилган. Ўша даврда бундай ишларни ишбилармон, катта имкониятга эга бўлган кишилар қила олиши мумкин бўлган.

Шўролар ҳукумати даврида Абдирайим ҳожининг меҳмонхоналари қишлоқ советини идорасига айлантирилди ва бир неча ўн йил сельсовет идораси бўлди. Афсуски, XX асрнинг 60-йилларида қишлоқ советининг ҳозирги биноси қурилиб, ҳашаматли меҳмонхона бузиб ташланди. Бу жойни музейга айлантирилса, айти муддао бўлар эди.

Босмачилар ҳаракати. Босмачилик ҳаракати содир бўлганига қарийб 100 йил бўлган бўлса ҳам, улар ҳақида ҳозирга қадар турли қараш ва фикрлар мавжуд. Хусусан, айрим ёшлар улар ҳақида тўғри ва зарурий фикрга эга эмаслар. Бунинг боиси босмачилар шўролар замонида қораланиб гапирилган бўлса, ҳозирги даврда эса баъзилар уларни ҳатто “қахрамонлар”га айлантириб қўйишади.

Маълумки, ўтган асрнинг 20-йилларида мамлакатнинг кўп жойларида босмачилар ҳаракати бошланади. Ҳатто қишлоғимиздан ҳам бир неча босмачилар чиқишган. Хўш, уларнинг ўзлари ким ва нима учун бундай йўлга кириб кетишган? Ҳозирги қарияларимиз уларни яхши билган, бирга ўсган кишилардан босмачи бўлганлар ҳақида кўп аниқ гапларни эшитишган. Шўролар даврида ва ҳозирги даврда босмачилар ҳақида айтилган гапларни таҳлил қилиб, аниқ фикрга келишимиз имкони бор.

Босмачиларнинг аксарияти шу қишлоқда туғилиб, вояга етган, соғлом, чаққон ўспирин ёшлар бўлишган. Бу ножўя йўлдан уларни қайтариш ўрнига, айрим катта ёшдагилар шу йўлга бошқарганлар. Бошқа қишлоқларда ҳам шундай кишилар пайдо бўлган ва бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишган. Кундузи қишлоққа “қизиллар” келиб ўз ҳукмини қишлоқ аҳолисига ўтказган, кечаси эса босмачилар. Ўртада оддий халқ, одамлар қийналишган. Кейинчалик қизиллар кучайиб, босмачиларнинг деярли барини ушлаб, қамаб юборганлар.

Ўша йиллар Фарғонада Мадаминбек, Кўршермат, Хоразмда Қурбон Мамат (Жунаидхон) деган кўрбошилар чиқиб, ўз атрофларига минглаб кишиларни тўплашган. Уларнинг катта кучидан чет эл (Англия) вакиллари, маҳаллий мансабдорлар фойдаланиб, минтақада ўз таъсир доираларини кучайтириш мақсадида бу гуруҳларни русларга қарши қўйишга ҳаракат қилишган. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида босмачиларга ҳатто қурол-аслаҳа етказиб беришган ва озиқ-овқат билан таъминлашган.

Ғубдиндан чиққан босмачилар нисбатан кичик гуруҳ бўлишган. Уларни русларга ёки бошқаларга қарши курашиш ниятлари, бошқа мақсадлари бўлмаган.

Бугунги кунда мен уларни оқламоқчи ёки қораламоқчи ҳам эмасман. Одамларни мулкани зўравонлик билан тортиб олган кишиларни оқлаб бўлмайди. Уларни йўлдан адашганлар, деса тўғрироқ бўлади. Босмачилар ҳаракати мамлакатнинг деярли ҳамма жойларида пайдо бўлган. Бунинг сабаби ўша йиллари Бухоро амири Афғонистонга қочиб кетган, қизиллар эса мамлакатга ҳали мустаҳкам ўрнашмаганди. Оқибатда мамлакатда назорат, ножўя иш қилганларни тартибга солувчи куч бўлмаган, яъни “бўшлиқ” ҳосил бўлган. Шу туфайли босмачи деб аталганлар пайдо бўлишган. Агар ўша даврдаги қайси ҳукумат бўлса ҳам кучли бўлиб, янги пайдо бўла бошлагандан уларни тартибга олганларида бундай нохуш ҳолатлар бўлмаган, улар узоқ яшаб қолишлари мумкин эди. Ҳамма мамлакатда ҳам эски бошқариш тизими ўзгариб, эскисини ўрнида янгиси келганда бундай бош кўтарувчилар пайдо бўлади.


3. Ғубдин қабристони.

Қабристон қишлоқнинг шарқий қисмида жойлашган.



3-расм. Губдин қишлоғи қабристонини кириш қисмининг кўриниши.

Қабристонда “Кўк тўнли ота” номли зиёратгоҳ бор. Зиёратгоҳдаги қабрнинг устига қўйилган қайроқтошда араб тили ва ёзувида битиклар ёзилган.



4-расм. “Кўктўнли ота” зиёратгоҳидаги қабр тоши (XII аср)

Қайроқтошдаги ёзувларнинг мазмунини одамлар анча муддатгача билишмаган. Тадқиқотчи Ш. Шароповнинг ҳаракати билан тошдаги ёзувни араб тили ва ёзуви билимдонлари, Китоб шаҳридаги “Ҳожа Бухорий” номли ислом ўрта махсус билим юрти мударрислари Раҳматуллохон Усмонов, Махтумқули Тошқулов, Валихон Саидов, паландаралик араб ва форс тиллари билимдони Саййид Ақромхон хожи ва Қарши туманидаги Қаҳлаё қишлоғида яшовчи мулла Зокир Сатторовлар ҳамкорликда ўқиб, ўзбек тилига таржима қилишган. Қайроқтошдаги битиклар мазмуни қуйидагича: “Ушбу қабр улуғ имом, қози, шайх, дин ва миллатни улуғловчи, ислом ва мусулмонларнинг тўлин ойи, подшоҳлар ва султонлар ихтиёр қилган, шарқу Чин (Хитой) қозиларининг қозиси, имомлар фахри, шариат ёрдамчиси, умматнинг сараси, икки фироқанинг покроғи, икки ҳазрат рози бўлган муҳаққиқлар ... фозил, диннинг шамшири, хушхулқи Маҳмуд ибн

Аҳмад бин ал-Хусайн (Аллоҳ уни раҳмат ва розилик билан ўрасин)нинг қабридир. (Унинг вафоти) 576 ҳижрий сана муборак рамазон ойининг 26 кечасидир” (милодий 1181 йил).

Ўндан ортиқ унвонларга сазовор бўлган имом Маҳмуд ибн Аҳмад бин ал-Хусайн ким ва нима ишлар қилганлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотчи Ш. Шаропов (2010) кўп манбаъларни ўрганиб, ўзининг “Қашқадарё зиёратгоҳлари” номли асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: “... Имом Маҳмуд ибн Аҳмад бин ал-Хусайн битигидаги “ал-Хусайн” сўзи бу авлод вакилининг ота томонидан шажараси Имом Хусайн (Розияллоҳу анху)га бориб тақалишидан дарак беради. У ўз замонасинининг Бухоро амирлигидаги таниқли фақиҳи (ислом қонуншуноси) сифатида танилган. Қабртош битигидаги “Шариат ёрдамчиси” сўзлари эса унинг машҳур фақиҳ эканлигига ишора бўлиб келаяпти.

Фатво, фикҳ, тафсир ва ҳадисшунослик илмларининг билимдони бўлган имом Маҳмуд ибн Аҳмаднинг “ал-Муҳит ал-Бурҳоний фи-л-фикҳ ан-Нуъманий”, “ал-Фавоъид”, “ат-Ташриҳ”, “Титиммат ал-фатвоъ”, “аз-Зиёдат”, “ал-Фотово”, “ал- Воқият” ва бошқа асарлари маълум ва машҳурдир. Қабртошда кўрсатилганидек вафоти ҳижрий 576 йил, милодий 1181 йилларга тўғри келади”. Ш. Нурматовнинг саъйи ҳаракати билан имом Маҳмуд ибн Аҳмад ҳақидаги ёзувлар мармар тошда битилиб, қабр яқинида қўйилган. Мазкур ёдгорлик яқинда катта таъмирдан чиқарилди.

Юқорида келтирилганлар шуни кўрсатадики, қишлоқ қабристонидagi қабр ўз замонасининг етук, энг илғор маърифатпарвар инсоннинг мангу маконидир. Бежиздан унга атаб ўша даврда макбара қуришмаган. Унинг ижодий фаолияти, қолдирган маданий мероси ҳақида кўп кишилар аниқ маълумотга эга эмаслар. Чунки, қарийб

1000 йил давомида кўп маълумотлар йўқолиб кетган бўлиши мумкин. Шунинг учун келгусида ёшлар ул зотнинг ёзган асарларини топиб, ўрганиб, кенг халқ оmmasига етказишлари керак. Эҳтимол, бошқа мамлакат кутубхоналарида у кишининг нодир асарларини топиш ҳам мумкиндир. Юқорида келтирилган маълумотлар Ғубдинни яна бир бор қадимий диёр эканлигини исботлайди.

XX асрнинг ўрталарида мамлакатда атеистик (динга қарши) сиёсат кучли бўлган. Бир неча атеистлар Маҳмуд ибн Аҳмад бин ал-Хусайн ҳақида ёзилган қайроқтошни олиб кетиб, йўқотмоқчи бўлганлар. Ўша йиллари мактабда қоровул-боғбон бўлиб ишлаган ғубдинлик Турди бобо (лақаблари “Полтора” – бўйлари жуда узун бўлган) қайроқтошни мактабдан хуфия тарзда келтириб, боғидаги токзорнинг пуштасига кўмиб яширган. Бир неча йил ўтиб, ора совигач, тошни ўз жойига – қабрга келтириб қўйганлар. Турди бобонинг саъй-ҳаракатлари билан қабртош ҳозирга қадар сақлаб қолинган.

Тошдаги ёзувлар шуни кўрсатадики, қадимги аждодларимиз юқори маданиятга эга бўлганлар. Кейинги йилларда араб тилини, алифбосини мукамал билган кишилар кам бўлганлиги учун узок йиллар давомида ундаги битикларнинг мазмунини билишмаган. Бундан ташқари шўро ҳукумати даврида бу ишлар билан шуғулланганлар қораланар эдилар. Баъзи кишилар кўкйўтал билан касалланган беморларга тошни сувга чайиб ичиришган.

Қишлоқ ҳақида гап кетса, энг аввало унда истиқомат қилган, яшаб ўтган инсонлар, уларнинг қилган яхши ишлари ёдга тушиши табиийдир.

Қабристонда узок йиллардан буён кўп яхши инсонлар қўйилган. Қуйида қишлоқ қабристонига ўтган асрнинг 40-нчи йилларидан кейин

хозирга қадар кўйилган инсонларнинг исми шарифини келтирамиз. Улар: Соҳибов Неъмат, Соҳибов Равшан, Соҳибов Инат, Негматов Қаҳҳор, Отакулов Ҳамдам, Қурбонов Тўхта, Расулов Қурбон, Раҳимов Ражаб, Ражабов Ҳувайдулло, Холиқов Турсун, Турсунов Рауп, Турсунов Аҳад, Аминов Тилов, Асадов Анбиёкул, Ҳамроев Поён, Йўлдошев Темир, Йўлдошев Шариф, Йўлдошев Зариф, Шаропов Шароф, Иброгимов Нурмат, Ҳамроев Йўлдош, Ҳамроев Рўзи, Қиёмов Усмонхон, Обидов Бузрук, Мусаев Ўринхон, Ўринов Жамолхон, Ўринов Жалолхон, Турдикулов Азим, Каримов Рўйиддин. Аралов Гани, Раҳимов Бозор, Ўринов Ҳамро, Ҳамроев Эшим, Полвонов Эргаш, Рўзиев Суннат, Комилов Ҳувайдулло, Комилов Лутфи, Қўлдошев Рауф. Музтаров Муртоз, Бозоров Толиб, Бозоров Фозил, Жабборов Ражаб, Жабборов Йўлдош, Ражабов Ёқуб, Йўлдошев Элмурод, Мўминов Юсуф, Раҳматуллаев Усмон, Назаров Очил, Исломов Имом, Ҳожиёв Шукур, Соҳибов Ҳатам, Саидов Содиқ, Ҳалимов Амин, Қудратов Ҳамро, Ҳамроев Ҳазраткул, Қодиров Мамат, Қозидоров Бозор, Жалилов Ниёз, Темиров Расул, Жўраев Мажид, Жўраев Рашид, Раҳмонов Аваз, Авазов Эгамберди, Қурбонов Таъмурод, Қурбонов Ражаб, Ҳамроев Ғаффор, Асадкулов Али, Файзиев Йўлдош, Файзиев Нурим, Файзиев Зоҳид, Ғайбуллаев Асадулло, Қўзиев Ҳалим, Очиллов Ғафур, Муродов Сувон, Ҳайитов Аҳмад, Ибрагимов Пирмат, Ҳайдаров Тўйчи, Қодиров Эргаш, Назаров Турди, Мустафакулов Ҳамро, Зоиров Сирожиддин, Ўринов Аҳмад, Ибрагимов Раҳмат, Саломов Полли, Мўминов Турсун, Раҳимов Ҳалим, Аминов Бозор, Файзиев Шодмон, Қурбонов Асад, Турсунов Нор, Норов Холиқ, Набиев Рустам, Рустамов Қодир, Рустамов Ўктам, Ҳамроев Нусрат, Ҳамроев Шухрат, Ҳамроев Нурилло, Турдиев

Нуркул, Турсунов Исом, Жўраев Бокул, Йўлдошев Тўлқин, Йўлдошев Тўра, Темиров Жалил, Рахматуллаев Ниёз...;

Зоҳидова Марҳамат, Негматова Назокат, Исмоилова Азиза, Соҳибова Қамбар, Соҳибова Қиммат, Ҳамдамова Маъкул, Жабборова Иқлим, Саломова Мукаррам, Рахматова Фотима, Ҳамроева Муқим, Ҳамроева Саодат, Холиқова Саломат, Турсунова Мушар, Эргашева Зумрад, Негматова Хадича... каби хотин-қизлар ҳам дафн этилганлар.

Бундан бир неча юз йиллар олдин ҳам қанчадан қанча кишиларнинг жасадлари ушбу қабристонда қўйилган. Бу инсонлар ҳаётлари мобайнида ўткир зеҳни, меҳнати билан эзгу ишларни амалга оширган, боғ-роғлар яратган, қишлоқ ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшган кишилардир. Уларнинг жойлари жаннатда, охиратлари обод бўлсин. Зеро, ҳар бир кишининг ҳаётдаги пировард орзуси ўзининг тупроғига қўшилишидир. Бу ишда гўрковларнинг хизмати каттадир. Ҳар бир инсоннинг охирги уйи ҳисобланган унинг қабрини тайёрлашда (қуришда) қишлоқдан Аралов Ғани, Асадов Анбиёқул, Ҳаққиев Шер, Рўзиев Даврон, Турсунов Абдулла, Қиёмов Маҳмуд каби инсонлар бажариб келдилар, келмоқдалар. Улар жамоада энг муҳим, савоб ишни адо этадилар. Аммо айримларини яқинлари, айниқса, ёшлар гўрковларнинг хизматига паст назар билан қарайдиганлари чиқиб қолади. Уларнинг фикри нотўғри эканлигини тушунтириб, гўрковларнинг хизмати, ҳурматларини доимо ўз ўрнида қўйилиши лозим.

Мозордаги қабр тошлари. Вафот этганларнинг қабрини белгилаш учун тош қўйиш кўп халқларда бор. Айниқса, Европа мамлакатларида бадавлат кишилар яқинларининг қабри устига ҳашаматли тошлар қўйишади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам, айниқса, шаҳарларда бунга эътибор катта.

Ғубдин қабристонида ҳам қабр устига мәрмартош қўйиш одати илгаридан бўлган. Маълум вақтларда, айниқса, уруш йиллари ва ундан кейин қабр устига тош қўйишга эътибор берилмаган. Бу ҳолат одамларнинг иқтисодий қийинчилиги ҳамда ўша йиллари колхоздаги ишларнинг жуда қўплиги ёки атеизмни ўта авж олганлигидан бўлса керак.

Албатта, ҳар бир киши яқинларининг қабри устига тош ёки бирор белги қўйишни ихтиёр этади. Чунки, қор, ёмғир таъсирида вақт ўтиши билан қабрлар чўкиб, гўр билинмай қолади. Айрим кишилар илгарироқ ўтган ота-бобо-момоларининг қабрларини қаерда қўйилганлигини билмайдиганлар топилади. Шунинг учун ҳар бир киши ўзларининг яқинларини қабри устига тош қўйгани маъқул, қайсики йиллар ўтиб вафот этган кишини зиёрат этиб келган қариндошлари, невара-чеваралари билсин ва тез топа олсин. Кейинги йилларда Ғубдин қабристонида ҳам бошқа жойлардаги сингари ўтганлар қабрига тош қўйиш урф-одатга айланди. Қабр устига мәрмартош қўйганда гўрнинг атрофи пишиқ ғишт билан терилиб, ўралади. Мәрмар тошга марҳумнинг кимлиги, туғилган ва ўлган йиллари ёзиб қўйилади. Вафот этган кишининг фарзандлари ва яқин кишилари томонидан марҳумга айтилган эзгу-ниятлар ёзилади ёки марҳум руҳини шод этиш учун Қуръон сураларидан айтилган сўзлар ёзилади. Айрим кишилар мәрмар тошларда марҳумнинг суратини ҳам чиздиришади.

Ғубдин қабристони атрофини ободонлаштиришда Эрназар ака Шароповнинг ҳиссалари каттадир. У киши мазор атрофига мевали, манзарали дарахтлар экиб, уларнинг тагини чошиб, суғориб у жойларни кўркам қилиб қўйибдилар. Бу ишлар, албатта савобдир. Эътиборли томони Эрназар ака қабристонда ким ва қаерда

кўмилганини, уларнинг шажараларини яхши билади. Бу ўринда айтиш лозимки, ҳар бир киши ҳеч бўлмаса ўзини шажарасини, ўтган яқинларининг қаерда кўмилганлигини билиши керак.

Кейинги вақтларда қишлоқ қабристонини атрофини обод қилиб туриш учун Қиёмов Маҳмуд тайинланган. Яқинда қабристон яқинида артезиан кудуғи қазилиб, сув чиқарилди. Келгусида қабристон атрофи янада кўркам, обод бўлиши учун шароит яратилди. Қишлоқ аҳли мунтазам равишда, айниқса Хотира кунидан олдин ҳашар уюштириб, қабрлар атрофи, йўлаклар бегона ўтлардан, хашаклардан тозаланади (5-расм). Баъзан ўтганлар руҳига бағишлаб худойи ҳам қилинади (6-7-расмлар).



5-расм. Қабристонда ҳашар.



6-расм. Ошпазлар худойи ёрмани тайёрлаб қўйишди.



7-расм. Қабристонда ҳашардан кейин худойи қилиниб, ўтганлар руҳига бағишлаб тиловат қилинмоқда.

Ўтганлар эсланганда замонамизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг қуйидаги сўзлари киши ҳаёлига келади: “Ота-боболаримизни эсласак, бизни ажиб ҳис-туйғулар чулғаб олади. Улар узоққа кетмаганлар. Илло, ўзимиз ҳам уларнинг қаватига кирамиз... Мудом уларни ёдлаб туриш бизнинг бурчимиз, уларни хотирлаш ўзимиз учун зарур. Уларнинг қабрига ташлаганимиз бир сиқим тупроқ – бизнинг боғлаб турган ришта ҳисобланади”.

II жаҳон урушида қатнашган ғубдинликлар. Қарши давлат университетининг доценти, тарих фанлари номзоди, II жаҳон уруши қатнашчиси Бозор Самадовнинг “Қашқадарё область Қарши районидаги “Партия XXII съезди совхози тарихи” (Тошкент, 1981) номли китобида Ғубдин қишлоғидан урушга 45 нафар киши кетганлиги, шундан 11 киши қайтганлиги, қолганлари эса ҳалок бўлганлиги ва номаълум кетганлиги келтиради.

Фронтга кетган ҳамқишлоқларимизнинг ўртача тўртдан уч қисми қайтиб келмаган.

Қишлоқ фаоллари ва қишлоқ аҳлининг ҳаракати билан уруш қатнашчиларининг исм-шарифи қабристонга кириш дарвозаси қошидаги мрамор тошларга битиб қўйилган.

Ғубдин қишлоғидан урушга кетиб, қайтмаганлар рўйхати.

1-жадвал

<i>№</i>	<i>Исми ва фамилияси</i>	<i>Ҳозирги вақтда ҳаёт бўлган қариндошлари</i>
1.	Абдирахимов Самат	Нурматов Шарофнинг тоғалари
2.	Абдирахимов Азиз	Нурматов Шарофнинг тоғалари
3.	Жабборов Исмат	Ҳамроев Нуриллонинг тоғалари
4.	Жабборов Чори	Ҳамроев Нуриллонинг тоғалари

5.	Олимов Инат	Неъматов Сатторнинг амакиси
6.	Ўринов Юнус	Акбархоннинг акалари
7.	Саидов Ҳамдам	Сирожиддинов Жуманазар (хожи)нинг амакиси
8.	Холиқов Дилмурод	Муаллифнинг тоғаси, Турсунов Тоштемир, Турдиннинг амакиси
9.	Маматов Махат	Бозоров Примни амакисининг ўғли
10.	Маматов Қодир	Бозоров Примни амакисининг ўғли
11.	Номозов Эргаш	Йўлдошев Жўранинг амакиси
12.	Рахимов Ҳамро	Ҳамроев Салим, Ҳалимларнинг отаси
13.	Жўраев Каром	Ҳамроев Нуруллонинг амакиси
14.	Аҳмедов Райим	Аҳмедов Шавкатнинг амакиси
15.	Хайдаров Пармон	Шаҳарда яшовчи Жабборнинг акаси (асли ғубдинлик)
16.	Хайдаров Нурим	Шаҳарда яшовчи Жабборнинг акаси (асли ғубдинлик)
17.	Қиёмов Иброҳим	Қиёмов Маҳмуд, Қиёмов Юнуснинг амакиси
18.	Комилов Тош	Комилов Йўлдош, Комилов Нуралиларнинг амакиси
19.	Ҳамроев Ўрин	Ҳамроев Эркиннинг амакиси
20.	Худойбердиев Хидир	Худойбердиева Бону опани акаси
21.	Қаҳҳоров Ҳақберди	Ҳеч кими йўқ
22.	Жўраев Рўзи	Жўраев Иброҳим, Жўраев Исмоилларнинг тоғаси
23.	Эшов Ҳикмат	Авлодидан ҳеч кими қолмаган

24.	Қурбонов Мейли	Қурбонов Чорини (Пармитонда яшайди) акаси
25.	Ҳазратқулов Маматқул	Ҳазратқулов Ниёзни (вокзалда яшайди, врач) акаси
26.	Мўминов Турсун	Аюпов Қаюм, Ҳақбердиларни амакиси
27.	Отамуродов Эшонқул	Ҳеч кими қолмаган
28.	Искандаров Хол	Холов Гулмуроднинг отаси
29.	Полвонов Тўхта	Бердиев Ризоқулни қайноғасини амакиси, Полвонов Фарходни амакиси
30.	Нусруддинов Тоштемир	Ҳеч кими йўқ, Турдиқул бованинг катта хотинларининг акаси, Ҳайдар, Азимларни тоғаси
31.	Худойбердиев Ғаффор	Ҳеч кими йўқ (Ҳатам бовани хотинлари Маъқул момани тоғаси)
32.	Примов Пўлат	Примов Найимни амакиси
33.	Турсунов Саидқул	Турсунов Хасан, Хусанларнинг амакиси

Изоҳ: Уруш тугаганига қарийб 70 йил бўлди. Фронтга кетиб қайтмаганлардан деярли зурриёт қолмаган. Чунки уларнинг аксарияти ўша пайтда ҳали ёш, уйланмаган бўлишган. Ҳозирги авлод ёшлари уларни кўпини билмаслиги аниқ. Ўқувчига улар кимларнинг яқинлари эканлигини аниқлаш учун ҳозирги вақтда ҳаёт бўлган айрим, танилган қариндошларини исми-шарифини келтирдик. (Кўп кексалардан суриштиришга қарамасдан айримларининг яқин қариндошларини ҳам топа олмадик).

Уруш қатнашчиларидан Раҳматиллаев Ниёз бобо яқинга қадар (2013) ҳаёт эдилар. У киши ўзининг камтарлиги, ҳалоллиги,

меҳнатсеварлиги билан қишлоқда катта ҳурмат қозонган кексалардандир. Ниёз бобо 90 ёшдан ошиб кетган бўлсалар ҳам кўп пиёда юрардилар, фаол ҳаёт кечирардилар. У кишининг хушфеъл хулқ-атвори, ҳаракатчанлиги, янгиликларга интилувчанлиги кексайган бўлсалар ҳам фаол ҳаёт кечиршига олиб келди, деб ўйлаймиз. Китобни ёзишга бошлаганимизда Ниёз бобога узоқ йиллар шундай бўлиб қолинг, деб тилак билдирган эдик. Китоб ёзилиб тугаш арафасида (бир неча йил давом этди) Ниёз бобо бандаликни бажо келтирдилар. Қишлоқда уруш қатнашчиларидан ҳеч ким қолмади.

Урушдан кўкракларига қатор орден ва медаллар тақиб омон-эсон қишлоққа қайтганлар, баъзилари ярадор бўлишларига қарамасдан халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасида, яъни меҳнат фронтида ҳам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, меҳнат қилдилар. Масалан, Набиев Рустам узоқ йиллар маориф соҳасида ишлаб, ёшларга ҳар томонлама билим бериб келди. Саломов Тош вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида ревизор, кейинчалик қишлоқда (колхоз ва совхозда) бош ҳисобчи, колхоз раиси бўлиб ишладилар, қишлоқда кайвони сифатида тўй ва бошқа ишларга бош-қош эдилар. Қурбонов Берди (арбоб – эл хизмати), Турсунов Ҳикматхон, Жўраев Боқул, Раҳматов Бозор, Мўминов Аюбхон, Турдиқулов Ҳайдар ва бошқалар узоқ йиллар колхозда ҳар хил вазифаларда ишлаб, меҳнатда доимо бошқаларга намуна кўрсатишди. Ҳозирги кунда уларнинг барчаси вафот этиб кетишди. Барчаларининг ётган жойлари жаннатда бўлсин.

Ғубдин қишлоғидан урушга кетиб, қайтиб келганлар рўйхати.

2-жадвал

<i>№</i>	<i>Исми ва фамилияси</i>	<i>Эслатма</i>
1.	Набиев Рустам	Рустамов Илҳом, Илғорларнинг отаси
2.	Қурбонов Берди	Бердиев Абдулло, Мирзо, Ризоқул, Нодирларнинг отаси
3.	Турсунов Ҳикматхон	Турсунов Хасан, Хусанларнинг отаси
4.	Жўраев Боқул	Жўраев Панжининг отаси
5.	Саломов Тош	Саломов Жабборнинг отаси
6.	Рахматов Бозор	Рахматов Бекмуроднинг отаси
7.	Мўминов Аюпхон	Аюпов Қаюмнинг отаси
8.	Турдиқулов Ҳайдар	Турдиқулова Жаъфарнинг акаси
9.	Имомов Пирна	Имомов Темирнинг акаси
10.	Ҳалимов Ҳаким	Ҳакимов Карим, Райимнинг отаси
11.	Нурқулов Турди	Турдиев Холмурод, Қахрамоннинг бобоси
12.	Мўминов Турсун	Турсунов Шамсихоннинг отаси
13.	Рахматиллаев Ниёз	Рахматуллаев Исматнинг отаси

Албатта, урушда иштирок этганларга жуда қийин бўлган. Россиянинг қаҳратон совуғига мослашмаган. Баъзан, уруш хунарини чуқур ўргатмасдан уларни урушга киритиш ҳоллари ҳам бўлган. Кўплари рус тилини яхши билишмаган. Ҳозирги кунда Россия телевидениеси “Звезда” канали орқали уруш ҳақида кўп эшиттиришлар кўрсатишади. Чунки, иккинчи жаҳон уруши тугаганига анча йил бўлган бўлса ҳам, унинг жароҳати ҳамон битмаган, битмайди ҳам. Уруш инсониятга шунчалик оғир асорат келтирдик, қолдирган жароҳати яқин йилларда тугамайди. Бу урушда дунё бўйича тахминан 60 млн., собиқ Иттифоқдан 27 млн. киши ҳалок бўлган. Ўзбекистон бу урушга 1 433 230 кишини сафарбар этган бўлса, кашқадарёликлар 44

мингдан ортиқ азиз фарзандларини жўнатишган. 1995 йилда чоп этилган II томдан иборат “Хотира” китобида фашист кучлари билан юзма-юз курашларда ҳалок бўлган ёки дараксиз йўқолган 20 722 киши ҳақида маълумот берилади. Уруш ўзининг оловли домига 80 дан ортиқ давлатни, беш қитъани тортган, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган, 3 қитъа қонга белаган, миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. II жаҳон урушига Қашқадарёдан ҳаракатдаги армия сафига сафарбар этилганлардан 11 киши қаҳрамонлик унвони, 4 675 киши турли орденлар, 13 309 киши эса турли медаллар билан мукофотланганлар.

Уруш йиллари республикадаги шаҳар ва қишлоқларга 716 543 киши, жумладан, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига 126 514 киши фашистлар вақтинча босиб олган Украина ва Россия вилоятларидан келтириб, жойлаштирилган. Жумладан, Ғубдин қишлоғига ҳам бир неча хотин-қизлар келтирилиб, уларга яшашлари учун зарурий шароит яратилган эди.

Урушда ҳалок бўлганлар келгуси авлодни, мамлакатни, дунёни фашизмдан қутқариш учун энг қимматли бўлган ҳаётларини берганлар. Ана шундай инсонлар қаторида бизларнинг ҳамқишлоқларимиз борлигидан ҳам фахрланамиз. Уларнинг хотирасини доимо ҳурмат билан эслашимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати II жаҳон уруши қатнашчиларини эъзозлаб, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни деб белгилаб қўйилган ҳамда уларга бир қатор имтиёзлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармойишига кўра, 9 май – хотира ва қадрлаш куни, 1941-1945-йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 67-йиллигини

нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида уларга 4 000 000 сўм миқдорда бир маротабалик пул мукофоти берилди.

Аммо, таассуфки кейинги йилларда Европа мамлакатларида гитлерчи фашистларнинг ғояларини, ҳаракатларини ёқловчилар ҳам пайдо бўлиб қолган. Бундай кимсалар уруш қаҳрамонларига қўйилган ёдгорлик монументларни ифлослантириб, фашистик ғояни ифода этувчи ёзувлар ёзишади. Кейинги йилларда баъзи Европа мамлакатларида Гитлер, Геббельс, Гиммлер каби фашизмнинг лидер (бошлиқ)ларини мақтаб, улар музика, фалсафа билан шуғулланганликларини, рассомлик санъатини севганлари ҳақида кинофильмлар яратишмоқда, телевизор кўрсатувлар орқали уларни оқлашяпти. Баъзи гуруҳ кишилар ҳатто фашизм асосчиси бўлган Гитлерни туғилган кунини байрам қилишади. Бунинг маъноси нима? Кўплаб мамлакатларни, минглаб шаҳарларни, юз минглаб қишлоқларни хароб қилган, инсоният бошига шунчалик кулфатни келтирган кишиларни наҳотки оқлаб бўлса?! Айтмоқчи бўлган фикримиз бошқа мамлакатларнинг бойлигини талаш, ўзга халқларни эзиш кайфияти билан яшайдиган ёвуз ниятли кимсалар ҳозирда ҳам бор. Шунинг учун доимо, ёшларимизга изчиллик билан уларнинг асл қиёфаларини фош қилиб, тушунтириб бориш керак. Айниқса, тарих фанидан “II жаҳон уруши” мавзуларини ўтаётганда, ўқувчиларга саёҳат дарси сифатида қабристонга кириш жойидаги тошларга битилган ҳамқишлоқларининг номларини айтиб, ватанни ҳимоя қилишда уларнинг ҳаттоки жонларини аямаганликларини, улар кимларнинг қариндоши эканлигини (агар, ўқитувчи бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлса ота-боболарининг қайси шаҳардаги жангларда қатнашганликларини) тушунтириши лозим. Бундай сабоқ табиийки,

Ўқувчи-ёшлар онгининг шууридаватанпарварлик, халқпарварлик хисларини кучайтиради. Фронтдан қайтмаганларнинг қариндошларидан, яқинларидан хабар олиш, баъзи юмушларини бажаришга ўқувчиларни ёрдамлашиш ишларини ташкил этиш ҳам айни муддао бўларди.

4. XX АСРДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Маълумки, Амир Сайид Олимхон XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ўн йил Қарши беги бўлади. Бу даврда у ободончиликка эътибор бериб, Қашқадарё устида кўприк, бир қанча мадраса ва масжидлар қурдиради. Вилоятнинг бошқа жойларида, шунингдек Ғубдин қишлоғида ҳам уй-жойлар қуриш, боғ-роғлар яратиш ишлари кучаяди.

1920 йил Бухоро амирлиги руслар қўлига ўтгач, Бухоро халқ жумхурияти тузилади. 1922-1924-йилларда Туркистонда миллий чегараланиш ўтказилиб, 1924 йилда Ўзбекистон Республикаси ташкил этилади.

Қарши туман архив ҳужжатларида ёзилганларга кўра, Қарши тумани 1931 йилда ташкил этилган. Туман ижроия қўмитаси идораси Қарши шаҳрида бўлган. 1931-1935 йиллари Қарши тумани Бухоро вилоятига мансублигига қараб, ўша йиллари туманни “Бухоро область ишчи-деҳқон ва солдатлар депутатлари Қарши район ижроия комитети” деб аталган. 1936-1942 йиллари бунга ўзгартириш киритилиб, “Бухоро область меҳнаткашлар депутатлари Қарши район ижроия комитети” деб юритила бошлаган. 1943 йилда Қашқадарё вилояти ташкил этилиб, туманни “Қашқадарё область меҳнаткашлар депутатлари Қарши район ижроия комитети” деб атала бошланди. 1960 йилда Қашқадарё области Сурхондарё областига бирлаштирилиб, “Сурхондарё область меҳнаткашлар депутатлари Қарши район ижроия комитети” деб номланди. 1964 йилда Қашқадарё области Сурхондарёдан ажратилиб, яна “Қашқадарё область меҳнаткашлар депутатлари Қарши район ижроия комитети” деб, юритила бошлади. 1977 йилнинг охирида “Қашқадарё область халқ депутатлари Қарши

район Совети ижроия комитети” деб ўзгартирилди. Шунга кўра Губдин қишлоғи олдин колхоз, кейин совхоз, қишлоқ совети Қарши тумани ва юқорида келтирилган областлар ихтиёрида бўлган.

Шундай қилиб, Қарши тумани 1931 йил, ундан кейин Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғини ташкил этилган.

4.1. “Ертепа” қишлоқ фуқаролар йиғини тарихидан

Қишлоқ фуқаролар йиғинининг идораси доимо Губдин қишлоғида бўлган. Нима учун “Ертепа” қишлоқ фуқаролар йиғини деб аталганлиги номаълум? Чунки, Ертепа қишлоғи Губдиндан 2-3 км. ғарбда (узоқроқда) жойлашган. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг идораси олдинги йиллар Ҳожиев Шукурнинг оталари уйларида жойлашиб, бир неча ўн йиллар давомида шу уйда фаолият юритилган. Ҳозирги вақтда бу жой Комилов Луфти аканинг ўғиллари Комилов Йўлдошнинг уйи ўрниларига тўғри келади. Қишлоқ фуқаролар йиғини (илгарилари “сельсовет” деб аталган) жойлашган уй ўз даврида қишлоқдаги энг чиройли, ҳашаматли қурилган, кўркем бино бўлган. Ички томонлари ганчдан, ҳар хил ранг бериб безатилган.

“Ертепа” қишлоқ фуқаролар йиғини ихтиёрига Губдин, Ниёзмудин, Пармитон, Қумота, Хонён, Ертепа каби қишлоқлар қараган. Бу қишлоқларнинг ҳар бири ўша даврда алоҳида колхоз бўлган.

Қишлоқ фуқаролар йиғинининг мавқеи, ҳуқуқи ўтган йиллар давомида ўзгариб турган. Айниқса, ўтган асрнинг 30-50-йилларининг бошида қишлоқ фуқаролар йиғинининг мавқеи баланд бўлиб,

юқорида келтирилган колхозларнинг хўжалик ишларини юритишда раҳбарлик қилган ва назорат олиб борган.

***Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган кишилар
рўйхати***

3-жадвал

№	Фамилияси ва исми	Ишлаган йиллари	Эслатма
1.	Аминов Тилов	1931-1934	ғубдинлик
2.	Лутфиева Шарофат	1935-1936	
3.	Қурбонов Эргаш	1936-1938	қозикентилик
4.	Жўраев Тўракул	1939-1940	ертепалик
5.	Қурбонов Эргаш	1940-1942	қозикентилик
6.	Носиров Мамат	1943-1945	пармитонлик
7.	Одилов Шоди	1946-1948	мирмиронлик
8.	Жўраев Тўракул	1949-1950	ертепалик
9.	Чориева Муқим	1951-1959	ертепалик
10.	Соҳибов Карим	1969-1974	қуматалик
11.	Эгамов Муртоза	1974-1980	шаҳарлик
12.	Бозорова Бахмал	1980-1985	шойхўжалик
13.	Қодиров Пўлат	1985-1993	ўзбекпистакентлик
14.	Остонов Эламон	1993-1996	толлик
15.	Қодиров Шамсиддин	1996-2009	ўзбекпистакентлик
16.	Орзиқулов Икром	2010-2012	шойхўжалик
17.	Бобоев Рашид	2013	кўчкаклик

Жадвалда қишлоқ фуқаролар йиғини ташкил этилгандан ҳозирга кадар раис бўлиб ишлаганлар рўйхати келтирилган. Улар вилоят,

туман ташкилот раҳбарларининг топшириғини бажариб, мазкур худудда маълум ишларни амалга оширганлар. Фуқаролар йиғини раислари ўз даврининг етук, илғор, ташкилотчи кишилари бўлган, йиғин қошида масъул котиблар бўлиб, улар анча саводли, тегишли хужжатларни расмийлаштириб борганлар. Масалан, 30-йилларнинг бошида сельсовет раиси Аминов Тилов, масъул котиб Қурбон Ўлжабоев бўлганлар. Қ. Ўлжабоев камтарин, меҳнатқаш, ташкилотчи, жуда хушфезъл, ҳалол инсон бўлган. У қишлоқ совети секретарлигидан шаҳар, вилоят (Қашқадарё, Тошкент) партия қўмитасининг секретарлигигача, қишлоқ совети депутатлигидан область, УзССР Олий Совети депутатлигигача сайланган. Узоқ йиллар Қарши давлат педагогика институти ректори бўлиб ишлаган табарруқ инсондир.

Қишлоқ совети раиси бўлиб ишлаганлар ишлаган даврга, муддатга қараб уларнинг фаолиятида иш натижалари ҳар хил бўлган. Бунинг сабаби ўша даврнинг шароитига, ишлаган муддатига боғлиқ. Энг кўп бу лавозимда Пўлат Қодиров ҳалол ишлаб, қишлоқ советида тартиб бўлган, аҳоли талаби қондирилган.

1947 йил қишлоқ фуқаролар йиғини идорасига “Родина-47” маркали радиоприёмник келтирилди. Унгача шаҳардан қишлоққа сим тортиб келинган қора карнайли радио мавжуд эди. “Родина-47” радиоприёмниги симсиз, 3 та катта батареядан ток олиб ўқирди. Кечқурун кўп киши, айниқса ёшлар идорага радио эшитгани тўпланишар эдилар. Айниқса, янгиликларни, концертни алламаҳалгача эшитиб, кейин уйларига тарқалишар эдилар.

40-йилларнинг 2-ярмида айрим қишлоқ советлари иқтисодий жиҳатдан, аҳоли зичлиги, қишлоқларнинг бир-биридан узоқлик масофаси ва бошқа сабабларга кўра, уларни бир-бири билан қўшиб

йириклаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган. Шу муносабат билан район ижроия комитетини, 1947 йил 3 декабрда “Мирмирон” қишлоқ советини “Ертепа” қишлоқ советига қўшиш ҳақида қарор қабул қилинган. Шунгача Мирмирон алоҳида “сельсовет” бўлган.

Қишлоқ советининг маркази қилиб Ғубдин қишлоғи белгиланган. Бундай йириклашув маълум даражада қишлоқ совети фаолиятига ижобий таъсир кўрсатган.

Қишлоқ фуқаролар йиғини идорасининг орқа томонида амбулатория бор эди. Урушдан кейинги йилларда амбулаторияга В.П.Горбунова деган ёш рус жувони врач бўлиб ишга келди. Унинг билан бирга Зоҳидова М. санитарка бўлиб ишларди. Врачнинг кўп ишларини ташкиллаштиришда М. Зоҳидова ёрдам берар эди. Эрталабдан тушгача врач сельсоветга қарашли барча қишлоқлардан келган касалларни қабул қилар, тушдан кейин эса Зоҳидова М. билан сумкага керакли дори-дармонларни олиб, қишлоқма-қишлоқ юриб, касал кишиларни ҳолидан хабар олар эдилар. Биронта касални ҳолати оғир бўлса, уни ҳолати яхшилангунча уйида бўлиб, даволар эди. Ўша йиллар ёз ойлари кўчалар тупроқ, қишда лой, кечқурунлари қоронғи. Бундай ноқулайликларга қарамасдан улар ўз шифокорлик вазифаларини виждонан бажаришар эдилар.

Ўтган асрнинг 50-йилларида қишлоқ фуқаролар йиғини идорасининг ҳовлисида (пастки томонида) кутубхона ташкил этилди. Кутубхонага дастлабки йиллари Чориева Муқим, кейинчалик Турсунова Каромат мудир бўлди. Кутубхонада ҳар хил газеталар, журналлар, китоблар мавжуд бўлиб, сельсоветга иш билан келганлар ўқиб, керакли маълумотларни олишарди.

Умуман қишлоқ фуқаролар йиғини идораси атрофи доимо одамлар билан гавжум бўларди. Кимдир сельсоветдан зарур хужжат олиш учун, кимдир даволаниш учун, кимдир кутубхонага, кимдир эса радио эшитиш учун келарди.

4.2. 30-40-йилларда қишлоқ ҳаёти

Ўтган асрнинг 20-йиллар охири 30-йилларнинг бошида шўро ҳукмати қишлоқларни аввал артел, кейин колхозлаштириш (коллективное хозяйство) – жамоа хўжалигига ўтиш сиёсатини олиб борди. Яъни, якка хўжаликдан жамоа хўжалиги бўлиб ишлашга ўтила бошланди. Албатта, колхозлаштириш ишлари осон кечмаган. Қанчадан қанча англашилмовчиликлар, зўравонликлар ҳам бўлган. Одамларнинг мол-мулки тортиб олинган, колхозга кирганларга кооператив (магазин)дан ноёб товарлар сотилиб, қизиқтирилган. Ўша йиллари “Тошкент вилоятини бир неча ойда колхозлаштирдик!”- деб, мутасадди раҳбарлар марказга рапорт берганлар. Ҳолбуки колхозлаштириш бир неча йил давом этиб, аҳоли ўз хохиши билан колхозга кириши лозим дейилган. Одамларнинг аксарияти ноилождан мол-мулкини бериб колхозга аъзо бўлишган.

Ғубдин қишлоғи қўшни Қозикенти қишлоғи билан бирлаштирилиб, колхоз тузилди. Унинг номи ҳарбий саркарда К. Е. Ворошилов номига қўйилган. Шунингдек, Ниёзмудин, Пармитон, Қумата, Хонён, Ертепа, Шойхўжа каби қишлоқлар ҳам алоҳида колхоз бўлиб, уларнинг чегаралари белгиланди. Колхоз раислари бухгалтер, ҳосилот (агроном) тайинланиб, бригадалар тузилган. Ворошилов колхозининг биринчи раиси Ҳамроев Ҳамдам бўлган (Йўлдошев Эргашнинг амакиси), ундан кейин Ғайбуллаев Абдулло (ғубдинлик), Қурбонов Эргаш (қозикентлик), Аминов Тилов (ғубдинлик), Зоҳидова Марҳамат

(ғубдинлик), 50-йилларда Жумаева Махфират (шаҳардан), Набиев Файзулло (шаҳардан), Шукуров А. (шаҳардан), Саломов Тош (ғубдинлик) кабилар ҳам колхоз раиси бўлиб ишлаганлар. Албатта улар ҳар хил йилларда, ҳар хил вазиятда, ҳар хил муддатда фаолият кўрсатишган.

Ворошилов колхозининг идораси, магазин, омборхона, колхоз клуби, нонвойхона, гаражлар қишлоқ марказида жойлашган бўлган. Кейинги йилларда колхоз идораси ва бошқа жойлар бузиб ташланди. Ҳозирги вақтда Ҳурмат холанинг ўғиллари Жавлон, Тўйчиларнинг уйлари ўрнида, унинг атрофидаги жойларда колхоз идораси, магазин, омборхоналар жойлашган бўлган. Улар бир-бирига яқин, қулай қурилган бўлган, зарурат туғилганда одамлар узоқларга овора бўлмасдан, ишларини тез битказа олганлар. Гараждан бир неча ўн метр нарида сельсовет идораси жойлаштирилган. Колхоз идораси ва бошқа хоналар 30-йилларнинг биринчи ярмида колхозчилар томонидан ҳашар йўли билан қурилган.

Колхоз идорасининг шарқий томонида, ҳозирги Турсунов Тоштемир, мулла Муродов Абдуқодир, Ҳамдамов Азаматларнинг турар жойининг ўрнида колхознинг иккинчи омборхонаси ва отхонаси бор эди. Омборхонада баҳор ойлари кўпинча пилла қурти боқиларди, бошқа мавсумларда колхознинг буғдойи, арпаси ва бошқа буюмлари сақланарди. Отхонада узун айвон бўлиб, отлар қишда айвонда, ҳаво очик пайт очик ҳавода сақланарди. Отхонада 50-йилларда электр энергияси берадиган движок ўрнатилди.

Колхоз идорасининг атрофи доимо, айниқса кечқурунлари гавжум бўларди. Авваламбор идора олдидан Ертепа, Қумата, Хонён қишлоқларини Қарши шаҳри билан боғлайдиган йўл ўтган. Қўшни

қишлоқлардан келиб мактабга ўқийдиган ўқувчилар, ўқитувчилар шу йўлдан қатнашган. Кимдир колхоз идорасига, кимдир қишлоқ советига, кимдир магазинга ўзининг зарур юмушлари билан келарди. Туман, вилоят ташкилотларидан вакиллар ҳар хил ишлар билан келишарди, баъзан одамларни йиғиб колхоз клубига мажлис ўтказиб туришарди.

Йиллар ўтиши билан колхоз аста-секин мустақамланиб борди. Ўша йиллари қишлоқларда хотин-қизларни паранжидан озод қилиш бошланган. Жойларда паранжи ташлаш маросимлари ўтказилган. Бу ишда қишлоқдан Зоҳидова Марҳамат, Саломова Мукаррам момалар ташаббус кўрсатишган.

XX асрнинг 20- йиллари охири 30-йилларининг бошида мамлакатнинг кўп жойларида қулоқ қилиш жараёни ўтказилган. Бу жараён Ғубдин қишлоғини ҳам четлаб ўтмаган. 90 ёшли Хол бобони айтишларича, қишлоқдан Мулло Жўра, Ҳамро қассоб, Комил қассоб, Абдихалимбек, Қовулбек, Ҳазратқул бойвачча, Ғофур ёғчи деган кишилар қулоқ қилиниб, мол-мулки, боғлари тортиб олиниб, ўзларини қамаб юборишган. Қулоқ қилиниб қамалиб кетганлардан Ҳазратқул бойвачча, Абдуҳалимбек, Қовулбеклар қайтиб келишган. Албатта қолганлари ҳалок бўлишган. Аммо, қачон, қаерда, қандай ҳолатда ҳалок бўлганлари номаълум.

Юқорида келтирилган қулоқ бўлганлар ўз даврининг ишбилармон кишилари бўлган, унчалик бой ҳам бўлмаганлар. Қандай бўлмасин бу ишларни ўтказилишида зўравонлик, кўп нотўғри ишлар, адолатсизликлар бўлиб кетган.

30-йилларда Ғубдин қишлоғидан чиққан колхоз раисларининг деярлик кўпи қаматилган. Шунингдек, ўртаҳол, унчалик катта мулки

бўлмаган кишилар кулоқ қилиниб, қамаб юборилган. Бу воқиаларнинг гувоҳи бўлган, ҳозирги вақтда 90 ёшдан ўтган Музтаров Хол бованинг айтишларича, уларнинг қамалишига, кулоқ қилинишига нафақат ўша даврдаги давлат сиёсати, қолаверса юқори идора ходимларининг, айрим маҳаллий раҳбар ва фуқароларнинг “хизматлари”, иғволари ҳам кўп бўлган. Одамлар орасида бундай хусусиятга эга бўлган кишилар (лаганбардор, иғвогар, сотқинлар) доимо, ҳамма халқларда ҳам бўлган. Шу боис “Фалокат оёқ остидан чиқади”, -деб бекорга айтмаган қадимги римлик файласуф Сенека Л.А. (мил.авв. 4-65 йиллар). Бундайлар ҳақида қанчадан-қанча китоблар ёзилган, кинофильмлар, сахна асарлари яратилган. Миллатимизнинг гули бўлган академик Ҳабиб Абдуллаев, ёзувчи ва шоирлардан Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат ва бошқалар қамалиб кетди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар азият чекишди. Бу воқиалар ҳақида кейинги йилларда қанчадан-қанча мақолалар, телевизион эшиттиришлар берилмоқда. Бундай хусусиятли кишилар ҳақида таниқли шоир Муҳаммад Юсуф “Лаганбардорлар” шеърида ўринли таъриф берган:

Отабек Кумушин кўзларин ёпиб,
Ўзи ҳам ортидан қилгач сафарлар,
Қодирий бобонинг қўлларин ўпиб,
Чохга итарган ҳам – лаганбардорлар.

Улар Иблис билан тили бир ўртоқ,
Улар Азроилга содиқ чопарлар.
Аввал Усмонларни сотиб, кейинроқ,

Фарёд кўтарган ҳам – лаганбардорлар.

Ёв надир? Зўр келса ўлдиради ёв,
Булар қон сўрғувчи искабтопарлар.
Қаҳҳорни қандкасал,
Ойбекни соқов
Қилиб қўйганлар ҳам– лаганбардорлар.

Улар устозига қулдайин кимса,
Меҳрибон ҳомийси шогирдларининг,
Ўзи ўлдириб, сўнг мозоргача
Кўтариб боришар тобутларини...

Қишлоқда бундай бўлиб ўтган воқиалар ҳақида қариялар яхши билишади, ҳамда гурунгларида айтиб юришади. Ҳозирги кунда лаганбардорларнинг, улардан жабрланганларнинг ўғил-қизлари, набиралари улғайган, ҳаёт. Бу сатрларни ёзиб эндиликда улар ўртасида низо чиқармоқчи эмасмиз. Шунини ҳам айтиш керакки, ота-оналарининг қилмишлари учун, асло болалари жавоб бермайдилар. Шундай тоифа кишилар ҳозир ҳам йўқ эмас. Ушбу сатрларни ёзишдан мақсад, бундай характерга эга бўлган кишиларни, ифвогарларни инсофга, бошқаларни эса ҳушёрликка чақирмоқчимиз. Ҳар ким ўзи яшаб турган жойида бошқалар билан ахил, иноқ бўлиб яшаса, қишлоқнинг обод бўлишига ўзини ҳиссасини қўшса, нафақат ўзини, бошқалар ҳаёти ҳам раванқ топади. Халқимиз “Бирлашган ўзади, бирлашмаган тўзади”, “Бойлик бойлик эмас, бирлик бойлик” деб бежизга айтмаганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқда қизилларни зўравонликларидан айрим кишиларни муҳофаза қилиб қолган кишилар ҳам бўлган.

Ўша йиллари қишлоқ аҳлининг пири ҳисобланган Қиличхон эшон (Турди бовани уйларининг шимолроғида) яшаганлар. Қулоқлаштириш бўйича комиссия у кишини қулоқ қилиб, қамаб юборишга қарор қилинади. Бу гапдан хабар топган қишлоқ фаоли Аминов Тилов кечаси бориб, Қиличхон эшонни огоҳлантиради: “Шу тунда зудлик билан кетмасангиз, эртага эрталаб райондан одамлар келиб сизни қулоқ қилиб қамашади!” Шундан сўнг Қиличхон эшонга яқин ҳамсоя турган Турди бова араваларини қўшиб, у кишининг барча оила аъзолари ва зарур юклари билан Касби туманини Денов қишлоғига яқин одамлариникига қўйиб, тонг отгунча қишлоққа қайтиб келганлар. Кейин барча изларни ўчириб, аравани кўтариб қўйганлар. Эрталаб қулоқлаштириш бўйича комиссия келиб, Қиличхон эшонни уйларидан тополмагач, уй атрофи ва қўшни Турди бованинг уйлари атрофидаги изларни роса қидиришган, аммо топа олмаганлар. Кейинги йилларда Турди бованинг гурунгларида айтишларича, комиссия аъзолари отхонани кўрганларида, бўлган воқияни аниқлар эдилар. Чунки, от чоптириб ҳайдалгандан шундай терлаб кетган бўлганки, ҳали териси қуриб улгурмаган бўлган. Бу иш узоқ йиллар сир сақланган, агар ўша йиллар эшон бовани кўчириб юборишга кимлар кўмаклашганини билиб қолганларида, юқорида келтирилганларнинг барчасини ҳам қамаб юборишлари аниқ эди. Қиличхон эшон бова ҳам қолган кишиларга ёрдам берганлар. Бир неча ўн йиллар ўтиб, қулоқлаштириш ҳақидаги гаплар бости-бости бўлиб қолгач, кишилар гурунгларида бу воқиаларни айтишарди.

Қиличхон эшон вафот этиб кетганларидан кейин ҳам у кишининг ўғиллари Миракхон эшон қишлоқдан қўл узмаганлар. Ҳар йили бир-икки марта келар эдилар. Кўпинча бизларникига келардилар. У кишини яхши билган қишлоқ қариялари келиб, ҳол-аҳвол сўрашарди, навбат билан ўзлари ҳам меҳмонга айтардилар. Миракхон эшон ҳам тўй ёки бирор маърака қилсалар, албатта қишлоқдан кўпчиликни айтар эдилар. Ўртадаги самимий муносабатни сақлаганлигини асосий сабаби у кишилар учун энг оғир бўлган пайтларда қишлоқдаги кишилар ўз ҳаётларини гаровга қўйиб, уларни бало-қазодан қутқазиб юборганлар. Агар булар ҳам журъатсизлик, кўрқоқлик қилганларида уларнинг тақдирлари нима кечарди? Шунга ўхшаш қишлоқдошларини ҳам муҳофаза қилиб қолган ҳоллар кўп бўлган.

40-йилларнинг охири 50-йилларнинг бошида қишлоқнинг шимолида Дамшоқ деган гузарда ҳамда қишлоқнинг жанубида “Чичқончи” тепа яқинида кўп чордеворлар кўзга ташланарди. Хол бованинг айтишларича, 39-йилда қишлоқнинг четки қисмида жойлашган хонадонларни қишлоқ марказига кўчириш сиёсати бўлган. Бунинг учун одамлар ўз жойларидаги уйларини бузиб, қишлоқнинг ўртароғида улар учун ажратилган 30 сотих ерга ўзлари учун турар жойлар қуриб олганлар.

Б. Самадов (1981) келтирган маълумотларга кўра, Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли барча колхозлар 1939-40-йиллар мўл ҳосил ва юқори даромад кўтаришган. Шу йиллари ҳар бир колхозчи бир меҳнат кунига ўрта ҳисобда 3-5 килограммдан дон ва бошқа маҳсулотлар олишган. Жумладан, Ворошилов (Ғубдин) номли колхоз эса ўз планини 202 % қилиб бажарганини муаллиф таъкидлайди.

Ҳаммага маълумки, 1941 йил 21 июнда немис-фашистлари эълон қилмасдан Совет Иттифоқига хужум бошлади. Бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатлиси бўлиб, уни II жаҳон уруши деб ҳам юритилади. Чунки сайёрамизда урушга тортилмаган, урушдан азият чекмаган мамлакатлар, халқлар кам қолган. Мамлакатни фашистлардан муҳофаза қилиш учун республика, вилоят, туман, хўжаликларнинг барча ёшлари сафарбар қилинди. Шунингдек, Ғубдин қишлоғининг йигитлари ҳам навбатма-навбат чақирилиб, фронтга юборила бошланган. Ўша йиллари одамлар радио орқали янгиликлар берилган вақтда қора радио карнайи яқинига тўпланиб фронтда бўладиган воқиаларни мунтазам равишда эшитардилар ёки бир-бирларидан сўраб-суриштирар эдилар.

Қишлоқ халқи азалдан соҳибкор деҳқон бўлганлиги учун пахта, буғдой, арпа, нўхат каби экинлар; қовун-тарвуз, лавлаги, сабзи, пиёз кабилар, узум ва бошқа ҳар хил мевалар етиштирилган. Шунингдек, қишлоқда чорва моллари ҳам анчагина бўлиб, маҳсулотлари белгиланган режа асосида топширилган. Бу маҳсулотларни давлат фронт учун талаб қилган.

Ворошилов колхозининг ишлаб чиқарган маҳсулотлар режаларининг
бажарилиши

(1937 йил учун)

4-жадвал

№	Экин тури	Майдони (гектар)	Ялпи ҳосили (центнер)
1.	Кузги буғдой	100 га	137,90 ц
2.	Баҳорги буғдой	250 га	205,60 ц
3.	Кузги арпа	100 га	336,93 ц
4.	Жами	450 га	679,13 ц

1937 йилда колхозда 17 та иш хўкизи, 171 та кўйи бўлган. Шу йили колхоз давлатга юқорида келтирилган дон маҳсулотларидан ташқари 77 та қоракўл териси, 341 кг юнг ҳам топширган. Бу маълумотлар 40-йиллардаги олинган маҳсулотлар миқдори билан солиштириш учун келтирилди.

Ворошилов колхозининг ишлаб чиқарган маҳсулотлар
режаларини бажарилиши

(1941 йил учун)

5-жадвал

№	Экин тури	Майдони (гектар)	Ҳосилдорлик (1 га)	Ялпи ҳосили (центнер)
5.	Кузги буғдой	305 га		382,8 ц
6.	Баҳорги буғдой	187 га	3 ц	544,2 ц
7.	Арпа	83 га	1,1 ц	87,4 ц

8.	Пахта	80 га	18 ц	1441 ц
9.	Жами	655 га		4454,14 ц

Бундан ташқари зиғир, кунжут, полиз ва сабзаёт маҳсулотлари, 10,2 ц туршак ҳам етиштирилган.

Юқоридагилардан ташқари чорва моллари учун беда, янтоқ, сомон ҳам йиғилган.

1941 йилда колхознинг 43 та қорамоли бўлиб, шундан 5 та сигир, қолганлари иш хўкизи бўлган. 1942 йилда эса колхознинг қорамоллари сони 86 тага кўпайган, сигирлар сони эса 15 тага етган.

Қоракўл кўйлари 1941 йилда -372 та бўлиб, 1942 йилда 601 тага кўпайган. Жами отлар сони 1941 йилда 34 та бўлиб, шундан 18 таси иш отлари бўлган.

1942 йил учун

б-жадвал

№	Экин тури	Майдони (гектар)	Ҳосилдорлик (1 га)	Ялпи ҳосили (центнер)
1.	Кузги буғдой	395 га	3,25	1266 ц
2.	Баҳорги буғдой	75 га	4,33 ц	325 ц
3.	Арпа	40 га	3,2 ц	127,6 ц
4.	Пахта	90 га	4,8 ц	428,8 ц
5.	Жами	700 га		2147,4 ц

Булардан ташқари 10 га маккажўхори, 70 га тарик ҳам экилиб, улардан ҳосил етиштирилган. Чорва моллари учун беда, бир неча скирд янтоқ, сомон, ғўзапоя кабилар ҳам йиғилган.

Чорва моллари (1942-1943 й)

7-жадвал

№	Молларнинг тури	1942 йилдаги сони	1943 йилдаги сони
1.	Қорамоллар	86 та шундан: сигир -15 та, иш хўкизи - 19 та	108 та шундан: сигир-26 та, иш хўкизи-20 та
2.	Қўйлар	601 та	692 та
3.	Отлар	39 та	30 та

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, колхозни қўйлари, қорамоллари энг қийин бўлган уруш йилларида ҳам йилдан-йилга кўпайиб борган. Отлар сони бироз камайган. Чунки отлар фронтга олинган. Ўша йиллар маршал С. Будёнийнинг отлик дивизияси бўлиб, у немис фашистларига қарши жангга қатнашган. Кейинчалик армия механизациялашган бўлиши керак деб отлик дивизия тарқатиб юборилган.

1948 йил учун

8-жадвал

№	Экин тури	Майдони (гектар)	Ҳосилдорлик (1 га)	Ялпи ҳосили (центнер)
1.	Кузги буғдой	172 га	6,69 ц	120 ц
2.	Баҳорги буғдой	155 га	0,22 ц	35 ц

3.	Баҳорги арпа	25 га	3,39 ц	85 ц
4.	Пахта	95 га	6,83 ц	649 ц
5.	Жами	247 га		889 ц

Юқоридаги жадвалларга келтирилган экинлар колхознинг иш режасига киритилган асосий экин турлари бўлган. Булардан ташқари унчалик кўп бўлмаган ҳар йили полиз ва сабзавот экинлари, мевачилик ҳам бўлган.

Ворошилов колхозининг 1948 йилда дон, пахта ва чорва маҳсулотлар топшириш бўйича давлат берган режаларини бажарилиши ҳақидаги маълумот

9-жадвал

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Режада	Амалда
1.	Дон	центнер	588	219
2.	Пахта	центнер	1040	524
3.	Қоракўл тери	дона	210	217
4.	Пилла	кг	2028	1680
5.	Гўшт	центнер	40	40
6.	Сут	кг	2772	2772
7.	Юнг	Кг	800	704
8.	Тухум	дона	2712	2712

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, колхоз чорвачилик маҳсулотлари режасини деярлик бажарган, деҳқончилик билан боғлиқ бўлган маҳсулотларнинг эса ярмига яқин

бажарилган. Албатта деҳқончилик об-ҳаво шароити, сувни етарли бўлиши билан боғлиқ. Ёки режа имкониятга нисбатан ўта катта бўлган бўлиши ҳам мумкин. Ўша йили деҳқончилик маҳсулотларига кўйилган режа тўлиқ бажарилмаган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган жадваллардаги маълумотлар китобхонга ўтган асрнинг 40-йилларида қишлоқда олиб борилган ишлар, машаққатли қўл меҳнати билан етиштирилган маҳсулотлар ҳақида озгина бўлсада тасаввур ҳосил қилади деб ўйлаймиз. Ҳозирги вақтда эса бу маҳсулотлар жуда оз етиштирилади, кўплари, айниқса, чорва моллари тугади, айрим деҳқончилик экинлари бутунлай экилмайди. Одам, яъни ишчи кучи, тракторлар етарли бўлса ҳам ер майдони камайиб кетди. Зарур маҳсулотлар қишлоққа четдан, бозордан келтирилади.

Уруш йиллари соғлом йигитларни аксарияти фронтга кетганлиги учун юқорида келтирилган маҳсулотларни етиштириш асосан хотин-қизлар, кексалар, мактаб ўқувчилари зиммасига тушган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, битта Ворошилов колхози (Ғубдин ва Қозикенти қишлоғи) учун шунча экинларни экиб ҳосилни етиштириб, давлатга топшириш осон бўлмаган. Авваламбор деҳқончилик қўл меҳнати билан амалга оширилган. Ўша йиллари ҳозиргидек трактор, комбайн бўлмаган. Яъни ерлар хўкизлар, отлар билан ҳайдалган, дон қўл билан сепилган, устидан мўла босилган, суғориладиган ерларда пол олиниб бир неча марта суғорилган. Дон экинлари пишгач, ўроқ ёрдамида ўрилган. Кейин боғлаб хирмонда йиғилган. Шундан сўнг уюлган хирмон отлар туёғи ёрдамида майдаланган. Бунда 4-5 та отни бирга боғлаб, бирор ўсмир бола хирмон устидан отларни ҳаракат қилдириб, буғдой ўрими

майдаланган. Бу иш бир неча кун давом этган. Дон ажралиб, сомони майдалангач, хирмонни 2-3 кексалар шамолда совурганлар, яъни шамол ёрдамида дон сомондан ажратилган. Чош тайёр бўлгач, ўша йиллари колхоз омбор мудирини бўлиб ишлаган Тоштемиров Шариф (қозикентлик) тозаланган буғдойни қабул қилиб, ё Қарши станциясидаги дон қабул қилиш пункти – заготзернога ёки колхоз омборхонасига жойлаштирган – тўктирган. У киши жуда ишбилармон одам эди. Бир неча центнерлик ёки тонналик буғдой чошини кўриб, қанчалигини аниқ айта олар эди. 4-5 кг.га адашиши мумкин эди, холос. Тоштемиров Ш. ни шаҳар, станцияда танишлари кўп эди. Колхоз учун зарур буюмларни, ускуналарни қаердан бўлса ҳам тез топиб кела олар эди, колхозда иш тўхтаб қолмас эди.

Давлатга топшириладиган ғаллани Турди бова ёки бошқа аравакашлар қопларга солиб, аравага ортиб станциядаги загот зернога топшириб келар эдилар. Заготзерно омборида ҳозиргидек конвейр ўша йиллари бўлмаган. 70-80 кг келадиган қопдаги буғдойни одамлар елкаларига кўтариб, юқорига олиб чиқиб тўкишар эди.

Пахта етиштиришдаги кўл меҳнати бундан ҳам машаққатли бўлган. Бу ишларни асосан ёши ўтиб қолган кексалар, хотин-қизлар, мактаб ўқувчилари амалга оширганлар.

Буғдой, арпа экилган далалардан бу экинлар йиғиштирилиб олингач, бир қисм бошоқлари ерга тўкилиб қоларди. Шунини теришга рухсат этиш учун ғалла бригадирлари “шохол қочди” деб эълон қилар, яъни тўкилган бошоқларни энди териб олишларингиз мумкин дегани эди. Унгача бирорта бошоқни териб бўлмасди. Албатта бу эълонни барча кутиб турарди. Шундан сўнг ёш, қари аёл, эркаклар, кўпинча ёш болалар ҳам ёппасига бошоқ теришга киришарди. Бир неча

куни бошоқ терилгач, далада қорамол ёки қўйлар боқиларди. Терилган бошоқни ўғирда ёки бошқа буюм ёрдамида майдалаб, совурилиб, яъни сомондан ажратилиб олинарди. Бир қисмини ёзда, айримлар кишда донни ғамлаб қўярди.

Ўғир – ичи ўйиқ ғўладан иборат бўлиб, унга бошоқ солиниб кейин туйилади. Эзиб майдалангач, шамол ёрдамида совурилиб донни сомондан ажратиб олинарди. Илгари вақтда бу рўзғор буюми ҳар бир хонадонда бўлган. Ҳозирги вақтда у йўқолиб кетди, чунки унинг зарурати йўқ.

Дон ажратиб олингач, кўпинча дон ёрғучоқда тортиларди. Ёрғучоқ ҳам кўп рўзғорда бўлган. Уни кичик қўл тегирмони деса ҳам бўлади. Ёрғучоқ иккита оғир тошдан (пастки ва устки) иборат бўлиб, ўртасидаги кичикроқ бўшлиққа вақти-вақти билан дон ташланиб, тошларга ўрнатилган чўп орқали юқоридаги тош айлантиради. Албатта, ёрғучоқ тошини айлантериш анча машаққатли меҳнат. Кучлироқ бўлса бир киши, бўлмаса икки киши бирга айлантира оларди. Ёрғучоқ бир неча соатда кўп бўлса 2-3 кг донни унга айлантиради. Бу ишни кўпинча кечқурунлари ўсмир қизлар, баъзан ўғил болалар бажарардилар. Бир сўз билан айтганда ўша даврда нон ейиш машаққатли меҳнат воситасида амалга оширилган.

Қишлоқда ҳозирги масжиднинг яқинида сув тегирмони ҳам бор эди. Одамлар кўпинча буғдой ёки арпа донларини тегирмонда торттирардилар. Аммо куз, қиш ойларида сув бўлмасдан, тегирмон ишламасди. Шундай пайтларда озроқ донни ун қилиш керак бўлганда ёрғучоқдан фойдаланардилар. Ёрғучоқда дон маҳсулотларидан ташқари тут майиз ҳам тортиларди. Бунинг учун куз пайтлари, яъни кундузи анча иссиқ бўлиб, кечаси салқин тушган кунлари тутмайиз аввал

куннинг иссиғида, кейин салқинда кўйиларди. Тутмайиз салқин хароратда қотгач, уни эрта саҳарда ёрғучоққа солиб тортиларди. Шунда у унга ўхшаб майдаланиб кетарди. Чунки, иссиқ пайтда тортилганда, тутмайиз тегирмонни тошига ёпишиб қолади. Кейин майдаланган тутмайизга ёнғоқ, чақилган данак мағизи кўшилиб, махсус тайёрланган қоғоз халталарда солиб кўйиларди. Бу ишларни кўпинча момолар амалга оширардилар. Баъзи ишбилармон кишилар қоғоз халталарга махсус белгилар кўйиб, навларга ажратишган. Яъни, тутпишиғини охирги кунларида тайёрланилган (ранги сариқ бўларди), у анча сифатли, тўйимли бўларди. Қиш пайтлари қоғоз халталарда совуқдан қотиб қолган тутмайизни тешалар ёрдамида аранг майдаланиб, кейин тановул қилардилар. Тутмайиз жуда тўйимли, сифатли озуқа бўлган.

Ҳозирги вақтда ёрғучоқ деярли йўқолиб кетди. Айрим ёшлар уни кўрмаган ҳам бўлишлари мумкин. Фан-техника тараққиёти туфайли ўта мукамал, катта қувват билан ишлайдиган тегирмонлар қурилди. Вилоятимизнинг Шайхали посёлкасида Швейцария технологияси асосида қурилган тегирмон деярли вилоят аҳолисини унга бўлган талабини қондиради. Замонавий тегирмонда дондан ун қилиш технологиясининг ҳамма жараёнлари амалга оширилади: буғдой ювилади, қуритилади, кепакка ажратилади, тайёр бўлган ун халталарга солиниб, тахланади. Дунёнинг кўп мамлакатларида Швейцария технологияси асосида тегирмон қурилиб, ўзларининг халқларини ун маҳсулотларига бўлган талабларини қондириб келмоқдалар.

Уруш йиллари меҳнат интизоми жуда қаттиқ бўлган. Эрталаб кун чиқмасдан ҳамма далага ёки бошқа бир иш жойида бўлган. Бир соат тушликка вақт ажратилган ва яна кечгача иш давом этган. Ҳар

бир кишига бир кунда бажарилган иши табелчилар томонидан бўлиб берилган. Масалан, неча қатор пахтани чопиқ қилиши кераклиги ёки неча сотих буғдой ўриши.

Қишлоқдаги ишлар бригадаларга бўлинган: пахта бригадири, ғалла бригадири, боғ бригадири ва хоказолар. Улар ўз навбатида бир неча кишидан иборат звеноларга бўлинган. Ҳар кечқурун колхоз правлениясида йиғилиш бўлиб, ўша куни бажарилган иш ҳисоб-китоб қилинган. Эртага қайси бригада, қайси звено ёки шахс нима иш қилиши кераклиги аниқ режалаштирилган. Меҳнат интизомини бузганлар қаттиқ жазоланганлар. Ҳатто фронтга ёки ишчи батальонга жўнатилган (Россия ёки республика миқёсидаги катта қурилишларга). Интизомсизлик қилган хотин-қизларни ҳам аямаганлар, ишчи-батальонга жўнатилган.

Баҳор, ёз, куз ойларида экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиштириб олиш каби ишлар билан шуғулланилса, киш фаслида ариқларни қазиш, далага нури чиқариш, ерларни текислаш каби юмушлар амалга оширилган. Колхозда дала ишлари йил бўйи тўхтамаган. Бажарилган ишга табелчи меҳнат куни қўйган. Аммо меҳнат кунига деярлик ҳеч нарса берилмаган, яъни одамлар текин ишлаганлар. Жуда қийналиб қолган кишиларга колхоз омборидан 5-10 кг. буғдой, арпа ёки ғўлин берилган.

Ўша йиллари колхоз раиси бўлиб ишлаган бир киши шундай гурунг беради: “Бизларни тез-тез райкомга мажлисга чақиришар эди. Йиғилиш хонасида (залда) юқорида стол ва иккита стул бўлиб, унинг бирига райкомнинг биринчи котиби, иккинчисига район ижроия комитетининг (райисполком) раиси, ён томонда эса район НКВД сининг бошлиғи, прокурор, судья раислари ўтиришарди. Пастда эса

шолча ёки гиламга ўхшаш тўшамчи тўшалган бўлиб, унда колхоз раислари чордана куриб ўтирардик”. (У вақтда стуллар бўлмаган. Тумандаги ҳар бир қишлоқ алоҳида колхоз бўлганлиги учун колхоз раислари ҳам кўп бўлган).

Мажлис бошлангач, райком котиби ёки раисполком раиси ҳар бир колхоз раисини турғизиб, берилган топшириқни бажарилишини суриштирган. Масалан, муайян колхоз кўрсатилган муддатда қанча пахта ёки ғалла топшириш керак. Шунини бажардимми ёки йўқми? Агар бирор колхоз белгиланган миқдордаги маҳсулотни топшираолмай, режани бажармаса, НКВД қамоққа оларди. Уларнинг баъзиларини фронтга ёки ишчи батальонига жўнатишган. Режани бажараолмаган колхоз раислари уйимизга қайтиб борамизми ёки йўқми, деб мажлисга кўрқиб боришган.

Уруш йиллари қишлоқ аҳолиси қийинчиликларга қарамай, хўжалик солиғи, суғурта, гўшт, тухум, сариёғ, жун каби 13 хил солиқ ҳам тўлаганлар. Бунча хил солиқни қандай тўлашган? Албатта ҳар бир оилада сигир, қўй, эчкилар бўларди. Илгари қишлоқда доимо пода ва подачи бўлган. Подаларни боқишда қишлоқда яйловлар кўп бўлган. Одамлар молларнинг бир қисмини сотиб, солиққа тўларди. Бундан ташқари ўша йиллари кўп одамларнинг боғлари обод бўлган. Ундан чиққан хўл, қуруқ меваларни бир қисми сотилиб, солиққа тўланарди. Албатта, бу ишлар жуда оғир кечган. Ўтқир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” романидаги битта соғиб, ичиб турган эчкисини ҳам солиқчилар олиб кетган манзарани эсланг. Шунга ўхшаш ҳолатлар бизнинг қишлоқда ҳам бўлган.

Урушнинг дастлабки даврларида Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикаларидан кўп оилалар, етим болалар кўчириб

келинган. Б. Самадовнинг (1981) ёзишича, Каманди қишлоқ советидаги колхозларга кўчирилиб келтирилаётган кишилардан даставвал 500 киши қабул қилинган. Шунингдек, “Ертепа” қишлоқ советидаги колхозларга ҳам эвакуация қилинган рус, украин, белорус, яҳудий миллатларига мансуб кишилар келтирилиб жойлаштирилди. Ғубдин қишлоғида ҳам Украинадан келган бир неча хотин-қизлар гаражнинг тўғрисидаги Шарипов Наби деган колхоз бухгалтерининг ҳовлисида жойлаштирилди. Улар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа қулайликлар яратилди. Уруш тугагач, ҳаммаси ўз ватанига қайтиб кетишди.

40-нчи йилларнинг бошидан охиригача ҳам аҳолини иқтисодий аҳволи жуда қийин эди. 1946 йил баҳор ойларида Бозор бова (бизларга амаки бўлар эдилар) оғир касал бўлиб қолдилар. У киши шаҳардаги “Иттифоқ” номли артелга ҳар хил материалларни тўқиш учун ишлатиладиган ғаровдан тиф ясар эдилар. Бозор бова элга “Пайғамбар тўй” қилиб бераман деб ният қилган ҳолда маълум тайёргарлик ҳам кўриб қўйган. Тўй бошланиб, кичикроқ қозонга тахминан 10-15 кг. атрофида гурунч дамланди, айвонда эса одамлар ўтириш учун жой қилинди. Товоқларга сузилган ош кўрдаги дастурхонга қўйилгунча, ҳавога тугаб қоларди, яъни арвоб товоқни дастурхонга қўйиб улгурмасдан, ундаги ошни одамлар еб қўярдилар. Дастурхонга қўйилган нон ва қуруқ мевалар бир зумда тугаб қолди.

Ўша йилнинг баҳор ойларида бир куни колхозчилар қишлоқ қабристонининг тўғрисидаги далада (ҳозирги Темиров Исоқ пахта эккан далада) ишлаб турган эди. Кимдир (шу қишлоқдан) шаҳардан бозор қилиб қайтаётган экан. Колхозчилар билан саломлашди. Колхозчилар ундан: “Бозор қандай экан?”- деб нималар харид қилганлигини сўраб қолишди. У бозордан харид қилган нарсаларини

айтиб, каллақанд (лўнда, катта-катта) ҳам олганлигини айтиб қолди. Далада ишлаб турган барча каллақандни томоша қилгани чиқди. Чунки, ўша даврда қанд, конфетлар жуда ноёб бўлиб, одамлар уларни кам кўрган бўлганлар. Бундай маҳсулотлар магазинларда ҳам бўлмасди. Қишлоқ аҳолиси асосан ғўлин, майиз истеъмол қилишарди.

Юқорида келтирилган воқиалар ҳозирги вақтда эсга тушган айрим ҳолатлардир. Бунга ўхшаш ва бундан ҳам даҳшатлироқ воқиалар кўп бўлган. Қанча одамлар очликдан ўлиб кетган. Уруш тугаганига қарийиб 70 йил бўлди, лекин унинг асорати ҳали ҳам кетгани йўқ. Юқорида келтирилганлардан мақсад олдинги авлод кишиларининг ҳаёти қанчалик қийин бўлгани, уларнинг фашизм устидан қилинган ғалабага қўшган хиссаларини эслашдир. Буни ҳеч вақт унутмаслик керак. Айниқса ёш авлодга эслатиб туриш керак. Уруш йиллари айрим қишлоқларда яшаш бундан ҳам қийин бўлган. Ўша давр раҳбарларнинг зулмидан аҳолининг бир қисми вилоятларга, Тожикистонга кўчиб кетишган. Ғубдин қишлоғида бундай ҳолат деярлик бўлмаган.

Бундай ҳолат нафақат бизнинг қишлоғимизда, бошқа қишлоқларда ҳам, мамлакатимизда, чет мамлакатларда ҳам содир бўлган. Немис-фашистлари ва уларнинг шериклари япон мелитаристларидан деярли дунё халқи азият чекди. Барча халқларнинг бирдамлиги оғир меҳнати, кураши туфайлигина фашизм устидан ғалаба қозонилди.

1945-йил 9 майда немис-фашистлари устидан қозонилган ғалабанинг эълон қилинишини мамлакат, дунё меҳнаткашлари қатори, бизнинг қишлоқ аҳли ҳам катта хурсандчилик билан кутиб олди. Айниқса, урушдан қайтган ҳамқишлоқларни кутиб олиш, уларнинг

уйига бориб оилалари хурсандчилигига қўшилиб ҳол-аҳвол сўраларди. Бирор киши урушдан қайтса ўша куни бутун қишлоқ учун катта байрам бўларди.

Уруш тугагач, одамларнинг кайфияти анча яхшиланиб, меҳнат фронтида янада фидокорона жасорат кўрсатдилар. Қишлоқда маданий-оқартув ишлари анча яхшилана бошланди. Тез-тез кўчма кино келарди. Ўша йиллари қишлоқда электр энергия бўлмаганлигидан ўзлари билан электр энергияси ишлаб чиқарадиган движок олиб келиб, кино кўрсатишарди. Киноларни кўпи уруш мавзусида бағишланган бўлиб, кино механиклар ҳам ўша пайтларда рус болалари бўлар эди. Бундан ташқари вилоят музика ва драма театри артислари концерт, ҳар хил спектакллар кўйишарди. Баъзан Тошкентдан ҳам санъаткорлар келиб колхоз клубида ҳар хил томошалар кўрсатишарди. Бу томошаларга қўшни қишлоқлардан ҳам одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб кўриб кетишарди. Туман, вилоятлардан вакиллар келиб ҳар хил мавзуларда мажлис ўтказишарди. Қишлоқ марказ бўлганлиги учун четки қишлоқлардан одамлар ҳар хил тадбирларда катнашиб кетардилар. Шу тариқа қишлоқ доимо одамлар билан гавжум бўлиб турарди.

Яқинда (2010 йил) ҳамқишлоғимиз Нурулло Ҳамроев билан суҳбатлашганимизда ўша йилларда (урушдан кейин) бўлган айрим ишларни эсларкан, қуйидаги воқеани айтиб бердилар. Қишлоқда кўп киши (ёшлар, кексалар, хотин-қизлар) шаҳарга сайилга бораётган эдик. Қозикенти қишлоғидан ўтиб, темир йўлга яқинлашганимизда райкомнинг бир ходими йўлимизни тўсиб, ҳаммани сайилга бормайсизлар, қишлоққа, уйлариңизга қайтинглар, деб уриша бошлади. Бу гапдан сўнг барчаниң кайфияти бузилди. Шунда Қозоқ ака Номозов аста ҳалиги кишини ёнига бориб, бундай қилманг, деган

маънода тушунтирмоқчи бўлган эди, у олдингидан ҳам баттар ўдағайлай бошлади. Қозоқ ака узоқ ўйлаб турмасдан ҳалиги кишининг кўкрагига бош билан бир урганди у йиқилиб тушди. Шундан кейин караб турган ҳамма (Қозоқ ака ҳам) шаҳар томон сайилга чопқиллаб кетиб қолдилар. Ўша даврда ўша вакилга одамларни сайилларга кўйманглар деган райкомдан топшириқ бўлгандир ёки атеизм ривожланган пайтлар бўлганми, ҳозирги кунда буёғи бизга номаълум. Қандай бўлмасин бу ишлар номаъкул. Шунча кишини йилда бир марта бўладиган халқ сайилига кўймасликка, одамларнинг хурсандчилигини бузишга кимнинг ҳаққи бор? Ҳеч бир соғлом, нормал одам бу ишни қилмайди.

Қозоқ ака ҳам ўша пайтда қаҳрамонларча иш қилиб, одамларга канча хурсандчилик ҳадя этган. Ўша пайтларда кўп жойларда шунга ўхшаш ҳодисалар бўлиб турган.

Маълумки, республикамызда 1943-48 йилларда “Фарҳод ГЭС”и қурилди. ГЭС қурилишини асосан ҳашар йўли билан олиб борилган. Бу улкан қурилишда барча вилоят ва туманлардан, қишлоқлардан минглаб кишилар қатнашдилар. Шунингдек, Ғубдиндан ҳам бир неча киши юборилади: Қодиров Мамат, Қиёмов Усмонхон, Турсунов Рўзихон (Ҳикматхоннинг акалари), Низомов Хусанхон, Имомова Гавҳар, Рахматова Фотима, Жабборова Иқлим, Рўзиева Асло, Ҳаққиева Робиялар. Қарши тумани бўйича барча колхозлардан ГЭС қурилишига борганларга раҳбар этиб Чўли Бегимқулов (Дашт қишлоғидан) тайинланган бўлган. Қишлоқдан “Фарҳод ГЭС” қурилишига борган барча эркак ва хотинлар ишни битказиб, омон-эсон қишлоққа қайтишган. Уларнинг аксарияти вафот этишган, айримлари ҳозир ҳам ҳаёт.

Ушбу ГЭС қурилишига қатнашганлардан Ҳусанхон ака яқинда “Хотира ва кадрлаш куни”га Дашт қишлоғидаги қабристонга Чўли Бегимкуловнинг қабрларини зиёрат қилишга борганлар. Ҳусанхон қабри зиёрат қилиб турганларида Чўли бобонинг ўғиллари Исроил кўриб қолади (у кишининг ўғилларидан битта шу қолган). Исроил Ҳусан акани танимагани учун “Сиз ким, қаердан, нима қилиб турибсиз?” деган саволларни беради. Шундан кейин Ҳусанхон ўзларини таништириб, зиёратга келганларининг сабабини айтиб берганлар: “1946 йил эди. Мен ва бир қанча ғубдинлик қишлоқдошларимни “Фарҳод ГЭС”га жўнатиш учун вокзалга олиб келишди. Вокзалда барча қишлоқлардан ГЭС қурилишига юбориладиган кўп одамлар тўпланган экан. Чўли бова келиб ҳаммани назорат қилганларида менинг оёқяланг эканлигимга кўзлари тушиб қолди. Оғир йиллар, камбағалчилик. У киши зудлик билан менга оёқ кийим топтириб, кейин ҳам кўп ёрдам бериб турдилар. Мен у кишининг яхшиликларини унутганим йўқ”,-деб Ғубдиндан Дашт қишлоғига зиёратга келганликларини сабабини айтганлар. Исроил Ҳусанхон акани бу ишларидан миннатдор бўлиб, у кишига пул узатган. Ҳусанхон ака эса пулни олмасдан, Чўли бованинг менга қилган яхшиликлари учун у кишини зиёрат қилиб туриш ўзимни бурчим деб ҳисоблайман, деган мазмунда жавоб берганлар. Бу воқиага қарийиб 70 йил бўлаяпти. Ҳа, Ҳусан ака қишлоқдаги оқибатли, ҳалол кишилардан. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги шеърий мисралари эсга тушади:

Дунёда кўп нарса унутилади:

Қашшоклик, мартаба, қувонч, қайғулар,

Унутилиб борар муҳаббат дарди.

Унутилар йиллар, йўллар, туйғулар.

Қирқ йиллик адоват унутилар секин,

Унутилар ҳатто юракдаги дарз.

Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,

Унутилмас уларнинг олдидаги қарз.

Ҳа, қишлоқда Хусан акага ўхшаш оқибатли, ҳалол, камтар, меҳнатсевар, юқори маънавиятли одамлар кўп: Асадов Амиркул, Асадов Саид, Негматов Қаҳҳор, Примов Носир, Нурматов Отамурод, Нурматов Нурали, Ўринов Акбархон, Ўринов Мусохон, Ҳамроев Мурод, Қурбонов Ражаб, Юсупов Элмурод, Хатамов Шокир, Бердиев Абдулло, Хатамов Шомахмат, Хатамов Номоз, Ахмедов Абдулло, Ҳамроев Халил, Сирожиддинов Жуманазар.... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Юқорида келтирилганларнинг айримлари ҳозирда вафот этишган. Аммо, уларнинг яхши ишлари, яхши хулқ-атворлари одамларнинг эсидан чиқмайди. Исми шарифи келтирилганларнинг аксарияти олий маълумотга эга бўлмасада, уларнинг дунёқараши, фикрлаши, маданияти айрим олий маълумотли кишилардан юқори бўлса бор, кам эмас. Улар “ҳаёт университети”ни ўқишган. Бундан қарийиб минг йиллар илгари ўтган тожик шоири, мутафаккир Рудакий бу борада қуйидаги мисраларни ёзган:

Гар киши олмаса ҳаётдан таълим,

Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Халқимизда шундай гап бор. Яхши одамлар мингта бўлса ҳам кам, ёмон одамнинг биттаси ҳам кўп. Ёмон хулқ-атворли кишидан нафақат оила-аъзолари, балки атрофдагилар ҳам безор...

1948 йил янги ерлар ўзлаштирилаётган Мирзачўлга республикамиз барча вилоятларининг қишлоқларидан одамларни кўчириш бошланди. Губдиндан ҳам бир неча оилалар кўчирилди: Нурматов Шароф, Шарипов Наби (ўша йиллари у киши колхоз бухгалтери бўлиб ишларди), Шаропов Муқимхон, Низомов Ҳасан, Низомов Ҳусан, Аралов Ғани, Номозов Ашир, Номозов Қозоқ ва бошқалар. Албатта, бу кишиларга қишлоқдан кўчиб кетиш жуда оғир бўлган. Ўша даврда ҳукуматни шундай сиёсати бўлган. Улар бир неча йил Мирзачўлга яшаб, ишладилар. Аммо қишлоқ меҳри, ўзлари туғилиб ўсган тупроқ меҳри тортиб, деярлик ҳаммалари қишлоққа кўчиб келишди.

4.3. 50-60-йилларда қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи

1950-йилларда колхозни йириклаштириш бошланди. Ворошилов колхозни Ниёзмудин (Сталин), Пармитон (Молотов) колхозлари билан бирлаштирилиб, колхоз идораси Ниёзмудинга кўчирилди. Колхоз раиси этиб шаҳарлик Шукуров А. деган киши тайинланди. Йўлдошев (андижонлик) деган киши райком котиби, Ниёзмудинда барчани йиғиб, мажлисда ушбу янгиликни эълон қилди. Кейинчалик Ертепа, Хонён, Мирмирон қишлоқлари ҳам бирлаштирилди.

1957 йил қишлоқ советига қарашли барча колхозлар- қишлоқлар бирлаштирилиб, Қарши туманидаги “XXII партсъезд” давлат хўжалигига айлантирилди. Қарши тумани “XXII партсъезд” совхозига директор бўлиб ишлаганлар: Очил Тошев (парғўзалик), Райим Тўрақулов (шаҳарлик), Муҳаммади Шарипов (дарчалик), Исмоил Бозоров (бешкентлик), Худойберди Худойқулов (бойғундилик), Тўра Ғуломов (мирмиронлик), Хўжам Қурбонов (ертепалик), Ҳаким Иброгимов (мирмиронлик). Улар ҳар хил даврда ҳар хил муддатда

ишладилар, шунга кўра хўжаликни ривожланишига ҳар хил даражада ўзларини ҳиссаларини қўшганлар.

Хўжалик директори бўлиб ишлаганлардан, айниқса, Муҳаммади Шарипов, Худойберди Худойқулов, Тўра Гуломовлар нафақат юқори идоралар берган режаларни бажаришда, совхозда тартиб, қишлоқнинг обод бўлишига ўзларини салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Ўша йиллари Қарши тумани Агросаноат бирлашмасига қаршли “XXII партсъезди” давлат хўжалиги асосан пахта етиштирарди. 1977-1982 йилларда хўжалик полиз маҳсулотлари етиштириб берувчи хўжаликка айлантирилди. 1985-1989 йилларда Ўзбекистон Республикаси “Узсовсельовощь” бирлашмасига қаршли уруғчилик хўжалигига ўтди. 1993 йилда Қарши тумани “САБЗАВОТНАВУРУҒЛАРИ” ишлаб чиқариш ва тайёрлаш “Насаф” жамоа ширкат хўжалигига айлантирилди, яъни хўжаликнинг номи ўзгартирилди, аммо уруғ етиштириш давом этаверилди. 1997-2002 йилларда Қашқадарё вилоят Қарши тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмасига “Насаф” хўжалиги деб юритила бошлади. Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари ташкил этилган.

Колхозни совхозга айлантирилиши орқали бир вақтлар минглаб қўйлари, юзлаб қорамоллари бўлган Ворошилов колхозини барча чорва молларидан мол-мулкидан ажралиб қолди. Боиси, бу чорва молларининг бир қисми гўшт комбинатларига топширилиб, бир қисми бошқа хўжаликларга бериб юборилган, бир қисми эса айрим раҳбарлар томонидан сотиб юборилган. Колхоз моллари талон-тарож бўлиб кетган. Бу моллар қанча машаққат билан кўпайтирилган, боқилган эди. Битта ислоҳат билан йўқ қилиб юборилган. Унинг устига бир умр колхозда ишлаган кишиларнинг иш стажи бекор

килиниб, яъни қайта “0” дан бошланди. Бу ўринда савол туғилиши мумкин: совхоз бўлгандан кейин ҳам одамлар олдин нима иш қилган бўлсалар шу иш билан, яъни дехқончилик билан шуғулланганлар-ку, нимага иш стажи бекор қилинади? Бу саволларга ҳеч ким жавоб бермаган. Ўша йиллари ёши кексайган кишилар пенсияга чиқарила бошланди. Урушдан олдин, урушнинг оғир йиллари ва ундан кейин ҳам кеча-ю кундуз колхозда машаққат билан меҳнат қилган кишиларга 12 сўм, 21 сўм пенсия ажратилди. Бирор иш қилмай “йўлини қилган” айрим кишилар ўша даврда ҳам 30-40 сўм пенсия олди. Шундан кейин қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи жуда қийинлашиб қолди. Томорқаларга сув очиш амримаҳол эди. Сув фақат пахтани суғоришга ажратилган. Совхоз бўлгандан кейин одамларнинг иш ҳақи жуда оз эди. Бир гурунгда Ғани бова бир ой от-арава ҳайдаб иш ҳақига 3 сўм, Комилов Лутфи ака 1 сўм, Ҳамроев Йўлдош 3 сўм ёзилганини айтган эди. Бошқа совхоз ишчиларига ҳам шунга яқин иш ҳақи тўланган. Бундай ҳолат бошқа туман қишлоқларида ҳам бўлган. Бошқа қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги қийинчиликларга чидай олмай, бошқа жойларга кўчиб кетганлар. Аммо Ғубдин халқи ҳеч қаерга кўчмасдан, қийинчиликларга чидади. Айрим одамлар шаҳар, станцияларда ишлаб келишарди, санокли одамлар (иш жойидан уй берганлар) кўчишди, холос.

Қишлоқ қулай географик жойда жойлашгани ҳамда кўркам бўлгани учун илгаридан кўп кишилар кўшни қишлоқлардан кўчиб келиб, яшаб қолганлар, аммо ғубдинликларни кўшни қишлоқларга кўчиб ўтиб яшаган ҳолатлари жуда кам бўлган. Айниқса, шўролар ҳукумати даврида, хўжалик совхозга айлангач, четки жойлардан кўп кишилар кўчиб келишди. Айрим ғубдинликлар иш юзасидан шаҳар ва станцияга кўчиб кетишган.

Ўша йиллари совхозга четдан келиб ишлаганлар учун турар жойлар, ҳозирги совхозни идораси, сельсовет учун идора (8-расм), болалар боғчаси қурилди.



8-расм. Қишлоқ фуқаролар йиғини янги биносининг кўриниши.

Шу йиллари (1958-1964) ҳукумат бошлиғи бўлиб Н.С. Хрушчев фаолият кўрсатди. У мамлакатда ғайритабиий “ислоҳат”ларни бошлади. Авваламбор, Қашқадарё вилояти Сурхондарё вилояти билан қўшилиб, вилоят маркази Термез шаҳри этиб белгиланди. Туманлараро бошқарма ташкил этилди. Бу бўйича Қарши, Косон, Қамаш и туманлари бирлаштирилди. Унга бошлиқ этиб Қўйбоқаров Хушвақт деган киши тайинланди. Республикада бир неча совнархозлар ташкил этилди. Бундай ҳолат фақат бизнинг вилоятда эмас Совет Иттифоқининг барча республика ва вилоятларида ҳам содир қилинди.

Қишлоқ хўжалигида алмашлаб экиш бекор қилинган, минерал ўғитлар берилиб ҳар йили юқори ҳосил олишга киришилди. Натижада ернинг структураси бузилиб, ҳосилдорлик камайди. Анорганик

Ўғитлар, зараркунанда ҳашарот ва бегона ўтларга сепилган захарли кимёвий моддалар тупроқдаги фойдали микро ва макроорганизмларни нобуд қилиб юборди. Қишлоқ хўжалиги ишларини механизация асосида ташкил этамиз деб отлар колхоз ва совхозлар ҳисобидан чиқариб ташланди. Шундан кейин инсон ҳаёти учун энг кўп хизмат қилган отларнинг кўп қисми сўйиб юборилди, қаровсизликдан бир қисми ўлиб кетди ва сони кескин камайди.

Ўша йиллари шаҳарларда сигир, қўй сақлаш мумкин эмас, қишлоқларда эса битта сигир, тўртта қўй сақлашга рухсат этилганди. Бундай талаб марказ шаҳарларда, кўп қаватли уйларда яшовчилар учун эҳтимол тўғридир. Аммо туманларда, қишлоқларда, айниқса тоғли, чўл жойларда яшовчи аҳоли учун бутунлай тўғри келмайди. Чорвани кўпайтириш учун қулай бўлган жойларда кишиларнинг асосий даромад манбаи чорва моллари ҳисобланади. Бундай жойларда чорва молларини чегаралаб қўйилиши аҳолининг иқтисодий аҳволини қийинлаштириб қўйди. Шундан кейин аҳоли молларини арзон нархда сота бошлади, бир қисми сўйиб юборилди. Чўл ёки тоғли жойдаги кишилар молларини бошқа жойларда яширишга ҳаракат қилишарди. Булар уларни вертолёт ёрдамида кидириб топишар, аҳоли ўртасида норозиликлар кучайганди.

Н.С. Хрушчев раҳбар бўлган йиллари Россияни Орёл вилоятининг партия қўмитасининг котиби В. Ларионов деган киши “Бизнинг вилоятимиз давлатга гўшт топшириш режасини уч йиллигини олдиндан бажаради”-деган ташаббус билан чиқди. Уни Н.С. Хрушчев мақтаб, бизда шундай кадрлар борки, гўшт планини уч йил олдингисини бажаради, деб Ларионовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди. Шундан кейин барча республика ва вилоятларда хўжаликлар уч йиллик гўшт планини бажаришлари

кераклиги тўғрисида ташвиқот бошланган. Бу борада бизнинг вилоятимизда бўлган воқиа ҳақида таниқли шоир Сувон Соқиев гурунг берган эдилар: “Мен ўша пайтлари “Қашқадарё ҳақиқати” газетасида мухбир бўлиб ишлар эдим. Мени райкомпартияга чақириб, ҳукуматнинг хўжалик раҳбарларига гўшт топшириш режасини уч йил олдингисини ҳам бажаришлари кераклигини тушунтиринг, деган топшириқ беришди. Ўша йиллари Қарши тумани райкомнинг иккинчи котиби Солижон Каримов билан аввал нафақат туманда, вилоятда танилган “Ленинизм” колхозининг раиси, СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чўли Бегимкулов билан учрашдик. У киши бизларни уйларида меҳмон қилди. Шундан сўнг С. Каримов Ч. Бегимкуловга нима мақсадда келганларини айтди. Ўшанда Ч. Бегимкулов аччиқланиб, колхозни, барча колхозчиларни молини топширсак ҳам бу режани бажариб бўлмайди. Келгуси йили яна гўшт топширинг, деб келасизлар. Бу бир неча минг тонна гўшт бўлади. Шунда С. Каримов раисга яна топшириқни тушунтирмоқчи бўлган эди, Ч. Бегимкулов унга қараб, ваъда бергандан кейин бажариш керак, мен тарозига аммангни элтиб кўяманми, деб хафа бўлиб қолди.

Шундан кейин бизлар Қарши туманидаги Энгельс номли колхозга бордик”,- деди С. Соқиев. Ўшанда колхоз раиси Рашид Рўзиев деган киши эди (у киши бизнинг синфдошимиз Рўзиев Ўсарни отаси). С. Каримов у кишига ҳам келишдан мақсад нима эканлигини айтганларида, Р. Рўзиев сейфни калитини ҳамда колхоз печатини ўртага ташлаб, бугундан бошлаб мени раисликдан бўшатишларинг мумкин. Бу номаъқул ишни мен ҳеч вақт қилмайман. Бундай иш қилганда авваламбор колхоз чорваси тугайди, кейин шу ишни бажарганлар қамалиб кетади, деб кесиб берди.

Кўп ўтмай райком бюроси бўлди. Ўша йиллари Қарши тумани райком партиясини биринчи котиби Рўзибоев Аёз деган киши эди (у киши асли Жиззах вилоятининг Фориш туманидан). Бюрода юқорида келтирилган масала кўйилиб, биринчи сўзни Ч. Бегимқуловга берилди. У киши трибунага чиқиб, колхоз фаоллари билан маслаҳатлашамиз, ўйлаб кўрамиз, деган гапларни айтиб ғулдираб қолди. Райком котиби эса: “Белгиланган гўшт режасини бажарасиз!”- деб раисни ўтқазиб кўйди. Шундан кейин раис колхоз, колхозчиларни бор маблағларини тўплаб, Шаҳрисабздаги гўшт комбинати (директори Бурхонов деган киши бўлган)га пулни бериб, улар гўштни дўконларга сотилди, деб хужжат қилишган, яъни куруқ қоғоз айланган. Бундай ҳолат иттифоқ миқёсида кўп хўжаликларда бўлган. Бўлган воқияни тагини суриштирсангиз, у асли юқоридан бошланган. Наҳотки улар битта сизир ёки битта кўй бир йилда битта бола беришини, уни бир неча йил боқиб кейин сўйиш мумкинлигини, яъни гўшт етиштириш қанчалик машаққатли меҳнат эканлигини билишмайди? Юқорида келтирилган ғайритабиий ислоҳатлар мамлакат чорва моллар туёғини кескин камайиб, аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш қийинлашувига олиб келди.

Ўша йиллари Н.С. Хрущев Ўзбекистонга ташриф буюради. Уни Тошкент вилояти Янгийўл районидаги “Шарқ юлдузи” колхозига олиб боришади. Колхоз раиси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов Н.С. Хрущевни колхоз ҳаёти билан таништиргач, уни шаънига катта зиёфат беради. Бундай зиёфатни кўриб, у ўзбеклар пахтанинг пулидан кўп бойиб кетибди, деб пахтанинг нархини кескин камайтириб юборади. Битта зиёфатдаги тўкин дастурхон учун республиканинг ҳамма аҳолисини иқтисодий ҳолатига ҳукм чиқарса бўладими? Пахтани нархини

арзонлаштирилиши республика иқтисодиётига катта зарар келтирди. Пахтани қанчалик машаққатли меҳнат билан етиштирилишини у билмайди.

Н.С. Хрушчев ташаббуси билан кўп юридик органлар, милиция ташкилоти штатлари, ҳарбий қисмлар қисқартириб юборилди. Шахтёрлар, олимларнинг ойлиги кескин камайтирилди. Бундай ишлар кенг халқ оммаси ўртасида катта норозичиликни кучайтирди. Масалан, шахтёрлар 100 метр ва ундан ҳам чуқурликда, ўз ҳаётларини хавф осига қўйиб кўмир ёки бошқа маъдан оладилар. Шундай экан, уларнинг машаққатли меҳнати учун нормал ҳақ тўлаш керак-да!

Ўша йиллари Н.С. Хрушчев БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)да нутқ сўзлаб, одамларнинг эътиборини жалб қилиш мақсадида минбарни туфлиси билан ура бошлайди. Бу ўта бориб турган ҳурматсизлик эди. Йирик бир давлатнинг биринчи раҳбари ҳам шундай иш қиладими? СССР бунинг учун БМТга катта жарима тўлади.

Бизлар ўша йиллар Самарқанд ДУнинг студенти эдик. Ётоқхонамизда кичкина радио бор эди (у даврда ҳамма хоналарда радио бўларди). Бир куни тушдан кейин радио Н.С. Хрушчевни ҳамма лавозимларини айтиб, маъруза қилади, деб эълон қилди. Ҳаммамиз радиони, яъни ҳукуматнинг биринчи раҳбарини маърузасини эшитишга эътиборимизни қаратдик. У маърузасини бошлаб, гапира олмади, чунки маст экан, кейин радиони узиб, музика қўйиб юборилди. Биринчи раҳбарнинг қанчалик масъулиятсизлигини бутун мамлакат одамлари эшитди. Унинг ўша йиллари қилган номаъқул ишларидан яна бири бир областда обкомни биринчи секретари иккита бўлди: саноат бўйича секретарь, қишлоқ хўжалиги бўйича секретарь.

Халқ ўртасида анекдот тарқалди: бир хотинни эри урган экан, хотин эрини устидан шикоят қилиб обком секретарига кирибди. Мени эрим хар куни ичиб келиб сўқади, уради, кун бермайди, дебди. Обком секретари ҳалиги хотиндан сўрапти: Эринг болға билан урадими ёки ўроқ билан урадими? Шунда хотин болға билан уради, деган. Унга қараб обком секретари шундай депти: Агар ўроқ билан урганда мен масалангизни ҳал қилардим. Сиз саноат бўйича секретарга кириб, шикоят қилинг, деган экан. яъни хотин адашиб, қишлоқ хўжалиги бўйича секретарга шикоят билан кирган экан.

Албатта Н.С. Хрущевнинг ижобий ишлари ҳам бўлган. Ўша даврда студент ва ишчиларнинг арзон ошхоналари ташкил этилди. Москва, Ленинград аҳолисининг кўпи подвалда, коммунал уйларда, жуда қийин шароитда яшашган. Москвада Черемушка микрорайон қурилиб, уларнинг яшаш шароити бироз яхшиланди. Космос соҳасида янги саҳифа очилди. Ю. Гагарин 1961 йил 12 апрелда космосга учди (олимлар меҳнати туфайли). Мамлакатда марказдан содир қилинган ғайритабиий ислохотлар бизларнинг кичкина қишлоғимиз ҳаётига, одамларнинг иқтисодий шароитига таъсир этмай қолмади. Одамларнинг иқтисодий аҳволи жуда қийинлашиб қолди.

4.4. 70-80-йилларда қишлоқ ҳаёти

1963 йилда Ўз КП МК (Ўзбекистон Республикаси Коммунистик партияси Марказий Комитети) Ўз ССР МС (Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Министрлар Совети) томонидан Қарши чўлини ўзлаштириш борасида қарор қабул қилинди. Қарши чўлини ўзлаштириш ишлари 70-йилларнинг бошларидан кенг кўлам олди. Бунинг учун “Средазгипроводхлопок” институти томонидан 1964 йил тузилган – “Қашқадарё ҳавзасининг қуйи оқимидаги ерларни Амударё

суви ҳисобига суғориш” Бош лойихаси асос қилиб олинди. Бу лойихага биноан 7 та насос станциясига эга бўлган Қарши магистрал канали (165 км. Қашқадарё ўзанигача), унинг Ульянов номли шоҳобчаси (105 км) қурилди. 3500 млн. м³ сув сиғимига эга бўлган Толимаржон сув омбори қуриб битказилди. Тарихда, дунёда бундай йирик ирригацион иншоот биринчи бўлиб Қашқадарёда қурилган. Бирор бошқа мамлакатда бу даражадаги иншоот бўлмаган. Чўлда кўриқ ерларни ўзлаштириш ишларини олиб бориш учун қанчадан-қанча заводлар, автобазалар, ПМК лар иш олиб борди. Уларнинг кўпи қишлоқ яқинида, Бешкент йўли бўйида барпо этилди. Бу корхоналарда ишлаш учун кўплаб шофёрлар, тракторчи, токарлар, слесарлар зарур эди. Бундай ишларга нафақат шаҳар, станциядан, яқин қишлоқлардан, шунингдек кўп ғубдинлик ёшлар жалб этилди. Улар бирор касб эгаси бўлиб, иш, яхши ойлик билан таъминландилар. Қарши чўлини ўзлаштирилиши Қарши шаҳрини юксалишига, вилоятимизни ривожланишига ижобий таъсир этди. Шунингдек, Ғубдин қишлоғи ҳам бирмунча обод бўлди. Қишлоқ генплан асосида қурила бошланди. Одамлар ўзлари учун шиферланган турар жойлар қуриб олдилар. Тўкинчилик бўлиб, тўйлар ўтказишди, машиналар ҳарид қила бошладилар. Айрим кишилар курорт, санаторияларга, чет элларга турист бўлиб томошага бориш имкониятига эга бўлишди. Кейинги йиллар (60-80-йиллар)ни “турғунлик йиллари” деб айтила бошланди. Шу йиллари юқорида келтирилган ижобий ишлар билан бир қаторда “қўшиб ёзиш” деган салбий ишлар ҳам авжига чиқа бошлади.

Нима учун бундай номаъқул иш содир қилинди? Ўша йиллари бирор ташкилот ёки корхона берилган режадаги маҳсулот ёки бошқа ишни бажара олмай қолиши мумкин эмас эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам режа бажарилиши шарт эди. Юқори маҳкама - марказ шундай

талаб кўйган эди. Баъзи соҳалар бўйича, айниқса, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили об-ҳавога, уларни зарақунандалари ва касалликларига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, лалмикорликдаги экинларнинг ривожига баҳорги ёғинларга боғлиқ. Ўзимизни шароитда баъзи йиллари қурғоқчилик келиб, лалми буғдой бўлмай қолса ҳам ғалла ўрими вақтида режа бажарилганлиги ҳақида газеталарга маълумот чиқарди. Айрим йиллари ҳосил яхши бўлмай қолса ҳам пахта режаси бажариларди.

Илгарилари қурғоқчилик ёки бошқа офат туфайли ҳосил бўлмай қолса, акт қилиб юборилар эди. Бундай ишлар ўша йиллари қилинмай кўйди.

Ўша йиллари Грузиядан келган чой пакетларида хазон аралаш сифатсиз чой келиб қоларди. Москвада бўлганимда бир грузин билан ҳамсухбат бўлиб қолдим. У чой етиштириш ишлари билан шуғулланар экан. Мен ундан нима учун кейинги йилларда Грузиядан хазонли сифатсиз чой келаётганини сўрадим. У менга бунинг сабабини тушунтирди. Уларда ҳам чой тайёрлашга катта режа қўйилганлигини, аммо ер йўқлигидан чой плантацияларини кенгайтириш иложи йўқ. Шунинг учун чой теримида олдин олинмайдиган хазонларини ҳам йиғиб, тарозига ўлчаб, чой пакетларига соламиз, деди.

Бизда ҳам деҳқонлар, талабалар мавсум охирида пахтани хазонлари билан аралаштириб топшириб юборган ҳолатлари бўларди. Чунки бу соҳада ўта катта режа бериларди, режани эса бажариш шарт эди.

Шундай қилиб, собиқ Совет Иттифоқи даврида Ғубдин қишлоғи бошқа қишлоқлар сингари алғов-далғов, чегараси йўқ ислохотлар гоҳ

ривожланиш, гоҳ инқироз ҳолатларни бошидан кечирди. Айрим йиллар қишлоқ аҳолисини ҳаёти бироз яхшиланган бўлса ҳам, аммо янги ислоҳот, бюрократ бошқарув туфайли, одамларнинг хоҳишига, фикрига беписанд қаралиши, кейинги бир неча ўн йил давомида хўжалик раҳбарларига бирорта ҳам Ғубдиндан раҳбар этиб қўйилмаслиги кабилар туфайли аҳолининг ҳаёти қийинлашди. Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғини раислари ҳам деярлик ҳаммаси четдан бўлишган, совхоз директори лавозимига ҳам бирорта ҳам ғубдинлик қўйилмаган. Бундай вазифаларда ишлай оладиган кишилар қишлоқда бўлган, аммо улар раҳбарлик лавозимида қўйилмаган. Биз бу билан маҳаллийгарчилик қилаётганимиз йўқ ёки четдан келиб ишлаганларни ҳаммасини ёмон ишлади демоқчи ҳам эмасмиз. Четдан келиб ишлаганларнинг айримлари нафақат хўжалик режаларини бажаришда, қишлоқни обод бўлишида ҳам салмоқли ҳисса қўшганлари бор. Жумладан, 50-йилларда шаҳардан келиб колхоз раиси бўлиб ишлаган Файзулла Набиев (ўша йиллари колхоз ва колхозчиларнинг иқтисодий аҳволи жуда ночор эди) қисқа муддатда қишлоқда бир неча бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Олдинги отхона ҳовлисида тегирмон қурдириб, унинг мотори кундузи тегирмон сифатида ишлатилса, кечаси колхозчилар уйига электр энергияси берди. Илк бор қишлоқ хонадонлари электрлаштирилди. У кишини ташаббуси билан бир неча олмазор, шафтолизор, узумзор боғлар барпо қилинди. Ф. Набиев раис бўлиб ишлаган йиллари ёз ойлари сув муаммоси жуда қийин эди. Ёз мавсумида сув камайиб ёки бутунлай келмай қоларди, баъзан овондоз суви келарди. Ўша даврда ҳам сувни олғир, “йўлини” қилган колхоз раислари кўпроқ олган. Қашқадарёдан келган сув Хонобод қишлоғи яқинида бўлиниб (даракдан), бир томони Дашт қишлоғила, иккинчи томони Бешкент ариғига (Каманди, Ғубдин

томондан) келган. Дашт қишлоғининг раиси Ч. Бегимкулов сувнинг кўп қисмини доимо ўзларини қишлоғи томон ариққа олган. Шунда Ф.Набиев сувни Бешкент ариғи томон очиб юборган. Бу ишга Ч.Бегимкулов қаршилик кўрсатиб, иккита раис олишиб қолганлар. Ф.Набиев “Дашт қишлоғининг одами одам, Ғубдин қишлоғининг одами одам эмасми?”- деб сувни Бешкент ариғи томон оқишига эришиб, қишлоққа сув олиб келган. Ўша даврда Ч. Бегимкуловга қарши бундай иш қилишни қаҳрамонлик деса бўлади. Чунки, Ч.Бегимкулов Социалистик меҳнат қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты, кўп орденли бўлган. Нафақат вилоятда, балки республикада обрўйлик раислардан бўлган. Бу воқиянинг гувоҳи бўлган кишилар гурунгларида кўп эслашарди.

Колхоз барча тармоқлар бўйича белгиланган давлат режаларини бажара бошлади. Одамлар меҳнатларига яраша ҳақ (буғдой, пул, бошқа маҳсулотлар) олабошладилар. Афсуски, у киши узоқ ишламади. Ф. Набиев вилоят миқёсидаги юқори лавозимлардаги ишга олинди. У киши барпо қилган боғлар кейинчалик қаровсиз қолиб қуриб кетди. Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қодиров Пўлат, “XXII партсъезд” совхози директорларидан Шарипов Муҳаммади, Худойқулов Худойберди, Ғуломов Тўра кабилар хўжаликни, қишлоқни ободончилигига эътибор бердилар.

Аммо, ҳамма колхоз раислари, совхоз директорлари, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари қишлоқни ободончилигига, одамларни фаровон турмуш кечиришларига қайғурдилар деб бўлмайди. Шунини ҳам айтиш керакки, айниқса турғунлик йилларида раҳбар лавозимларда ишга қўйиш таниш-билишликларсиз бўлмаслиги маълум эди. Шундай бўлгач, ўша йиллари хўжалик раҳбари этиб тайинланганларни қишлоқларнинг ободончилиги унчалик қизиқтирмаган.

4.5. Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳаёти

Мустақиллик йилларида мамлакатда колхоз, давлат хўжалиги ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шунингдек Ғубдинда ҳам бир неча фермерлар ташкил этилиб, тегишли ерлари, вазифалари, яъни қандай экинлар экиш белгилаб берилган. Бу фермерлар Гадовев Қиём, Сирожиддинов Қилич, Турдиев Абдурайим, Бердиев Ризоқул, Қодиров Қосим, Ҳамроева Сайёра, Жўраев Уйғун, Ахмедова Меҳрилардир. Улар кичик фермер хўжаликлари бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Кейинги йилларда фермер хўжаликларини кенгайтириш тамойили тараққий этиб бормоқда. Йирикроқ фермер хўжалиқларига Хатамов Шоқир, Темиров Исоқ, Эшпўлатов Эркинлар бошлиқ жамоаларни киритиш мумкин.

Мазкур фермер хўжаликлари асосан пахта, боғдорчилик билан шуғулланадилар. Шунини айтиш керакки, қишлоқда келгусида фермер хўжаликларини кўпайтириш ва кенгайтириш иложи бўлмайди. Чунки, экинзор далалар камайиб бораяпти. Авваламбор, қишлоқ аҳолиси кўпайиб, кўп ерлар турар жойлар қуришга олинаяпти. Бундан ташқари қишлоқ шаҳарга яқин бўлгани учун шаҳардан, туманлардан одамлар кўчиб келишиб, экинзор ерларни олишяпти. Шунини ҳар бир киши аниқ тушуниши керакки, кишиларни боқадиган, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб берадиган бу – Ердир. Ҳозирги вақтда вилоят ҳокими бу борада тўғри иш олиб бориб бораяпти, яъни ердан асосан ҳосил олишга эътибор қаратилаяпти.

5. ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ

Ҳар бир жойнинг, халқнинг урф-одатлари ўзига хос бўлиб, улар олдинги ўтган аجدодлари томонидан яратилган бўлади. Ҳар бир урф-одатнинг мақсади, мазмуни бўлади ёки зарурат нуқтаи назаридан яратилади. Урф-одатлар ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Улар замоннинг ва даврларнинг ўзгариши, ҳукуматларнинг алмашилиши билан баъзилари йўқолади, янгилари пайдо бўлади. Масалан, Наврўз, пайғамбар ёши тўйи, қурбон ҳайитлари, ҳосил байрамлари, турли сайиллар (қовун...) каби қадимий байрамлар бўлиб, улар қишлоқда илгаридан кенг нишонланиб келинган. Шўролар даврида Октябрь революцияси (7 ноябрь), Меҳнаткашлар куни (1 май), Қизил Армия куни (23 февраль), Хотин-қизлар байрами (8 март), мутахассислик (қурувчилар, ракетачилар, милиционерлар ва ҳ.к) байрамлари пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида эса янги урф-одатлар пайдо бўлди. Чунончи, Хотира куни, Ўқитувчила куни, Шифокорлар куни, юбилей тантаналари, синфдошлар учрашуви, битирув кечалари, туғилган кунлар, оилавий гап-гаштаклар, қизлар давраси, армияга кузатиш каби янги урф-одатлар кенг тарқалди.



9-расм. Мактабни 1954-55-ўқув йилида битирган собиқ синфдошларнинг учрашуви (2 октябрь 2010 йил).

Албатта бу урф-одатлар эркинлик, имконият борлигидан келиб чиққан бўлиб, кишиларни ҳамжихатликка, аҳилликка, оқибатли бўлишга олиб келади.

Тўйлар ҳақида. Тўй ўтказиш маросими илгаридан, ҳамма халқларда ҳам бор. Аммо тўй ўтказиш тартиби, қоидалари барча халқларда бир хил эмас. Албатта тўйлар ҳар хил бўлади: бешик тўйи, суннат тўйи, уйланиш ёки никоҳ тўйлари, ҳовли тўйи, юбилей тўйи ва бошқалар.

Тўйларнинг турлича ўтказилишига сабаб, асосан халқлар яшаётган жойнинг шароитига, одамларни иқтисодий аҳволига боғлиқ. Ҳамма вақт шароитга қараб тўйлар ўтказилган. Масалан, суннат – ўғил тўйи Губдинда илгари кўпинча қиш пайтларида ўтказилган.

Қиш пайтида ўтказилишига сабаб, бу пайтда одамлар баҳор, ёз ва куз пайтларидаги дала ишларини тугатиб, яъни ҳосилни йиғиштириб, бироз бекор бўлганлар. Меҳнат натижасида эришилган, йиғилган маблағлар, маҳсулотлар тўплаган. Ҳозирги кунда ҳар бир оила ўз шароити ҳамда тадбиркорлик ҳаракатларидан келиб чиқиб, тўй ўтказмоқда. Умуман олганда ҳар бир оила тўйни ўз имкониятидан келиб чиқиб, истаган вақтда, қандай хоҳласа шундай ўтказиши лозим. Одатда тўйга қавму-қариндошлар, ҳамсоялар, ҳамкасблар, дўст, ёр-биродарлар таклиф этилади. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар бир-бирларини кўрадилар, ҳол-аҳвол сўрашадилар, ўзаро дардлашадилар. Меҳр-кўзда деганларидек, кўришадилар, баъзи ишларни маслаҳатлашадилар, режалар тузадилар, бир-бирларига муваффақиятлар тилайдилар.

Тўй бошланишидан олдин тўй эгасининг таклифи билан унинг қавму-қариндошлари, уруғ-аймоқлари, яқин ҳамсоялари, қишлоқ кайвонилари тўйни ўтказиш учун маслаҳатга чақириладилар. Улар иштирокида тўй куни белгиланади. Тўй ҳаражатлари, чақириладиган меҳмонлар ҳамда ким қайси ишни бажариши кераклиги келишиб олинади.

Турғунлик йилларида суннат тўйининг бошланиш тадбирларидан бири фаоллар чақириғи (раис чақирди) бўлган. Бунда хўжалик раҳбари, қишлоқ кенгаши раиси, идора ходимлари, бригадир кабилар таклиф этилган. Унда асосан тўй кунини белгилашга рухсат сўралган. Бунда дала ишлари, байрамлар ҳисобга олинган.

Тўй олдидан ўтказиладиган тадбирлардан яна бири - бу фоний дунёдан ўтиб кетган яқинларни эслаш, уларнинг ҳақларига дуо қилиш мақсадида “Худо йўли” деган тадбир ўтказилган. Бунда дастурхон атрофида ўтирган кишилар учун тўрда ўтирган диний

уламо Куръондан ваъз айтган ёки тиловат қилган. Шундан сўнг, баъзилар яқин орада бирор яқинидан ажралган кишилар (азадорлар)ни тўйхонага чақирилиб, ҳол-аҳвол сўралиб, улардан тўйга рухсат беришларини сўраганлар. Уларнинг ҳурмат-иззатлари жойига қўйилган. Тўй куни ана шу оилаларга тўй ошидан юборилган. Юқорида келтирилган тадбирлардан сўнг, базм кечаси бошлаб юборилган. Тўй бошланишидан олдин кўшни қишлоқларга (Ниёзмудин, Пармитон, Хонён, Қумота, Шойхўжа, Мирмирон ва бошқаларга) хат ёзилиб, “уч товоқли” ёки “тўрт товоқли” бўлиб келинглари, деб ёзиларди. “Уч товоқли” дегани 9 киши атрофида бўлиб келинглари дегани эди, яъни ҳар бир товоқ 3 кишига деган маънони билдиради. Ҳар бир қишлоқ кайвонилари (арбоб, домком ёки бригадирлари) хатга яраша одамларни тўплаб, тўйга келишар эдилар.

Қишлоқда тўйларни тартибли, мазмунли ўтишида Турсун бова Холиқов, Тўхта бова, Берди бова, Нурматов Шароф каби инсонларнинг хизмати катта бўлган. Улар тўйларни ташкил этиш, тартибли ўтишида бош-қош бўлишган.

50-нчи йиллардан олдин, яъни электр линиялари ўтмаган йиллари тўй тадбирларида тунда чирок, фонус ёруғидан фойдаланилган. Кечкурунги базмда машъал ёқилиб, ўйин жойи ёритилган. Машъал бирор метал труба, сим учига латта ўралиб, устига ёқилғи (керосин, солярка) қуйилиб ёқилар эди. У анча жойга ёруғ берарди ва иситарди. Илгарилари, яъни XX асрнинг 40-50-йилларида суннат тўйларининг кечкурунги базмда тўй эгаларини имкониятига кўра оқшомда шаҳардан созанда ва раққосалар таклиф этилар эди. Улар ярим тунгача музыка, ашулалар ижро этишарди. Барча қишлоқ аҳолиси ёш-қари, аёл-эркак уларнинг санъатларидан баҳраманд бўлишган. Кўп тўйларда қишлоқнинг санъатга шинаванда

йигитлари Рўзи бобо Ҳамраев бошчилигида кечкурунги базми ўтказишарди. Уларнинг репертуарларидан “Ҳа, майда-майда”, “Пистани қандай чақарлар” каби шеърий айтишувлар бўларди. Айтишув сўзини Рўзи бова доира, скрипка музыкалари садоси остида айтардилар, 15-20 та санъат шинавандалари – ёш ўсмир йигитлар юқорида келтирилган сўзларни хор бўлиб қайтарардилар. Ўйинда ҳам асосан йигитлар фаоллик кўрсатарди. Хотин-қизлар кўпинча четдан туриб томоша қилишарди. Тўйнинг охирида Мукаррам мома билан Зоҳидова М. лар “Пичоқ” ўйинларини намойиш қилишарди. Зоҳидова М. эркакча тўн, телпак кийиб, эркак ролида, Мукаррам мома хотин-қиз кийимида аёл ролида бир-бирларига пичоқ кўрсатиб тўй базмини қиёмига етказишарди. Баъзан тўйларда кайфиятлари яхши бўлганда Нарзулло бова “юлмон ўйини” деган ўйинни намойиш қилар эди. Унда юмронқозикқа ўхшаш ҳаракатларни қилиб, тўй иштирокчиларини хурсандчиликларига хурсандчилик қўшардилар. Ярим кечагача давом этувчи тўй базми тугагач, одамлар уй-уйларига тарқалишган. Эрталаб саҳаргача ошпазлар ва хизматкорлар эл учун овқат тайёрлашган. Уруш йиллари ва ундан кейинги йилларда ҳам гуруч тақчил бўлганлиги учун тўйларда кўпинча ҳадиса (ҳалим), кабоб, ёрма, шўрва каби овқатлар тайёрланилган. Тўйга палов қилмоқчи бўлган айрим ишбилармон кишилар Шаҳрисабз ва бошқа жойлардан гуруч сотиб олиш учун бориб, от-араваларга бир неча кун овора бўлиб олиб келишган. Ҳозирги кунда гуруч мўл бўлганлиги учун тўйларда кўпинча палов қилишади. Эрталаб ош тайёр бўлгач, қишлоқ арбоби от ёки бошқа бир уловда (ҳозирги вақтда кўпинча велосипедда) қишлоқ аҳолисини тўй хонадонига сарофтобга чақиради. Илгари қишлоқ аҳолиси ёппасига чақирилган, чунки қишлоқ кичик бўлган.

Ҳозирги вақтда аҳоли кўпайиб кетганлиги учун яқин кўчада яшовчилар, қариндошлар таклиф этилади.

Илгарилари таом сузила бошлангач, биринчи навбатда бетоб, азадор, тўйга қатнашишга имкони бўлмаган кишиларга юборилган. Ҳозирги вақтда бу яхши одат баъзи тўйларда эсдан чиқарилмоқда. Ҳолбуки, тўйга кела олмайдиган кишилар ҳеч вақт эсдан чиқарилмаслиги керак. Бундай яхши урф-одатни асло йўқотмаслик керак.

Суннат тўйи бўладиган бола яхши кийинтирилиб, у ўзининг тўйидан фахрланиб юради, тўй иштирокчилари эътиборида бўлади. Ош тарқатиб бўлиниши билан бола қалин тўшалган тўшаклар устига яқинлари – тоға-амакилари иштирокида ётқизилган. Одатда болани суннат қилиш учун тажрибали уста-сартарош таклиф қилинади. Ғубдин қишлоғида бу масъулиятли вазифани узоқ йиллар Темиров Иноқ бажариб келди. Уни қишлоқдошлар “қўли енгил” дейишади, чунки уста томонидан хатна қилинган бола тез тузалиб кетади. Уста суннат масъулиятини бажариш учун жиддий тайёргарлик кўради. Дастлаб, у пахта ёқиб сўхта тайёрлайди. Сўхта болани суннат – чук буррон қилингандан сўнг кўп қон кетмаслигини олдини олиш мақсадида тайёрланади. Суннат амали бажарилгач, бола йиғлай бошлагач, унга пул берилиб йиғидан тўхтатишга ҳаракат қилинади. Шундан сўнг боланинг ота-онаси, ака-укалари, қавму-қариндошлари кириб, ҳол-аҳвол сўраб совғалар беришади. Боланинг жинсий органи маълум муддатга яқинларининг қалпоғи, яъни бош кийими билан ёпиб қўйилади. Мақсад, уни эҳтиётлаш, ташқи таъсирдан муҳофаза қилишга қаратилган. Бу тадбир ўтказилгач, шу куннинг ўзида тўй эгаси қавму-қариндошларига, яқинларига сарполар, совға-саломлар улашади. Мазкур тадбирда ошпазга, уста (сартарош)га, самоварчига

ажратилган маблағлар, совғалар ҳам бўлади. Ўша куннинг ўзида ёки эртаси куни тўйда сўйилган қорамолларнинг, қўй-эчкиларнинг калла-пойчасини пишириб, яқинларни меҳмон қилишади. Шунин билан суннат тўйи ниҳоясига етади.

Никоҳ тўйи. Уйланиш тўйи бошқа жойларга бўлгани каби Губдинда ҳам совчиликдан бошланади. Совчилар икки оила ўртасида куда-андачилик, қавму-қариндошлик ришталарини боғлашга ҳаракат қиладиган кишилардир. Совчилар иккала оиланинг ҳурматини қозонган, обрўли, тажрибали, кўпни кўрган мўътабар инсонлар бўлган. Қизниқига аввал аёллар ташриф буюрганлар. Кўпинча бунда йигитнинг онаси ёки яқинлари боришган. Улар танишиб, суҳбатлашиб, ўз фикрларини билдириб қайтишади. Баъзи ҳолларда аёллар қизниқига бир неча бор боришларига тўғри келган пайтлари ҳам бўлган. Чунки, қиз томон совчиларга биринчи келишиданок рози бўлмаганлар. “Қизи борнинг нози бор” деган мақолга эътиборларини қаратганлар. Қиз томонни йигитга нисбатан кўнгиллари бўлса ҳам, ўзларини, айниқса қизларини қадр-қимматини йўқотмаганлар.

Айтиш керакки, совчиликни зиммасига олган кишилар икки ёшнинг кейинги турмуши масъулиятларни ҳам ўйлаганлар. Совчилар одатда босиқлик билан гапирганлар. Ширинсуҳанлик, ҳозиржавоблик билан йигит ва унинг оиласининг яхши хислатларини, обрўли қариндошларини қиз томонга айтишган. Илгарилари қишлоқда Тўхта бова (Суннат арбобнинг отаси) совчиликни қойил қилиб бажарганлар. Баъзи қизларнинг ҳар қандай ўжар ота-оналарини ёки яқинларини яхши гаплар билан тушунтириб, кўндира олганлар. “Икки мўминнинг бошини қовуштириш савоб бўлади”, - деб кўп ёшларни бошини қовуштирганлар. Қишлоқ одамлари Тўхта бовани кийинишларидан,

юришларидан совчиликка бораётганликларини билишарди. Пиёда бўлса шу яқинда, уловда бўлсалар кўшни қишлоққа бораётганликларини билишиб, бир-бирларига айтишарди.

Қизининг тақдирига бепарво бўлмаган ота-она, совчиларнинг обрў-эътибори, уларнинг ўзини тута билишига, дунёқарашию, иш тажрибасига қараб ҳам йигит томоннинг қандайлигини билишга интиланлар. Турмуш қуришда асосан йигит-қиз масъул бўлсада, улардан кейин совчилар ҳисобланган.

Кейинги йилларда бошқа жойлардаги совчилар сингари, яъни Губдин қишлоғидаги совчиларнинг ҳам вазифалари анча енгиллашган. Чунки, ҳозирги даврда кўпроқ, ёшларнинг ўзлари бир-бирлари билан танишиб, келишиб, ота-оналарини кўндириб қўядилар. Яъни, совчиларнинг маълум маънода вазифаларини ота-она, опа-сингиллари, яқинлари ўз зиммаларига олганлар. Улар тегишли томоннинг таг-тугини аниқлаб, ўрганиб чиққанлар. Айниқса, қишлоқ жой азим шаҳардек катта бўлмагани учун ҳам оилалар бир-бирларини яхши биладилар. Олдиндан фикр алмашилиб, феъл-атвор ва хусусиятларини тушунган бўладилар.

Совчилар ўз ишларини бажариб бўлганларидан сўнг эркаклар қизниқига бориб фотиҳа ўқийдилар. Фотиҳа маросимида ҳолва, патир, нонлар ушатилади. Бу маросимда иштирок этган эркакларга дастурхондаги нон, ушатишган патир ва ширинликлардан чит матоларга тугиб улашилади. Бу маросим йигит-қизни бир-бирига боғланганлигини тасдиқлайди. Буни “Нон синдириш” деб ҳам айтадилар. Нон синдириш маросими баъзан фотиҳа тўйдан олдин, баъзан фотиҳа тўйи куни ҳам ўтказилади. Уйланиш тўйининг асосийси, каттаси фотиҳа тўйидир. Унга бир неча қўй, бир қоп гуруч, бир бидон ёғ, бир халта ун ва бошқа маҳсулотлар берилади.

Бу маҳсулотлар миқдори маҳаллий шароитга қараб ўзгариб туради. Айниқса кейинги йилларда тўй маслаҳатларида қишлоқни оқсоқоллари (кайвонилари) фотиҳа тўйида бериладиган маҳсулотлар миқдорини яъни қишлоқда қабул қилинган удумни айтиб, кейин икки қудани келишинглар, тўйни имкониятларинга қараб қилинган деган фикрни ҳам айтишади. Катта ҳаражатларни қилиб, қарздор бўлиб кейинчалик қудалар келин-куёвлар орасида нохуш ҳолатларни келтирмаслик керак, деган фикрларни ҳам билдирадилар.

Куёв ўзининг имконига кўра бўлажак қайлиғига узук, зирак, соат ва бошқа буюмларни, кийимларни совға қилади.

Фотиҳа тўйи ўтгач, маълум вақтдан кейин иккала қудани шароитига ва келишувига кўра никоҳ тўйи ўтказилади. Бунда қизникида кичикроқ тўй қилиниб, каттароғи йигитнинг уйида ёки ҳозирги вақтда тўйхоналарда ўтказилади.

Уйланиш тўйида никоҳ ўқитиш муҳим ишлардан ҳисобланади. Илгарилари никоҳ ўқитиш қизнинг уйида ёки куёвникида амалга оширилган. Бунинг учун имом чақирилиб, келин-куёвларнинг яқинлари иштирокида савол-жавоб ишлари бажарилган. Савол-жавоб учун вакиллик келин яқинларидан бирига берилган. “Қар ота” деб номланган бу вазифани кўпроқ қизнинг тоғаси бўлса, ўша кишига топширилган. У киши ўзини қарликка олиб, саволларга атай сукут сақлаб ўлтираверади. Сўнг совчилардан (куёвнинг яқинларидан) бири “Қар ота”га аста-секин оз-оз пул бериб “қарликни очтиради” ва розиликлар олинади. Бу пул яна қўшилиб сўнграқ келинга яхшироқ совға олишда ёки келин кўришга ишлатилган.

Ўтган асрда, яъни XX асрнинг 60-йилларига қадар Ғубдинда тўй кечаси (бошқа қишлоқларда ҳам) келинни отга миндириб куёвникига олиб келинган. Отнинг биринчи эгарида қишлоқнинг ходими,

орқасига келин миндирилган. Албатта бу ишга ювош отлар танланиб, устига кўрпачалар тўшалиб қулай шароит яратилган. Кўпинча отни тажрибали кишилардан бири етаклаб келган. XX асрнинг 60-йилларидан кейин, яъни автоуловлар кўпайгач, келинни машинада олиб келиш одат тусига кирди. Аввал келин-куёвлар машинада юриб шаҳид кетганлар ёки бошқа зиёратгоҳларга бориб, гулчамбарлар кўйишади. Келин (отдами, машинадами) куёвни кига олиб кетилаётганда йўлда ёш йигитлар пўта (бирор мато, ип ёки сим билан йўлни тўсиш) тутишган. Куёв томон пўта тутганларга пул ёки бирор буюм бериб рози қилишгач, улар пўталарини олиб, йўл беришган. Куёвни уйига етиб келишгач, уйга яқин жойда олдиндан тайёрлаб қўйилган ўтинлар ёқилиб, куёв келинни кўтариб, ёқилган олов тевагагидан уч марта айлантиради ва хонадаги чимилдиққа олиб кирган. Бу қадимдан қолган оловга сиғинишни кўринишларидан бири. Илгарилари албатта келин отга миниб келганида куёв уни тушириб олгач, келин ва куёв томон йигитлари отдан сакраш бўйича мусобақа қилишган, яъни қайси томон йигити отдан сакраса, ўша томон ютди, дейишган. Бу жараён баъзан жанжалга ҳам айланиб кетган. Ҳозирги вақтда келин машинада олиб келинадигандан сўнг, бу одат йўқолиб кетди.




10-расм. Куёв келинни кўтариб, олов атрофидан айлантириши қадимдан қолган урф-одат саналади.



11-расм. Янги уйга келган келин юзига кексалар ойна тутиб, икки ёшга бахт тилашмоқда.

Келин чимилдикка киргач, чимилдик билан боғлиқ ҳар хил урф-одатлар ҳам амалга оширилган. Чунончи, “оёқ босди”, “келин салом”, “келин кўрди”, келин-куёвларга ҳар хил ширинлик едириш, “жой йиғди”. Шу зайилда тўйдан кейин ҳам ҳар хил тадбирлар давом этган.

Ҳозирги даврда уйланиш тўйини вечер (тўй оқшоми) - чиройли тартибда, мазмунли, катта хурсандчилик билан ўтказилади.



12-расм. Ёш келин-куёвлар тўй олди сайрида.



13-расм. ЗАГС мудираси келин-куёвларни табриклагоқда.



14-расм. Куёв келинга олтин узук тақмоқда.

Бундай кечалар куёвнинг ховлисида ёки тўйхоналарда ўтказилади. Тўғрида, бундай тўйлар киши умрида бир мартаба бўлади ва бир умр эсда қолиши керак. Албатта, бунинг учун тўй эгалари узоқ йил тайёрланадилар ҳамда катта ҳаражатлар қиладилар. Тўйда кексалар, яқин кишилари яхши тилаклар билдиришади, музыка садолари остида ўйин-кулгулар, хурсандчилик бўлади. Аммо, баъзилар келинга 30-40 талаб кийимлар, айниқса шаҳарлардаги тўйларда катта дабдабазликлар қилишади. Кераксиз ортиқча ҳаражатлар, бир-бирига баҳс қилишлар... бундай ишлар албатта салбий ҳолатдир. Ҳамма ҳам бундай имкониятларга эга эмас. Шунинг учун кишилар ўртасида, баъзан қудалар орасида бу масалада совуқчилик тушади. Булар ҳақида телевизорда, радиода қанчадан-қанча эшиттиришлар, газета ва журналларда мақолалар чиқаяпти. Шунинг учун никоҳ тўйларини ҳам ихчам, мазмунли, катта ҳаражатларсиз, бир-бирларига баҳс қилмасдан ўтказган маъқул.

Турғунлик йилларида (ўтган асрнинг 60-80-йиллари) терим мавсуми важдан қишлоқларда ёз ойлари тўй ўтказиш деярлик таъқиқлаб қўйиларди. Август ойининг охирларида 4-5 кун тўй ўтказишга рухсат бериларди, холос. Баъзан тўй ўтказиш учун райкомнинг I котибига қадар бориб рухсат олиш учун илтимос қилинарди. Рухсат этилган санокли кунларда қишлоққа ҳар куни қаторасига 4-5 та тўй ўтказиларди. Ўша пайтлари тўйлар уйда ўтказиларди. Стол-стул, идиш-товоқ, нон, айниқса хонанда топиш тўй эгаси учун ўта машаққат саналарди. Чунки, ўша кунлари ҳамма қишлоқларда, шаҳарда ёппасига тўйлар бошланарди. Иссиқ ҳавода овқатлар айниб, қолиб кетарди. Қолган овқатлар тўкиларди ёки кўмиларди. Исрофгарчилик кўп бўларди. Боиси бир кунда қаторасига қишлоқда бир неча тўй бўлгач, одам битта тўйдан тўйиб қоларди.

Унинг устига иссиқ ҳавода иштаҳа ҳам бўлмайди. Ўша йиллар тўйлар шундай ўтказилиб келинарди. Тўй аслида, тўй эгаси учун муддати қайси мавсумда қулай бўлса, ўша пайт ўтказилиш керак. Айниқса никоҳ тўйларини. Мустақиллик туфайли ҳозирги вақтда тўйлар шундай ўтказилмоқда. Айниқса, тўйхоналарнинг қурилиши тўй эгаларининг мушкулени анча осонлаштирди.

Наврўз. Маълумки мусулмон дунёсидаги барча мамлакат халқлари ҳар йили баҳорда янги йил – Наврўзни катта хурсандчилик билан ўтказишади. Шўро даврида таъқиқланган бу халқ байрами Мустақиллик туфайли яна республикамизда ўтказиладиган бўлди. Ҳозирги вақтда Наврўз сайилини мамлакатимизнинг ҳамма жойларида (шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда, ташкилотларда) ўтказилади. Илгарилари кекса кишиларнинг айтишларича, қишлоқда Наврўз сайили Толлисортепада ўтказилган. Барча қишлоқ аҳли хилма-хил баҳор таомларини тайёрлашиб, тепада кенг дастурхон ёзиб овқатларни тановул қилишган, хилма-хил томошалар ташкил этиб, хурсандчилик қилишганлар.

Кейинги йилларда қишлоқда Наврўз сайили мактабда ўтказиладиган бўлди. Чунки, мактабда қулай шарт-шароит, стадион бор. Ҳар йили наврўз сайилини маълум ўқув йилида битирган ўқувчилар навбат билан ташкил этадилар (шундай келишиб олинган). Албатта сайилга қишлоқнинг барча катта-кичиги, хотин-қизлар, болалар келишадилар. Одатда сайилни қишлоқ оқсоқоллари (кексалари) очиб, барчани янги йил – Наврўз байрами билан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, оилаларига хурсандчилик, бахт-саодат, яхши тилаклар билдиришадилар.



15-расм. Қишлоқ кексалари барча қишлоқ аҳлини Наврӯз байрами билан табриклаб, янги йилда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, ҳаётларида бахт-саодат тилашади.



16-расм. Барча қишлоқ аҳли тўкин дастурхон атрофида Наврӯз байрамини ўтказишмоқда.

Шундан сўнг музика садолари остида ўйин-кулгулар, ҳар хил томошалар бошланиб кетади. Кейинги йилларда қишлоқда яқинда келин бўлганлар ҳам қатнашиб, улар барча қишлоқ аҳлига таъзим қилиб, ўзларининг ҳурматларини изҳор этадилар.



17-расм. Ёш келинлар қишлоқ аҳлига таъзим қилиб, уларга нисбатан ўзларининг ҳурматларини билдирмоқдалар.

Шунингдек, Наврўз сайлида ҳар хил спорт мусобақалари (кураш, арқон тортиш, футбол кабилар) ҳам ташкил этилади. Шундай қилиб Наврўз сайлидан барча катта-кичик хурсанд бўлиб, уйларига қайтишадилар.

Ҳашар ҳақида. Халқимиздаги “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”, “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас”, “Бойлик бойлик эмас, бирлик бойлик” деган мақолларга амал қилиб, кишилар катта, қийин ишларни доимо ҳашар орқали амалга оширганлар. Ҳашар бу – кишиларнинг тўпланиб бирор оғир ишни

биргаликда бажаришларидир. Қадим замонлардан бошлаб, кишилар хўжалик, оила, жамоат ишларини ҳашар йўли билан бажариб, бир-бирларига кўмак берганлар, ҳамдам, елкадош бўлганлар.

Албатта, ҳашар халқимизнинг энг яхши урф-одатларидан биридир. У зарурат асосида пайдо бўлган бўлиб, аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Ҳашар – бу беминнат, бепул ишлашдир, зарур ишларни текин адо этишдир. Масалан, Ғубдинда уй қуриш, томини сувоқ қилиш (илгарилари шифер бўлмаган, кўп уйларни томини суваш қийин иш бўлган), токни баҳор ойларида ишлаш ва кузда кўмиш, ариқларни тозалаш ва қазиш ва ҳоказо). Чунки бу ишлар катта, оғир меҳнатни талаб қилган. Қишлоқда ҳар бир оиланинг катта боғи бўлган.

Бу ишлар қариндош, қўшнилар билан бирга дастлаб бир кишиникида, кейин навбат билан бошқа хонадонларда бажаришган. Кишилар бирлашиб, оғир юмушларни ҳашар йўли билан бажарганлар. Ҳашар ўтиладиган хонадон эгасини маънавий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб, ёрдам берганлар. Илгарилари камбағал, бева-бечораларга ёрдам бериб, кўп ишларини ҳашар йўли билан қўшнилари, яқинлари бажариб беришган. Ҳашарда қатнашганлар хизмат юзасидан бирор нарсага таъмагар бўлмаганлар, улар холис хизмат қилишган.

Ҳозирги вақтда бу ишларга унчалик зарурат бўлмаганлигидан (томлар шиферланган, боғлар кичрайиб қолган, ариқлар кўмилиб кетган...). ҳашар ишлари анча сусайиб қолган. Аммо шунга қарамасдан ҳозир ҳам ҳашар ишлари ўтказилиб турилади. Масалан, қабристонни тозалаш ва ундаги ободонлаштириш ишларини амалга оширишда, шунингдек, жамоа жойларидаги кўкаламзорлаштириш ишларида, тўй ёки таъзияларда яқин қариндош ва қўшнилар келиб ёрдам берадилар. Яқин ўтган даврда ҳам ҳашар орқали катта ишлар

амалга оширилган. Чунончи, Фарғона, Тошкент, Зарафшон каналлари, Каттакўрғон, Чимкўрғон сув омборлари, Қарши шаҳридаги ГЭС ((гидро электр станция – сув электр станцияси) Кўк гумбазни ғарбий қисмида бўлган, бу ГЭС ҳозир бузилиб кетган бўлса ҳам у жойни ҳозир ҳам ГЭС деб аташади) қурилишлари ҳашар билан қурилган. Атрофдаги қишлоқдаги одамларни йиғиб замбилларда, араваларда тупроқ тошиб қурилган. Кейинги йилларда шанбалик, якшанбалик деган одатлар ҳаётга кириб келди. Бу ишлар ҳозир ҳам ўтказилиб турилади.

Шундай қилиб, қадимдан қолган, муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳашарни зарур бўлганда уюштириб туриш, унга фаол қатнашиш ҳар бир кишининг жамоа олдидаги бурчидир.

6. ҚИШЛОҚ ХАЛҚИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ

Қишлоқ аҳолиси азалдан асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: ғалла, пахта, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан машғул бўлганлар. Чорвачилик ҳам хўжаликда муҳим соҳани ташкил этган. Айрим ҳунарманд кишилар уйларида дўкон қуриб алача тўқишган. Ундан ўзлари учун кийим тикишган. Бир қисмини бозорга чиқариб сотишган. Айниқса, боғдорчиликка эътибор катта бўлган, хилма-хил мевали дарахтлар боғларда, ариқлар бўйида кўп экилган. Ариқлар атрофида асосан тут, ўрик, тол каби дарахтлар кўп парваришланган. Қишлоқда дарахтлар шунчалик кўп эдики, ёз кунлари ҳам тангадек офтоб тушмас эди, деб эслашади кексалар. Бундай ҳолат асосан шўролар ҳукумати келганга қадар бўлган. Шўролар ҳукумати ўрнашгач, кўп тут дарахтларини кўриб, ипак қурти боқишга катта режа беришган. Шундан кейин баҳор ойларида тутлар ипак қурти учун қирқила бошланган. Ҳатто томорқалардаги тут дарахтлари ҳам

қолмаган. Баҳорнинг охирларига келиб каллакланган тут дарахтлари хунук кўринишга эга бўларди. Қишлоқни манзараси ҳам бузила бошлади. Айниқса, уруш йиллари, ундан кейин томорқалардаги тут дарахтларини кесишда зўравонлик сиёсати олиб борилди. Одамларга нафақат тутнинг меваси, ҳатто сояси ҳам насиб этмасди.

Ўша йиллар ҳар бир кишининг шахсий томорқасида тут, ўрик, ток ва бошқа мевали дарахтлар бўлар эди. Бундан ташқари колхознинг ҳам бир неча боғи бор эди. Масалан, Жаббор бованинг боғи, Тўхта бовани боғи, Эгамберди боваги зардолзори. Булар асли одамларни шахсий боғлари бўлиб, колхозлаштириш даврида колхоз ихтиёрига ўтказилган бўлган. Бу боғларни кўпинча одамларга шартнома асосида бериларди. Улар ҳосилнинг бир қисмини колхозга топширсалар, бир қисмини ўзларига олиб қолар эдилар.

Ҳар бир оила меваларни қуритиб, майиз, ғўлин, тутмайиз, шинни кабиларни тайёрлаганлар. Бу қуруқ меваларни бир қисмини ўзлари истеъмол қилиш учун олиб қолсалар, бир қисмини бозорга сотиб, рўзғорлари учун зарурий маҳсулотлар олганлар, солиққа тўлаганлар. Баъзи кишилар вилоятнинг Қасби томонида кўп дон етиштирадиган деҳқонлар билан маҳсулот алмаштирганлар. Яъни, бир кило майизга 1 кг буғдой, ёки бир кг туршакка 1 кг арпа. Бундан ташқари ўша йиллари узум бўлмаган ёки кам бўлган Ғузор, Қасби каби туманларига узум олиб бориб сотишарди. 40-50-йилларда колхозда қовун-тарвузни кўпинча Неъмат бова (Ваҳоб акани оталари), Ҳамро бова (Эркин Ҳамроевни бовалари) бошчилигидаги бригада аъзолари экиб, етиштирар эдилар. Қовун-тарвуз ва бошқа меваларнинг бир қисми Қарши станциясидаги колхознинг ларёкига сотиш учун топшириларди. Ларёкда кўпинча Аюпхон бова савдо қилар эдилар.

Колхозда етиштирилган полиз маҳсулотлари, меваларнинг бир қисми чўлда ишлайдиган чўпонларга, колхозчиларга тарқатилар эди.

Афсуски, бир вақтлар қишлоқнинг кўрки, одамларнинг асосий озуқа манбаи бўлган боғлардан ҳозирда ном-нишон қолмади. Айниқса, турғунлик йилларида пахта далаларини кенгайтириш баҳонасида боғлар бульдозерлар билан кўпориб, текислаб юборишди. Кейинги йилларда ҳам қишлоқда ўрикзор, мевазор боғлар ташкил этилаяпти. Аммо бир неча йил ўтар-ўтмас, энди ҳосилга кирганда уй-жой қуриш ёки бошқа баҳоналар билан кесиб ташламоқда.

Яқин ўтмишда колхознинг бир неча юз қорамоли, 20 дан ортиқ оти бор эди. Туман раҳбарлари қорамолларни боқиш ва сақлаш учун районнинг Бойғунди, Қоракўнғирот номли қишлоқларидан жой, яйлов ажратган. Қорамолларга ферма мудирини этиб Ҳамроев Йўлдош бовани (Йўлдошев Эргашни оталари) тайинланганлар. Улар ўша йиллари оила аъзолари билан Бойғунди қишлоғига кўчиб бориб, колхознинг сигир ва отларини боқишган. Кейинчалик Пармитон қишлоғида молхона қурилиб, ферма моллари шу жойга кўчирилган. Шунингдек, 40-50-нчи йилларда вилоят, туман раҳбарияти колхозлар учун Қарши чўлидан кўшимча ер ажратган. Ворошилов колхозининг ери Қарши чўлининг “Қора дўнг” деган жойида бўлган. Ҳозирги Нишон туманининг 9-жамоа ширкат хўжалигини маркази атрофидаги ерларга тўғри келади. Колхоз лалми ерда буғдой эккан, ёзда буғдой ўрилгач, колхознинг кўйлари боқилган. Куз, қиш пайтлари қишлоқдаги ерлар экинлардан бўшагач, кўйлар қишлоққа қайтарилиб, боқилган. Ўша йиллари колхознинг бир неча минг кўйлари бўлиб, улар учун махсус кўтанлар қурилиб, унда янтоқ ва бошқа хашакларни тўплаб скирдлар қилинган. Кўйлар қишнинг қаттиқ совуқ пайтида кўтанларда сақланиб, тайёрлаб кўйилган скирдлардан озиқланган. Шунини айтиш керакки, уруш ва

ундан кейинги йилларда қиш ҳар йили қаттиқ келарди. Совуқ 20-30⁰С бўлиб, томларни қори қиш давомида 8-10 марта кураларди, чунки уйлар шиферли эмас эди. Далалар қишда худди Россиядагидек оппоқ қор билан қопланиб ётарди. Шундай пайтлари қўйларни совуқдан асраб қолиш жуда азоб иш бўлган. Колхоз қўйларини кўп йил Содик бова Саидов (Розиқнинг отаси), қозикентилик Шодмон бова, Рауп бовалар боқишган. Шунини айтиш керакки, чўпонлик касби (айниқса қиш мавсумида) ўта машаққатлидир. Айвонлик қўтан ва қўйлар учун етарли озуқа бўлмаса, улар совуқдан тез ўлиб кетиши мумкин. 1953 йил февраль ойи илиқ келиб чўлда ўт кўкариб қолди. Юқори ташкилот раҳбарлари қўйларни чўлга ҳайдаш ҳақида буйруқ беришган. Қўйлар чўлга ҳайдалгач, кўп ўтмай, ёмғир аралаш қор ёғиб, ҳаво кескин совуган. Шундан кейин қўйлар ўла бошлади. Хайрият, ўша даврда табиий офат таъсирида моллар ўлса ёки экинларнинг ҳосили бўлмаса акт тузилиб, гострах деган идора оз бўлсада тўларди ёки тўловидан кечарди. Бошқа ҳолларда, масалан, қаровсизликдан моллар ўлса чўпон ёки ферма мудиридан ундириб олиниб, жазоланарди.

Уруш ва урушдан кейинги йиллар ҳаёт, яшаш қийин эди. Оиласида ёшроқ, соғлом бўлган кишилар ўтин сотиб тирикчилик ўтказишарди. Ўша йиллари қишлоқда олдинги авлодлар экиб кетган дарахтлар кўп бўлган. Дарахтларнинг қуриган қисмларини кечқурун кесиб, тахлаб қўйилиб, эрталаб тонг саҳарда Қарши станциясига ёки шаҳарга олиб бориб сотишар, пулига нон ёки бошқа озуқа олиб келишган. Ўша йиллари шаҳарликларга ҳам кўмир берилмаган, ҳозиргидек газ бўлмаган. Станцияга кўмир келган, уни фақат паровозларни юритишга берилган. Шаҳарликлар овқат қилиш ва уйни иситиш учун ўтин сотиб олишган.

Бундан ташқари ўша йиллари қишлоқ аҳолисида сут маҳсулотлари, боғларида ҳар хил мевалар (ўрик, олма, узум кабилар) кўп бўларди. Уларни сотиб, рўзғор учун бошқа маҳсулотлар олишарди. Аммо, мевалар жуда арзон бўлган. Ҳатто, баъзилар ўрикларини сотолмасдан тўкиб келган ҳоллари ҳам бўларди. Сут маҳсулотларини сотиш қишин-ёзин давом этарди. Негматов Ваҳоб, Примов Шариф, Бердиев Абдулло, Турсунов Исом, Гадоев Низомлар бу ишга эрталаб соат 4-5 ларда туриб, пиёда, асосан станцияга бориб сотишарди. Эрталаб соат 8 га қадар мактабга ўқишга боришга улгуриш керак эди. Тажрибали сут сотувчилар мижоз қилиб, уларга сутни бериб келишарди. Ўртача 6- кг юк билан 15 км ча пиёда станцияга бориб келгач, мактабга ўқишга боришарди. 5-6 соат дарсга қатнашиб, кейин деярлик ҳамма ўсмир болалар колхоз даласига ишга чиқарди. Мавсумга қараб ҳар хил ишларни бажаришарди. Ёз кунлари кечкурун ҳар хил ўйинлар (беркинмачоқ, дук...) ярим кечага қадар ўйналарди. Эътибор беринг, ўша даврни ёшлари қанча кўп ҳаракат қилишган. Ёмон ҳам ўқишмаган. Ҳозирги даврда айрим ёшларга, айниқса, шаҳарли болаларга бирор жойга бориб (1 км.ча узоқликда) кел, дейилса, авваламбор у сизга пиёда бораманми?-деган саволни қўяди.

Қишининг узоқ кечалари ҳамсоялар бир-бирлариникига ўтиб, сандали атрофида, керосин лампа ёруғида ярим кечагача янгиликлардан, ўтган воқеалардан гурунғ қилинарди, баъзан, “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Тўрўғли” дostonларидан ўқиларди. Баъзан кексалар матал айтардилар. Кўп маталлар ялқов, фирибгар, очкўз бўлган кишиларни кирдикорларини фош қилувчи, одобли, меҳнаткаш, ҳалол, оқибатли инсонларни ижобий хусусиятларини, яхшилигини

баён этувчи мазмунда бўлиб, уларни ёшлар учун тарбиявий аҳамияти катта бўлган.

Қишлоқ одамлари, уларнинг феъл-атворлари хақида. Қишлоқ одамларининг гавда тузилишларига эътибор берилса, илгари ўтганларнинг (XIX асрнинг охири XX асрнинг ўрталарига қадар) аксарияти йирик, бўйлари узун, бақувват кишилар бўлганлар. Масалан, Турди бованинг бўйлари узун бўлганлиги учун одамлар у кишига “полтора”, яъни бир яримта одам деб лақаб қўйганлар. Ҳамроев Йўлдош, Ражабов Йўлдош, Ҳамроев Рўзи, Холиқов Турсун, Саломов Тош, Имомов Пирна, Мамат бова, Ахмад бова, Асад бова, Негмат бова, Аваз бова, китобни олдинги бобларида келтирилган шаҳарда яшаб қолган Турдиев Рўзи, Турдиев Латип, Бозоров Ўроқ, Полли бова кабилар шундай тана тузилишига эга кишилар бўлганлар. Айримларининг болаларини оталарининг тана тузилишлари билан солиштирса, болалари оталарининг ярмига ҳам тенг келмайдиганлари бор. «Бола отадан дасир кам келади» деб бекорга айтилмаган.

Нима учун олдинги ўтган кишилар йирик, бақувват бўлишган? Бунинг сабаби кўп. Авваламбор ирсий жиҳатдан шундай бўлган, яъни ота-оналари соғлом бўлишган. Бундай соғлом кишилар туғилганларида иммунитет система кучли бўлган. Уларнинг ёшлигида болалар кўп тарқалган касалликларига (чечак, қизамиқ, безгак кабиларга) чидамли бўлиб, касал бўлганларида ҳам кўплари омон қолганлар. Иммунитети кучсиз бўлиб туғилганлари ўлиб кетган, чунки уларнинг ёшлигида тиббиёт хизмати деярлик бўлмаган. Ҳар хил касалликлардан омон қолган болалар ўсиб улғайган муҳит экологик жиҳатдан тоза бўлган. Яъни, ҳаво, сув, овқат маҳсулотлари сифатли бўлган. Боғларда ўстирилган мевали дарахтларнинг маҳсулотлари, чорва молларининг сути, гўшти тоза ва сифатли ва мўл бўлган. Бундан ташқари улар

ёшлигида уйда, далада хилма-хил юмушларни бажариб, кўп ҳаракат қилганлар. Ёз кунлари арик, баъзан ҳовуз сувларига чўмилиб турганлар, уларнинг организми чиниққан бўлган. Бундай шароитда улғайган ёш организм танасида қон айланиш кучли ўтиб, ички ва ҳаракат органларини ўсиши ва ривожланиши яхши ўтади, организм соғлом бўлади.

Ўрта вазн оғирликка эга бўлган кишилар ҳам бўлган: Тўхта бова, Темир бова, Турдикул бова, Очил бовалар. Улар ҳам жисмоний соғлом бўлишган. Ҳозирги вақтда ёшлар ўртасида узун, йирик гавда тузилишига эга бўлганлари кам учрайди.

Кейинги авлод вакиллари айримларини танасини кичик ва ношудроқ бўлиб қолишларининг сабаби ёшликларида бирор касалликка учраганликларида ҳар хил антибиотик дориларни кўп қабул қилганликлари. Ташқи муҳит, таомни экологик жиҳатдан сифатли бўлмаганлиги, баъзи болаларнинг техник воситалар (мобил телефон, компьютер, телевизор ва бошқалар) дан меъёридан ошиқ фойдаланишлари, баъзиларининг кам ҳаракат қилганликлари ва ҳоказолар сабабдир.

Шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз ёш авлодни соғлом бўлиб ўсишларига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Катта маблағ ажратилиб кўп қулай шароитлар яратилган. Масалан қанчадан қанча спорт иншоотлари қурилган, кўп спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилган, радио, телевизор, газета ва журналлар орқали ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо, ҳамма болалар ҳам улардан унумли фойдаланаяптилар, деб бўлмайди.

Ҳозирги даврда ҳар жиҳатдан етук, баркамол инсонни тарбиялаб ўстириш ҳақида талаб кўйилаяпти. Яъни, ўсиб улғаётган ёш авлод

жисмоний, ахлоқий, маънавий жиҳатдан соғлом, бир неча тилларни биладиган, фан ва техникани тушунадиган кишилар бўлиши керак. Энг муҳими уларда ватанпарварлик ҳислатлари юқори бўлиши керак.

Қишлоқдаги ҳазилкашлар. Қишлоқда ўткир зеҳнли, ўзига хос феъл-атворга, ҳозир жавоб, ҳазилкаш инсонлар кўп бўлган: Турди бова, Темир бова, Тўхта бова... улар тўйларда, меҳмондорчиликларда бир-бирлари билан учрашганларида шунақанги ҳазил-мутойиба қилишардики, асти қўяверасиз. Ўзларининг тили билан айтганда “гапни ётиб отишарди”. Гапга “тўн” кийдирмасдан, “ишлов” бермасдан гапиришмасди. Уларнинг гап-сўзларида одамни “ўйиб” оладиган кесатик, тиканли, қочиримли иборилар бўларди. Бу ибораларда шундай маъно-мазмун, пичинг, кесатиклар яширинган бўлардики, уларнинг гапини унча-мунча тилшунос мутахассислар изоҳлаб, тагига етолмасди. Улардаги бу фазилатлар, яъни ҳазил-мутойибага ўчликлари беғараз, самимий, хурсандчиликка қаратилган бўларди.

Апрель ойининг бир куни 50-йилларнинг бошларида 10-15 та ғубдинликлар колхознинг “ЗИС” машинасида шаҳар томондан келаётган эдик. Йўллар ёмғирдан сўнг лой, машина сирғаниб, аранг юради. Қишлоқ мачитнинг шимолроқ томонида Турди бова яшар эди (ҳозир у кишининг уйларини ўрнига неваралари Қаҳрамон яшайди). Турди бова ҳовлиларида нимадир иш билан машғул эканлар. Ҳовлининг атрофи девор, деворнинг орқа томонида эса боғлари бор эди. Боғда тоқлар ишланган, кўм-кўк бўлиб ўсган. Шу пайт бир сигир ечилиб, токни ўсган баргларини ея бошлади. Машинада келаётган одамлар ичида Темир бова ҳам бор эдилар. Темир бова машинада кетаётиб Турди бовага (иккалалалари бир-бирларига кўп ҳазил қилишарди) қараб: “Полтора, сигирни “бош” денг, токни еб кетди,”-

деб гап отдилар. Турди бовани ёшликлариди бошлари яра бўлиб, кейин тузалиб кетган бўлган. У киши мени бошимга шама қиляпти, деб ўйлаб, турган жойларидан (сигирга қараганлари ҳам йўқ) “Ҳа, охиригизни буздими?”- деб жавоб қилдилар.

Тенгдошлари, ўша давр дохийси Карл Маркснинг расмини қаерда кўрсалар, ўша жойда Турди бова бўлсалар, атай у кишига шама қилиб Карл сўзидан “р” ҳарфини ташлаб айтардилар. Турди бова эса “Тулли Маркс денг,”- деб у кишининг гапини тузатган бўларди. Яъни сиёсий хато қилиб қўймай деб, кўполроқ сўзни ишлатмасдилар. Чунки, у киши саводсиз бўлсалар ҳам жуда ҳам сезгир, хушёр одам эдилар.

Айрим ҳамқишлоқларимизнинг феъл-атвориға хос бўлган яна хусусиятларидан бири, баъзиларининг у ёки бу овқатни тановул қилмасликлари эди. Масалан, Темир бова “қалампир” деса, Хаққиев Шер – “шолғом”, Имомов Темир – тўппа деса, “Хўш-э,” деб гўё аччиғлари келади. Тўй ёки меҳмондорчиликларда, давраларда уларга қарата шу сўзлар бошқалар томонидан “отиларди”. Улар ҳам “болахонадор” сўзлар билан жавоб қайтаришарди. Шундан сўнг гап баҳси бошланарди. Албатта, улар бу овқатларни истеъмол қилишарди. Аммо, бу гаплари ҳазил, беғараз, давраларда, ўтиришларда хурсандчилик яратиш учун қилинарди. Бу инсонларнинг айримлари вафот этган, аммо уларнинг ҳазиллари ҳозир ҳам эсланиб турилади.

Ҳалим бова даврадаги гурунгларда кўпинча ўша даврдаги мамлакат раҳбарларининг олиб бораётган сиёсатлари, ишларини таҳлил қилиб гапирардилар. У киши ҳам ҳеч ерда ўқимаган бўлсалар ҳам, ҳукумат раҳбарларининг ишини тўғри таҳлил қилиб, баҳолар эдилар.

Афсуски, ўша даврда ҳозиргидек магнитофон, видеоаппарат бўлмаган. Агар юқорида келтирилган инсонларнинг гаплари, гурунгини ёзиб олинганда тилшунослар учун бой материал, бошқалар учун қанчалик хурсандчилик келтирилган бўларди.

Қишлоқнинг фаол хотин-қизлари. Кишилик жамияти учун хотин-қизларнинг ўрни каттадир. Айниқса, кейинги йилларда улардан давлат арбоблари, олималар, спортчилар, санъаткорлар кўплаб чиқмоқда. Ҳозирги вақтда ўқитувчи, тиббиёт ходимларининг аксарият қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Уруш йилларида хотин-қизларнинг хизмати эркаклардан кам бўлмади. Биргина Ғубдин қишлоғидан 40 дан ортиқ ёш, соғлом йигитлар урушга жўнатилганди. Қишлоқдаги оғир дала ишларини асосини хотин-қизлар бажарган. Кексайиб қолган эркаклар, болалар ҳам иштирок этишарди. Олдинги йиллар қишлоқда фаол меҳнат қилган, колхозни у ёки бу ишларида самарали иштирок этган бир неча хотин-қизлар бўлган: Зоҳидова Марҳамат, Муқаррам мома, Назокат мома, Муқим мома...

30-йилларда Зоҳидова Марҳамат ҳаттоки колхоз раиси бўлган. Ўша йилларни тасаввур қилинг. Қанчадан қанча қийинчиликлар, англашилмовчиликлар, колхозда ишларни ташкил этиш осон бўлмаган. Одамларда колхоз ишини юритишда малака кам бўлган. У киши араб алифбосини яхши ўқий олган, мулло ҳам бўлган. Зоҳидова Марҳамат холани эсласак, “Суюнчи” фильмидаги Анзират образи кишининг кўз оддига келади. Ташқи кўринишлари, гаплари, баъзи одамларга танбеҳ беришлари худди ўшандай. Бирор ёшроқ киши билан гаплари қовушмай қолса, унга ҳазил аралаш “Ман санга ўхшаганларни лойдан ясаб ташлайман”, ёки бир гуруҳ аёлларни учратиб қолгаларида

хазиллашиб: “Ҳа, Аёловлар”, - деб эркакча фамилияда уларга мурожаат қилардилар. Охирги йиллари у киши қишлоқ амбулаториясида санитарка бўлиб ишладилар. Доимо тушдан кейин врач билан қишлоқма-қишлоқ юриб, касалларни даволашда иштирок этардилар. Ўша йиллари (40-50-нчи йиллар) вилоятда маҳаллий кишилардан врачлар деярлик йўқ эди. Кўп врачлар райздрав, облздравда ишлайдиганлар Тошкентдан келган мутахассислар эди. Ўзлари санитарка бўлсалар ҳам гапдонликлари, ишбилармонликлари туфайли юқори лавозимда турган медицина раҳбарлари билан бемалол гаплашиб, қишлоқ амбулаториясига тааллуқли ишларни битказа олардилар. Бошқалар ҳам у кишини ҳурмат қиларди.

Ҳамроева Саида кўп йил мактаб директори, Қарши тумани ижория кўмитасининг раиси ўринбосари лавозимида ишлади.

Ҳозирги вақтда қишлоқда кўп фаол хотин-қизлар тўйларда, ҳар хил тадбирларда, байрамларда ўзларига тааллуқли ташкилий ишларни уюштириб, тадбирларни мазмунли, хурсандчилик билан ўтишига ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Буларга Ҳакимова Салвар, Бозорова Хосият, Маҳмудова Мукаддам, Рўзиева Бахмал, Отамуродова Музайям, Ҳамраева Зулфия, Турдиқулова Жаъфар, Йўлдошева Зумрад, Ҳуваева Дилором, Чориева Латофат кабиларни айтиш мумкин.

Маълумки, кейинги йилларда Олий ўқув юртларига тест синовлари орқали аксарият қиз болалар ўқишга кирмоқдалар. Шунинг учун келгусида олий маълумот олган хотин-қизлар халқ хўжалигининг кўп соҳаларидаги фаолияти янада кучаяди.

Губдин қишлоғида туғилиб, улғайган, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, муайян соҳани ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган инсонлар кўп.

**Туман, вилоят, республика ташкилотларида раҳбарлик
лавозимларида фаолият кўрсатган, депутат, илмий даража ва
унвонларга, меҳнатда кўрсатган ютуқлари учун ҳукуматни орден
ва медалларига сазовор бўлган ғубдинликлар**

*Изоҳ: ҳар бир кишининг исми ва фамилияси остида унинг
тузилган йили берилган. Вафот этганларни эса ўлган йиллари ҳам
кўрсатилган. Тартиб – ёшига ва хизматига қараб тузилган.*

10-жадвал

№	Фамилияси ва исми	Иш фаолияти ва тақдирланганлиги хақида маълумот	Эслатма
1.	Набиев Рустам (1918-2003)	Ватан уруши ва меҳнат ветерани. 1936 йил 1-сон ўрта мактабни битириб, Қарши шаҳридаги педагогика техникумига ўқишга киради. 1938 йил пед. техникумни битиргач, армия сафига чақирилган. 1938-1940-йиллари № 556 артиллерия полкида разведкачи бўлиб хизмат қилди. Ўша йиллари у киши хизмат қилган ҳарбий қисм Эронда турган. 1941 йил мартдан 1943 йил февралгача № 160 полкида разведкачи бўлиб, Россия, Белоруссия, Украина шаҳарларида немис-фашистларига қарши бўлган жангларда катнашган. 1943 йил жангларнинг бирида ярадор бўлиб, госпиталда даволанади. Кейин касаллиги туфайли запасга қайтарилади. Урушдан қайтгач Р. Набиев Қарши туманининг Дашт кишлоғидаги мактабда, кейин Ғубдин кишлоғидаги 1-сон мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди.	

		<p>1966-1971-йиллари Р. Набиев Қарши педагогика институтининг тарих факультетида сиртдан ўқийди.</p> <p>Р. Набиев бир неча йил Қарши туман партия кўмитасида масъул ходим, 1-сон ўрта мактабида директор лавозимларида фаолият кўрсатади. Набиев Р. Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасорати учун ҳукуматнинг қатор орден ва медалларига сазовор бўлган:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 1946 йил 12 мартда собиқ СССР Олий Совети Президумининг фармониға биноан “1941-1945 йил Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали; - СССР Олий Совети Президумининг 1985 йил 11 март буйруғига асосан Р. Набиев “I даражали Ватан уруши” ордени; - СССР Олий Совети Президумининг 1988 йил 23 февраль қарорига асосан “СССР Қуролли кучларининг 70 йиллиги” медали; - 1994 йил 6 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға биноан “Жасорат” медали; - 1941-1945 йиллар урушда фашизм устидан қозонилган “Ғалабанинг 50-йиллик юбилеи” медали (1994 йил 6 май); - 1995 йил 10 мартда Украинани озод қилишдаги жангларда қатнашгани учун 	
--	--	---	--

		<p>Украина Президентининг фармонида асосан “Украинани озод бўлгани муносабати билан” медали билан тақдирланган.</p> <p>Р. Набиев ёш авлодга таълим-тарбия беришда ўрнатилган кўрсатгани учун 1967 йил 19 апрелда “Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочилиги” нишони билан мукофотланган.</p> <p>Набиев Р. мактабда тарих, география фанларидан дарс ўтган. Кейинги йилларда у киши бошлагич синф ўқувчиларига дарс ўтиб, юқори кўрсаткичларга эришган. Шунинг учун ҳам кўп ота-оналар болаларини у киши ўқитадиган синфга ўқишга қўйишга орзу қилишган. Қишлоқ ёшларини, аҳолини аксарият қисмига ўқишни ва ёзишни ўргатган Р. Набиев бўлганлар.</p> <p>Шунингдек, менга ҳам 4-5-синфларда тарих, география, математика фанларидан сабоқ берганлар. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўқитувчининг машаққатли меҳнатини қуйидаги мисраларда баён этади:</p> <p><i>Ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, Айламоқ осон эмас ҳаққини адо минг ганж ила.</i></p>	
--	--	--	--



18-расм. Ўндан Р. Набиев ва Э. Қодировлар. Икки дўст учрашганларида мазмунли суҳбатдан кейин кўпинча шахмат доналарини суришардилар.

2.	Саломов Тошмурад (1916-1984)	Аввал қишлоқдаги мактабда, 1930-1934-йиллари Қарши шаҳридаги бухгалтерия техникумида таҳсил олди. 1934 йилдан бошлаб Ворошилов номли колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган. 1941 йилдан Уралдаги механика заводида ишчи бўлиб ишлади. 1946-1955-йиллари Қарши туманидаги Сталин колхозида ҳисобчи, 1956-1958-йиллар вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида ревизор, 1958-1960-йилларда Ворошилов номли колхозда колхоз раиси бўлиб ишлади. 1961-1976-йиллари «Партия XXII съезди» совхозида ҳисобчи бўлиб ишлаган. У киши қишлоқдаги ободончилик, ташкилий ишларда фаол қатнашиб келган.	
3.	Қодиров Эргаш (1918-1984)	1-сон мактабни 7-синфини битиргач, 1939 йилда Армияга хизматга чақирилган. Армияда хизматни ўтаб қайтгач, Чўли Бегимқуловнинг тавсияси билан Қарши тумани Ижроия	У киши асли ғубдинлик бўлиб, Қозикенти

		<p>кўмитасида ишлаган. Шундан кейин Фрунзе шаҳридаги (Қирғизистон) “Конная бригада” деб аталган ўқув юртига ўқишга юборилади. Мазкур ўқув юртини тугатиб келгач, Бешкентдаги ИИБ да ўз фаолиятини давом эттирган. Кейинчалик туман ИИБ бошлиғи даражасига кўтарилган.</p> <p>Қодиров Эргаш ўз фаолияти давомида Косон, Яккабоғ, Мираки, охири Қарши шаҳрида ИИБ бошлиғи вазифаларида ишлаб, ўзига таалукли вазифаларни юқори даражада бажарган. Унвони – майор, ҳукуматнинг қатор орден ва медалларига сазовор бўлган.</p>	<p>қишлоғидан уйланиб, ўша қишлоқда яшаб қолган. Жасадлари Ғубдин қабристонига қўйилган.</p>
4.	<p>Мустаров Хол (1923)</p>	<p>1937 йил 1-мактабни 7-синфини битириб, колхозда ишлаган. 1943-1947 йилларда Армияда (Красноярский, Ашгабад, Эронда) бўлган. 1952 йили темир йўлга ишга ўтиб, вагон уловчиси, поезд составини тузувчи, 10 йил диспетчер, вокзал навбатчиси каби лавозимларда ишлаган. У киши бир неча марта ўзининг ҳушёрлиги ва чакқонлиги билан поездни авариялардан сақлаб қолган. 50-нчи йилларнинг охирларида Қарши билан Нишон орасидаги темир йўл рельси синган бўлган. Бу ҳолатни бир шофёр темир йўлни мутасадди раҳбарларига кишиларига хабар қилган. Улар Хол акага воқияни айтишган. Темир йўлда шундай мураккаб ҳолат бўлганки, олдинги йўлдан Когон томон кетадиган поезд ҳаракат бошлаган, орқа томондаги йўлдан Термез йўналишидаги поезд</p>	

		<p>ҳаракат қилаётган бўлган. Уни зудлик билан тўхтатиш керак бўлган. Хол ака иккиланмасдан олдинги поезд тагидан ўтиб, Термез йўналишида ҳаракат бошлаган поездни тўхтатиб, бутун составни (40-50 вагон) ҳалокатдан қутқариб қолган. Шунга ўхшаш ҳолатлар у кишини ҳаётида бир неча марта бўлган, доимо фожиани олдини олишга улгурган. У кишини бу ишлари кўп йиллар Ўрта Осиё темир йўллар бошқармасининг бошлиғи Қодиров Азиз Мавлоновичга қадар етиб борган. О.М. Қодиров Хол акага “Ураган” (“довул”, “бўрон”) деб от қўйган экан.</p> <p>Мустаров Хол акани хизматлари “Меҳнат Қизил байроқ ордени”, бир қанча медаллар ва фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланган. Ҳозирги вақтда Хол ака нафақада, ўғил ва қизлари, невараларининг кўпи у кишининг изидан бориб, темир йўл бошқармасининг ҳар хил соҳаларида хизмат қиладилар.</p>	
5.	<p>Ражабов Ёқуб (1925-1998)</p>	<p>Қашқадарё вилоят театрида 40 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, 250 дан ортиқ образларни яратди. Ё.Ражабов яратган "Тоҳир ва Зухра"да Тоҳир, “Холисахон”да Рустам, “Майсаранинг иши”да Чўпонали, “Тобутдан товуш”да Ҳасан, “Отелло”да Яго образлари санъаткор сифатида у кишига шон-шуҳрат олиб келди. Ёқуб ака ҳақида</p>	<p>Ё. Ражабов Губдинда туғилиб, кейинчалик Ҳарамжуй қишлоғида яшаганлар.</p>

		<p>Ўзбекистонда хизмат кўрсатга артист Одилжон Исмоилов шундай дейди: “Ёқуб Ражабов ўзини яратган роллари билан ўзбек санъати сахнасида, халқимиз қалбида узоқ яшайди. У кишидан кейин ҳам қанчадан қанча артистлар бу муқаддас даргоҳда хизмат кўрсатишмоқда. Лекин Ёқуб акадек интизомли, меҳнатсевар, қатъиятли бўлганини учратганим йўқ”. Ё. Ражабов санъат соҳасидаги хизматлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатга артист” шарафли унвони ва ҳукуматнинг қатор орден ва медалларига сазовор бўлганлар.</p> <p>Ёқуб ака баъзан тўй ёки меҳмондорчиликка қишлоққа келсалар, ким бўлса ҳам фалонча ашулани айтиб беринг деса, у киши дарров айтاردилар. Ҳеч вақт кеч бўлди, чарчадим, кетишим керак деган гапларни айтмасдилар. Ўзлари ҳамқишлоқларни кўнглини олганликларидан хурсанд бўлар эдилар. Ёқуб ака шундай хушфезл, камтар, олийжаноб инсон эдилар. У кишини кўп учратганман, аммо аччиқланганларини кўрмаганман. Доимо кулиб турардилар.</p>	
6.	<p>Ҳамроева Саида (1929 йил)</p>	<p>Ғубдин қишлоғидаги 1-сон ўрта мактабни, кейин Қарши шаҳридаги педагогика институтини тарих факультетини битирган. Шундан кейин ўзи ўқиган мактабда ўқитувчи, кейин мактаб директори лавозимларида ишлаб, мактаб ўқув базасини</p>	

		<p>мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса кўшди. С.Ҳамроева Қарши тумани ижроия кўмитасини раисини ўринбосари лавозимида бир неча йил ишлаб, туманда маорифни, соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантиришда ибратли ишларни амалга оширди.</p> <p>Унинг хизматларини эътиборга олиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси, медал ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.</p>	
7.	<p>Ҳамроев Нурилло (1930-2012)</p>	<p>1949 йил 1-сон ўрта мактабни 10-синфини битириб, Қарши ўқитувчилар институтига ўқишга кирдилар. Институтни битиргач, у киши ўқитувчилик фаолиятини 1951 йил Деҳқонобод тумани Дўконхона қишлоғидаги Пушкин номли мактабдан бошлаганлар. Қишлоқ Қаршидан қарийиб 200 км. узоқликда жойлашган, ундан кейин бошқа қишлоқ йўқ, баланд арчазор тоғлар давом этади. Қишлоқни табиати жуда кўркам, тоғ дарёларидан зилолдек тоза, муздек, яқинда эриган муз сувлари оқиб туради. Атроф-муҳит ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жуда бой. Қишлоқ аҳолиси цивилизациядан узоқроқ. Ўша йиллар улар нонни тошни қиздириб, хамирни қизиган тош устига пиширишган. Н. Ҳамроев уларга тандир яшани, уни қиздириб нон ёпишни ўргатганлар. Қишлоқни кексалари ҳозир ҳам эслашиб, қаршилиқ бир ўқитувчи келиб,</p>	

		<p>тандирга нон ёпишни ўргатди, дейишади. Қишлоқ аҳолиси ёз ойлари уй ҳайвонларини ўтлатиш учун тоғни ҳар хил жойларида ўтов (қора уй) қуриб чиқадилар. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам дала шароитида нонни қизиган тош устига пишириб, истеъмол қилишади.</p> <p>1951-1955 йилларда Н. Ҳамроев ўша ҳудудни Пушкин, Ворошилов, Жданов, Микоян номли мактабларда болаларга таълим-тарбия беришдан ташқари қишлоқ аҳлига ҳар хил янгиликлар киритиб, ёрдам берганлар. Кейин қишлоққа қайтиб, 1962-1963 йиллари “XXII партсъезд” совхозига пахта бригадари бўлиб ишлаганлар. 1964-1969 йиллари Н.Ҳамроев Қарши педагогика институтини география ихтисослигига сиртдан ўқиганлар. 1963-1990 йиллари 1-мактабда география фанидан дарс берганлар, 1978-1983 йиллари мактаб директори ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатганлар.</p> <p>Н. Ҳамроев қизиқувчан, янгиликларга интилувчан бўлганларидан қўлларидан кўп иш келган. Уй қуришми, мол боқиш, асалари замбурларини парвариш қилиш, кўчатларни пайвандлаш усулларини яхши билганларидан боғларида хилма хил мевали ва манзарали дарахтлар ўстирганлар. Гурунгларида доимо янги қилган муҳим ишларидан гапирар эдилар. Масалан, анорнинг уруғидан қандай ниҳол</p>	
--	--	---	--

		<p>етиштирганларини ёки кўксултондан қандай шарбат тайёрлаганликларини. Шунини айтиш керакки, қишлоқ аҳолиси 40-нчи, 50-нчи йилларда мевалардан қандай компот, мураббо тайёрлашни билмасди. Фақат ғўлин, майиз тайёрлаш технологиясини билишарди. Мевалардан компот, мураббо тайёрлашда у киши илк бор ташаббус кўрсатган. Маълумки, Қрим, Кавказдаги курорт шаҳарларини кўрам бўлишида сарв (кипарис) дарахтининг роли каттадир. У киши Сочи шаҳрида дам олишда бўлганларида кипариснинг пишган уруғини дарахтни устига чиқиб териб олиб, ўзларининг боғларида экиб кўкартирганлар. Бир неча йил олдин дарвозаларининг ташқарисига экилган ўнга яқин кипарис баланд бўлиб чирой бериб турарди. Бизлар ўтган асрнинг 50-йилларида Самарқанд давлат университетига ўқиганимизда ботаник олим, профессор Е.И. Проскоряков кипарисни икки тури борлигини (ботқоқ кипариси, пирамидал кипариси), ўша йиллари Самарқанд истироҳат боғида 2 та ботқоқ кипариси мавжудлигини айтиб, биз студентларни олиб бориб, кўрсатган эди. Қарши ДУни ботаник олимлари ушбу ўсимликни иқлимлаштириш масаласида баҳс юритганларида мен уларга бизнинг қишлоққа кипарис Н. Ҳамроев деган ўқитувчи томонидан</p>	
--	--	---	--

		<p>аллақачон иқлимлаштирилиб, ўстириб кўйилган, бориб кўринглар, деган эдим. Ҳозирги вақтда бу ноёб ўсимлик вилоятимизнинг айрим жойларида ўстирилаётган бўлиши мумкин. Афсуски, Нурилло ака экиб кўқартирган кипарис дарахтлари сувсизликданми, қаровсизликданми қуриб, кесиб ташланган. Н.Ҳамроевга ўхшаш меҳнаткаш, янгиликка қизиқувчан, яратувчан инсонлар қишлоқда, бошқа жойларда ҳам кўп. Шундай инсонларнинг борлиги, уларнинг меҳнати тугайли дастурхонларимиз, бозорларимиз тўкин. Шундай кишиларнинг муҳим ишларини ёшларга ўрнак сифатида англашимиз лозим.</p> <p>Ушбу сатрлар ёзилаётганда Н. Ҳамроевни “бандаликни бажо келтирдилар” деган шум хабар қишлоққа тарқалиб қолди. Афсуски, у кишининг қилган муҳим ишлари ҳақидаги фикрларни ўзлари ўқий олмай, эшитмай қолдилар. Начора. У киши қандай инсон бўлганликлари, қилган савоб ишларини болалари, неваралари, келгуси авлод ўқир, яхши ишларини давом эттиришади, деб умид қиламиз.</p>	
8.	Нурматов Шароф (1931 йил)	<p>Ш. Нурматов 40 йилдан ортиқ қишлоқ хўжалигида меҳнат қилган. «XXII партсъезд» совхозини Ғубдин қишлоғида тракторчи, пахта бригадири, бўлим бошлиғи, агроном вазифаларида ишлаган. Кейинчалик қишлоқ домкоми вазифасида фаолият</p>	

		<p>кўрсатиб, қишлоқдаги ободончилик ишларини амалга оширишда бош бўлди. У кишини қишлоқ хўжалигида кўрсатган самарали меҳнатини ҳукумат икки марта “Меҳнат Қизил байроқ” ордени билан тақдирлаган.</p>	
9.	<p>Ҳамроев Нусрат (1933-2000)</p>	<p>1950 йил 1-мактабни 10-синфини тугатиб, 1950-1954-йиллари Бухоро педагогика институтининг кимё-биология факультетида таҳсил олди. 1954-йилдан бошлаб 1-мактабда, кейин Қашқадарё вилоят ўқитувчиларни қайта тайёрлаш институтига ўқитувчилик қилди. 1964-1977-йиллари Қарши давлат педагогика институтининг кимё кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатди.</p> <p>У киши кафедрада дарс бериш билан бирга собиқ СССР педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор Л.А. Дубынина раҳбарлигида “Ўзбекистон шароитида ўрта мактаб ўқувчиларига атеистик тарбия бериш” мавзусида номзодлик диссертацияси устида тадқиқот ишлари олиб борди. Мавзу бўйича мактабларда кузатиш ва тажрибалар ўтказиб, 15 га яқин илмий, илмий-услубий мақолалар ва қўлланмалар чоп эттирди. Ўша йиллари институтда қабулдаги ўзгаришлар, ислохатлар ҳамда айрим бюрократ раҳбарларнинг лоқайдликлари туфайли Н. Ҳамроев институтдан</p>	

		<p>шаҳарнинг 10-ўрта мактабига, кейин пед.техникумга (ҳозирги педагогика коллежига) ўқитувчи бўлиб ишга ўтди. У киши қаерда ишламасин, ўзининг билимдонлиги, атрофдагиларга адолатли ва самимий муносабати билан жамоа ўртасида доимо катта ҳурматга эга эди. Шунингдек, Н. Ҳамроев оқибатли, меҳмондўст, ор-номусли инсон эди.</p> <p>Узоқ йиллар давомида таълим тизимидаги хизматлари учун “Халқ маорифи аълочиси”, “Меҳнат ветерани” медали ва қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар.</p>	
10.	<p>Файзиев Шодмон (1934-1989)</p>	<p>1954 йил ўрта мактабни битиргач, Армия сафига чақирилади. Армия хизматида бўлганида унинг қобилиятини, рус тилини билишини эътиборга олиб, Боку шаҳридаги офицерлар тайёрлаш ўқув юртига ўқишга юборилади. Ҳарбий ўқув юртини муваффақиятли битиргач, уни Қозоғистондаги ҳарбий қисмларнинг бирига хизматга юборилади. Бир неча йил Қозоғистонга хизмат қилгач, уни Қашқадарё вилоят ҳарбий комиссариати чақириб, уни комиссариатни бўлимларини бирига ишга тайинлайди. Кейин Қарши туманидаги ҳарбий комиссариатига бир неча йил раҳбар бўлиб хизмат қилди. У хизмат давомида подполковник даражасига қадар кўтарилди. Шунингдек унинг хизмати бир неча орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан</p>	

		тақдирланган.	
11.	Пирматов Азим (1935-1999)	<p>А. Пирматов 1935 йилда Ғубдинда туғилиб, 1943-1953 йиллари шу қишлоқдаги 1-мактабда таҳсил олди. Мактабни битириб, Тошкентдаги темир йўллар транспорти институтининг темир йўллар қуриш факультетига ўқишга киради.</p> <p>1958 йилда институтни битириб, Қаршидаги қурилиш бошқармасида прораб бўлиб иш бошлайди. 1964 йилдан Қашқадарё вилояти колхоз қурилиш трестига бош муҳандис; 1965 йил Қашқадарё вилояти лойиҳалаш институтида бош муҳандис бўлиб ишга ўтади. 1974-1982 йиллари эса шу институтда директор вазифасида катта жамоа ишларини бошқаришда раҳбарлик қилади.</p> <p>Унинг меҳнати бир қанча медаллар ва “Фахрий ёрлик”лар билан тақдирланган.</p>	
12.	Жалилов Анвар (1940 йил)	<p>У 1970-1974-йиллари Собиқ иттифоқ Олий кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатди. А. Жалилов “Қаршистрой” га қарашли ПМК-4да қурилиш бригадари бўлиб ишлаган. Унинг бригадаси ЖБИ, КОРМЗ заводини, вилоят ҳокимияти қаршисидаги турар жой биноларини, шаҳарни Индустриал (ҳозирги А. Темур) кўчасидаги кўп қаватли уйларни, “Аврора” посёлкасидаги турар жойларни қурган.</p> <p>Жалилов Анвар депутат бўлган йиллари собиқ Иттифоқнинг қурилиш вазирлиги қошидаги “Қурилиш материаллари ва қурилиш ишларини</p>	

		<p>назорат қилиш” комиссиясини аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Унинг ўзбек, рус, тожик тилларини мукамал билиши ҳамда хушфеъл характери комиссия таркибида самарали ишлашга ёрдам берди.</p> <p>А.Жалиловнинг самарали меҳнати ҳукуматнинг қатор медаллари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.</p>	
13.	<p>Йўлдошева Зумрад (1940 йил)</p>	<p>1-сон ўрта мактабни битириб қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат қилган. Пахтада илғор теримчи ҳамда пилладан юқори ҳосил олгани учун Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланган.</p> <p>Меҳнатда кўрсатган юқори кўрсаткичлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг “Фахрий ёрлиғи” ҳамда қатор медаллар билан тақдирланган.</p>	
14.	<p>Ҳатамов Шокир (1941 йил)</p>	<p>У 1958 йил 1-мактабни 10-синфини битириб, Тошкентдаги қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга киради ва уни 1963 йилда муваффақиятли битиради.</p> <p>1963 йилдан Қарши туманидаги “Коммунизм” колхозининг Сарой участкасига катта агроном лавозимида иш бошлайди.</p> <p>1965 йилдан шу туманнинг «XXII партсъезд» совхозига катта агроном бўлиб ишга ўтади.</p> <p>1969 йилдан Қарши тумани “Ўсимликларни</p>	

		<p>ҳимоя қилиш” бошқармасига катта агроном лавозимида фаолият кўрсатади.</p> <p>1971 йил мазкур туманни “Қарши” номли совхозига Бош агроном бўлиб ишга ўтиб, 4 йил давомида фаолият кўрсатди.</p> <p>1974 йилда Қарши туманидаги «XXII партсъезд» совхози сабзавотчилик ва уруғчиликка ихтисослашди. Ш.Ҳатамов мазкур хўжаликка бош агроном бўлиб ишга ўтди.</p> <p>1986 йилдан Қашқадарё вилоят сабзавот ва полизчилик уюшмасига Бош агроном бўлиб фаолият кўрсатди.</p> <p>Ш. Ҳатамов 1999 йилдан бошлаб “Олтин бошоқ” номли фермер хўжалигини бошқариб, 20 га. Ерга деҳқончилик қилиб, пахта, ғалладан юқори ҳосил олишга эришди.</p> <p>2008 йилдан бошлаб мазкур фермер хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашиб, 16 га. ерга боғ барпо қилди. Унда ўрик, олма, бодом, шафтоли, қароли каби ўсимликлар парвариш қилинмоқда.</p> <p>Ш. Ҳатамовнинг қишлоқ хўжалигидаги узок йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланган. У 1976 йил “Меҳнатга ўрнатган” медали, 1978 йилда “Шухрат” ордени билан мукофотланган.</p> <p>Ш. Ҳатамов нафақат қишлоқ хўжалигида, спортнинг футбол, енгил атлетика, волейбол</p>	
--	--	---	--

		соҳалари бўйича юқори натижаларга эришган бўлган.	
15.	Йўлдошев Жўра (1942 йил)	<p>Ж. Йўлдошев 1-сон ўрта мактабни 7-синфини тугатиб, кейин Қарши мед. техникумида таҳсил олди. Техникумни тугатгач, 1959-1961-йиллари “Нишон” совхоздаги касалхонада, 1961-1962-йиллари Қарши болалар касалхонасида фельдшер бўлиб ишлади. 1962-1965-йиллари Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб, 1966-1974-йиллар Қарши шаҳар болалар поликлиникасида участка педиатри лавозимида фаолият кўрсатди. Шу йиллари Қарши шаҳар медицина ходимларининг шаҳар касабга кўмитаси раиси ҳамда Қарши давлат педагогика институтини тарих факультетида сиртдан ўқиб тугатди. 1977-1991-йиллари Қашқадарё вилоят ДОСААФ комитетининг раиси ўринбосари лавозимида хизмат қилди.</p> <p>1992 йилдан “Қарши-Термез” минтақавий темир йўл узелида назорат инспектори, бошлиқ ёрдамчиси, 2010 йил январдан ҳозирги кунгача Қарши темир йўл узели ҳузуридаги котибият бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.</p> <p>У қаерда, қачон, қайси лавозимда ишламасин, ўзининг ташкилотчилик ва ишбилармонлик қобилиятини кўрсатиб келмоқда.</p> <p>Ж. Йўлдошевнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги меҳнати ҳукумат томонидан</p>	

		<p>муносиб тақдирланган:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Собиқ СССР Олий Совети Президумининг 1965 йил 7 майдаги фармони билан “1941-1945 йил Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 20 йиллиги” медали; - “1918-1978-йил СССР Қуролли кучлари 60 йиллиги” юбилей медали; - 1987 йил “Меҳнат фахрийси” медали; -2011 йил “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил” нишони. 	
16.	Ғофуров Ғаффор (1945)	<p>Ғофуров Ғаффор 1945 йилда Ғубдинда туғилиб, кейин Қарши станциясида яшаган. 43-мактабни муваффақиятли битириб, 1963-1970-йиллари Тошкентдаги политехника университетининг геофизика мутахассислиги бўйича ўқиб, таълим олди. 1964-1966 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. У 1970-80-йиллар Тошкентдаги геофизика бирлашмасида мутахассислиги бўйича мутахассис-инженер бўлиб фаолият кўрсатди. 1980-1984-йиллари Ғ. Ғофуров Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги геофизика экспедициясида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлади. 1984 йилдан бошлаб, у “Каршистрой” бирлашмасига қаршли 3-хўжалик ҳисобидаги бошқармада (ХРУ-3) бошлиқ ўринбосари, сўнгра анча йил бошлиқ вазифасида ишлаб, ўзининг ташкилотчилик истеъдодини кўрсатди. Ғ.</p>	

		<p>Ғофуровни иш қобилиятини эътиборга олиб, уни 1993 йил “Қаршистрой” бирлашмасига раис ўринбосари вазифасига ўтказишди. 1995 йил “Қаршистрой” бирлашмасида ташқи иқтисодий ишлар бўйича раис ўринбосари этиб тайинланди.</p> <p>У, 1996-2006 йиллари Қашқадарё “Дон маҳсулотлари” бирлашмасида раис ўринбосари, раис вазифасида фаолият кўрсатди. Шу йиллари Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институтида технология факультетида ўқиб, иккинчи мутахассисликни олди.</p> <p>Ҳозирги пайтда нафақада. Нафақада бўлишига қарамасдан Vision компаниясининг «Аъло саломатлик танлови» ғоясини халқимизга сингдириб келмоқда.</p> <p>Ғ. Ғофуровни иш фаолияти ҳақидаги маълумотлар шуни кўрсатдики, у узоқ йиллар давомида йирик ташкилотларда юқори лавозимларда катта жамоани бошқарган. Бу ишлар кишидан катта иш қобилиятини, ташкилотчиликни, савияни талаб қилади. Бундай имкониятлар у кишига бўлган.</p> <p>Мен, 1961-1962 ўқув йили Қарши станциясидаги 43-мактабда кимё-биология фанларидан дарс ўтиб, ўқитувчилик қилганман. Шунда Ғофуров Ғаффор 10-синфда ўқир эди, синфда 12 та ўқувчи таълим-тарбия оларди.</p>	
--	--	--	--

		<p>Мени уларнинг синфига синф раҳбари этиб тайинлашди. Шу туфайли ўқувчилар билан кўп мулоқотда бўлишига, яқиндан уларни ўрганишда тўғри келди. Синф ўқувчилари билимга чанқоқ, қизиқувчан эдилар. Синф ўқувчиларидан бири Ғофуров Ғаффор фаолияти билан юқорида танишдингиз. Унинг синфдошларидан Темир Хидиров туман, вилоят миқёсидаги катта ташкилотларда раҳбар, вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси марказий комитетида масъулиятли вазифаларда фаолият кўрсатди. Рустамов Саодат – врач, медицина ташкилотларида раҳбар лавозимларида ишлади. Бошқалари ҳам ҳаётда ўз ўринларини топдилар.</p>	
17.	<p>Рустамов Қодир (1950-2008)</p>	<p>У, 1967 йил 1-сон ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги алоқа институтига ўқишга киради. Институтни битиргач, Қарши шаҳридаги алоқа корхонага инженер-техник ходим қилиб ишга қабул қилинди.</p> <p>1977 йилдан туман алоқа боғламасида начальник вазифасига тайинланади. 1979 йилда техник ишлаб чиқариш лабораториясига инженер вазифасига ўтказилди.</p> <p>1981 йил Халқаро телеграф станциясига катта инженер вазифасига, 1988 йил Маҳаллий телефон тармоқлари цехига I категорияли инженер вазифасига, кейин мазкур цехга начальник ўринбосари лавозимида ўтказилди.</p>	

		<p>1996 йил Қарши ишлаб чиқариш технология алоқа бошқармасига бош инженер, 2001 йил Автоматик шаҳарлараро телефон станциясининг “Кварц” цехига бош инженер вазифасига ўтказилади. 2005 йил Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси Қарши филиалига техник директор лавозимларида фаолият кўрсатди.</p> <p>Юқорида келтирилган, ҳали тўлиқ бўлмаган маълумотлар шуни кўрсатадики, Қ. Рустамов ҳаёт фаолияти давомида доимо юқори лавозимларда, масъулиятли вазифаларда ишлаган. Унинг меҳнат дафтарчасини очиб кўрсангиз, иш давомида ташкилот раҳбариятининг 40 дан ортиқ ташаккурномаларию, қимматбаҳо буюмлар, пул билан тақдирланганлигининг гувоҳи бўласиз.</p> <p>Демак, Рустамов Қодир ўзининг ҳаёти давомида алоқа соҳасида самарали меҳнат қилган, туманда, шаҳарда, вилоятда алоқа соҳасини ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Унинг ўтган умри беҳуда ўтмаган. Халқ хўжалигининг бир тармоғи ҳисобланиб, борган сари мукаммаллашиб бораётган алоқани ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.</p>	
18.	Қодиров Олим	<p>Ҳ. Олимжон номли 1-сон ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, Россияни Свердловский</p>	

(1955)		<p>номли шахрида жойлашган ЁХБ (ёнфин хавфсизлиги бошқармаси) га қарашли институтга ўқишга кириб, 4 йил таҳсил олади. Институтни тугатиб, Қарши шаҳридаги ЁХБ да иш бошлаган ва мазкур ташкилотда бошлиқ вазифасига қадар кўтарилган. Шундан сўнг, у Москвадаги ЁХБ га қарашли академияга ўқишга киради. Мазкур академияни муваффақиятли тугатиб, Қашқадарё вилояти ИИБ (ички ишла бошқармаси) га қарашли ЁХБ бошлиғи вазифасига тайинлашган.</p> <p>Қодиров Олим иш фаолияти давомида ўзининг ишбилрмонлик, ташкилотчилик қобилиятини кўрсатиб, вилоятда мазкур соҳада ибратли ишларни амалга оширди. Чунончи: у Кўкдумалокдаги 108-нефть қудуғига содир бўлган катта нефть-газ ёнғинини бартараф этишда бошчилик қилди; Қарши шаҳридаги ИИБ қарашли “Динамо” стадионини қуришни ташкил этишда катта хизмат қилди; шаҳарни “Пахтазор” микрорайонида жойлашган вилоят ЁХБ биносини қурилиши уни ташаббуси билан барпо бўлган, энг муҳими вилоятда ёнғинни олдини олиш бўйича кўп чора-тадбирларга раҳнамолик қилган.</p> <p>О. Қодировнинг ишбилармонлигини эътиборга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигига вазир ўринбосари лавозимида ишга олинди. Шундай қилиб, О. Қодиров ҳозирги даврда дунё бўйича йилдан-</p>	
--------	--	---	--

		<p>йилга кўпайиб бораётган ёнғин офатидан давлат, аҳолини миллиард-миллиард сўмлик мулкани муҳофаза қилишга раҳбарлик қилиб, мамлакатимизга фойда етказди. Унинг иш фаолияти ҳукуматни қатор орден ва медаллари билан тақдирланган. Ҳозирги вақтда О. Қодиров нафақада.</p>	
19.	<p>Ҳайитова Раҳима Умидовна (1956)</p>	<p>У 1973 йилда Қарши шаҳридаги 1-сон ўрта мактабни тугатиб, Ички ишлар вазирлигига қарашли 5-сон тергов ҳибсхонасига иш юритувчи бўлиб фаолият кўрсатади.</p> <p>1975 йилда Ҳайитова Р. Россия Федерациясининг Белгород шаҳридаги Педагогика институтига ўқишга киради ва 1980 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатади. 1980 йил ноябрь ойидан бошлаб Қарши шаҳар ИИБ га қарашли 2-сонли махсус комендатурага инспектор лавозимида иш бошлайди. 1982 йилда лейтенант унвони берилади.</p> <p>Ҳайитова Р. 1987 йил февраль ойида вилоят ИИБ Ахборот маркази катта инспектори лавозимида ишга ўтказилади. У ҳалол меҳнати ва ишбилармонлиги туфайли подполковникка қадар унвонга эришади. Хотин-қизлардан бу унвонга (катта офицер таркибига киради) сазовор бўлгани кам бўлади.</p> <p>Ҳозирги кунда Ҳайитова Р. нафақада.</p>	
20.	<p>Ғуломов</p>	<p>1991-1996-йиллари Қарши давлат</p>	

<p>Отабек (1975 йил)</p>	<p>университетининг физика-математика факультетига таҳсил олди. 1996-1997-ўқув йилида Қарши ДУ математик анализ кафедраси ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатди.</p> <p>1997-1998-йиллар Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси математика илмий текшириш институтида стажёр-тадқиқотчи, 1998-2001-йиллари шу институтнинг аспирантурасида ўқиди. 2001-2005-йиллари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти олий математика кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатди. 2005-2006-йиллари тошкент Умумқўшин кўмондонлик билим юрти табиий-илмий фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлади.</p> <p>2006 йилдан ҳозирга қадар қаршиДУ нинг “Умумий математика” кафедрасининг мудирин лавозимида ишлаб келмоқда.</p> <p>О. Ғуломов математика фани бўйича 30 га яқин илмий мақола ва қўлланмалар чоп эттирган.</p>	
<p>21. Ўйлодошева Нилуфар (1975)</p>	<p>1982-1992 йиллари Ҳ. Олимжон номли 1-мактабда ўқиб, уни олтин медаль билан тугатган. У 1992 йилда Қарши давлат университети Ўзбек филиологияси факультетига ўқишга кириб, 1997 йилда аъло баҳолар билан тугатган. Университетни тугатгач, Қарши тумани 1-сон ўрта мактабда тил-адабиёт ўқитувчиси, 2002-2007 йилларда эса Қарши давлат университети</p>	

		<p>қошидаги 1-академик лицейда кафедра мудири лавозимида ишлаган.</p> <p>2002 йида Қарши ДУ аспирантурасининг кундузги бўлимига ўзбек тили йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган. Аспирантурани 2005 йилда тамомлаган. 2010 йилда филология фанлари доктори, профессор Р.Р.Сайфуллаева раҳбарлигида “Йиғиқ гапнинг формал-функционал талқини” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 30 дан ортиқ илмий мақола ва қўлланмалар муаллифи.</p> <p>Йўлдошева Н. ҳозирги вақтда Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.</p>	
--	--	--	--

6.1. Турли соҳа мутахассислари

Маълумки халқ хўжалигининг соҳалари кўп: қишлоқ хўжалиги, транспорт, саноат, савдо ва бошқалар. Албатта, уларни ҳаммаси зарур, бир-бирига боғлиқ, бирисиз иккинчиси ривожланмайди. Шунини айтиш керакки, ҳар бир ҳудудни шароитига ва талабга кўра маълум соҳа кўпроқ, баъзи соҳа камроқ ривожланган бўлиши мумкин. Биз яшаб турган ҳудудда, шунингдек қишлоқда деҳқончилик, айниқса унинг бир тармоғи ҳисобланган боғдорчилик ривожланган бўлган. Ўша йиллар хўжалик ишини юритишда қишлоқдан бир қанча етук мутахассислар ҳам етишиб чиқди. Буларга Нурматов Шароф, Хатамов Шокир (у кишилар фаолияти ҳақида тегишли мавзуда маълумотлар берилган). Турсунов Шамси, Шарипов Шоназар, Ахмедова Меҳри кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Турсунов Шамси – узоқ йиллар хўжаликда агроном, бош агроном вазифаларида фаолият кўрсатди.

Шарипов Шоназар – “Насаф” ЖШХ да бош ҳисобчи бўлиб, кўп йиллар ишлади.

Ахмедова Меҳри – мазкур хўжаликда бош иқтисодчи (экономист) бўлиб фаолият кўрсатган. Бу инсонлар хўжаликка берилган режани бажаришда, ҳосил етиштиришда, уни ҳисоб-китобини олишда хизмат қилишди.

Боғлар ва боғбонлар. Ғубдин қишлоғида боғдорчилик азалдан ривожланган бўлган. Шунинг учун илгарилари қишлоқнинг барча катта-кичиги боғ ишларини: ерни ағдариш, ўсимликларни, дарахтларни атрофига ишлов бериш, жўяларни қазиш, уларни қачон қандай суғориш, ҳосилни йиғиштириш тартибларини яхши билишган.

Деярли хамманинг боғбон бўлган, хаммани боғи бўлган. Қишлоқда, айниқса, Раҳмат бовани, Аамат бовани, Мамат бовани, Турсун бова, Ҳалим бова, Ҳамро бова кабиларни боғлари анча кўркам бўлган. Ёз ойларида боғларда хилма-хил мевалар: тут, ўрик, олма, кўксултон, тоғолча, олча, шафтоли кабилар пишиб ётарди. Қишлоқда токзор кўп бўлган, яъни узум етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Булар ҳақида олдинги бобларда ҳам фикр билдирганмиз. Ворошилов колхозининг ҳам бир неча боғлари бор эди. Масалан, Жаббор бовани боғи Ғубдин қабристонининг жанубида, Тўхта бовани боғи, Эгамберди бовани зардолзорлари. Булар олдин шахсий бўлган, колхозлаштириш даврида колхозга ўтган. Колхозлаштирилгандан кейин ҳам боғлар барпо қилинди. Колхоз идорасининг орқа томонида, ҳозирги мачитнинг шарқий-жанубий томонида олмазор боғлар, Тарнов кўча томонида шафтолизор, олмазор боғлар бор эди. Буларнинг ҳаммаси қаровсизликдан, қишлоқ хўжалигини ислоҳот қилишдаги беъмани тадбирлар оқибатида йўқ қилиб юборилди. Яқин йилларда ҳам совхоз идораси атрофида, теракзор яқинида боғлар барпо қилинди. Улар энди мева бераман деганда кесиб ташланиб ўрнида уй-жой қурилаяпти. Ахир мевали дарахтларни вояга етказиш осон иш эмас. Уни бир неча йил парвариш қилиш керак. Уларнинг аҳамияти жуда катта. Ҳозирги даврда қишлоқда боғдорчиликни яхши биладиган инсонлар кўп. Нурматов Шароф, Турсунов Шамси, Сирожиддинов Қилич, Қодиров Қосим, Ғадоев Қиём ва бошқалардир.

Кейинги йилларда қишлоқда ерлар камайиб кетди. Қишлоқнинг ғарбий томонидан канал ўтиб у анча ерни эгаллади. Олдинги экинзор далаларда турар жойлар қурилди, йўллар ўтди. Қолган ерларга бир неча кишилар деҳқончилик қилиб турибди: Шукурова Ниҳол, Раҳматиллаева Сора, Темирова Чаман, Бердиев Ризоқул,

Абдиев Сунат, Тангриева Мавлуда, Ахмедова Мехри, Жўраева Зулфина кабилар. Келгусида ерларни талон-тарож қилмасдан сақлаб қолиш, деҳқончиликни янада кенгайтириш, самарадорлигини, унумдорлигини ошириш лозим. Чунки ер одамларни боқади. Деҳқончилик билан шуғулланувчи кишиларга ҳар томонлама ёрдам бериш чораларини ҳам кўриш керак. Шоир Носир Хисрав таъбири билан айтганда деҳқончилик билан шуғулланган кишилар жаннатдан жой олишга сазовордирлар. Чунки, улар тирик ҳаётнинг сақловчилари ва яратувчиларидирлар. Деҳқонлар ҳақида шоир куйидаги мисраларни битади:

Жаҳоннинг шодлиги боиси деҳқон,
Унинг бирла экинзор, боғу бўстон.

Бу ишдан яхши, оламда не бордур,
Одам наслига бу иш ёдгордур...

Жафокаш, пахлавон меҳнат чекодур,
Тўкиб тер барчанинг ризқин экодур.

Шоир Носир Хисравнинг бу фикрлари айнан юқорида келтирилган деҳқонлар, боғбонларга таалуқлидир.

Америкалик маърифатчи Букер Талиафер Вашингтон деҳқонларнинг меҳнатини улуғлаб шундай деган: “Ер ҳайдаб, ҳосил етиштирган деҳқоннинг меҳнатини, асар ёзган ёзувчининг меҳнати билан тенг қўймаган миллат ҳеч вақт гуллаб-яшнамайди”.

Маълумки ҳозирги вақтда шахсий участка қуриш учун 6 сотих ер ажратилади. Албатта бу кўп эмас, аммо кўп кишилар ундан ҳам

унумли фойдаланаолмайди. Чунки, баъзи ёшлар экин экиш билан кизиқмайди, улар ҳар хил ҳунар билан шуғулланадилар ёки ташкилотларда ишлаб даромад топадилар. Қишлоқда унчалик катта бўлмаган ер участкасида рўзғор учун зарур бўлган кўп маҳсулотларни етиштирадиган кишилар ҳам бор. Масалан, Чори Ражабовнинг ҳовлисида кўп экинлар экилган, кўкатдан тортиб анжир, анор, узум ва бошқалар. Чори Ражабов доимо уларни парвариш қилади. Кейинги йилларда ер шўрланиб, баъзи экинлар қуригани учун шўрга чидамли анор навини кўпайтирган. Албатта, қишлоқда бундай ишларни қилиб келаётганлар кўп. Киши ўзи экиб етиштирган маҳсулот сифатли ҳам бўлади. Бозордаги, магазиндаги маҳсулотларнинг ҳаммасини ҳам сифатли деб бўлмайди, айниқса, четдан келтирилганларини. Бундан ташқари ўзи экиб етиштира, уни баракаси ҳам бўлади.

Илк бор етишиб чикқан машҳур ўзбек олимларидан академик, Ўзбекистон фанлар академиясининг президенти бўлган Қори-Ниёзий: “Бозорда тарозига қўйиб тортиб олинган маҳсулотнинг баракаси бўлмайди; деҳқончилик қилиб, мевалар дарахтларда пишиб турса, буғдой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари қопларда турса, барака бўлади,”- деб тушунтирар эканлар. Албатта, бу гапнинг ҳам ўзига хос маъноси бор. Деҳқончиликда гап кўп.

Санъаткорлар. Таниқли инглиз ёзувчиси, санъатшунос олим Джон Раскин (1819-1900) санъат ҳақида шундай деган: “Меҳнатсиз турмуш ўғриликдир, санъатсиз ҳаёт ваҳшийликдир”. Ёзувчи Д. Раскин айтганидек, киши санъатдан, адабиётдан хабарсиз бўлса, у тарбиясиз, жоҳил бўлиб қолади. Чунки адабиёт, ҳақиқий санъат инсонни тарбиялайди, онгини, маънавиятини оширади.

Губдин кишлоқ аҳли азалдан санъатга ўч, кўплаб санъат шинавандалари бўлганлар. Қишлоқдан кўп санъаткорлар етишиб чиққанлар: Ражабов Ёқуб, Турдиев Латиф, Музтаров Муртоз, Номозов Қозоқ, Турдикулов Мейли, Бузруков Ўткир кабиларни келтириш мумкин. Илк бор фаолият кўрсатган фольклорчилардан, музикантлардан Ҳамроев Рўзи бобо, Комилов Лутфи, Ҳожиев Шукур, Низомов Ҳусан, Шилдирхонов Жамил....

Ражабов Ёқуб – узоқ йиллар Муллаатўйчи Тошмухаммедов номли Қашқадарё вилояти мусиқа ва драма театрида хизмат қилиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлганлар (у киши ҳақида олдинги мавзуларда маълумот берганмиз). Шунингдек, вилоят театрида Турдиев Латиф, Музтаров Муртоз, Номозов Қозоқлар ҳам анча йил ишлашган.

Турдикулов Мейли – нафакат ўзи санъаткор, бир неча йил Қарши туманида маданият бўлимида раҳбар бўлиб, районда санъатни ривожланишига ўзининг салмоқли хиссасини қўшди.

*Бузруков Ўткир*га табиат катта қобилият, овоз берган эди. Агар Тошкентга бориб, таниқли композиторга шогирд тушганларида, у кишидан Фахриддин Умаров, Ўлмас Саиджоновга ўхшаш эл севган ҳофиз чиқар эди. Афсуски, имконият бўлмай, қобилият юзага чиқмай қолди.

“Момогул” номли фольклор-ансамбли ҳақида. Қишлоқда 1988 йилдан буён “Момогул” фольклор ансамбили фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур ансамблга Аҳмедова Момагул (ансамбл раҳбари), Ҳамдамова Кичик, Маҳмудова Муқаддам, Ражабова Мория, Тоштемирова Раъно, Насимова Зулхумор, Ҳакимова Салвар, Расулова Омон, Темирова Момагул, Бўронова Майсара, Элбекова Гулнора каби

талантли хотин-қизлар иштирок этиб келмоқдалар. Ансамбл иштирокчилари маслаҳатлашиб, жамоага “Момогул” номини беришган. Ушбу жамоа ўз олдида йўқолиб бораётган анъаналаримиз, куй-қўшиқларимизни тиклаш ва кенг халқ оммасига етказиш вазифасини кўйди. Ансамбл қатнашчилари ўзларининг миллий кийим ва тақинчоқларини кийиб, лапарлар, қўшиқлар айтишади, рақс тушишади.

“Момогул” номли ансамбл репертуарини тузишда бадий раҳбар сифатида Турдиқулов Мейли яккаҳон қўшиқларни, лапарларни мазмунига қараб қандай айтиш меъёрларини катта ёрдам берди. Жамоа аъзолари доимо изланишда, янги қўшиқлар, лапарлар ижод қилиб репертуарларини янгилаб боришади. Собиқ “Насаф” давлат хўжалиги, туман ва вилоят маданият бўлимлари ҳам “Момогул” жамоасини фаолиятини яхшиланишига ҳар томонлама ёрдамлашиб келдилар. Ансамбл жамоаси 1988 йилдан буён туман, вилоят, республика миқёсидаги ҳар хил кўрикларда, сайилларда қатнашиб, ўзларининг санъатларини намойиш қилиб келмоқдалар. Жамоа доимо юқори ўринларни олиб, ҳар хил мукофотларга сазовор бўлиб келмоқдалар. 1988 йил 22 май куни Бутуниттифоқ II фестивалида, 1989 йил 23 май куни Бутуниттифоқ III фестивалида “Момогул” ансамбли биринчи ўринни эгаллаб, қатнашчилар I даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. 1989 йил 9-11 май кунлари Наманганда “Атиргуллар водийси” кўрик-танловида қатнашиб, республика бўйича III ўринни эгаллаб, III даражали диплом ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар. 1992 йилда республика “Дўстлик тароналари” фестивалида қатнашиб, жамоа фахрли I ўринни олди.

“Момогул” ансамбли Наврўз байрамларида ўзларининг янги-янги халқ ўйинлари, лапарлари, кўшиқлари, термалари билан қатнашиб, халққа манзур бўлмоқдалар.

1992 йил 29 августда “Момогул” ансамбли Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Мустақиллигининг 1 йиллик тўйида қатнашиб, ўзларининг санъатларини намойиш қилдилар.

1994 йил март ойида Тошкентда республика Наврўз байрамига Қашқадарё вилояти томонидан “Момогул” ансамбли ўз программаси билан қатнашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Вилоят Оқилова, Нарзулло Шерматов, режиссёрлардан Марат Азимовлар сахналаштиришларда ансамблга ёрдам бердилар.

1996 йил 8 март куни “Момогул” фольклор ансамблига “Халқ хаваскорлик жамоаси” унвони берилди.

Ансамбл жамоаси 2000, 2001, 2004, 2005, 2006, 2010 йилларда Тошкентда ўтказилган умумхалқ байрами Наврўз сайилига ўз дастури билан қатнашди. “Момогул” номли фольклор ансамбли нафақат туманлар, вилоятлар, республикамизда, хатто олис Германия, Бельгия давлатларида бўлиб, ўзбек миллий санъатини моҳирона намойиш қилганлар ва муносиб тақдирланганлар. Мазкур ансамблни фаолияти хақида бир неча марта вилоят, республика телевидениялари эшиттиришлар уюштиришган.



19-расм. “Момогул” ансамблининг фаол аъзолари: ўнгдан чапга Маҳмудова Муқаддам, Тоштемирова Раъно, Аҳмедова Момагул (ансамбл раҳбари), Сахатова Мунаввар, Назарова Адолат.

Биз юқорида “Момогул” фольклор ансамбли фаолияти, эришган муваффақиятларининг айримларини келтирдик, холос. Уларнинг халқимиз олдида кўрсатган серқиррали фаолияти ниҳоятда ранг-баранг. Келгусида жамоа фаолиятида янада кўпроқ муваффақиятлар бўлишини тилаб қоламиз.

Автомобилистлар. Урушдан кейин колхозга “полоторка” деб аталувчи юк машина берилди. Уни дастлаб ғубдинлик Ҳамроев Рўзибова ҳайдаганлар. Кейин колхоз раҳбарлари машинани мукамалроқ биладиган Авдонин деган рус кишисини шаҳардан таклиф этишди. Авдониннинг хотини, иккита (Гена, Лида) болалари билан кўчириб келтирилиб, идора орқасидаги бир уйни таъмирлаб, жойлаштиришди. Авдонин хушфезъл одам экан, қишлоқ аҳолиси, колхоз раислари билан

келишиб кетди, бир неча йил ишлади. Албатта битта бўлса ҳам машина колхоз маҳсулотларини керакли жойга тез етказишда анча кўл келди. Кейинчалик колхозга ЗИС-5 маркали иккита машина берилди. Уларни пармитонлик Ақобиров Маматхон, сариқбатошлик Рахимов Ҳасан деган шофёрлар бир неча йил ҳайдашди. Ҳасан шофёрга одамлар “Оғажон” деб лақаб қўйишганди. У киши Асом деган кишини шогирдликка олиб, анча йил Асом ака ҳам колхоз машинасини ҳайдади.

Маълумки ҳозирги даврда фан ва техника тараққиёти туфайли автомобил саноати дунё бўйича ривожланиб кетди. Уларни хилма-хил турлари яратилмоқда. Бири одамларни ташишга мослаштирилган бўлса, бошқалари оғир юкларни ёки қурилиш материалларни ташийди. Яна бири суюқ материалларни (сув, бензин, керосин...) ташишга мослаштириб ясалган, бошқа бир тури эса автомобил билан боғлиқ бўлган ҳар хил спорт мусобақаларини ўтказишга қулайлаштирилган. Кейинги йилларда кишилар нафақат шахсий енгил автомобилларга, оғир юкларни ташувчи машиналарга ҳам эга бўлдилар. Қишлоқда шахсий машиналарга эга бўлган кишилар ҳам кўп. Автомобиллар одамларни манзилига, юкларни кўрсатилган жойга етказувчи асосий транспорт воситасига айланди. Айниқса, қишлоқдан шаҳарга иккита йўналиш орқали қатновчи “Дамас” машинаси одамларга анча қулайлик туғдирди. Автомобиллар кўпайган сари уни ҳайдай оладиган ҳайдовчилар ҳам кўплаб етишиб чиқди. 40-нчи йилларда колхоз машинасини ҳайдаш учун шаҳардан Авдонинни таклиф этилган бўлса, ҳозирги вақтда қишлоқ йигитлари орасида машинани ҳайдай олмайдиганлари бўлмаса керак.

Ҳозирги вақтда қишлоқдан жуда кўп машина ҳайдовчилар етишиб чиқди. Буларга Турсунов Тоштемир, Холов Гулмурод,

Рахматов Неъмат, Рахматов Хасан, Жалилов Маннон, Рўзиев Маннон, Муродов Абдураззоқ, Ҳамроев Мурод, Ҳамроев Ғайрат, Аҳмедов Шавкат, Аҳмедов Зафар, Турсунов Муртоз, Турсунов Маъруф, Рахматов Бекмурод, Шаропов Улаш, Шаропов Яраш, Жўраев Мейли, Йўлдошев Ғулом, Назаров Элмурод, Набиев Илғор, Темиров Жомурод...

Уларнинг айримлари узоқ рейсларга – чет ҳудудларга ҳам қатнайдилар (Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Афғонистон...). Айниқса, узоқ мамлакатларга қатнайдиганлар, баъзан об-ҳавони ва бошқа ноқулайликларига қарамай, керакли юкни манзилга етказиб берадилар.

Қишлоқда бузилган машиналарни тузатадиган усталар ҳам кўп етишиб чиқди. Улардан Ҳатамов Шодмон, Тиловов Лазиз, Ҳалимов Дамин, Ҳалимов Бобомурод...

Давр талабига кўра қишлоқдан бир неча пайвандчилар ҳам етишди. Булар Ҳатамов Шодмон, Ҳамроев Рустам, Бозоров Акмал... . Машина, тракторларнинг қисмларини, бошқа темир материалларни улашда пайвандчилик ҳунари жуда зарур.

Тракторчилар. Маълумки ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ишларини тракторларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Илгари ерлар хўқиз, от ёрдамида ҳайдалган бўлса, ҳозир бу ишлар трактор ёрдамида бажарилади. Битта трактор ўнлаб от ва хўқизларнинг ишини бажаради. Тракторлар ерни тез ва сифатли ҳайдайди. Бундан ташқари тракторлар ёрдамида чигит экилади, ақушка олинади, экинга озуқа берилади, зараркунандаларга қарши курашилади, пахта дефоляция қилинади. Узоқ йиллар трактор-комбайнлар ёрдамида пахта ҳам териларди.

Тракторларни ҳайдаш ва юқорида келтирилган ишларни амалга ошириш учун қишлоқдан кўп моҳир тракторчилар етишди: Ўринов Жамолхон, Негматов Қаҳҳор, Нурматов Шароф, Равшанов Зиёд, Шодиев Сувонларни келтириш мумкин. Уларнинг айримларини ҳалол меҳнати ҳукуматни ордени билан тақдирланган. Масалан, Негматов Қаҳҳор Меҳнат қизил байроқ ордени билан мукофотланган. Тракторчилардан Ўринов Жамолхон меҳнаткаш, тўғригўй, ҳалол инсонлардан бўлиб, агар у кишига бирор мансабдор, бюрократ ўринсиз танбеҳ берса доимо тегишли жавоб бера олганлар, яъни ўзларини ҳимоя қила олганлар. Гурунгларида айтилишича, бир куни Жамолхон далада ер ҳайдаб турганларида ўша йиллари МТС (машина трактор станцияси) бошлиғи (ўзларини биринчи раҳбари) Ғ. Саъдиев деган киши келиб, Жамолхон акага “Сен нима иш қилаяпсан?” (ерни ёмон ҳайдаяпсан) деган маънода дўқ ура бошлаган. Жамолхон ака эса унга жавобан: “Кўрмаяпсанми мени нима иш қилаётганимни?”-деб жавоб берган. У яна аччиқланиб: “Сен ўзинг кимсан?”-деб пўписа қилганда, Жамол ака яна: “Мен ҳам сенга ўхшаган бир нонхўрман”,-деб жавоб бериб, ўзини ишини давом эттираверган. Катта бир ташкилотни раҳбари тракторчига бир хом гапни гапириб, ундан иккита пишиқ гап эшитиб, кейин кетиб қолган.

Комбайнчилар. Қишлоқда Комилов Хувайдулло, Ўринов Жамолхон, Ўринов Жалолхон каби моҳир комбайнчилар ҳам бўлган. Бу кишилар ёз мавсумида комбайн, қиш, баҳорда трактор ҳайдаганлар. Улар ёз ойларининг биринчи ярмида қишлоқ атрофидаги буғдойларни ўрганлар, кейин уларни туман, вилоятни мутасадди раҳбарлари Қозоғистон, Россиянинг Олтой ўлкаларига буғдой ўришга сафарга юборишарди. Улар бошқа республикаларда ҳам буғдой ўришда қатнашиб, кеч кузда қайтиб келишарди. Бу инсонлар минг-

минг тонналаб ҳосилни йиғиштириб, халқимизни энг қимматли озуқаси бўлган нон билан таъминланишларига ўзларини катта хиссаларини кўшганлар.

Спортчилар. Жисмоний тарбия кишиларни соғлом бўлиб ўсишлари, ҳар томонлама ривожланишлари учун катта аҳамиятга эгадир. Ҳукуматимиз халқимизни, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун ҳамма зарурий шароитни яратган. Халқимиз қадимдан спорт ўйинларига қизиққан, спортчиларни ҳурмат қилган, уларни ардоқлаган. Ўзимизда миллий спорт турлари кўп бўлган. Булар кураш, кўпкари, пойга ва бошқалар. Айниқса, тўйларда, Наврўз байрамларида Толисортепада катта курашлар бўлган. Қўшни қишлоқдан келган полвонлар билан ғубдинлик полвонлар ўртасида мусобоқага ўхшаш курашлар ташкил этилган. Шундай полвонлардан илгарироқ ўтган Худойберди полвонни кўп кексалар эслашади. Мукаррам мома (Саломов Тош бобони оналари) ғубдинлик Худойберди полвон ҳақида одамларга (Бердиев Нодир ва бошқаларга) гурунг бериб, Худойберди полвон Бухорога борганда, бу шаҳарда кураш бўлиб турган. Худойберди полвон (Эрназар акани хотинлари Бону опани оталари бўлган) курашга чиқиб ўзи билмаган ҳолда Бухоро амирининг полвонини йиқитиб қўяди. Курашни томоша қилиб турган Амир Олимхон Худойберди полвондан: “Сен ким, қаердан келгансан?” – деб сўраган. Ўшанда полвон ўзини Қаршини Ғубдин қишлоғидан эканлигини айтади. Амир Олимхон у мени полвонимни йиқитди деб аччиқланмасдан, Худойберди полвоннинг кучига тан бериб, илтифот кўрсатади. Қишлоқда Худойберди полвоннинг издошлари, яъни полвонлар кўп бўлган. Масалан, Имомов Пирна, Йўлдошев Рауф, Ҳамроев Йўлдош ва бошқалар. Ўша йиллари ғубдинлик Абдиҳалимбек Бухоро амири Олимхонни қишлоққа таклиф

этади. Амир қишлоққа келаётганда Қарши шаҳридан Ғубдингача йўлига пойандоз тўшалади. Шу пайт йўлда тўсатдан бир от-арава кўндаланг бўлиб қолган. Шу от-аравани Худойберди полвон кўтариб, четга олиб қўйган.

Қишлоқда кейинги йилларда илгариги кўпқари, кураш, пойга каби миллий спорт турларига қизиқиш сусайиб кетди. Бунинг сабаби шуки, отлар камайиб кетиб қишлоқда от қолмади. Онда-сонда кураш мусобақалари бўлиб туради.

Мактабларни ўқув режасида спорт ўйинларига (футбол, волейбол...) вақт ажратилган. Бундан ташқари матбуотида (радио, телевизор) бу ўйинлар кўп кўрсатилади. Шунинг учун ҳозирги ёшларнинг аксарияти футболга қизиқишади. Футбол ўйини асли Англиядан келиб чиққан бўлиб, “фут” – оёқ, “бол” – дўппи, яъни оёқ дўпписи деган маънони билдиради.

Қишлоқдан 50-60-йилларда кўп моҳир футболчилар етишиб чиққан эди. Булар: Турсунов Исом, Ҳамроев Ахмад, Ахмедов Абдулло, Гадоев Низом, Йўлдошев Тўлқин, Имомов Темир, Имомов Зоир, Рахматов Неъмат, Ғуломов Худойберди, Рахматов Неъмат ва бошқалар. Айниқса Турсунов Исом жуда уста, танги, хушфеъл характерли эди. 3-4 соат чопсам ҳам ҳеч чарчамайман, дер эди. Юқорида келтирилган футболчиларнинг баъзилари вилоят командаси (ҳозирги “Насаф” командаси)да ҳам ўйнашарди. Вилоят футбол командаси асосан шаҳардаги 2-сон А. Навоий номли ва Қарши туманидаги 1-сон ўрта мактаб ўқувчиларидан ташкил топарди. Команда баҳор ва ёз ойларида ўйнаб, кейин тарқаб кетарди. Яъни ўйинлар мавсумий бўлган. Кейинчалик Турсунов Наврўз, Турсунов

Аброрлар кишлоқдаги курашларда ўзларини маҳоратларини кўрсатдилар.

Қишлоқдаги ёшлар барча ёшлар қатори доимо ҳар хил спорт ўйинларига жуда қизиқадилар. Ўтган асрнинг 40-йилларнинг охири, 50-йилларида кундузи чиллик, варрак учириш, футбол, арқон тортиш каби ўйинлар ўйнашарди. Ўша йиллар ўсмир болалар уй, колхоз ишларидан, ўқишдан сўнг кечаси ёз кунлари ҳам идора яқинидаги, ҳамда ҳозирги маршрут таксилари бекатида (Нормамазни дўкони яқинидаги майдонга) тўпланишарди. Қишлоқда иккита ҳар хил ўйинларни ташкил этиш мумкин бўлган майдон бор эди.

Кечаси бекинмачоқ, дўк (бир оёқда сакраб, рақибга зарба бериш), минди-минди каби ўйинлар ўйналарди. Бу ўйинлар уларнинг жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб ўсишларига, довюрак бўлиб тарбияланишларига ижобий таъсир этган.

Ўт ўчирувчилар. Маълумки, ҳарбий соҳада, ички ишларда унинг таркибий қисмига кирувчи ёнғиндан сақлаш бўлимига хизмат қилувчилар учун, ходимларнинг жисмоний тайёргарлиги иш жараёнида катта роль ўйнайди. Шунинг учун бу соҳа кишилари ишга қабул қилингунча уларнинг жисмоний тайёргарлиги эътиборга олинади, кейин ҳам мунтазам равишда спорт билан шуғуллантириб борилади.

Губдинлик Турсунов Аброр 1987 йилда Қарши давлат педагогика институтининг “Жисмоний тарбия ва спорт” факультетини муваффақиятли тугатгач, Қашқадарё вилояти ИИБ (ички ишлар бўлими) ЁХБ (ёнғин хавфсизлиги бошқармаси) терма жамоаси аъзолигига қабул қилинади. 1999 йилнинг августидан бошлаб уни терма командани мураббийси (тренери) этиб тайинланди. Унинг

рахбарлигидаги терма команда “Ёнғин ўчиришни амалий спорти”ни 5 тури бўйича ўтказиладиган республика миқёсидаги мусобақаларда катнашиб келмоқда. Ушбу мусобақалар ўтказилиш тарихида Қашқадарё вилояти терма жамоаси биринчи марта 1999 йил Навоий шаҳрида ўтказилган мусобақада 14 та команда ичида республикада фахрли 1-ўринни эгаллади. Илгари вилоят терма командаси доимо охирги ўринларда бўлган. 1999 йилдан кейин ҳозирга қадар Турсунов Аброр раҳбарлигидаги Қашқадарё командаси фахрли 1, 2, 3 ўринларни эгаллаб келмоқда. Команда аъзоси ғубдинлик Рўзиев Раҳим 2010 йил май ойида Гулистон шаҳрида ўтказилган мусобақада “100 метрга тўсиқлар оша югуриш”, “Ўқув минорасини 4-қаватини ишғол қилишда нарвон билан кўтарилиш” турида Ўзбекистон Республикасининг янги рекордини ўрнатди. 2010 йил августида Қарши шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси очик чемпионатида “Ўқув минорасини 3-қаватига уч тирсакли сурилма нарвон билан кўтарилиш” тури бўйича Турсунов Аброр ва Рўзиев Раҳимлар 12,81 секундда машқни бажариб, Ўзбекистон Республикасини янги рекордини қўйишди. Рўзиев Раҳим “Умид ниҳоллари” совриндори, кумуш ва бронза медалларини олган.

Ҳозирги вақтда вилоят терма командаси қуйидаги таркибда фаолият кўрсатмоқда:

11-жадвал

№	Фамилияси, исми	Туғилган йили	Яшаш манзили
1	Турсунов Аброр	1970	Ғубдин қишлоғи

2	Рўзиев Раҳим	1985	Ғубдин қишлоғи
3	Рўзиев Бахтиёр	1981	Ғубдин қишлоғи
4	Шарипов Аббос	1988	Ғубдин қишлоғи
5	Маматов Муртоз	1990	Пармитон қишлоғи
6	Шарипов Бобир	1976	Қарши шаҳри

Юқорида жадвалда келтирилганлардан кўриниб турибдики, командани асосий таркибини Ғубдин қишлоғида туғилиб, вояга етган ёш йигитлар ташкил этади. Улар ушбу соҳа бўйича вилоят шаънини бир неча йиллардан буён юқорига кўтариб келмоқдалар.

Қишлоқдан ўт ўчириш соҳасида кўп ёш йигитлар ишлашади. Уларнинг ҳаммаси спортсмен, чунки жисмоний соғломлик улардан талаб қилинади, белгиланган нормативларни бажара олмаса, улар ишга олинмайдилар. Жумладан, Нуруллаев Элбек 1-мактабни 1994 йилда битириб, кейин Тошкентдаги ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида таҳсил олган. 1998-2008 йиллари Кўкдумалоқ нефть ва газ конларини ёнғиндан муҳофаза этадиган 3-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди, 10-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмига смена бошлиғи, қисм бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2008 йил октябрь ойидан бошлаб ҳозирга қадар “Таллимаржон ИЭС” УК ни ёнғиндан муҳофаза этадиган 4-ХЁХО, 9-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисм бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда, унвони майор.

Ички ишлар ходимлари. Халқимизда “Эл ўғрисиз бўлмас, чўл бўрисиз” деган гап бор. Шунга кўра ҳамма мамлакатларда ҳам, ҳамма халқларда ҳам яхши одамлар билан бирга ўғри, фирибгар, зўравон, мунофиқ каби салбий хусусиятларни ўзига мужассамлаштирган

кишилар учрайди. Шунинг учун халқимизнинг осойишта ҳаётини, мулкларини муҳофаза қилиш муҳим масаладир. Турли мамлакатларда, ҳар хил даврларда халқни тинчлиги ва осойиштлигини сақловчи посбонлар, соқчилар, ички ишлар ходимлари бўлишган.

Аҳоли тинчлигини муҳофаза қилишда ўз ҳиссасини қўшган ва қўшиб келаётган ғубдинликлар ҳам кўп. Ўтган асрнинг 40-50-йилларида Турдиев Рўзи, Қодиров Эргаш, Ҳамроев Ғаффорлар милицияда юқори лавозимларда ишлашган. Турдиев Рўзи шаҳар милициясининг бошлиғи, Қодиров Эргаш Яккабоғ, Қарши, Косон, Мераки туманларда милиция бошлиғи, Ҳамроев Ғаффор Карши тумани милициясининг бошлиғи, милиция капитани унвонида масъулиятли вазифаларда фаолият кўрсатган. Ўша йиллари милиция ходимларининг ойлиги ҳам ҳозиргидек катта бўлмаган, улар ҳалол ишлашган, ҳар қандай жиноятни тез муддатда топа олишган.

Кейинги йилларда қишлоқдан Шилдирхонов Жамил, Ражабов Ахмад, Ҳамроев Ахмад, Йўлдошев Лазиз, Ҳайитова Раҳима, Эшпўлатов Шерали, Асадов Ғулом, Нурматов Жўрабек, Тошев Мансур, Ражабов Рустам кабилар милиция соҳасида хизмат қилдилар ва қилмоқдалар. Ҳозирги кунда уларнинг айримлари нафақада ва баъзилари вафот этган.

Армия сафида хизмат қилганлар. Ҳамма даврда ҳам йигит кишилар армияда хизмат қилиб, Ватанни душманлардан ҳимоя қилганлар. Собиқ Иттифоқ даврида ёши Армия сафига етганда туман ҳарбий комиссариати повестка (чақирув қоғози) юбориб, ҳарбий хизматгажўнатиб юборар эди. Ўша йиллари деярлик ҳамма йигитлар хизмат қилишган.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-нчи йилларида собиқ Иттифок раҳбарлари, сиёсатчилари кўшни Афғонистонга қарши уруш олиб боришди. Қанчадан-қанча корхоналар, турар жойлар вайрон қилинди, кишилар ҳалок бўлди. Бу бемаъни урушда армия сафида бўлган бир қанча ғубдинлик йигитлар ҳам иштирок этишди: Ҳамроев Икром, Расулов Нури, Ҳатамов Жуманазар, Негматов Гиёс, Турдикулов Нажим, Муродов Комил. Улар Афғонистондаги қанчадан-қанча балоқазолардан омон қолиб, мамлакатимиз халқ хўжалигини у ёки бу соҳасини ривожланишига ўзларини ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

1986 йил Украинанинг Чернобил шаҳрида энг даҳшатли экологик фалокат содир бўлди. Яъни, ундаги атом электростанциясининг 4-блокида портлаш содир бўлиб, ундан тарқалган альфа, бетта, гамма нурлар ўнлаб мамлакатларга (Украина, Беларуссия, Россия, Молдавия, Грузия, Полша, Чехословакия, Венгрия, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва бошқалар)га тарқалди. Минглаб кишилар ҳалок бўлдилар, жуда кўп киши ногирон бўлиб қолди. Бу фожияни таъсирини камайтириш, одамларни муҳофаза қилиш учун жуда кўп ҳарбийлар сафарбар қилиндилар. Шулар қаторида ғубдинлик Ўринов Исо ҳам қатнашиб, ўз бурчини адо қилиб қайтди.

Алиқулов Фарход Олимович (1980). 1987-1995 йиллари 1-сон ўрта мактабни 8-синфига қадар ўқиб, 1995 йилдан Самарқанд вилоятидаги Ҳарбийлар лицейига ўқишга қабул қилинади. У 1997 йилда ушбу билим юртини муваффақиятли тугатади. 1997 йилда Алиқулов Фарход Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида жойлашган “Чирчиқ Олий Қўмондонлик муҳандислик” юртининг тарбиявий ишлар факультетига ўқишга қабул қилинади. Ф. Алиқулов 2001 йил март ойида ушбу ўқув юртини муваффақиятли тугатади ва унга

лейтенант унвони берилади. Шундан кейин у Тошкент ҳарбий округига қарашди 71201-сонли ҳарбий қисмга ҳаво десантчилари бригадасига взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилади. Ҳозирги вақтда Алиқулов Ф. Тошкент ҳарбий округига қарашли сержантлар мактабида маънавият ва маърифат ишлари бўйича катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳарбий унвони – майор.

Савдо ходимлари. Қадимдан савдогарлар ҳурматли кишилар саналган. Чунки, улар узоқ мамлакатлардан ҳар хил товарларни келтириб, халқни бу товарларга бўлган эҳтиёжларини қондирганлар. Улар нафақат аҳолини зарур товарларга бўлган эҳтиёжларини қондирганлар, бошқа мамлакатлар эришган маданиятни, яхши урф-одатларни ҳам тарқатганлар. Биргина “Буюк ипак йўли”даги савдогарларни эслаш кифоя. Улар Хитой ипак матосини Европа мамлакатларига сотиш орқали иккита қитъани – Осиё ва Европани боғлаганлар. Албатта илгари замонда уларнинг меҳнати ўта машаққатли бўлган. Туя, от каби ҳайвонларни кучидан фойдаланганлар, об-ҳавони ноқулай шароитларига чидаб, баъзан йўлтўсар-қароқчиларга таланиб товар келтиришган.

30-нчи йилларда қишлоқда магазинга ўхшаш дўкон очилиб, уни “кооператив” деб аташган. Яъни, аҳоли учун зарур эҳтиёж товарлари колхозга аъзо бўлиб кирганларга берилган - сотилган. Шу орқали аҳолини колхозга жалб қилинган. Кейин магазин ташкил этилиб, анча қулай шароит яратилиб, хилма-хил маҳсулотлар барчага сотилган. Уруш йиллари, ундан кейин қишлоқда Назаров Очил бова магазинчилик қилган. У киши ишбилармон, қобилиятли, серқирра одам бўлган. Очил бова пилла агрономи, мулло (араб алифбосини

яхши ўқий олган), қишлоқ ошпази бўлиб ҳам кўп йил хизмат қилган. Нима иш бўлса уддалаб кета оладиган инсон бўлган.

У кишидан кейин қишлоқ магазинига Ҳожиев Шукур ака анча йил ишлади. Унгача мактаб буфетида ишлаган эди. Шукур ака ҳам бирор савдо ўқув юртини тугатмасдан ўткир зехни туфайли бирдан магазинчилик ишларини уддалаб кетди. Кейин савдо техникумида ўқиган. Ўша даврда магазинчи бўлиб ишлаш анча қийин иш эди. Чунки, назорат кучли, ревизорлар текширар эди. Агар камомад бўлса, магазинчи қаттиқ жазоланар эди. Кейин Шукур ака Қарши шаҳридаги, станциядаги катта магазинларда, савдо базаларига омборхона мудури бўлиб ишлади. Шукур акани бир одати бор эдики, тез-тез тўй қилиб, топганларини эл билан баҳам кўрар эди.

Бозоров Ўроқ – савдо соҳасида катта тажрибага, қобилиятга эга бўлган. У киши шаҳарда яшаб, фаолият кўрсатган. Мен у киши билан кўп ҳамсуҳбат бўлганман. Жуда хушчақчақ, ташкилотчи, топармон одам бўлган. Шўролар даврида савдо соҳасида эркинлик берилмаган. Агар ҳозирги вақтдаги эркинлик даврида бўлганда у киши шаҳардаги энг бадавлат кишилардан бири бўлиб, катта ишларни қилиши мумкин эди.

Кейинчалик қишлоқдан Бердиев Мирзо, Бердиев Нодир, Имомов Мўмин каби ишбилармон, аҳолини ҳожатини чиқариб юрган савдо ходимлари етишиб чиқди.

Маълумки мустақиллигимиз туфайли ҳукуратимиз тижоратчиларга катта ҳуқуқ, имконият берди. Шу туфайли қишлоқдан кўп киши тижорат ишлари билан шуғулланиб қолдилар: Бердиқулова Робия, Ахмедова Тўти, Низомов Аҳад, Негматова Қўйсин, Турсунова Ўйтибор, Ражабова Мархабо, Турсунов Остон, Ҳамроев Шомурод,

Ҳамроев Ҳасан, Йўлдошева Робия ва бошқалар. Улар кишиларни зарур маҳсулотлар билан таъминлаб, аҳолига хизмат қилиб турибдилар.

Ошпазлар. Кишилик жамиятида шундай касблар борки, улар доимо эъзоздалар. Шундай касблардан бири – ошпазликдир. Ошпазлар ҳамма жойда, доимо керак касб соҳиблари саналишади. Ғубдин қишлоғидан моҳир ошпазлар кўп етишган. Олдинги йилларда Турдикул бова, Очил бова Назаров, Негматов Қаҳҳор, Турдиев Нуркул, Асадов Саид кабиларни келтириш мумкин. Турдикул бова (Турдикулова Жаъфарни отаси) уруш йиллари, ундан кейинги йиллари қишлоқ ошпази бўлиб хизмат қилганлар. Ўзларини гавдалари кичик, ориқроқ эдилар, аммо чаккон, чайир, жуда меҳнаткаш бўлганлар. Кўпинча колхозда ғалла бригадири бўлиб ишлаганлар, беданага тузук қўйиб тутишга жуда уста эдилар, кўп бедана боқардилар. Қиш фаслида тўйлар бўларди, тўйда ҳар хил овқатлар пишириларди: хадиса (ҳалим), кавоб, шўрва, палов. Айниқса, Турдикул бова паловни бошқача пиширганлар. Олдин гуручни дамлаб, кейин устидан доғланган ёғ қўйиб пиширардилар. Паловни ўзига хос хушбўй ҳиди ва мазали таъми бўларди.

Турдиев Нуркул - кўп йиллар шаҳарда бозор яқинидаги “Тулистон” ошхонасида бош ошпаз, ошхона мудири бўлиб ишлади. Ошхонада хилма-хил овқатлар тайёрланарди: лағмон, палов, шўрва, чучвара, сомса, балиқ, шашлик... Н. Турдиев ўзининг ишбилармонлиги, зукколиги билан жамоа, ҳамкасблари ўртасида катта ҳурматга эга эди. Унда ор-номус юқори эди. Кўпинча шаҳарда яшаса ҳам, қишлоқ шаъни учун доимо курашиб, баҳслашар эди. Қишлоқдан бирор киши ошхонага кирса, айниқса, кекса кишиларни ҳурматини ўрнига қўйиб,

кўпинча овқатни пулини ҳам олдирмасди. Кейинги йилларда қишлоқдан ёш, моҳир ошпазлар кўп етишиб чиқаяпти.

Қишлоқда гўшт сотадиган жойлар, дўконлар очилиб, одамларга анча қулайлик туғилди. Илгарилари қишлоқда гўшт сотадиган жой бўлмаган. Одамлар шаҳардан ёки бошқа жойлардан анча овора бўлиб гўшт олиб келишар эдилар. Аммо илгаридан молларни сўя оладиган қассоблар кўп бўлган: Ҳамроев Рўзи, Холиқов Турсун, Муродов Сувон кабилар. Кейинги йилларда Турсунов Наврўз, Асадов Аъзам, Ҳамроев Нодир каби ёш, моҳир қассоблар етишиб чиққан. Келгусида гўшт сотиладиган дўконларни янада ихчамлаштириб қуриб, қулай ҳолатга келтирилса айни муддао бўлган бўлар эди.

Усталар.

Қишлоқда ҳар хил соҳалар бўйича қўли гул усталар анчагинани ташкил этади. Жумладан, уй-жой қуриш усталари, машина усталари, совутгич усталари, пайвандчилар, токарлар, теле-радио усталари, сураткашлар. Булар нафақат қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини қондирганлар, балки йирик корхоналарнинг ишини юритишда ҳам хизмат қилишадилар.

Уй қуриш усталари. Ҳар бир кишининг яшаб турган хонадони (уйи, турар жойи) уни ва барча оила аъзоларининг ҳаёти учун энг муҳим бўлган моддий шароитлардан биридир. Уй уларни ёзнинг жазирамасидан, қишнинг қаҳратон совуғидан, ёғингарчиликлар ва бошқа экстремал омиллар таъсиридан муҳофаза қилади. Киши ҳаётининг аксарият қисми уйда ўтади, айниқса ёш болалар, кекса кишилар кўпинча уйда бўладилар. Кишини яшаб турган уйи ёзда салқин, қишда илиқ, ҳавоси тоза, ёруғ бўлиши керак. Уй қуриш энг қадимий касб ҳисобланади. У ҳеч вақт синмайди. Чунки одамлар яшаши

учун уларга доимо уй керак. Уйни инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини билиб, қишлоқ аҳли доимо ўзлари учун қулай уйлар қуришга ҳаракат қилишган. Қишлоқдан кўп уй қуриш усталари етишиб чиққан. Масалан: Раҳмат бова (Набиев Рустам, Бозор акани оталари), Холиқов Турсун, Рўзиев Даврон, Қурбонов Ражаб, Жалилов Анвар, Юсупов Элмурод, Асадов Анбиёқул, Ҳатамов Жуманазар ва бошқалар.

Уста Раҳмат бовани қишлоқни кексалари кўрган, ёшлари кўрмаган, билмайди. 40-йилларнинг охирлари бўлса керак, ёзнинг жазирама иссиқ кунларининг бирида мен қандайдир бир иш билан у кишини уйига бориб қолдим. Раҳмат бовани уйлари Асадов Амиркул акани ҳозирги уйлари яқинида, Хонён ариғининг бўйида жойлашган эди. Куннинг ўртасида ташқарида жазирама иссиқ бўлишига қарамасдан, уй салқин, шифтлари баланд, девори майда сомон билан сувалган, ҳавоси тоза, атрофи икки томондан баланд зардоли дарахтлари билан ўралган, тангадек офтоб тушмайди. Боғларини атрофи олма, кўксултон, ўрик, тут каби дарахтлар билан ўралган. Ўртада ток ва бошқа полиз экинлари экилган эди. У киши пайвандлаш ишларини яхши билган. Битта дарахтга бир неча дарахтларни пайванд қилганлар. Баҳор ойлари битта дарахт хилма-хил гуллар, ёзда эса битта дарахтни ҳар хил шохида ҳар хил мевалар пишиб турарди. Раҳмат бовани Хонён ариғи яқинида бир тераклари бор эди, у шунчалик баланд эдики, Қарши станциясидан кўринар эди. Кайфиятлари яхши бўлганда Раҳмат бова теракни танасини кўллари билан уриб, “жоним” деб суюб, эркалар эдилар. Албатта ўша пайт мен бу дарахт, экинларни қанчалик тўғри ёки нотўғри экилганлигини тушунмаганман. Аммо ўша манзара эсимда қолган. Ҳозирги кунда ўйлаб кўрсак, у кишини қурган уйи барча коммунал гигиеник

талабларга жавоб берган, яъни ҳавоси тоза, ёзда салқин, яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган. Яратган боғи тўғри, илмий асосда барпо қилинган экан. яъни томорқани атрофи ихота дарахтларига ўхшаш ўсимликлар билан ўралиб, у табиий дренаж вазифасини бажарган ҳамда ёзнинг гаримсел шамолидан экинларни ҳимоя қилган. Қишлоқда Раҳмат бованинг уйларидак уйлар, боғлар кўп бўлган. Ҳозирги кунда қуриладиган айрим ҳашаматли уйлар коммунал гигиена талабларига жавоб бермайди, яъни кишининг яшаши учун кўп ноқулайликларга эга. Илгарилари деярли ҳамма қишлоқда пахса деворли уйлар қуришган. Албатта, бу усулда уй қуришни ўзига хос сир-асрорлари, қийинчиликлари бор. Энг аввало пахса қилиш учун лой уч-тўрт марта ағдариб, тепиб пишитиларди. Уста пахсакашлар лой яхши пишгач, 1-пахсани салкам 1 метргача кўтарар эдилар. Тайёрланган лойни бел ёрдамида кесиб пахсакашга етказувчидан ҳам алоҳида маҳорат талаб қилинади. Деворнинг эни ҳам 50-60 см. бўлиши керак. Усталар кўпинча деворни тўғрилигига эътиборни қаратарди. Ўтган асрда, ҳозир 70-80 ёшга кириб қолган одамларнинг ҳаммаси ҳам бундай ишларни пухта ва пишиқ қилар эдилар. Шунинг учун ҳам пахсадан қурилган уйлар узоқ турган, ёзда салқин, қишда илиқ бўлган.

Кейинчалик уйлар майдароқ хом ғиштдан қурила бошланди. Ҳозирги вақтда эса хом ғишт, пишиқ ғишт, “блок”га ўтилди. Қишлоқда кўп кишилар ҳам блок қуйиш билан шуғулланадилар: Ҳамроев Қўчқор, Темиров Бахтиёр, Аминов Шомурод, Содиқов Хусан, Эгамбердиев Қўлдош, Ҳамроев Мурод ва бошқалар. Буларни қуйган блокларини нафақат қишлоқдагилар, қўшни қишлоқларга, шаҳарга ҳам олиб кетишади. Чунки блок ғиштдан уй қуриш тез бўлади, сифати ҳам ёмон эмас.

Усталарнинг ишини муҳимлигини билган кишилар доимо уларни ҳурмат қилишган, илтифот кўрсатишган. Масалан, уста Анвар Жалилов собиқ иттифоқ даврида Олий Советининг депутаты даражасига қадар кўтарилган.

Ҳозирги вақтда қишлоқда қурилган барча уйлар асосан юқорида номлари келтирилган усталар томонидан қурилган.

Совутгич усталари. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, сут, полиз ва сабзавот) билан таъминлаш муҳим муаммолардандир. Урушдан кейинги йилларда бу масалага эътибор қаратилиб Қаршида сут ва гўштни қайта ишловчи, сақловчи комбинатлар, йирик совутгич (холодильник), сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар қурилди. Юқорида келтирилган маҳсулотлар сақланадиган омборхоналарда маълум салқин ҳароратни яратиш катта роль ўйнайди. Чунки, бизнинг иссиқ иқлим шароитида юқорида келтирилган маҳсулотлар (сут ва гўшт) тез айниб, бузилади. Бунинг учун комбинатларда йирик совутгич қурилмалари (установкалар) ўрнатилди. Уларни мунтазам ишлашини таъминлаш учун шу соҳани мутахассислари кўп керак бўлади. Бу ишлар асосан 50-нчи йилларда бошланди. Ўша йиллари қишлоқ йигитлари – Негматов Ваҳоб, Ахмедов Абдулло, Бердиев Абдулло, Ўринов Акбархон, Нурматов Отамурод, Тўхтаев Сунат кабилар совутгичлар ишини бошқариб, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозирги вақтда уларнинг ўғиллари оталарини ишини давом эттирмақдалар. Булар Тўхтаев Зайниддин, Нурматов Ризамат, Негматов Ғиёс ва бошқалар. Қарши станциясидаги сут комбинатида илк бор иш бошлаган Ваҳоб Негматов бўлган. У киши комбинатда партком, профкомни раиси

лавозимларида ишлаб, жамоада катта хурмат қозонганлардан бири бўлган.

Токарлар. Илгарилар токарлик хунари бўлмаган, чунки унинг зарурати бўлмаган. Ҳар хил машина, тракторлар, сув насосларининг ишлатилишида уларнинг зарур қисмларини алмаштириш ёки таъмирлаш эҳтиёжи туғилганда токарлар хизмати жуда зарур бўлади. Айниқса, “Каршистрой” очилиши билан объектларда ишлаётган трактор ва машиналарни эҳтиёт қисмларини ясаш талаби ошиб кетди. Шунинг учун “Каршистрой”нинг ремонт заводи қошида йирик токарлик устахоналари яратилди. Ўтган асрнинг 70-80-нчи йилларида қишлоқнинг кўп ёшлари ушбу корхоналарга токарлик хунарини ўрганиш учун дастлаб шогирд бўлиб ишга кирдилар. Кейинчалик улар моҳир токар бўлиб етишдилар. Буларга Алиқулов Зокир, Аминов Анвар, Нурматов Нурали, Нурматов Мадамин, Рўзиев Раҳмон, Негматов Саттор, Негматов Соҳиб, Негматов Воҳид, Нуруллаев Зиёдулло, Ҳакимов Йўлчи, Гадоев Мақсуд кабиларни мисол келтириш мумкин.

Маълумки, ҳозирги вақтда “Каршистрой”, унинг кўп корхоналари ёпилиб кетди. Аммо токарлар хизматига талаб камайгани йўқ, борган сари ошиб кетаяпти. Чунки, биз юқорида келтирган турли хил машина, моторлар, насослар, янги хил корхоналар кўпайиб бормоқда. Албатта уларга токарлар яратган маҳсулотлар доимо керак бўлади.

Темирчилар. Қишлоқда қадимдан эъзозланиб келинган касб эгаларидан темирчилар ҳам бор: Дониёв Жўра, Содиков Розик, Дониёв Рустам... Темирчилар нафақат рўзғор учун, корхоналар учун ҳар хил

асбоб-ускуналар яшашган, қадимги замонларда улар курол-аслаха, совут, қиличлар ясаганлар.

Давр талабига кўра, қишлоқда темир материалларни пайвандловчи усталар ҳам етишиб чиққан. Булар Ҳамроев Рустам, Бозоров Акмал, Хатамов Шодмон... Пайвандчилик машина, трактор ва бошқа ҳар хил мотор, насосларнинг муҳим қисмларини улашда уларнинг ҳунари асқотади.

Теле-радио усталари. Ўтган асрнинг ўрталарида ҳар бир уйда радио ўрнатилган бўлган бўлса, ҳозирги даврда ҳар бир хонадонга телевизор кириб борди. Уйда радио-телевизор бўлмаган одам бўлмаса керак. Бу буюмлар бузилиб қолиши мумкин. Қишлоқда уларни тузатадиган усталар бор: Соҳибов Номоз, Ражабов Хайри, Шодиев Шавкат, Аминов Улуғбек. Илгарилари телевизори бузилган кишилар шаҳардаги усталарга бориб қанча овора бўлишарди. Энди эса қишлоқнинг ўзида усталар бор, одамлар овора бўлиб бошқа жойларга юрмайдилар.

Хатамов Шохмахмат – Қарши тумани алоқа тармоғида узок йиллар бош муҳандис вазифасида ишлаб, туманда телефон-радио алоқаларини ўрнатишда ва яхшилашда катта хизмат кўрсатди. Унинг хушфееъл характери ва ишбилармонлиги туфайли жамоада катта обрўйга эга бўлди.

Монтёрлар (Электр чироқларини ўрнатиш усталари). Ҳозирги даврда электр энергиясига бўлган талаб шунчалик ошиб кетдики, электр энергиясиз ҳаётни тасаввур этиш қийин бўлиб қолди: электр чироқлари, телевизор, радиоприёмник, компьютер, холодильник, утюг, овқат қилувчи, уйни иситувчи электр печлар, илмий-тадқиқот институтларидаги хилма-хил аппарат ва приборлар... ҳаммаси электр

энергияси ёрдамида ишлайди. Шунинг учун йилдан-йилга электр энергиясига талаб ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳар бир хонадонда электр асбоб-ускуналарини ва чироқларини ўрнатиш зарурати туғилади. Монтёрлик бу мураккаб касб, улардан ҳар томонлама эҳтиёткорликни талаб қилади. Қишлоқда Отақулов Шоди, Ҳамдамов Зокир, Ражабов Хайри, Комилов Йўлдошлар одамларни электр энергияси билан боғлиқ ҳожатларини чиқариб келмоқдалар.

Сураткашлар. Сурат олиш ва уни тайёрлаш ҳам фан ва техника ривожланишининг маҳсулидир. Тушириладиган суратда табиатнинг хилма-хил кўринишлари, инсонни ташқи кўриниши ва ички ҳиссиётлари, шаҳар ва қишлоқларнинг кўринишлари, санъаткор ва спортчиларнинг ҳар хил фаолияти акс эттирилади. Суратларни дунё бўйича кўргазмалари ўтказилади. Унда дунёнинг ҳар хил мамлакатларидан уста сураткашлар ўзларини касб маҳсули бўлган суратларини юбордилар. Шундай кўргазмалардан бирини, 1966 йил Москвада кўришга муяссар бўлганман. Одамлар 6-7 соат қор-ёмғир остида навбат кутиб киришарди. Кўргазмадаги ҳар бир сурат қанчадан-қанча мазмунга эга. Унда сурат орқали айрим шахсларнинг ҳолати, турмуш тарзи ёки мамлакатни иқтисодий аҳволи, экологик муаммолар ҳақида тасаввурга эга бўлинади. Сурат орқали ҳар бир кишининг ҳаёт тарзи, фаолияти, кайфияти ҳақида маълум фикрга эга бўлиш мумкин. Шундай қилиб сураткашлик муҳим иш бўлиб, олинган сурат инсонлар хотирасини узоқ сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сураткашлик узоқ йиллар давомида такомиллашиб борди. Ўтган асрнинг ўрталарида Қарши шаҳрида 1-2 та сурат туширадиган жойлар бор эди. Шаҳарга бориб, расмга тушиларди, сураткашлар расмга тушириб, 4-5 кундан кейин суратни оласиз, дердилар. Кейин бориб

расмингизни олардингиз, баъзан плёнка куйиб қолди, қайта тушинг, дейишарди. Қайта тушиб яна расмни олиш учун пиёда шаҳарга борардингиз. Битта расмга тушишга қанча оворагарчиликлар бўларди.

Қишлоқда расмга тушириш, уни ишлашни биринчи бўлиб бошлаган Ҳамроев Эшим ака бўлганлар. У киши мактабни битириб, 50-нчи йилларни бошида 1-мактабда пионер вожатий бўлиб ишлай бошладилар. Э. Ҳамроев фотоаппарат олиб, аввал расм ола бошладилар. Плёнкани аввал проявителда, кейин закрепителда (махсус кимёвий модда) маълум муддатда (ўртача 10 минут) ботириб кўйиларди. Шундан кейин туширилган объектни негативи кўринарди. Ҳўл плёнка бир неча соат давомида қуритилиб, кейин суратлар катталаштирувчи (увеличитель) ёрдамида расм қоғозга ўтказиларди. Бунинг учун электр лампочкасидан келадиган ёруғлик керак бўларди. Аммо ўша йиллари қишлоқда электр токи берадиган манба йўқ эди. Эшим ака эски уйларини жанубга қараган деворини тешиб, ёз кунлари соат 10-11 дан кейин, яъни қуёш кўтарилиб тушган ёруғликни девор тешиги орқали объективга, ундан плёнкага йўналтириб, негативдаги расмларни расм қоғозга ўтказтирар эдилар. Шундай қилиб қуёшдан тушган ёруғлик ёрдамида расм ишлар эдилар. Мен ҳам мактабда у киши билан бирга "Пионерлар овози" деган деворий газетани чиқарардик. Кейин расм ишлардик.

Ҳозирги даврда сураткашлик технологияси жуда ривожланиб кетди. "Кодак" ва ундан ҳам мукамал фотоаппаратлар яратилди. Илгаригидек сураткаш "выдержка", "резкость"ларни олиб ўтирмайди. Айниқса, сурат ишлашда компьютер техникасининг киритилиши суратни истаганча ўзгартириш имконини берди.

Кейинги йилларда қишлоқдан Гадоев Бекназар, Мейлиева Зарина каби сураткашлар чиқиб, улар кишилар ҳаётидаги муҳим воқеаларни расмга олиб, савоб юмушларни адо этишмоқда.

7. МАКТАБ МАЪРИФАТ МАСКАНИДИР

Мактаб дунё иморатларининг энг муқаддас ва қадрлисидир.

М. Беҳбудий.

Ғубдин қишлоғидаги 1-сонли ўрта мактаби олдинги колхоз қишлоқ совети идорасидан тахминан 150-200 метр ғарб томонда, ҳозирги ўрнида жойлашган бўлган. Дастлаб 1930-йилда 2 та 1-синф очилиб, бири Ғубдинда (Абдуҳалимбекнинг меҳмонхонасида), иккинчиси Қозикенти қишлоғида бўлган. 1933 йил Холмуродбек деган давлатманд кишининг ҳовлисида (мактабнинг ҳозирги ўрнида) 1-4 синфлар очилиб, бошланғич мактаб мақомига эга бўлган. Холмуродбек вафот этиб кетгач, уй-жойлари хизматкори Қовулбек деган кишига қолган. 1935 йилдан бошлаб, бу мактаб 7 йиллик мактабга айлантирилди ва Шилдирхонов деган киши директор бўлган. У кишидан кейин, яъни 1937-1938 йиллари мактаб директори лавозимида Йўлдош Умаров деган киши ишлаган. Мактабда ким, қайси йиллари директорлик қилгани жадвалда келтирилган (12-жадвал). Йўлдош Умаров директорликдан бўшаб узоқ йиллар “Қашқадарё ҳақиқати” номли вилоят газетасида бош муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатди. У кишининг фаолияти даврида газета вилоятда содир бўлаётган воқеалар, ўзгаришлар, халқ хўжалигининг турли соҳасида олиб борилаётган ишлари мунтазам равишда ёритилиб борилди.

Мактаб 7 йилликка айлантирилгач, Ниёзмудин, Пармитон, Шойхўжа, Мирмирон, Қумота, Хонён, Ертепа қишлоқларидаги 4-синфни битирган болалар Ғубдиндаги 7 йиллик мактабга келиб ўқиганлар. Мактаб Холмуротбекнинг ҳовлисида ташкил этилиб тўғри қилинган. Чунки, у кишининг хонадони ташқари ва ичкари кенг

ховлидан иборат бўлган. Ташқари ва ичкари ховлида ҳовуз бўлиб, атрофида толлар экилган, салқин бўлган. Ташқари ховлининг кириш дарвозасини ўнг ва чап томонлари қатор уйлар бўлиб, улар кейинчалик узоқ қишлоқлардан келиб ўқийдиган ўқувчилар учун ётоқхона вазифасини бажарган. Ичкари ховлининг ўнг томонида уйлар синф хоналари, бошқа вилоятлардан – узоқ жойлардан келиб ишлайдиган ўқитувчилар учун яшаш жойи вазифасини бажарган. Бундан ташқари мактабда ошхона, клуб бўлган. Мактабнинг асосий биноси 1939 йилда қурилган бўлган. Кираверишда ўнг томонда кутубхона, чап томонда буфет, тўғрида директор кабинети, ўқитувчилар хонаси, фан кабинети, ўнгга бурилгач, қатор синф хоналари, охирида ўнг томонга ҳарбий кабинет бўлган. Синф хоналари, коридор кенг, ёруғ, шифт ва пол тахтадан ясалган, йирик деразалар ўрнатилган бўлган. Мактаб биноси, унда синф хоналари ва ёрдамчи хоналарни жойлаштирилиши гигиена талабларига жавоб берган. Кейинчалик, Ҳамроева Саида опа директор бўлганларида бионинг ғарбий қисмида яна кўшимча синф хоналари, клуб қурдирганлар. Мактаб биносининг ғарбий қисмида яна бир қанча кичикроқ хоналар бўлиб, улар ҳам узоқ жойлардан келиб ишлайдиган ўқитувчилар учун яшаш жойи ва бошқа мақсадларда фойдаланилган. Мактабнинг катта боғи бор эди. Унда ток, анор, олма, ўрик ва бошқа мевали ўсимликлар кўп бўлиб, улар нафақат ҳосил берган, балки микроклим яратиб, соя-салқин қилиб турган.

Шундай қилиб Холмуротбек хонадонидида ташкил этилган мактабда ўқувчилар синф хоналарида ўқиганлар, ўқитувчилар ўқитганлар, боғ-роғларнинг мевасидан баҳраманд бўлганлар, ҳовузлар атрофидаги соя-салқинда дам олиб, ҳордиқ чиқарганлар. Вьетнам

халқида шундай мақол бор: “Сув ичаётганинда, албатта сув келаётган манбаъни эсла”.

1-мактабда директор бўлиб ишлаганла рўйхати.

12-жадвал

<i>№</i>	<i>Исми фамилияси</i>	<i>ва Ишлаган йиллари</i>	<i>Эслатма</i>
1.	Шилдирхонов	1933-1936	Қарши шаҳридан
2.	Умаров Йўлдош	1937-1938	Узоқ йиллар “Қашқадарё ҳақиқати” газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади
3.	Ҳамроев	1938-1939	
4.	Фатхуллаева О.	1940-1943	Қарши шаҳридан
5.	Давлетов Ш.	1944-1946	Қарши шаҳридан
6.	Муротов Ҳикмат	1946-1948	Кейин Қарши шаҳридаги 2- мактабда ишлади
7.	Шарипов Рўзи	1948-1949	лағмонлик
8.	Раҳматов Ҳайдар	1949-1950	Дашт қишлоғидан
9.	Самадов Бозор	1950-1953	Лағмон қишлоғидан, кейин Қарши пед. институтида доцент, кафедра мудирини бўлиб ишлади
10.	Умидов Асад	1953-1954	лағмонлик
11.	Раупов Раҳим	1954-1955	кўчкаклик
12.	Тўлаев Ашир	1955-1959	Қарши шаҳридан
13.	Саидов Соҳиб	1959-1960	Қарши шаҳридан
14.	Ҳамроева Саида	1961-1966	ғубдинлик
15.	Хидиров Темир	1966-1971	ниёзмудинлик
16.	Набиев Рустам	1972-1976	ғубдинлик

17.	Амиркулов Хол	1976-1978	шойхўжалик
18.	Жўраев Кенжа	1984-1996	ғубдинлик
19.	Саломов Жаббор	1996-ҳ.в	ғубдинлик

Изоҳ: олдинги йиллари мактаб директори бўлиб ишлаганларнинг айримларини исмини топа олмадик ёки ишлаган йилларини қанчалик суриштирсак ҳам аниқ маълумот олаолмадик. Шунинг учун баъзи ноаниқликлар бўлиши мумкин.

1942-1943-ўқув йилидан бошлаб таълим масканига К.Е.Ворошилов номи берилиб, ўрта мактабга айлантирилган. 1944-1945-ўқув йилидан бошлаб мактаб илк бор ўрта маълумотли кадрлар чиқара бошлади. Мактаб ўрта мактабга айлангач, Қарши туманининг барча қишлоқларидан, чунончи, Бешкент атрофидаги қишлоқлардан, Дашт, Кат, Хонобод, Ҳилол, Худойзот, Некўз, Кўчкак кабилардан 7-синфни битирган ёшлар Ғубдиндаги 1-сон ўрта мактабда ўқишларини давом эттирар эдилар. Яъни, 1-мактаб ўша пайтда туманда ягона ўрта мактаб эди. Мактаб ўрта мактабга айлангач, кейинги йилларда ўқувчи сони мингдан ҳам ошиб кетди. Айниқса, 50-йилларда 8-10-синфлар 4-5 тагача бўлиб, ҳар бир синфда 30 дан зиёд ўқувчи ўқир эди. Мактабда дарс жараёни 2 сменада олиб бориларди. Ўша йиллари қўшимча ётоқ жойлари, синф хоналари қурилди, мактабда интернат ишлар эди. Шунингдек, ўша йиллари БС (бутунлай саводсиз), ЧС (чала саводсиз) деган гуруҳлар очилиб, унга саводсиз ёки чаласавод кишилар кечкурун ўқитилган, уларни саводи чиқарилган.

40-йилларнинг охирларида Галиев деган татар киши мактабда илмий мудир бўлиб ишладилар. У киши чизмачилик ва рус тилидан дарс ҳам берар эди. Мактаб коридорлари, синф хоналари у кишининг

ташаббуси билан чиройли безатилди. Доноларнинг, машхур ёзувчиларнинг фан, тарбия ҳақидаги фикрлари ромб шаклдаги, алвон матога зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйиларди. “Мактаб ҳақиқати”, “Комсомоллар овози”, “Пионерлар овози” номли деворий газеталар байрам арафаларида ёки ҳар ойда ўқувчилар томонидан (ўқитувчилар раҳбарлигида) чиқазиларди. Ҳар бир синфнинг ўзини деворий газетаси бор эди. Газетада синф ҳаёти, мактабдаги комсомоллар, пионерларни қилган ишлари ёритилиб бориларди. ўқувчилар уларга мақолалар ёзардилар, баъзан ёзган шеърларини чиқариб турардилар. Газетада илғор ўқувчиларни ибратли ишлари баён этилса, қолақлар танқид қилинарди.

Мактабда фан тўғараклари, спорт секциялари, драм-хор кружоклари фаолият кўрсатиб турарди. Айниқса, драм хор кружогида тайёрланган концерт дастурлари, кичик пьесалар ёки драмалардан парчалар вақти-вақти билан ўқувчиларга, колхозчиларга намоёиш қилинарди.

Ётоқхонада ярим кечагача ўқувчилар дарс тайёрлар, фанларнинг айрим мавзулари бўйича савол-жавоб, баҳслар олиб бориларди. Имтиҳонлар яқинлашганда кечқурун ҳар бир фандан синфларда консультациялар уюштириларди. Кундузи мактаб боғидаги дарахтлар соясида ўқувчилар дарс тайёрлашарди, бўш жой топилмасди. Шундай қилиб, мактабда кечаю кундуз ҳаёт қайнар эди. Шунингдек, физкультура машғулотларини ўтказиш учун ўқув база яратилган эди: волейбол, баскетбол, футбол майдонлари, енгил атлетика (чопиш, узунликка, баландликка сакраш) машғулотларини ўтказиш учун махсус йўлаклар яратилди. Гимнастика бўйича ҳам ҳар хил жиҳозлар келтирилди. 50-нчи йилларнинг бошларида Кат қишлоғидаги мактабда 7-синфни битириб, 8-синфга келган болалардан истеъдодли спортчилар кўп эди. Буларнинг кўпи Қарши станциясида истиқомат

килишган. Айниқса, Хусанов Саид, Маҳмудов Мейли, Дилхонов Раҳмат, Шоназар, Розик, ва бошқалар футболни маҳорат билан ўйнашарди. Шулардан кейин Ғубдиндан ҳам моҳир футболчилар етишиб чиқди.

1956 йилда мактаб номи ўзгартирилиб, таниқли шоир Ҳомид Олимжон номига қўйилди. Ўтган асрнинг 60-йилларида 1-сон ўрта мактаб базасида кечки мактаб ҳам очилди. Бунга шу атрофда қишлоқ хўжалигида ёки бошқа соҳаларда ишлаб турган, аммо 10-синфни битирмаган кишилар жалб қилинди. Кўп ўтмай кечки мактаб ёпилди, чунки унга зарурат тугади. Яъни, ёши катталар ҳам аттестат олишиб, ўрта маълумотга эга бўлишди, ёшлар эса кундузги мактабда ўқиб, маълумот олардилар.

Мактаб мўътабар маърифат маскани бўлгани учун, унда нафақат мактаб миқёсидаги, қишлоқнинг ҳам барча тадбирлари ўтказилиб келинган. Бу маърифат масканида турли йиғилишлар, депутатлар билан учрашувлар, сайловлар, вилоят марказидан, Тошкентдан келган санъаткорлар томонидан концертлар ёки спектакллар кўрсатиларди. Бу тадбирларга нафақат ўқувчилар, Ғубдин қишлоғининг аҳолиси, қўшни қишлоқлардан ҳам одамлар келиб, томоша қилардилар, маданий дам олардилар. Мактаб қишлоқ билан нафақат территориал жиҳатдан фаолияти билан ҳам бир организмдек эди. Колхозчилар мактабни ремонт ёки бошқа ишларини бажариб берар эдилар. Мактаб раҳбарияти, ўқувчилар ҳам колхозни баъзи экинларни ҳосилни йиғиштириш ишларига кўмаклашардилар. Айниқса, сайлов ўтказиш тадбирлари доимо мактабда ўтказилар, ўқитувчилар сайловдан бир неча ой олдин сайлов қоидалари, тартиби, депутатликка номзодларни таржимаи ҳоллари, қилган ишларини колхозчиларга тушунтирар эдилар. Бунинг учун айрим хонадонларга 20-30 кўшнилар кечқурун

тўпланишарди, уларга агитатор ўқитувчи сайлов низоми ва бошқа коидаларни ўқиб, таҳлил қилиб берарди. Сайлов олдидан кечқурун концерт, кино бўларди. Магазин, буфетлар ишлаб турар ва яна бошқа кўнгилхушликлар ўтказиларди.

Байрамларда колхоз, қишлоқ кенгаши идораларига, мактабда, шийпонларда қизил матога оқ рангда шиорлар ёзиларди. Бу ишга байрамдан бир неча кун олдин чиройли ёзаоладиган ўқувчилар (Йўлдошев Тўра, Тиловов Туроб, Йўлдошев Тўлқин ва бошқалар) жалб қилинарди. Тик туриб узун столларга ўрнатилган қизил алвонга байрам шиорлари ёзардик.

50-нчи йилларда колхоз раиси бўлиб ишлаган Файзулла Набиев бир куни мактабга келиб қолдилар. Мактаб эшиги олдидаги майдончада юқори синф ўқувчилари ҳар хил оғирликдаги тошларни кўтариб, машқ қилиб турган эдилар. Ўша йиллари ҳарбий хизматни битириб келган соғлом, бақувват йигитлар кўп эди. Ўқувчилардан бири колхоз раисига писанда қилиб: “Раис бова, сиз ҳам тош кўтармайсизми?”-деб гап отди. Шунда Ф. Набиев, кўтарсак, кўтарибмизда, деб 32 кг лик тошни бир неча марта кўтариб, кейин олисроқ жойга отиб юбордилар. Раисга гап отган ўқувчи у кишини кўтараолмайди, деб ўйлаган. Колхоз раисининг бу ишидан кўп ўқувчилар лол қолдилар.

Кўп йил ўқитувчи бўлиб ишлаган, кўчкаклик етук педагог Тошева Хурсанд синфдошлар билан ўтказилган учрашувларда сўз берилганда у доимо қуйидаги бир хил гапни гапирди: “Бизлар Кўчкакдан келиб Ғубдинга бир неча йил (1952-1955-йиллар) ўқидик. Қишлоқ аҳолисининг бирортасидан ножўя сўз эшитмаганмиз. Зарур бўлиб қолганда истаган хонадондан бирор нарса сўрасак беришарди, рад жавобини эшитмаганмиз. Худди ўз уйимизда яшагандек яшадик”.

Ҳа, қишлоқ аҳолиси мактаб педагогик жамоаси, ўқувчилар билан аҳил бўлиб, зарур бўлганда бир-бирларига ёрдамлашиб фаолият кўрсатди. Яъни мактабда етук инсонлар етишиб чиқишига қишлоқ аҳлининг ҳам хизмати бўлди.

Ўтган асрнинг 30-40-50-йилларида мактабда ишлаган ўқитувчиларнинг деярлик ҳаммаси Россиядан, бошқа вилоятлар, шаҳар ва қўшни қишлоқлардан келган зиёли кишилар бўлган. Масалан, Галиев, Шульгина В., Самигулина З., Фаттахова, Чигарева Р., Юлтиев кабилар Россиядан, Хўжаниёзов (Хоразмдан), Ҳамроев Чори (Пармитондан), Тошев Чўли, Умидов Асад, Самадов Бозорлар (Ламон қишлоғидан), Хидиров Темир, Маматов Махмуд, Ёкубов Сунат Хидиров Жўра, Очилов Мурод, Очилов Ивот, Назаров Мамат, Пиров Сунат, Соҳибов Карим, Убайдуллаев кабилар қўшни қишлоқлардан чиққан, Рахматуллаев Исмаи (шаҳардан) , уларнинг кўпчилиги 1-сон мактабни битирган, кейин институтларда ўқиб олий маълумотни олган ўқитувчилар эдилар.

Ҳамроев Чори (1918-1983) – таниқли фольклоршунос, педагог, бир неча йил 1-мактабда адабиётдан дарс берган, Нишондаги ўрта мактабда директор, Қарши педагогика институтида ўқитувчилик қилган. Қашқадарё вилоятидаги аксарият шоир ва ёзувчилар Ч. Ҳамроевни ўзларини устози деб тан олишади. У кишида шеърларни бирдан тўқиб ташлаш, айниқса, ҳажвий шеърларни тўқиш қобилияти бор эди. Ч. Ҳамроев адабиётдан тўплаган бой кутубхонадан барча адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар баҳраманд бўлишган.

Ғубдин қишлоғида Қарши тумани бўйича биринчи бўлиб ўрта мактабнинг очилиши, унга Россиядан, бошқа вилоятлардан, шаҳардан, қўшни қишлоқлардан зиёли, маърифатпарвар кишиларни жалб қилиниши қишлоқдан ҳам кўп зиёли кишиларни етишиб

чиқишларига, аҳолини маънавиятига ижобий таъсир этди. 1-мактабни битириб, кейин Марказий олий ўқув юртларида таҳсил олган юзлаб ёш, етук мутахассислар мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожланишига ўзларини ҳиссаларини қўшдилар.

Йўлдошев Зариф - (ғубдинлик, Йўлдошев Тўрани акаси, Йўлдошев Қаҳрамоннинг амакиси) 1946 йил 1-сон ўрта мактабни аъло баҳоларда тугатиб, нафақат қишлоқдан, эҳтимол Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли барча қишлоқлардан биринчи бўлиб, республикадаги Марказий университетлардан бири бўлган А. Навоий номли Ўзбекистон давлат университетининг (кейинчалик Самарқанд давлат университети деб аталди) ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган. Кекса педагог Жўра Хидировнинг айтишларича келгуси йили Ж. Хидировнинг ҳам Самарқанд ДУ га ўқишга бориб ўқишларига З. Йўлдошев раҳнамолик қилганлар. З. Йўлдошев хушфёъл характери ва билимдонлиги билан талабалар ўртасида катта обрўга эга эди, деб эслайди Ж. Хидиров. 60-нчи йилларда Қарши педагогика институтининг ректори бўлган профессор Ориф Икромов Зариф Йўлдошев билан бир курсда ўқиганлар. Афсус 1948 йил баҳор ойида бевақт ўлим у кишини ҳаётдан кўз юмдирди. Агар З. Йўлдошев университетни битирганларида у кишидан филолог олим ёки етук педагог чиқиб, ёш авлодни тарбиялашда ўз ҳиссаларини қўшган, қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлаган бўлар эдилар.

Кейинчалик Ғубдин қишлоғидан ҳам кўп ўқитувчилар етишиб чиқди: Набиев Рустам, Ҳамроева Саида, Тиловов Қилич, Турсунов Аҳад, Ҳамроев Нурулло, Ҳамроев Нусрат, Жўраев Кенжа, Йўлдошев Тўра, Тиловов Туроб, Имомов Зоир, Йўлдошев Тўлқин, Ражабов Ғайбулло, Ражабов Чори, Турсунов Турди, Йўлдошев Эргаш, Рахматова Муаззам, Неъматова Зебо, Бозоров Пирим, Саломов

Жаббор, Ҳамроева Инобат, Ҳамроева Майсара, Ҳакимов Райим, Ҳамроева Сожида, Турсунова Махфират, Нуруллаева Мархабо, Хатамова Дилрабо, Тиловова Латофат, Турсунова Рухсора, Йўлдошева Нилуфар, Йўлдошева Азиза, Ҳамраева Шоира, Гадоева Сайгул, Нурматова Лайло, Нурматова Шахло, Нурматова Шахринисо, Ражабова Сурайё, Ражабова Махлиё, Ходжабоева Зебо, Аликулов Турғун, Жўраева Маҳбуба, Соҳибова Феруза, Соҳибова Нигора, Саломов Раҳмиддин, Ғуломов Ёрқин, Ғуломов Лазиз, Ғуломова Шахло.... юқорида келтирилган ўқитувчилар 1-сон ўрта мактабни 10-синфини битириб, баъзилари Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтига, Самарқанд давлат университетига, Бухоро педагогика институтларида, аксарияти Қарши давлат университетига таҳсил олишган.

Агар олдинги йилларда (ўтган асрнинг 30-40-йилларида) қишлоқдан бирорта ҳам ўқитувчи бўлмасдан аксарияти четдан келган мутахассислар бўлса, кейинги йилларда мактабда ишлайдиганларни кўпчилиги шу қишлоқда туғилиб ўсган, 1-сон ўрта мактабни, кейин олий ўқув юртларни битирган педагог ўқитувчилардир. Булардан ташқари ғубдинлик ўқитувчиларни бир қисми шаҳардаги ва бошқа жойлардаги ўқув юртларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Масалан, Ражабов Ғайбулло Қарши станциясидаги 6-мактабда узок йиллар математикадан дарс берди, Йўлдошев Тўлқин 43-мактабда, Ҳакимов Райим Қарши шаҳридаги маданият коллежида, Йўлдошева Нилуфар Қарши давлат университетига...

Юқорида келтирилган ўқитувчилар таркибига эътибор бериб қарасак, уларни аксариятини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳозирги вақтда нафақат 1-мактабда, бошқа мактабларда ҳам, айниқса, шаҳар мактабларида ўқитувчилар жамоасини аксарият қисмини хотин-қизлар

ташқил этмоқда, илгарилари эса асосан эркак ўқитувчилар бўларди. Бунинг сабаби шундаки, кейинги йилларда ҳарбий, ички ишлар, ўт ўчирувчи соҳаларига талаб ошиб бормоқда. Шунинг учун ўғил болаларнинг кўпи шу соҳаларда ўқишга, ишга кетмоқдалар. Албатта бу соҳа ишлари ўғил болаларга мос, яъни кўпроқ жисмоний кучни талаб қилади. Шунингдек кўп ўғил болалар шофёр ёки бошқа ҳар хил хунарларни ўрганишга, шу соҳаларда ишлашга қизиқадилар. Бундан ташқари ҳозирги даврда олий ўқув юртларига кириш тест имтиҳонлари орқали ўтказилади. Қиз болалар тиришқоқ, ёдлаш қобилияти юқори. Шунинг учун ўқишларга кўпинча қизлар кириб қолмоқдалар. албатта мактабларда эркак ўқитувчиларнинг ҳам бўлгани маъқул, улар ўғил болаларни тарбиясига кўпроқ таъсир этадилар.

Мактабни битириб, туман, вилоят, республика миқёсидаги ташкилотларда масъулиятли вазифаларда ишлаган, депутат бўлган, илмий даража ва унвонлар олган, ҳукуматни орден ва медалларига сазовор бўлганларнинг рўйхати

13-жадвал

<i>№</i>	<i>Фамилияси ва исми</i>	<i>Иш фаолияти ва тақдирланганлиги ҳақида маълумот</i>	<i>Эслатма</i>
1.	Хидиров Темир (1919-2011)	1-сон ўрта мактабни 7-синфини 1937 йил битириб, шаҳардаги А.Навоий номли мактаб қошидаги Ёш коммунистлар мактабида (ШКМ) ўқиди. Ўқишни битиргач, мактабда ўқитувчилик қила бошлади. 1938 йилда армияга чақирилиб, 1946 йилгача, яъни 8 йил ҳарбийлар сафида	ниёзмудинлик

		<p>бўлади. Олдин финлар билан бўлган жангларда, кейин Сталинград, Украина, Белорусия, Германия каби мамлакатлар территорияларида немис фашистлари билан бўлга жангларда жасорат кўрсатади. Кейин уларни қисмини Япония билан бўлган жангалрга юборилади.</p> <p>Т. Хидировни фашистларга қарши олиб борган жанглардаги жасорати 2 та 2-нчи, 3-нчи даражали шуҳрат ордени, Қизил юлдуз ордени ва бошқа қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Яқин йилларда ҳам у киши озод қилишга қатнашган мамлакатлардан орден ва медаллар келиб турган. Урушдан қайтгач, Т. Хидиров яна ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишига ўз ҳаётини бағишлади. Аввал Шойхўжа қишлоғидаги 8 йиллик мактабда, кейин Ертепа қишлоғидаги мактабда, ўзлари ўқиган 1-сон ўрта мактабда директор вазифасида ишлаб, Ертепа қишлоқ совети территориясидаги барча ёшларни билимли, маърифатли, етук мутахассис бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшганлар.</p>	
2.	<p>Маматов Маҳмуд (1924-1991)</p>	<p>Маматов М. ўрта мактабни битириб, ўқитувчилик қила бошлаган. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, армияга чақирилди. Уруш қатнашчиси. Уруш</p>	<p>пармитонлик</p>

		<p>тугагач, қайтиб келиб Қарши ўқитувчилар институтининг тарих факультетига таҳсил олди. Институтни битиргач, 1-сон ўрта мактабга тарих фанидан дарс беради. М. Маматов ўз фанининг билимдони, нотик, газета ва журналларни мунтазам ўқиб борарди, ўз устида доимо ишлаб борадиган фидойи ўқитувчи эди.</p> <p>Ленинободдаги педагогика институтини сиртдан битирган. 1956-1957 йиллари 1-мактаб завучи, кейин Шойхўжа қишлоғидаги мактабга, 1963 йилдан Пармитон қишлоғидани мактабга директор лавозимида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси нишони билан тақдирланган.</p>	
3.	Тошев Чўли (1927-1998)	<p>Ч. Тошев 1944-1945 ўқув йилда 1-сон ўрта мактабини битириб, шу мактабда физика-математика фанларидан ўқитувчи қилиб ишга қолдирилган. 1946 йил Камандидаги 7 йиллик мактабига, 1948 йил Худойзод қишлоғидаги мактабга дарс беради. 1949-1951 йиллар Қаршидаги ўқитувчи институтига ўқиб, 1951 йил яна 1-сон мактабга ўқитувчи, 1953-1955 йиллари мактаб завучи бўлиб фаолият кўрсатди. У 1954-1958 йиллари Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтини физика-</p>	Лағмон қишлоғидан

		<p>математика факультетига сиртдан таҳсил олди.</p> <p>1955 йилдан Қарши туман партия кумитасида агитация ва пропаганда бўлим бошлиғи, 1959 йилдан Нишонда 18-сон мактаб директори вазифасида ишлади. Ч.Тошев 1975 й. 29 августдан Қарши тумани ижроя кўмитаси раисининг ўринбосари, 1983 й. 17 декабрдан Халқ депутатлари Бешкент шаҳар совети ижроия кўмитасининг раиси вазифасида иш олиб борган. У кишини қайси вазифада кўйса ҳамма ишни юқори даражада олиб борган.</p> <p>Ч.Тошевнинг ҳалол меҳнати Ўзбекистон Республикаси олий советининг мақтов ёрлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси, меҳнат қизил байроқ орденлари билан тақдирланган.</p>	
4.	Қаҳҳоров Абдимўмин (1928-1997)	<p>А. Қаҳҳоров 1945 йилда 1-сон ўрта мактабини битирган. 1946-1950 йилларда Самарқанд ДУ нинг филология факультетига таҳсил олган. Шундан кейин ўз меҳнат фаолиятини Қарши ўқитувчилар институтида давом эттирди. 1957-1962 йиллари у Қарши туманидаги 27-11-мактабларда ўқитувчи, раҳбар лавозимларида ишлади, 1962 йилдан у яна Қарши давлат педагогика институтида</p>	Қарши тумани Товаш қишлоғи

		<p>ўқитувчи, 1963-1965 йиллари филология факультети декани, 1979-1985 йилларда кафедра мудири бўлиб ишлади.</p> <p>У институтда таълим-тарбия ишлари билан бирга илмий соҳада ҳам самарали меҳнат қилди, 50 дан ортиқ илмий, илмий-методик қўлланмалар чоп эттирди.</p> <p>Чунончи, 1985 йил “Янги дostonлар” номли монографияси, “Ойчинор”, “Нуралининг банди бўлиши”, “Соҳибқироннинг туғилиши” каби рисоаларни чоп эттирди.</p> <p>А. Қахҳоров “Шавкатли меҳнати”, “Меҳнат фахрийси”, фашизм устидан “Ғалабанинг 50 йиллиги” медаллари билан тақдирланган.</p>	
5.	Хидиров Жўра (1930)	<p>Ж. Хидиров 1947 йилда 1-сон ўрта мактабни 10-синфини битириб, Самарқанд ДУ нинг геология факультетига ўқишга киради. Талабалик йилларида (1950) Ж. Хидиров Самарқанд вилоятидаги Қумсой тезоқар қурилишида ва Таллиғулон ГЭСининг ишга туширилишида фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 1952 йилда университетни битиргач, 1-сон ўрта мактабда кимё фанидан дарс бера</p>	ниёзмудинлик

		<p>бошладилар. Ўша йили бизлар ўқийдиган 8-“Г” синфига раҳбар бўлиб ҳам иш олиб бордилар. Икки йил (1954-1955) ўтгач, у киши Қашқадарё вилояти облОНО си қошидаги ўқитувчиларни малакасини ошириш институтига методист, 1955 йилда Қарши станциясидаги 43-мактабда директор қилиб ишга юборилди. 1959 йилдан Қарши шаҳар партия кўмитасида бўлим бошлиғи, 1961 йилда Қаршидаги медицина техникумига директор, 1964 йилдан Қарши педагогика институтининг кимё-биология факультети декани, институт партия кўмитасининг котиби вазифаларида фаолият кўрсатди. 1968 йилдан шаҳардаги маданият техникумини директори, 1973 йилдан Қаршистройга қарашли автотранспорт бўлимини бошлиғи вазифаларида ишладилар.</p> <p>Ж. Хидиров ўзининг ташкилотчилик қобилияти, меҳнатсеварлиги билан қайси ишга юборилмасин, ўша жойда тартиб-интизом, адолат ўрнатиб, таълим-тарбия ишларини юқори даражада амалга оширган. У киши олиб борган ишларни ҳозир ҳам бирга ишлаганлар, шогирдлари мамнуният билан эслашади.</p> <p>Ж. Хидировнинг меҳнати Ўзбекистон</p>	
--	--	--	--

		Республикаси Олий Советининг “Фахрий ёрлиғи” ва бир қанча медаллар билан тақдирланган.	
6.	Ўринов Тоғаймурод (1930-1998)	<p>Т.Ўринов Дашт қишлоғидаги 7-мактабни 1946 йилда 9-синфини тугатиб, кейин Қарши туманидаги 1-мактабни 10-синфида ўқиди. У 1949-1954 йиллари Самарқанд ДУ нинг ўзбек филологияси факультетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатди ва Қарши ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Самарқанд ДУ аспирантурасида таҳсил олди. 1964 йилда филология фанлари номзоди, 1965 йилдан эса доцент илмий унвонига эга бўлди. 1967-1968 йилларда университетнинг тарих-филология факультети декани, 1968-1978 йилларда халқ назорати қўмитаси раҳбари, 1989-1995 йилларда ўзбек ва рус тиллар ўқитиш методикаси кафедраси мудири лавозимларида фаолият кўрсатди.</p> <p>Т. Ўринов иш фаолияти даврида 80 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар ва методик қўлланмалар чоп эттирди.</p> <p>Тоғай Ўринов ёш авлодга таълим-тарбия бериш борасидаги хизматлари учун “Халқ маорифи аъдочиси”, “Шавкатли меҳнати учун” ҳамда “Меҳнат ветерани” медаллари</p>	Дашт қишлоғидан

		билан тақдирланган.	
7.	Очилов Муродулло (1930)	1947 йил 1-мактабни битириб, 1948-1950 йиллари Бухородаги ўқитувчилар институтида ўқиди. 1950-1953 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий ўқув машғулотларини Польша, Венгрия, Руминия, Чехословакия, Болгария каби мамлакатларнинг территорияларида ўтаган. Ҳарбий машғулотларда турли типдаги самолётлардан 47 мартаба парашютдан сакраган. Ўқув машғулотларида батальон командири вазифасини яхши бажарганлиги учун “Прикарпат” ҳарбий округ кўмондонлигининг қимматбаҳо мукофотини ва фахрий ёрлиғини олишга муваффақ бўлган. Ҳарбий унвони подполковник ва душман орқасидаги ҳарбий батальон командири. 1953-1961 йилларда 1-мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари, 1959 йили Самарқанд ДУ ни филология факультетини сиртдан тамомлаган. 1961-1968 йилларда 19-мактабда директор бўлиб ишлаган. 1968-1972 йилларда Қарши район партия комитетида бўлим бошлиғи, 1972-1976 йилларда Қамашини район партия комитетининг 2-котиби, 1977-1988 йилларда Ульянов (Касби) район партия	Ертепа қишлоғидан

		<p>комитетининг иккинчи котиби вазифаларида ишлаган. 1980 йилда ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент олий партия мактабини тугатган. 1989-1995 йилларда 19-мактаб директори, 1996-2001 йилларда Қарши туман “Нуроний” жамғармасининг раиси вазифасида ишлаган.</p> <p>М.Очилов қаерда ўқимасин ёки ишламасин берилган вазифани юқори даражада бажариб, жамоани ҳурматига сазовор бўлган.</p> <p>Кўп йиллик хизматлари учун М.Очилов 1972 йилда “Ҳурмат белгиси” ордени, 1977 йилда “Меҳнат қизил байроқ” ордени, 1955 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими мураббийси” фахрий унвони, 1989 йилда “Шухрат” медали, 2011 йилда мустақилликнинг 20 йиллик муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллиги” нишони билан тақдирланган.</p>	
8.	<p>Турсунов Остон (1932-1999)</p>	<p>1949 йил 1-сон ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаган. 1949-1953 йиллари Тошкентдаги ҳуқуқшунослик институтида таҳсил олади. 1953-1996 йиллари Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларига ишлади. 1961 йилда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бирлаштирилиб вилоят прокурори, 1964</p>	<p>Гунгон қишлоғидан</p>

		<p>йилда вилоятлар ажралиб, у Қашқадарё вилояти бош прокурори бўлиб, токи 1974 йилгача фаолият кўрсатди. 1974-1978 йиллари Сурхондарё, 1978-1983 йиллари Бухоро вилоят прокурори вазифасида фаолият кўрсатди. У 1983-1996 йиллари Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси вазифасида ишлаган.</p> <p>О. Турсунов прокуратура соҳасидаги узоқ йиллик хизматлари учун адлия катта маслаҳатчиси, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони берилган. Бундан ташқари 1965 йил “Меҳнатдаги шавкати учун” медали, 1972 йил “Ўрнатилган белгиси” ордени, 1987 йил “Меҳнат фахрийси” медали, 1992 йил “Мустақиллик” эсдалик нишони ва кўп фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. Иш фаолияти даврида икки марта прокуратура ходимларининг собиқ бутуниттифок конференциясига делегат, 10 марта Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро Халқ депутатлари вилоят кенгашига депутат қилиб сайланган.</p>	
9.	<p>Очилов Иброҳим (1933-2008)</p>	<p>1952 йили 1-мактабни 10-синфини битириб, шу йили Самарқанд ДУ нинг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кириб,</p>	шойхўжалик

		<p>уни 1957 йилда тугатади. И. Очилов университетни тугатгач, туман, вилоят газеталарида мухбир, редактор лавозимларида фаолият кўрсатди. Унинг ташкилотчилик қобилиятини эътиборга олиб, Қарши туман партия комитети саркофиблигига ишга олинди. Бу лавозимда у бир неча йил ишлаб, туман халқ хўжалигини ривожлантиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.</p>	
10.	<p>Маҳмудов Мейли (1933-2009)</p>	<p>М. Маҳмудов 1-сон ўрта мактабни битиргач, Тошкентдаги ҳозирги ўзбек миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга киради. У журналистика ихтисослигини муваффақиятли тугатиб, “Қашқадарё ҳақиқати” газетасига мухбир бўлиб иш бошлади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қўшилган вақтлари у вилоят газетасига бўлим бошлиғи, кейин “Муштум” журналида мухбир, ундан кейин Сирдарё вилоят газетасига бўлим бошлиғи, “Янги ер тонги” газетасига муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатди. Шундан кейин у 1980-1987 йиллар давомида “Джизакская правда” номли русча газетасига бош муҳаррир бўлиб ишлади.</p> <p>М. Маҳмудов ўзининг фаолиятида</p>	<p>Қарши станциясидан</p>

		<p>мамлакатимизда амалга оширилган ибратли ишларни газета саҳифаларида ёритди, камчиликларни аёвсиз танқид қилди. Унинг ўткир қаламидан чиққан мақолалар, ўткир публицистик асарлар бир неча марта республика миқёсида ўтказилган танловларда энг сара журналистик иш сифатида тақдирланди.</p> <p>Талантли журналист собиқ СССР журналистлар уюшмасининг, Ўзбекистон Республикаси журналистлар уюшмасининг аъзоси, ҳукуматимизни бир қанча орден ва медалларига сазовор бўлган.</p>	
11.	Зоиров Эшим (1934)	<p>1951 йил 1-мактабни кумуш медал билан тугатиб, Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга киради. 1956 йил университетини битириб, Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактабда физика ўқитувчиси, 1959 йилдан шу мактабда илмий бўлим мудири, 1959-1965 йиллар шаҳар халқ таълими бўлимида методист, мактаблар инспектори, шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади.</p> <p>1965-1972 йиллар 5-мактаб илмий бўлим мудири; 1972 йилдан шаҳардаги 10-мактаб директори; 1973-1983 йиллар 43-сон ўрта мактаб директори; 1983-1985 йиллар</p>	Қозикенти қишлоғи

		<p>Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи муовини; 1985-1987 йиллар вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди.</p> <p>1987-1995 йиллари шаҳардаги 3-ўрта мактаб директори, 1996-2002 йиллари шаҳар халқ таълими бўлимида методика кабинети мудир вазифасида ишлади.</p> <p>1959 йилан ҳозиргача ўзлари яшаб турган “Қарлуқ-Боғот” маҳалласида сиёсий-оммавий тарғиботчи, 2002 йилдан буён маҳалла маънавий-маърифий ишлар комиссиясининг бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.</p> <p>2010 йилда Э. Зоиров “Муаллим эсдаликлари” номли 3 фаслдан иборат китобни ёзиб китобхонларга тақдим этдилар. Унда вилоятда, айниқса Қарши шаҳрида таълимни ривожланиш тарихи, бола тарбияси ҳақида ўтган алломаларнинг фикрлари, ёшларга таълим-тарбия беришда кўп маслаҳатлар берилган.</p> <p>Э. Зоиров халқ таълими соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, “Шавкатли меҳнати учун” медали, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20</p>	
--	--	--	--

		йиллиги” нишони кабилар билан тақдирланганлар.	
12.	Бозорова Бахмал (1934-2003)	Мақтабни битиргач, кўп йиллар қишлоқда пахта бригадири бўлиб, пахтадан мўл ҳосил олишда катта муваффақиятларга эришган. 1980-1985 йиллари “Ертепа” қишлоқ советининг раиси бўлиб ишлаган. Меҳнатда эришган ютуқлари учун унга “Ленин” ордени, “Октябрь революцияси” ордени, “Меҳнат қизил байроқ” ордени билан тақдирланган. У Ўзбекистон республикаси съезди депутаты, Қашқадарё вилояти депутаты, Қарши туман партия кўмитасининг бюро аъзоси бўлган.	Шойхўжа қишлоғи
13.	Ҳазратқулов Амир (1934)	1951-1952-ўқув йилида 1-мақтабни битириб, Самарқанд ДУ нинг ўзбек филологияси факультетига ўқишга киради. 1957 йилда университетни битириб, иш фаолиятини Қарши педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлади. 1962-65 йиллари Самарқанд ДУ да аспирантурасида ўқиди. А. Ҳазратқулов филология фанлари номзоди, доцент. У 1966-1970-йиллар факультет-лараро рус тили кафедрасининг мудири; 1970-1073 йиллар факультетлараро ўзбек тили кафедрасининг мудири; 1974-1983 йиллар Қарши-Термез тайёрлов бўлими факультети декани вазифаларида	Қарши шаҳридан

		<p>ишлади. Ўша йиллари у Россиянинг Белгород, Украинанинг Ворошиловград (Луганск) педагогика институтида ўқийдиган ўзбекистонлик талабаларга “Рус ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси” (грамматикаси) фанидан машғулотлар ўтиб келган.</p> <p>А. Ҳазратқулов таълим-тарбия ишларидан ташқари 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар ва қўлланмаларни муаллифи. Унинг меҳнати “Халқ маорифи аълочиси” ва қатор “Фахрий ёрлик”лар билан тақдирланган.</p>	
14.	Боймиров Тўхтамеш (1935)	<p>1952 йил 1-мактабни битириб, шу йили Тошкент темир йўл институтига ўқишга кирди. Институтни битиргач, иш фаолиятини Мирзачўлдаги механизациялашган кўчма корхонада бошлади.</p> <p>- 1971-1977-йилларда “Мирзачўлқурилиш” бошқармасида ишлай бошлади. “Мирзачўлқурилиш” (“Голодностепстрой”) қарашли йўл қурилиш бошқармаси (ДСУ)да бош муҳандис, кейинчалик бошлиқ бўлиб ишлади. Кейин “Совхозқурилиш” трестида бошқарувчи бўлиб фаолият кўрсатди.</p> <p>- 1977-1978-йиллари Ўзбекистон Республикаси Марказий Комитетида бўлим</p>	Косон тумани Некуз қишлоғидан

		<p>бошлиғи (транспорт ва алоқа бўйича);</p> <ul style="list-style-type: none"> - 1978-1982-йиллар Жиззах вилояти партия комитетини биринчи котиби; - 1982-1991-йилларда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қўмитаси (Узглавводстрой)ни раиси лавозимида ишлади. - 1978-1982 йилларда Олий Совет депутаты бўлган. - 1972 йили бир гуруҳ чўлқуварлар билан Давлат мукофоти лауреатига сазовор бўлган. Бу мукофот уларга халқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун берилган. <p>Ҳозирги вақтда нафақада, Тошкент шаҳрида яшайди.</p>	
15.	Орипов Мейли (1935)	<p>М. Орипов Обидида қишлоғидаги 13-сон мактабида, кейин Қарши тумани 1-сон ўрта мактабда ўқиб, 1951 йилда шу мактабни 10-синфини тугатди. 1951-1954-йилларда Қарши ўқитувчилар институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таълим олди. 1954-1958 йиллари Тошкент давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатди.</p> <p>У 1958-1961 йилларда Қашқадарё вилоят Ёшлар қўмитасида бўлим бошлиғи, Қарши</p>	Некўз қишлоғи Машҳур шоир Абдулла Ориповнинг акаси

		<p>туман халқ маорифида методист лавозимларида ишлаган. 1961-1964 йилларда Қарши туманидаги С.Айний номли 33-сон ўрта мактаб директори лавозимида фаолият кўрсатди.</p> <p>М. Орипов 1964 йилдан бошлаб Қарши Давлат педагогика институтида ишлаб келмоқда.</p> <p>1967-1970 йилларда Киев давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. У фалсафа фанлари номзоди, доцент.</p> <p>1976-1986 йилларда институтнинг педагогика факультети декани, 2001-2009 йиллари сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик кафедраларининг мудирининг вазифаларида ишлади.</p> <p>М. Орипов 150 дан ортиқ илмий мақолалар ва қўлланмалар чоп эттирган. Унинг “Чинор бўлиб илдиз отдик” (2002й.), “Жамиятни ислоҳ қилиш узлуксиз жараён” (2006), “Маънавиятда бўшлиқ бўлмайди” (2009) номли китоблари муҳим аҳамиятга эгадир.</p> <p>Кўп йиллик самарали меҳнати учун М.Орипов Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони, фахрий ёрликлар билан</p>	
--	--	---	--

		тақдирланган.	
16.	Норов Қутбиддин (1935)	<p>1952-1953 ўқув йилида 1-сон ўрта мактабни кумуш медал билан битириб, шу йили Ўзбекистон миллий университетининг кимё факультетига ўқишга кирди ва уни 1958 йилда битиради. 1958-1960 йилларда Қашқадарё вилоят ижроя кўмитасида муҳандис-кимёгар, 1960-1974 йиллар Қарши педагогика институтида ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди. 1965-1969 йилларда аспирантурада таҳсил олиб, 1969 йил техника фанлари номзоди унвонини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. 1974-1985 йиллар Қарши шаҳар халқ таълими бўлимида 5-мактаб ўқитувчиси, директори лавозимларида ишлаган. У 1985-2010 йиллари вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кабинет мудири, табиий фанлар кафедраси мудири, проректор лавозимларида фаолият кўрсатди.</p> <p>Қ. Норов ўзининг фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар ва қўлланмалар чоп эттирди. Унинг томонидан яратилган ўқув қўлланмалари таълим тизимини барча босқичларида кимё фанини ўқитишда</p>	Қўрғонча қишлоғи

		<p>муҳим манбаъ бўлиб фойдаланиб келинмоқда. Қ. Норов нафақат кимё фани соҳасида, у адабиёт соҳасида ҳам ижод қилиб, “Даस्ताгул”, “Истиқлол ёғдуси” номли шеърӣ тўпламларни муаллифидир.</p> <p>Унинг сермазмун фаолияти муносиб тақдирланган. Қ. Норов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, Вилоят халқ таълими фидойиси нишони, меҳнат фахрийси нишони, Ўзбекистон Олий кенгашининг фахрий ёрлиғи ва бошқалар.</p>	
17.	<p>Шукуров Рауп (1936)</p>	<p>1953-1954 ўқув йилида 1-мактабни кумуш медал билан битириб, шу йили Тошкентдаги ҳозирги Миллий университетнинг биология-тупроқ-шунослик факультетининг агрокимё ва тупроқшунослик бўлимига ўқишга кирди. Университетни битириб, 1960 йилда Қарши давлат педагогика институтига ишга келади. Ҳозирга қадар шу университетда фаолият кўрсатиб келмоқда.</p> <p>1963-1965 йиллари Тошкент қишлоқ хўжалик институти аспирантурасида таҳсил олади ва 1969 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.</p> <p>1981-1993 йиллари институтни кимё ва биология факультети декани, ундан кейин</p>	Қумата қишлоғи

		агрокимё ва тупроқшунослик кафедрасининг мудири лавозимларида ишлади. Ҳозирги кунда у кафедра доценти вазифасида ишлаб келмоқда.	
18.	Низомжон Парда (1937)	1955 йилда 1-мактабни аъло баҳоларда битириб, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультетида тахсил олди. Москвадаги 2 йиллик олий адабиёт курсини ҳам тамомлаган. У кўшни Сурхондарё вилояти Денов туманидаги мактабларнинг бирида директор вазифасида ишлаган. Низомжон Парда педагог жамоага раҳбар бўлиб ишлаш билан бирга адабиёт соҳасида ҳам сермахсул ижод қилди. Унинг “Муҳаббат, муҳаббат”, “Бу бўстон аро”, “Бахтинг”, “Тоғлар оралаб”, “Оққушлар диёри” номли шеърий тўпламлари 1964-1994 йилларда чоп этилган. Н. Парданинг “Ҳайрат ёхуд Бобошаҳар дунёси” (ривоят, ҳикоя, латифа, ҳақиқат аралашган назм) 1-китоб, Т. “Фан” нашриёти, 1994; 2-китоб “Ҳайрат ёхуд етти сайёра” Т. “Шарқ” нашриёти 1998; 2-китоб “Ҳайрат ёхуд Ойбаланд” роман. “Шарқ” 2000 йилда нашрдан чиққан. Унинг асарлари ўзбек, рус, украин,	Батош қишлоғидан

		<p>молдаван, турк, тожик каби бир неча тилларда чоп этилган.</p> <p>1960 йилдан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шухрат” медали совриндори. Ўзбекистон Республикаси “Олтин мерос” хайрия жамғармаси Сурхондарё вилояти Денов шаҳар Ат-Термизий маркази раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.</p>	
19.	<p>Иброгимов Исмоил (1937-2005)</p>	<p>1955 йилда 1-сон ўрта мактабни битириб, темир йўлда тарозибон бўлиб фаолият кўрсатди. 1958-1963 йиллари Қарши давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида таҳсил олди. Институтни битиргач, шаҳардаги 2-сон ўрта мактабда ўқитувчилик қилади. Кейинчалик у қишлоқ хўжалиги соҳасига ишга ўтиб, Қарши туманидаги “Насаф” номли совхозига партком, 1982-1988-йиллари “Аврора” номли совхозда директор вазифасида ишлади. 1989 йилдан бошлаб Касби туманидаги пахта тозалаш заводи директори лавозимида фаолият кўрсатди. Иш давомида (1987-1992) Тошкентдаги қишлоқ хўжалик университети мева ва сабзавотчилик, узумчилик ихтисослиги бўйича сиртдан таҳсил олди. 1993 йилдан бошлаб Қарши</p>	Мирмирон қишлоғи

		пахта трестида директор ўринбосари бўлиб ишлади. И. Ибрагимовнинг халқ хўжалигини ҳар хил соҳасидаги меҳнати қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.	
20.	Шукуров Жалил (1937-2011)	<p>Ж.Шукуров 1954 йилда 1-мактабни битириб, шу йили Самарқанд шаҳридаги савдо институтига ўқишга киради. 1958 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, 1958-1961 йиллари Қашқадарё вилояти Матлубот жамиятига товаршунос лавозимида ишлади.</p> <p>У 1961 йилдан бошлаб Қарши давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади, 1963-1966 йиллари Россиянинг Ростов-Дон шаҳрида аспирантурани ўтди. 1966 йилда иқтисод фанлари номзоди деган илмий даража олиш учун диссертация ҳимоя қилди.</p> <p>Ж. Шукуров 1967-1976 йиллари Қарши давлат педагогика институтида “Иқтисод назарияси” кафедрасида мудир, 1976-1981 йилларда Қашқадарё вилояти партия комитетида тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1981-1983 йиллари Қарши ирригация институтида проректор; 1983 йилдан Қарши педагогика институти доценти,</p>	Каманди қишлоғи

		<p>1985-1987 йиллари институт партия кўмитасининг котиби лавозимида фаолият кўрсатган.</p> <p>Ж. Шукуров меҳнат фаолияти давомида “Ҳурмат белгиси” ордени, “Меҳнат ветерани” медали ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.</p>	
21.	<p>Рашидов Зайниддин (1939)</p>	<p>1958 йил 1-мактабни 10-синфини битириб, 1958-1962 йиллари армия сафида хизмат қилган. 1962-1966-йиллари Қарши педагогика институтининг рус филологияси факультетида сиртдан ўқиди. 1964-1968 йиллари Тошкентдаги Олий партия мактабида таҳсил олди. 1968-1970 йиллари Қашқадарё вилоят ижроия кўмитасини орг. бўлимида катта инспектор вазифасида фаолият кўрсатди. 1970-1992 йиллари Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасига сиёсий ишлар бўйича бошлиқ муовини вазифасида ишлаган. Ҳарбий унвони – полковник. Берилган вазифани юқори савияда бажарганлиги учун ҳар 10,15, 20 йилларда “Яхши хизматлари учун” медали ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Ҳозирги пайтда Қарши шаҳрининг “Маҳаллот” маҳалласида ободончилик</p>	<p>Ниёзмудин қишлоғи</p>

		ишларини амалга оширишга фаол иштирок этиб келмоқда.	
22.	Сунатов Ҳазрат (1940-1989)	Ҳозирги М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетини битириб, 1960-70-80-йиллари “Қашқадарё ҳақиқати” газетасида мухбир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлаган. Бу йиллари мунтазам равишда газетага вилоят ҳаёти ҳақидаги очерклари, мақолалари чиқиб турарди. 80-йилларда Қашқадарё вилояти партия кўмитасида бўлим бошлиғи (орг.отдел), кейин Қашқадарё вилоят ижроия кўмитасининг масъул котиб вазифаларида фаолият кўрсатган.	пармитонлик
23.	Насимов Ризо (1941-1997)	Мактабни 1957-1958 йилларда битириб, кейин Тошкентдаги халқ хўжалик институтига ўқишга киради. Мазкур институтни 1962 йилда тугатиб, Қарши туманидаги “Қарши” номли совхозга иқтисодчи бўлиб иш бошлайди. У бу лавозимга 5 йил фаолият кўрсатади. Кейин Қашқадарё вилояти ижроия кўмитаси режалаштириш бўлимига олдин ўринбосар, кейин бошлиқ вазифасида фаолият кўрсатади.	ниёзмудинлик
24.	Мансурова Шодиой	1963 йили 1-мактабнинг 10-синфини тугатиб, Қарши давлат педагогика	мирмиронлик

	(1946)	<p>институтининг кимё-биология факультетига ўқишга қабул қилинади. Институтни битиргач, 1969 йилда уни Қарши туман комсомол ташкилотида ташкилий ишлар бўлими бошлиғи, кейин туман партия қўмитасининг идеология бўйича котиби, 1983-1988 йилларда Шаҳрисабз шаҳар партия қўмитасининг 1-котиби; 1988-1991 йилларда вилоят партия қўмитаси идеология бўлими бошлиғи; 1991 йилдан вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларида хотин-қизлар қўмиталарида фаолият кўрсатди.</p>	
25.	<p>Исломов Имом (1947)</p>	<p>Мактабни 1962-1963 ўқув йилида битиргач, 1964 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик механизациялаштириш ва ирригациялаш институтига ўқишга кириб, 1969 йилда тугатган. 1969-1970 йиллар ҳарбий хизматда, 1971-1972 йилларда Қарши туманидаги “Намуна” ж.ш.х да механик ва инженер, 1977-1984 йиллари вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 1985-1993 йиллар Нишон тумани ижроя қўмитасининг раиси, 1993-1995 йиллар Вилоят нефть маҳсулотлари таъминот бошқармасининг бошлиғи. 1998-2000 йиллар вилоят “Агромашсервис” акционерлик (Облсел-</p>	<p>Қоратепа қишлоғидан</p>

		<p>хозтехника) бирлашма раиси, ундан кейин Қамаши туман ҳокими вазифаларида ишлаган.</p> <p>У ўзининг иш фаолияти даврида ҳукуматнинг “Меҳнат қизил байроғи”, “Ҳурмат белгиси” ордени ва қатор медаллар билан мукофотланган.</p>	
26.	<p>Ражабова Нилуфар (1975)</p>	<p>Н. Ражабова 1982-1992 йиллари Қарши туманидаги 1-ўрта умумий таълим мактабида, 1994-1999 йиллари Қарши ДУни тарих факультетида таҳсил олди.</p> <p>2001-2003 йиллари Қарши ДУни аспирантурасига ўқишга кириб, 2007 йилда Уз.Р. Фанлар академиясининг тарих институти қошидаги ихтисослашган кенгашда “Қашқадарё воҳаси археологик ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.</p> <p>Унинг ҳозирга қадар республика миқёсидаги журналларда, тўпламларда 30 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари чоп этирилган. Айти кунда унинг “Ўзбекистонда археология мактабининг шаклланиши ва ривожланиши (Қашқадарё воҳаси археологик ёдгорликларини ўрганилиш тарихидан)” номли монографияси нашр этилган.</p>	Шойхўжа қишлоғи

		<p>Археология асослари фанидан таълим технологияси бўйича ўқув-услугий қўлланмаси нашрга тайёрланмоқда.</p> <p>Ражабова Н. 2004 йилдан буён Қарши ДУ тарих факультети жаҳон тарихи ва археология кафедрасида фаолият кўрсатиб келмоқда.</p>	
--	--	---	--

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек бир неча ўн йиллар давомида 1-мактабни юзлаб, минглаб ёшлар битириб, баъзилари кейин олий ўқув юртларида таҳсил олиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилиб, мамлакатимиз ривожига ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида нафақат мактаб педагогик жамоасининг меҳнати, ўзларининг қобилияти, меҳнати, интилишлари ҳам муҳим ўрин тутган.

Ражабов Худойберди (ертепалик) – Қарши туман райкомсомолда, туманда қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи, Қарши район райижрокўм раисининг ўринбосари, Дашт қишлоғидаги собиқ “Ленинизм” колхозининг раиси, Каршистройда боғдорчилик бўйича раҳбар лавозимларда фаолият кўрсатган. У катта ташкилотчи, раҳбар, ишбилармон киши сифатида жамоада катта ҳурматга сазовор бўлди.

Сафаров Салим (харамжўйлик) – қурувчи, СССР Олий советининг депутаты, ҳукуматни бир неча орден ва мукофотларига сазовор бўлган.

Ўроқов Рўзи (мағзонлик) – темир йўллар инженери, Қарши шаҳар комсомол кўмитасининг биринчи котиби, КГБ ходими, журналист ва

бошқа соҳаларда фаолият кўрсатган. Ҳар қандай ишни бажара оладиган, жуда қобилиятли инсон бўлган.

Саидов Бобоқул (Дашт қишлоғидан) – ўқитувчи, Қарши туман халқ таълими бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Серқиррали инсон бўлган.

Каромов Зайни (камандилик) – узоқ йиллар Қарши ДУ ниннг физика кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифаларида ишлаган. Университетда анорзор боғлар барпо қилган. Нафақага чиқиб Қарши шаҳри истироҳат боғи яқинида катта мевали боғ барпо қилган.

Каромов Лутфулло (камандилик) – педагогика фанлари номзоди, доцент, ҚДУнинг математика факультетида кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлаган.

Бекназаров Суюн – узоқ йиллар Қашқадарё вилоят касаба уюшмаси ташкилотига масъулиятли вазифаларда ишлаган.

Ботиров Жўра (кумоталик) – тупроқшунослик фанлари номзоди, доцент, Қарши ДУ да кўп йиллар ишлади.

Юсупов Муҳиддин (хонободлик) – зоотехник, қишлоқ хўжалиги, спорт соҳасида (ипподром директори) меҳнат қилган.

Элмонов Мўмин (шойхўжалик) – математика фанининг билимдони бўлган, узоқ йиллар Қарши станциясидаги 43-мактабда ўқитувчи, мактаб директори лавозимида ишлади.

Очилов Исмат (ертепалик) – чет тили ўқитувчиси, кўп йиллар Қашқадарё вилояти таълим бўлими қошида ГПТУ, СПТУ ларга раҳбарлик қилган.

Одилов Жўра (ниёзмудинлик) – қурилиш устаси, аълочи савдо ходими. Фамилиясига яраша доимо адолат учун курашган, оқибатли дўст бўлган. Вилоятда ички ишлар соҳасида ягона генерал Хушвақт Норбўтаев вазифада ишлаб турган даврларда атрофларида юзлаб киши

гиргитон бўлиб турган, аммо у кишини ҳаётларини охирига пайтларида фақат Жўра Одилов қолди. У кишини ҳамма ташвишларига шерик бўлиб юрди. Х.Норбўтаев вафот этганларидан кейин ҳам тегишли жойларга мурожаат қилиб, Косон тумани Гувалак қишлоғи қабристонига қўйилган Х. Норбўтаев қабрига хотира тошини қўйишга ташаббус кўрсатди.

Рўзиев Ўсар (Дашт қишлоғидан) – ўқитувчи, мутахассислиги инженер. Узоқ йиллар Қаршистрой учун ҳар хил мутахассислар (шофёр, бульдозерчи, тракторчи...) тайёрлаб берувчи ўқув комбинати директори, ПМК ларда инженер, бошиқ вазифаларида фаолият кўрсатган.

Нажимов Қамар (1912-1977). 1970-йилларнинг бошида шаҳардаги Чармгар маҳалласига тўйга таклиф этилдим. Бу маҳалладан кўп етук кадрлар чиққан: А.Тўлаев (1-мактаб директори ҳам бўлган), И.Шукуров, Ш. Эшонқулов, С.Саломов, Ҳ. Ҳамроев... бунинг сабаби ўша маҳаллада жойлашган 2-мактабнинг таъсири бўлса керак. Тўйда маҳалланинг обрўли кишилари бир столда ўтиришган экан, мени ҳам ўша столга ўтказишди. Тўрда бир бўйи узунроқ, қорамтир, кўзлари кўк киши гапириб ўтирарди. Атрофдаги ҳамма кишини эътибори ўша киши эди. У киши сиёсий, иқтисодий, экологик масалалар, келгусида 20-30 йилдан кейин бўладиган воқеалар ҳақида дадил, асосланиб гапирар эди. Ўша йиллари бундай гапларни гапиришга ҳамма ҳам журъат эта олмас эди. Шундан кейин у кишига биринчи сўзни беришди. Тўй эгалари, тўй сабабчилари ҳақида шундай жўшиб, мазмунли гапирдики, ҳамма ўтирганлар хурсанд бўлиб қарсак чалишди.

Албатта мен у киши ҳақида олдин ҳам эшитган эдим. 50-йилларда Қашқадарё вилоят театри директори бўлганлиги, Ч. Ҳамроев билан “Тозагул” деган пьеса ёзиб, сахналаштириб, театрга

кўйганларидан хабарим бор эди. Аммо ўзларини ҳеч учратмаган эдим. Ушбу тўйдан кейин ҳам бошқа учратмадим, тўғри келмади.

Яқинда Жўра Хидиров, Муродулло Очиловлар билан суҳбатлашиб, К. Нажимов ҳақида гап кетганда, у кишилар К. Нажимов бир неча йиллар Узоқ Шарқда, Россияни бошқа вилоятларида Собиқ совет армияси сафида офицер бўлиб хизмат қилганини, бир неча тилларни (тожик, араб, рус...) мукаммал билишларини, чет элларда ўша даврда хизматда бўлганликларини, кўп нарсани билувчи билимдон, катта қобилият эгаси бўлганларини айтиб қолдилар. Охирги вақтларда у киши геология-қидирув идорасида касаба уюшмаси раиси бўлиб хизмат қилган. Ўша даврда геология-қидирув ташкилотида кўп рус кишилар ишлаган. Уларнинг кўпи К. Нажимовни ҳурмат қилиб “ота”- “отец” деб аташаркан. У киши вафот этгач, Пармитон қишлоғининг қабристонига қўйилган. Жўра ака Хидиров, яқинда бир неча рус хотин-қизлари, эркалари қабристонга келиб, у кишининг қабрларини атрофларини, йўлакларини тозалаб, қабр тоши, гуллар қўйиб ўзларини у кишига бўлган ҳурматларини изҳор этиб кетганини айтдилар. Албатта, биров-бировни бекорга ҳурмат қилмайди. Вақтида К. Нажимов уларга хизмат қилгандирлар. У кишининг инсонпарварлик, одамийлик, ишбилармонлик хислатларини тан олиб, ҳурмат қилиб келишган.

Бундай инсонларнинг ҳаёт йўлини ўрганиб, у киши ҳақида китоб ёзса арзийди. Афсуски кўп киши, айниқса ёшлар шундай инсонлар бўлганлигини билишмайди. Ёш авлод бундай инсонлардан ўрнат олишлари керак.

1-мактабни битирганлардан бир нечалари шифокорлик касбини эгаллаб, халқимизни ҳар хил касалликлардан муҳофаза қилишда хизмат қилиб келмоқдалар:

Бобоқулов Саттор (хилоллик) – вилоят ўпка касалликлари диспансерига бош врач бўлиб ишлаган.

Юсупов Мардон (камандилик) – узоқ йиллар Қарши шаҳридаги 1-поликлиникада врач-кардиолог бўлиб ишлади.

Эшмуродов Зайнаб (камандилик) – Сирдарё вилоятида врач бўлиб ишлади.

Рахматов Зайнаб (губдинлик) – Қарши шаҳар касалхонасида врач.

Муҳаммадиева Салвар (шойхўжалик) – узоқ йиллар Қарши шаҳридаги ўпка касалликлари диспансерида даволовчи врач, бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилди.

Сафаров Панжи (ниёзмудинлик) – Қашқадарё вилоят касалхонасида бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Файзуллаев Абдулло (ниёзмудинлик) – Қарши станциясидаги поликлиникада врач-рентгенолог бўлиб фаолият кўрсатди.

Бердиева Ўзгилрой (губдинлик) – Қарши шаҳридаги 2-поликлиникада терапевт врач бўлиб ишлайди.

Албатта, юқорида келтирилган, 1-мактабга ўқиб ҳар хил соҳаларда хизмат қилганлар рўйхати, улар ҳақида маълумотлар ҳам тўлиқ эмас. Бу ишларни тўлиқ амалга ошириш анча мушкул иш экан. Шунга қарамай, бу инсонлар ким, қанчалик муҳим иш қилганликлари ҳақида келтирилган қисқа маълумотдан ҳам зийрак китобхон тушуниб олади, деб ўйлаймиз.

Айниқса, мактаб ўқувчилари шундай инсонлар ўқиган мактабда мен ҳам ўқияпман, деб фахрланишлари, шундай кишилар бўлиб етишишга интилишлари керак.

Кейинги бир неча ўн йиллар давомида ўқувчиларнинг ўқишга қизиқиши турли бўлди. Масалан, ўтган асрнинг 40-50-йилларида

Ўқувчиларни ўқишга қизиқиши катта бўлган. Ўша йиллари Тошкент, Самарқанддаги олий ўқув юртларининг вакиллари мактабларга келиб, ўзлари ишлайдиган институтларга ўқувчиларни ўқишга таклиф этиб, институт тайёрлайдиган мутахассисликларни мактабларда ташвиқот ўтказишарди. Чунки, ўша йиллари жойларда ҳар хил соҳа мутахассислари етишмаган, туман ва вилоятларда ўрта мактаблар, уларни битирувчилари кам бўлган. 60-нчи йиллардан кейин 70-80-йилларда ҳар хил соҳада мутахассислар етишди, матбуотда “Чўпоннинг боласи чўпон бўлиши керак, деҳқоннинг боласи деҳқон бўлиши керак” деган мазмунда мақолалар чиқабошлади, ташвиқот қилина бошланди. Бундан ташқари хўжалик раҳбарлари, ҳатто бригадирлар мактабга келиб, ўқишни қўйиб ўқувчиларни пахтани ёки бошқа экинларни у ёки бу ишига чиқишга буйруқ беришарди. Айниқса, биз яшаб турган жой яқинида “Каршистрой”га тегишли корхоналарнинг ташкил этилиши, уларда кўп ишчилар ишлаши талаб этилади. Мактабни битирган кўп ёшлар ушбу корхоналарга жалб қилинди. Бунинг устига мазкур корхоналарда ишчиларга яхши иш ҳақи тўланди, кўп имтиёзлар берилди. Шофёр, токар, бульдозерчи кабиларни иш ҳақи институтда ишлайдиган доцентларнинг ойлигидан қарийб икки баравар кўп эди. Ўша даврда санатория ва курортларга, чет элга борувчиларга йўлланмалар, уй, машиналар берилиши (ўша йиллари машина олиш жуда қийин эди) биринчи навбатда ишчилар ва деҳқонларга бериларди. Ҳатто фирқага аъзо бўлиш ҳам ишчи ва деҳқонлар бўла оларди. Зиёлиларга эса юқорида келтирилган имтиёзлар жуда кам бериларди. Эҳтимол, ўша даврда ёшларни олий ўқув юртларига бориб ўқишга ҳавасларини сусайишининг асосий сабабларидан бири шу бўлса керак. Ўша йиллари 1-мактабни битирган санокли ўқувчилар олий ўқув юртларига кирардилар. Аммо

кейинги йилларда ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишлари ошди. Улар билим олиш керак эканлигини тушуниб етдилар. Улар мактаб, коллеж ўқитувчилари берган билимга қаноат ҳосил қилмай, шаҳар ва бошқа жойлардаги ўз фанининг билимдонлари бўлган ўқитувчлардан (репититорлардан) қўшимча дарс олишга ҳаракат қиляптилар. Ҳар йили мактаб, кейин коллеж, лицейларда ўқиган ёшлар нафақат Қаршидаги, балки Тошкент, Самарқанддаги олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёшларни чуқур таълим-тарбия олишларига катта эътибор бериб, катта маблағ ажратмоқда. Мактаб, коллеж, олий ўқув юртларининг ўқув базалари мустаҳкамланмоқда, чунончи, ўқув юртлари компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Чунки, мамлакатнинг келгусидаги тараққиёти авваламбор мактабларда, кейин коллеж ва университетларда чуқур билим олган, ахлоқий, маънавий, жисмоний, интеллектуал жиҳатдан етук бўлган ёшларга боғлиқ. Бу борадан жаҳон тарихидан биргина мисол: Япония иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраб хароб бўлиб қолган. Урушдан кейин мамлакат раҳбарияти бор маблағни ёшларнинг таълим-тарбиясига сарфлаб, уларни яхши ўқишлари учун ҳамма қулай шароитни яратди. Кўп ўтмай бу ишлар ўз меvasини берди. Мактаб ва бошқа ўқув юртларида яхши ўқиб чиққан ёшлар мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириб, Японияни дунёдаги энг тараққий этган мамлакатга олиб чиқишди.

Бизнинг мамлакатда айрим вилоятларда, мактабларда таълим юқори савияда олиб борилади. Масалан, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги бир мактаб ўқувчиси дунё бўйича математика фанидан ўтказилган олимпиадада фахрли 1-ўринни эгаллади. Ўша даврда мазкур мактабда ҳатто компьютер ҳам бўлмаган. Ўқитувчи доска, дафтар

воситасида математикани ўргатиб, шу даражага етказган. Ҳозирги вақтда Бухоро мактабида олий ўқув юртига кириш учун ўқувчиларни ўқитишади ва уларнинг асосий қисми киради. Бунга республикамизнинг барча вилоятларидан ота-оналар болаларини кўйиб, ўқитишади.

Бухоро давлат университетида Саидов Аҳмаджон деган доцент ҳамкасбим, қадрдоним бор. У киши профессор Ҳ. Абдуллаев билан ҳамкорликда ўрта мактаб ўқувчилари учун “Зоология” дарслигини биринчи бўлиб ёзишган эди. Бундан бир неча йил олдин Бухорога бориб, у киши билан учрашганимда, мен ҳозир университетда ишламайман, шаҳардан 30 км узоқликдаги Ромитон туманидаги коллежга ишга ўтдим, деб қолдилар. Мен, нега университетдан кетдингиз, деб сўрадим. У киши эса, коллеж директори шогирдим эди, кўймасдан олиб кетди. Уйдан эрталаб машинага олиб кетади, кечқурун келтириб қўяди, ҳамма қулайликларни яратган. Менинг ишим фақат талабаларга яхши дарс ўтиб бериш. Бизда мактаб, коллеж директорлари ўз фанини чуқур билган, билимдон ўқитувчиларни қидириб юришади, дейди Аҳмаджон Саидов.

Ҳа, мактаб ва коллежларда ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, кимё, биология, чет тили фанларидан билимдон, фидойи ўқитувчилар бўлса, улар ўқитган ўқувчилар олий ўқув юртиларига бемалол киришади ва яхши ўқиб, келгусида етук мутахассис бўла олади. Таълим тизимида энг асосий ишни билимдон, фидойи ўқитувчи амалга оширади. Бунда ўқувчилар ҳам ҳаракат қилишлари керак.



20-расм. Мактаб директори Ж. Саломов ўқитувчиларга навбатдаги топшириқларни бермоқда.



21-расм. Бошланғич синф ўқитувчиси Турсунова Р. 1-синф ўқувчилари билан машғулот ўтказмоқда.



22-расм. Рус тили тўғараги аъзолари бадий кеча ўтказмоқдалар.



23-расм. Мактаб ўқувчилари шанбаликда иштирок этмоқдалар.

Кишининг ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишиши учун фақат ўзини мутахассислигини чуқур билибгина қолмай, адабиёт ва санъатни ҳам билиши керак экан. 1964-1967 йиллари Москвада аспирантурада ўқиб юрганимда ҳар йили январ ойида ўша йиллари Ўзбекистон фанлар академиясининг президенти бўлиб ишлаган академик Обид Содиқов (у киши кимёгар олим) аспирантлар уйига келиб Ўзбекистондан келиб Москвада ўқиётган аспирантлар, докторантлар билан суҳбат ўтказардилар (у киши Ҳабиб Абдуллаевдан кейин Ўзбекистонда фанни ривожланишига катта хизмат қилган инсон). Эшитганлар келарди, 40-50 киши атрофида бўлардик. У киши ҳар бир аспирант ёки докторантни турғазиб, уни қайси соҳа мутахассиси бўлишига қарамасдан қайси институтдан, неча йилдан буён Москвада юрибсиз, деб кейин шу даврда қайси музейда, қайси кўрғазмада бўлдингиз, қайси театрда қандай спектаклни ёки яқинда чиққан машҳур кинофильмни кўрдингиз, деган саволларни берардилар. Деярли ҳаммага шу саволни бериларди. Асосан шу мавзуларда суҳбат ўтарди. Албатта, кейин диссертация иши бўйича кимга қандай муаммо бўлса, тинглаб, кейин тегишли ёрдамни ёки маслаҳатни берардилар.

Аввал бизлар тушунмадик, суҳбатдан кейин бир-биримизга биз Москвага музей кўргани келганмизми, диссертацияни ким қилади, деб кўярдик. Аммо у киши билан келгуси йили бўладиган учрашувда саволларига жавоб бера олмай қолмайлик деб музей, театр, кўрғазмаларга бора бошладик. Кўпинча микробиология институти аспиранти дўстим Тошпўлатов Жамолиддин билан бирга борардик. Уни ўзи биолог бўлса ҳам адабиётни, санъатни жуда яхши тушунарди. Чунки, Тошкентда яшаганда уни уйи ҳозирги Миллий академик театр яқинида бўлган. У доимо спектаклда кичик ролларда,

муҳокамаларда қатнашган бўлган. Кейинчалик билсак адабиёт, санъат инсонни ҳар томонлама шаклланишида катта таъсир кўрсатувчи муҳим омил экан. Баъзи одамлар ҳатто илмий даража ва унвонларга эга ёки ишбилармон муҳандис ёки раҳбар ходим бўлса ҳам, аммо у маънавий жиҳатдан қашшоқ. Бундайлар билан суҳбатлашсангиз бирор классик ёзувчининг китобини ўқимаган, театрда классик ёзувчиларнинг асарларини ёки унинг киносини кўрмаган. Бундайлар ҳеч вақт юқори маънавиятга эга бўлолмаган. Кейин билсак ўша даврда О. Содиқов тўғри талаб қўйган эканлар. Кейинги йилларда ёшлар бадиий асарларни кам ўқиб қолишди, асосан телевизор кўриш билан чегараланиб қолмоқдалар. Бундай ҳолат уларни ҳар томонлама ривожланишига олиб келмайди.

Илгарилари адабиёт ўқитувчилари бирор ёзувчини ижодини ўтишдан 15-20 кун олдин ўқувчиларга фалончи ёзувчини ўтамиз, унинг фалончи асарини ўқинг, яқинда дарсда ўтамиз, деб топширик берарди. Шунгача ўқувчилар мазкур повесть ёки романни ўқиб, асар билан таниш бўлардилар.

Албатта, китоб ўқиганда асосан мумтоз ёзувчиларнинг асарларини ўқиган маъқул. Булар Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаххор, Абдулла Орипов, чет эл адабиёти вакиллари Чингиз Айтматов, Махтумқули, Л.Н. Толстой, М.Ф. Достоевский, А.П.Чехов, А.С. Пушкин, Н.В. Гоголь, М.Ю. Лермонтов, В. Шекспир каби машҳур ёзувчиларни асарларини ўрганиш, ўқиш керак. Ўқувчиларни юқорида келтирилган классик ёзувчиларнинг асарларини маъносини тушуниб етишишларида адабиёт, рус тили ва бирор хорижий тил ўқитувчилари уларга кўмаклашишлари лозим. Китоб ўқишда ҳам китобхондан маълум бир моҳирликни талаб қилинади. Бирор китобни ўқиб чиқиш бу китоб ўқиш эмас, китобдаги

маълумотларни эслаб қолиш, бу ҳам китоб ўқиш эмас. Китоб ўқиганда ундаги ёзувчининг фикрини, мақсадини, ғоясини тушуниб, ўзининг ҳаётига тадбиқ эта олса, уни китоб ўқиш дейилади.

Хотима

Шундай қилиб, Ғубдин қишлоғининг тарихи, одамларининг урф-одатлари, уларнинг халқ хўжалигигини ҳар хил соҳаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу диёрни қадимдан бой ўтмиши, жасоратли, ишбилармон кишилари бўлганлиги, уларнинг мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшганликларидан фахр билан ҳис ҳосил қиламиз.

Қишлоқнинг ғарбий қисмидаги Толлисортепа, қадимги Насаф шаҳрининг дарвозасининг бирини Ғубдин номига қўйилиши, бундан минг йил олдин ушбу қишлоқдан ўнлаб ҳадисшунос олимлар – Ғубдинийлар етишиб чиққанликлари, Бухоро амирини қишлоққа ташриф буюриши Ғубдин қишлоғининг қадимдан мавқеи, тутган ўрни юқори бўлганлигини кўрсатади.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида қишлоқни кўркам, обод бўлиши, суғориш ишларини яхши йўлга қўйилиши Жўрабек, Холмуродбек каби миробларни хизмати эканлигига ишонч ҳосил қилмасликка илож йўқ.

Қишлоқ аҳли 30-йилларда кулоқлаштириш, колхоз тузиш каби машаққатли воқиаларни бошидан ўтказди. 40-нчи йилларда эса даҳшатли II жаҳон уруши ортида бўлиб, фронтдагиларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак етказиб беришда фидокорона меҳнат қилди, 40 дан ортиқ йигитларни урушга сафарбар қилди.

Урушдан кейинги йилларда, уруш жароҳатларини тиклаш борасида меҳнат қилди. Марказ олиб борган бир қатор ғайритабиий ислоҳатларидан (Қашқадарё билан Сурхондарёни бирлаштирилиши, қишлоқ хўжалигида захарли кимёвий препаратларни ўта кўп

кўлланиши, пахта яккаҳоқимлиги, хўжаликни давлат хўжалигига ўтиши билан меҳнатга ҳақ тўлашни кескин камайиб кетиши кабилардан) қишлоқ халқи қанчадан-қанча азият чекди. Қаршистрой очилиши билан кўп соғлом, ёш йигитлар унинг ҳар хил тармоқларида ишлаб, оилаларининг иқтисодий аҳволини бироз яхшиланди, аммо у ҳам узоққа чўзилмади, яъни Қаршистрой корхоналари тарқатилиб, кўп одамлар ишсиз қолди. Мустақиллик берган эркинлик туфайли одамлар ўз касбларини ривожлантириб, иқтисодий аҳволларини бирмунча яхшилаб олдилар.

Бир вақтлар Қарши туманида ягона бўлган 1-мактабни Ғубдин қишлоғида ташкил этилиши, унда олиб борилган таълим-тарбия ишларида, мактабни битирганларни мамлақтимиз халқ хўжалигини ривожлантиришдаги қўшган ҳиссаларига қишлоқ аҳлини ҳам ҳиссаси бўлди.

Ҳар бир инсоннинг беғубор ёшлиги ўтган жой ёки унинг яшаб турган жой – унинг Ватанидир. Чунки, мазкур жойни табиати, ўтган воқиалари, одамлари ва уларнинг ишлари киши руҳига, онгига шунчалик чуқур из қолдирадиги, бу одамлар унинг қалбидан ҳеч вақт ўчмайди.

Ғубдин қишлоғи ҳам ғубдинликлар учун шундай жой. Шу қишлоқда яшаб турган ҳар бир киши қишлоқнинг ободончилиги, шаъни учун ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши, курашиши керак.

Маълумки, мустақиллик туфайли мамлақатимизнинг кўп қишлоқлари обод, кўркам бўлиб бормоқда. Республика, туман, вилоятлардаги кўп қишлоқларнинг аҳолисини кейинги йиллардаги турмуш тарзини, қишлоқни ободончилигини, унда етишиб чиққан кадрларни солиштирганда, аксарият ҳолларда айрим қишлоқларга қараганда Ғубдин қолақ бўлиб қолган. Қадимги замонларда эҳтимол

Қашқадарё музофотининг маркази бўлган Толлисортепа, Насаф дарвозаларидан бирига Ғубдин номи берилган. X асрларда ўнлаб хадисшунос олимлар етишиб чиққан. XIX аср охири XX аср бошларида ҳам Бухоро амирининг назари тушган, қишлоқдаги 1-мактабда юз-минглаб етук кадрлар етишиб чиқиб, мамлакатимиз ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган. Ушбу ҳудудда энг кўркам бўлган Ғубдин қишлоғи бугунги кунда шундай ҳолатга келган. Қишлоқни бундай ҳолга тушиб қолганлигини сабабини таҳлил қилмоқчи бўлсак, унинг сабаби кўп. Айниқса, бир томондан биз юқорида айтган XX асрнинг иккинчи ярмида марказ томонидан ўтказилган ғайритабиий ислоҳотлар бўлса, иккинчи томондан қишлоқдан туман ва вилоят миқёсида масъулиятли вазифаларда ишлаган раҳбарларнинг етишиб чиқмаганлиги десак хато бўлмаса керак. Агар шундай раҳбарлар кўпроқ бўлганларида, ўша йиллари қишлоқлар тараққиётини белгиловчи режалар тузилаётганда туман, вилоят режалаштириш бўлимига Ғубдин ҳам киритилган бўларди. Туман, вилоят миқёсидаги раҳбарларнинг аксариятини ҳамма қишлоқларни бир кўзда кўрмаслиги, бор имкониятни ўзларига яқин жойларга қаратишлари сир эмас.

Қишлоқни қоқоқ бўлиб қолишининг сабабларидан яна бири экинзор далаларни камайиб кетишидир. Ғубдиннинг ғарбий қисми орқали Қарши бош магистрал канали, йўлларни ўтказилиши турар жойлар учун экинзор далаларни олиб қўйилиши, олдинги йиллар кўп ерларни хўжалик раҳбарлари ва мутасадди кишилар томонидан талон-тароҷ қилиниши, сотиб юбрилиши каби ишлар ҳам аҳолини иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Чунки, юқоридаги ишлар оқибатида экинзор далалар камайди, мол боқиладиган яйловлар қолмади. Кўп ариқларни кўмиб юборилиши натижасида аксарият

қишлоқ аҳолисини озгина томорқасига ҳам сув бормай қолди. Канал сувидан насос орқали сув олишни ҳам машаққатли томони кўп. Юқридагилар ҳамда 2011-2012-йилларни ёз ойларида ҳавони жуда иссиқ келиши боғлардаги, шахсий участкалардаги кўп дарахтларни қуришига сабаб бўлди.

Мустақиллик даврига берилган эркинликлар туфайли кимдир машина сотиб олиб, уни ишлатиш орқали, кимдир тижорат ишлари билан шуғулланиб, кимдир фермер бўлиб, кимдир давлат корхоналарига ишлаб, ҳозирги даврда кўплар олдинги ночор ҳолатдан чиқиб кетишди.

Қишлоқ қулай географик жойда, вилоят, туман марказларига яқин жойлашган бўлса ҳам эътиборсизлик туфайли унда талай муаммолар пайдо бўлди:

- Авваламбор аҳоли томорқаларини суғориш чораларини кўриш. Бунинг учун каналдан ҳозирги вақтда мавжуд Дамшоқ ариғи орқали қишлоқни шарқий қисмидан қишлоқ томон вақти-вақти билан сув оқизиш чорасини кўриш;
- Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳукумати катта маблағ ажратиб, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрмоқда;
- Экинзор далаларни талон-тарож қилмасдан, боғ-роғлар, токзорлар барпо этиш, муҳим экинларни экишни ташкил этиш;
- Мавжуд мевали дарахтларни кесиб ташлашни тўхтатиш;
- Олинган ҳосилни қайта ишловчи кичик корхоналар ташкил этиш. Ҳозирги вақтда етиштирилган мевалар арзон нархда

четга чиқиб кетмоқда. Бунинг учун инвесторларни жалб қилиш, иш жойларини ташкил этиш чораларини кўриш;

- Йўللарни ҳолатини яхшилаб туриш;
- Қишлоқда энергия таъминотини нормаллаштириш чораларини кўриш;
- Қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш чораларини кўриш: хаммом, кутубхона, сартарошхона...
- Қишлоқ маҳалла қўмитаси идорасига жой ажратиш ва ҳар хил тадбирлар ўтказишга қулайликлар яратиш.

Албатта, юқорида келтирилган ишлар юқори мутасадди ташкилотлар ёрдамида ҳамда маҳаллий аҳоли иштирокида навбатма-навбат бир неча йиллар давомида амалга оширилиши лозим.

ДОНОЛАР ЎГИТИДАН

Кишилик жамиятининг ахлоқий, маънавий, иқтисодий ривожланишига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган буюк алломалар, олимлар, ёзувчилар, донишмандлар, давлат арбоблари ўзларидан кейин бой мерос қолдирганлар. Уларнинг юз, минг йиллар олдин айтган қимматли фикрлари бизгача китоблар орқали етиб келган. Шунинг учун кишилик жамиятининг ривожланишига китобларнинг роли каттадир. Ҳар хил даврларда, ҳар хил жойларда бу алломалар ўзларининг тажрибалари, кузатишлари асосида ҳар хил характерли кишилар, улар ўртасидаги муносабатлар, ҳаётдаги кўринмас қоидалар, қандай яшаш кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳозир ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас, ҳеч вақт йўқотмайди. Уларнинг айтган фикрлари узоқ йиллар давомида ҳаётда ўз тасдиғини топган, исботланган. Китобхон уларнинг фикрини ўқиб, ўрганиб ўзи ва яқинлари учун тадбиқ этса айнаи муддао бўлган бўлар эди. Турли даврларда, турли мамлакатларда турли донишмандлар, ёзувчи ва китобсеварлар бу ҳақда шундай дейишган: “... Ҳарфларга, сўзларга, саҳифаларга кўз югуртириш – ўқиш дегани эмас. Кўриш ҳамда эсда сақлаб қолиш – бу ҳам ҳали ўқишга кирмайди. Бегона киши сўзи ўз ҳаётида юз бергандек қон-қонига сингигандек яшаш – хис қилмоқ даркор... Ўқиш бошқа кишилар фикри кўмагида шахсий фикрни яратишдир...” Н.А. Рубакин, рус ёзувчиси (1862-1946).

Биз қуйида айрим алломаларнинг китоб ҳақидаги баъзи фикрларини китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

1. Китоб ҳақида

- Дунёда китобдан азиз дўст йўқдир.

А. Навоий (1441-1501).

- Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ҳамроҳинг бўлур у ғамли замонда.

А. Жомий (1414-1492).

- Тафаккурнинг толмас қанотлари – китоб.
- Китоблар инсоният фикр дурдоналарини тўлиқ авлодларга етказди.

Ойбек (1904-1968).

- Китобсиз уй – қуёшсиз кун.

Халқ мақоли.

- Доно қўшнинг бўлмаса, китоб билан суҳбат қур.

Халқ мақоли.

- Ҳамма халқлар ва даврларнинг китобларида заковат ва эзгулик бойлиги сочилиб ётибди.

Л.Н.Толстой, рус ёзувчиси (1828-1910).

- Инсониятнинг ҳамма ҳаёти китобларда ёзилган. Қабилалар, одамлар, давлатлар еврилиб, йўқолиб кетиши мумкин, китоблар қолади.

А.И. Герцен, рус ёзувчиси (1812-1870).

- Ҳозирги даврда ҳақиқий университет – тўпланган китоблар.

Томас Маколей, инглиз тарихчиси (1800-1859).

- Дунёда яхши китоблар кўп, лекин бу китоблар уни ўқий биладиган кишилар учун яхшидир. Яхши китобларни ўқий олиш ҳам бу санъатдир.

А.И. Герцен, рус ёзувчиси (1812-1870).

- Китобнинг моҳияти – мангудир. Бу моҳият тафаккурни абадийлаштиради.

Л.Н.Толстой, рус ёзувчиси (1828-1910).

- Билим – мураббий, китоб эса муаллимимиздир.

В.В. Маяковский, рус шоири (1893-1936).

- Китоб ўқишни одат қилмаган оила – маънавий қашшоқ оиладир.

П.А. Павленко, рус ёзувчиси (1899-1951).

- Одам мутолани бас қилса, фикрлашдан ҳам маҳрум бўлади.

Д. Дидро, француз файласуфи (1713-1783).

- Китобсиз инсон ҳаёти бўм-бўш. Китоб дўстгина эмас, балки доимий, бутун умрга йўлдошимиз ҳамдир.

Д. Бедний, рус ёзувчиси (1883-1945).

- Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади.

А.П. Чехов, рус ёзувчиси (1860-1904)

- Китоб – сеҳргар. Китоб дунёни қайта курди. Унда одамзоднинг ақли мужассам, у кишилик тафаккурининг устуни. Китобсиз олам – ёввойилар оламидир.

Н.А. Морозов, академик (1854-1946).

- Яхши китоб – муаллифнинг одамзод учун аталган тортиғидир.

Д. Аддисон, инглиз ёзувчиси (1672-1719).

- Китоблар мангулик хусусиятларига эга. Улар фаолиятнинг энг умрбоқий мевасидир.

С. Самойлс, инглиз файласуфи (1812-1904)

2. Сиҳат-саломатлик ҳақида

- Касаллигингни давосини доридан эмас, овқатдан қидир.

*Гиппократ (э.р.ав. 460-370 йиллар), юнонистонлик врач,
тиббиёт фанининг отаси.*

- Касалликнинг ҳам, қашшоқликнинг ҳам асосий сабабчиси – ялқовликдир.

Абу Али ибн Сино (980-1037).

- Соғлом одам – табиатни энг қимматли маҳсулидир. Саломатлик – нафақат ўзи учун, бошқалар учун ҳам улкан ютуқдир.

Карлейль Томас, инглиз ёзувчиси (1795-1881).

- Соғлик бўлмаса, бахт бўлмайди.

В.Г.Белинский, рус ёзувчиси (1811-1848).

- Бизнинг бахтли бўлишимизни 10 дан 9 қисми соғлиғимизга боғлиқ. Шунинг учун бойлик орттириш, мансаб, маълумот олиш, шухрат ва қисқа вақтли кайфу-сафо учун соғлигини йўқотиш энг катта беъманиликдир.

Шопенгауэр Артур, немис файласуфи (1788-1860).

- Оила доимо жамиятнинг асоси бўлган.

Оноре де Бальзак, француз ёзувчиси (1799-1850).

- Энг яхши дори – дам олиш, нафси тийиш.

Франкмен Б., америкалик файласуф

- Энг яхши врач кўп дориларни фойдасиз эканлигини билади.

Франкмен Б.

- Эрта ётиш ва эрта туриш кишини соғлом, бой ва ақлли қилади.

Франкмен Б.

3. Таълим-тарбия ҳақида

- Ватанпарвар – бу ватанга хизмат қилувчи инсон. Ватан – бу аввало халқдир.

Н.Г. Чернишевский, рус ёзувчиси (1828-1889).

- Яхши кексаришнинг санъати шундаки, ёшларга тўсиқ эмас таянч, рақиб эмас устоз, бефарқ эмас уларни тушунадиган бўлишдадир.

Моруа Андре, француз ёзувчиси, дипломат (1885-1961).

- Қандай сўз айтсанг, шундай жавоб оласан.

Гомер, қадимги юнон шоири (э.ав. XII-VII асрлар).

- Анахарсисдан сўрадилар: “Инсонга нима яхши, нима ёмон?” У эса жавоб берди: “Тил,” – деб жавоб берди.
- Жаҳолатга қарши курашиш қийин, кайф-сафога, лаззатланишга қарши курашиш ундан ҳам қийин.
- Ўзингга тенг бўлганга уйлан.

*Клеобул, қадимги юнон донишманди
(э.ав. 538-470 йиллар).*

- Бегоналар олдида хотинингни эркалатма ҳам, урушма ҳам. Биринчиси сени аҳмоқлигингни билдирса, иккинчиси кутурганингни кўрсатади.

Клеобул

- Ўзингизга талабчан, бошқаларга юмшоқ, самимий бўлинг. Бу билан ўзингизни, одамларни ёқтирмасликларидан муҳофаза қилган бўласиз.

*Конфуций Кун-цзи, хитойлик донишманд
(э.ав. 551-479 йиллар).*

- Жуда доно, камолга етган одамни учратмадим. Олийжаноб эркак бўлиш етарли. Меҳрибон, доимо яхшилиқни аямайдиганларни ҳам кўрмадим. Доимо содиқ, барқарор, ўзгармас бўлишлиқ етарли.

Конфуций Кун-цзи

- Кимки олдинги ўтганларни айтганларига, ишларига эътибор бериб, янгилик очса, у устоз бўлишга арзийди.

Конфуций Кун-цзи

- Бир куни Конфуций йиғлаб турган хотинни кўриб: –Нега йиғлаяпсан? –деб сўрабди. Хотин унга ўзининг барча уруғ-аймоқларини йиртқич йўлбарс ғажиб ташлаганини айтибди. Шунда Конфуций, нега у жойни ташлаб бошқа жойга кетмайсизлар, деганда, хотин: - Бошқа жойда князлар эзади,- депти. Бу гапни эшитган Конфуций шогирдларига қараб:
-Кўрдингларми, бешавқат ҳукмдор йиртқич хайвондан ҳам ёмон экан, - дебди.
- Конфуцийдан сўрабдилар: -Бир умр қўллаш мумкин бўлган сўз борми? Шунда Конфуций: - Ҳа, бор. Бу сўз мурувватли, шавқатли, марҳаматли бўлиш,-деган экан.
- Дунёдаги энг катта фалокатлар ҳам майда-чуйдадан бошланади, йирик ишлар ҳам кичик ишлардан бошланади.

Конфуций Кун-цзи

- Худони ҳурмат қилгандек, ота-онангни ҳурмат қил.

Менандр, афиналик драматург (э.ав. 343-291 йиллар).

- Хазилда ҳам меъёр бўлиши керак.

*М. Цицерон, қадимги рим философи, нотик,
давлат арбоби (э.ав. 106-43 йиллар).*

- Дўстлар қийинчиликда билинади.

М. Цицерон

- Тўғри маслаҳат олтиндан қиммат.

Плавт Тит Макций, рим донишманди

(э.ав. 254-184- йиллар)

- Вақт ҳамма нарсани олиб кетади.

Вергилий, қадимги римлик шоир

(э.ав. 70-9- йиллар).

- Умрингни қисқалигини доим эслаб юр.

Горацкий, қадимги римлик шоир

(э.ав. 65-81- йиллар).

- Отанг яхши бўлса уни сев, жоҳил бўлса чида.

Сир Публий, римлик шоир (э.ав. 1 аср)

- Айёр дўст энг ёмон душмандан ҳам ёмон.

Сир Публий

- Ўзинг айбдор бўлиб, тақдирингдан шикоят қилма.

Сир Публий

- Яхши хотин эрига итоат қилиб, унинг устидан ҳукмронлик қилади.

Сир Публий

- Ҳар қандай кайфи-сафо хавфли ҳолатни кучайтиради.

Сенека Лиций Анней, римлик философ

(э.ав. 4-65- йиллар).

- Билим меваларидан бахраманд бўлиш учун ёшлиқдан ўқиш керак.

Сенека Лиций Анней

- Ёшлиқда, ўрта ёшда ватанга хизмат қилиш керак, кексайганда ўзингга.

*Плений Гай, римлик давлат арбоби
(эрамизнинг 50-138 йиллари).*

- Қаттиққўл ота – энг яхши дори, унда аччиқликдан кўра ширинлик кўп.

*Эпиктет, римлик файласуф
(эрамизнинг 50-138 йиллари).*

- Ичишда, ейишда, ҳаракатда, ҳатто севишда ҳам ўртача (меъёрида) бўл, чунки, мўътадиллик соғлиқни гарови, табиат билан доимо иттифокда бўлади.

Абу-ал Фраджд, сириялик ёзувчи (1226-1286).

- Ҳар қандай зўравонлик ёмонликни юзага келтиради.

Бэкон Роджер, англиз философи (1214-1294).

- Бизлар ота-онамиздан бебаҳо мукофот – ҳаётни олдик. Улар кучларини, муҳаббатларини аямасдан бизларни озиклантирдилар, вояга етказдилар. Энди улар кексайиб, касалманд бўлиб қолганларида уларни даволаш ва оёққа турғазиш бизнинг бурчимиз.

*Леонардо да Винчи, италиялик рассом,
файласуф (1452-1519).*

- Яқинларинг мушкул ҳолатда тушганларида уларни ташлаб кетма. Сен ҳам шундай ҳолатга тушганингда бошқалар ёрдам берсин десанг, уларга ёрдам бер.

Лютер Мартин, немис файласуфи (1483-1546).

- Маълумот ҳақиқий, тўлиқ, аниқ ва мустаҳкам бўлиши керак.

Ян Амос Каменский, чехиялик педагог, ёзувчи (1592-1670).

- Ёмон тарбияланганни қайта тарбиялашдек қийин иш йўқ.

Ян Амос Каменский

- Ҳаммани сев, ҳеч кимга ёмонлик қилма, аммо айримларгагина ишон.

Вильям Шекспир, буюк инглиз драматурги, шоир ва артисти (1564-1616).

- Бизлар ҳамма ишни келгуси авлодлар учун қиламиз, авлодлар ҳам биз учун нимадир қилишларини кўргим келади.

Джозеф Аддисон, инглиз ёзувчиси (1672-1719)

- Билим – одамларни бирини иккинчисидан фарқ қилдирувчи кўрсаткичдир.

Джозеф Аддисон

- Мамлакат халқининг фаровонлиги ундаги болаларнинг яхши тарбияланганлигига боғлиқ.

Джон Локк, инглиз файласуфи (1632-1704).

- Фақат газета ўқигандан кўра, ҳеч нарса ўқимаган киши билимлироқ бўлади.

Джефферсон Томас, АҚШнинг учинчи президенти (1732-1799).

- Инсонни буюклиги уни кичик одамларга муомаласида кўринади.

Томас Карлейль

- Ҳеч бир бола туғилгандан билимли бўлмайди, болага билим ва тарбия бериш ота-онанинг вазифаси.

Екатерина II, Россия императори (1729-1796).

- Болаларни шўхликларига тўсқинлик қилсангиз, сиз ҳеч вақт доно кишиларни тарбиялаб етиштира олмайсиз.

Жан-Жак Руссо, француз-швейцар файласуфи (1712-1778).

- Билимсиз одам аҳмоқ эмас, билимли бўлишни хоҳламаган одам аҳмоқ.

Г.С. Сковорода, рус ва украин файласуфи, шоир (1722-1794)

- Инсонни табиат яратади, жамият уни тарбиялайди.

В.Г. Белинский

- Битта болани тарбиялаш минбарлар, кафедралардан ваъз ўқиш, таълим-тарбия беришдан кўп марта қийин.

А.И. Герцен

- Театр – ҳаётий муаммоларни ечишда энг юқори инстанциядир (босқичдир).

А.И. Герцен

- Ҳар бир миллат бошқа миллатдан ўрганиши мумкин, ўрганиши керак.

Карл Маркс, немис мутафаккири (1818-1883)

- Меҳнатсиз турмуш – ўғриликдир, санъатсиз турмуш – ваҳшийликдир.

Джон Рескин, инглиз ёзувчиси (1919-1900).

- Ёшлигингда экканигни улғайганинда ўрасан.

Генрик Сенкевич, поляк ёзувчиси (1846-1916).

- Фақат ўзимизни манфаатларимизни тиклаш учун ишласак ўзимизга ўзимиз турма қурган бўламиз.

*Антуан де Сент Экзюпери,
француз ёзувчиси (1900-1944).*

- Ҳазилда ҳам меъёр бўлиши керак.

М. Цицерон

- Ҳар қандай қийинчиликларни чидам билан енгиш мумкин.

Вергилий

4. Одамларнинг табиати ҳақида

- Одамларнинг табиати ҳамма жойда ўхшаш.

Кристи Агата, инглиз ёзувчиси (1890-1976).

- Хушчақчақлик – инсонни энг яхши фазилати.

Ф.М. Достоевский, рус ёзувчиси (1821-1881).

- Хушчақчақлик нафақат саломатлик белгиси, у касалликдан қутултирувчи омил ҳамдир.

Смайлс Самойлс

- Хушчақчақ одам ўзига хушчақчақ муҳит яратади, ғамгин одам ғамли муҳит яратади.

Сент-Экзюпери, француз файласуфи (1900-1944).

- Хурсанд бўлиб яшайдиган кишиларда пул бўлмайди, пули бор одамлар хурсанд бўлаолмайдилар.

Бернард Шоу, инглиз ёзувчиси (1856-1950).

- Гапиришни ўрганиш учун одамга икки йил керак, каерга нима дейишни ўрганиш учун 60 йил керак бўлади.

Уайльд Оскар, инглиз ёзувчиси (1854-1900).

- Ҳаётда битта бахт бор – бошқалар учун яшаш.

Н.Г. Чернишевский

- Бойликсиз бахтли яшаш мумкин, моддий фаровонсизлик бахтли яшаб бўлмайди.

Н.Г. Чернишевский

- Жамиятда ялқов, нодон, ахлоқсиз кишилар бўлаверса, бундай жамият кишиларнинг ҳаётини фаровонлиги яхшиланмайди. Одамлардаги бундай зарарли хусусиятларни икки йўл билан олдини олиш мумкин: аввало бундай одамларни тарбиялаш ва ҳаёти учун зарур нарсалар билан таъминлаш орқали.

Н.Г. Чернишевский.

- Нодонлик доимо ғам-ташвиш келтиради.

*Фалес, Етти донишманднинг бири
(эр.ав. 625-547 йиллар).*

- Бойлик ва машҳурлик ҳеч қандай обрў-эътибор келтирмайди.

*Сократ, юнон файласуф
(эр.ав. 469-399 йиллар).*

- Меҳнат кишиларга ҳузур беради.

Эзон

- Аҳмоқ одам ҳеч вақт яхши бўлмайди, яхши одам ҳам аҳмоқлик қилиб қўйиши мумкин.

Эзон

- Ярамас одамни тузатиб бўлмайди, у фақат ташки кўринишини ўзгартириши мумкин, ҳақиқий аҳмоқлигича қолади.

Эзон

- Ёвуз одам қора кўмирга ўхшайди, куйдирмаса ҳам қора доғ қолдиради.

*Анахарсис, қадимги юнон донишманди
(э.ав. 640-560 йиллар).*

- Бозор – бу одамларни бир-бирини алдайдиган, мулкларини ўғирлайдиган жой.

Анахарсис

- Ҳеч ким доимо бахтли бўлавермайди.

М. Цицерон

- Катта ваъдалар ишончни йўқотади.

Горацкий

- Тежамкорлик – хасислик эмас.

Горацкий

- Пул эгаси устидан ё ҳукмронлик қилади, ё унга хизмат қилади.

Горацкий

- Хасисга ҳамма душман кўринади, ўзига ўзи душманлигини билмайди.

Сир Публий

- Одамларнинг кўпини тилида бир гап, мясида бошқа фикр юради.

Сир Публий

- Қонунлар ҳукмрон бўлган жойда халқ ҳам кучли бўлади.

Сир Публий

- Бойлик хасисликни камайтирмайди.

К.Г. Саллюстий, римлик ёзувчи (эр.ав.86-30 йиллар).

- Сўздан кўра иш муҳимроқ.

К.Г. Саллюстий

- Саводсиз одам тез ишонаверади ва ўйловсиз бўлади.

*Сенека Лиций Анней, римлик философ
(эр.ав. 4-65- йиллар).*

- Ҳамма одамлар туғилишидан бошлаб бир хил, аммо табиатан ҳалол кишилар ҳурматли бўладилар.

Сенека Лиций Анней

- Хасис бўлмаслик энг катта бойликдир.

Сенека Лиций Анней

- Ҳаёт ягона неъмат, бахт-саодатдир.

Сенека Лиций Анней

- Хасадгўй одамлар – бахтсиз одамлардир.

Сенека Лиций Анней

- Олтинни олов билан, хотинларни олтин билан, эркакларни хотинлар билан синалади.

Сенека Лиций Анней

- Ватанни буюклиги учун севилмайди, уни ўзиники бўлгани учун севилади.

Сенека Лиций Анней

- Имконият борича хурсанд бўлиб яшанг.

Сенека Лиций Анней

- Одамларни табиий талабини қондириш учун табиат етарлича бериб қўйган.

Сенека Лиций Анней

- Ароқхўрлик ўз хоҳиши билан содир қилинган девоналик, жинниликдир.

Сенека Лиций Анней

- Хотинлар ўзлари билмаган сирни сақлашлари мумкин.

Сенека Лиций Анней

- Инсофли одам доимо оддий бўлади.

Марк Морциал, римлик шоир (эр.ав. 40-104 йиллар).

- Фан – бу хазина. Олим киши ҳеч қачон хор бўлиб қолмайди.

Арбитр Петроний Гай, римлик ёзувчи (янги эра 66-йиллари).

- Ер олгунча аввало сувга, йўлга, ҳамсоёга қара.

Плиний С.Г., римлик ёзувчи(эрамизнинг 24-79 йиллари).

- Чидамли бўлиш ҳаётдаги энг муҳим хусусият, аммо узоқ вақт чидамли бўлиш ҳам ўринсиз, чунки ҳаёт жуда қисқа.

Абу-ал Фрадж

- Дунёда ҳамма нарса қайтарилади.

Бэкон Роджер, инглиз ёзувчиси (1214-1294)

- Ёш ўтиши билан киши ёшлигини, хуснини, соғлиғини, шижоатини, иззат-обрўйини йўқотади, фақат уни аҳмоқона қилиқлари қолади.

Ариосто Лудовико, италиялик шоир (1474-1533).

- Нодонлик ҳамма ёмонликни: ҳасадгўйлик, очкўзлик, ҳар хил гуноҳларни ва бошқа иллатларни онаси.

*Галилео Галилей, италиялик файласуф,
физик (1564-1670).*

- Қизларнинг номуси – унинг ҳамма бойлиги, у ҳар қандай меросдан қиммат.

Вильям Шекспир

- Ҳамма аҳмоқлар қайсар бўлади, ҳамма қайсарлар аҳмоқ бўлади.

*Грасман-и-Моралес Бальтасар,
испан ёзувчиси (1601-1658).*

- Ҳаёт қисқа берилган, аммо бу қисқа даврда кўп нарсани билиш керак. Билимсиз ҳаёт ҳаёт эмас.

Грасман-и-Моралес Бальтасар

- Инсонларнинг энг юқори донолиги шароитга қараб мослашиши, ташқи хавф-хатарни таъсирларини тинч, хотиржам ҳолда ўтказишидир.

Дефо Даниэль, инглиз ёзувчиси (1660-1731).

- Инсон ҳеч вақт мавжуд қулайликларни, имкониятларни қадрига етмайди. Улардан ажралгандан кейин тушунади.

Дефо Даниэль, инглиз ёзувчиси (1660-1731)

- Тил – энг хавфли курол. Қиличдан яраланган тана тузалади, сўздан яраланган кишини тузалиши қийин.

*Кальдерон де Ла Барка Педро,
испан драматурги (1600-1681).*

- Беғамлик – душманликдан ҳам хавфли душман.

Пьер Корнель, француз драматурги (1606-1684).

- Беадаб дўстдан хавфлиси йўқ.

Лафонтен Ж., француз ёзувчиси (1646-1716).

- Ҳасадгўй ўзига ўзи душман, чунки у яратган ҳасад захридан энг аввал ўзи заҳарланади.

Монтескье Шарль Луи, француз файласуфи (1689-1755).

- Кўп билган одам кўп азоб кўради.

Ж. Байрон, инглиз шоири (1788-1824).

- Ҳар бир кишининг гапи, хулқ-атвори, хатти-ҳаракати уни хақиқий ички дунёсини кўрсатувчи ойнадир.

Иоган Вольфганг Геёте, немис файласуфи (1749-1832).

- Дунёда адолатсизлик ҳукмрон.

Гольбах поль-Анри, француз философи (1723-1789).

- Бахтли бўлиш учун бой бўлиш етарли эмас, бойликдан фойдалана билиш ҳам керак.

Гольбах поль-Анри

- Аччиқ заҳарли тиллар пистолетдан ҳам ёмон.

А. Грибоедов, рус ёзувчиси (1795-1829).

- Бойлиги ошган кишини инсофи ҳам ошганини учратмадим.

Джефферсон Томас, АҚШнинг

учинчи президенти (1732-1799).

- Бойлик кишига жиноят содир қилгандан кўра кўпроқ айбловчи хукм чиқаради.

Сэмюэл Джонсон, инглиз адабиётишуноси (1709-1784).

- Ўзини сирини ўзи асраш – донолик, бошқалар бу сирни асрайди деб ўйлаш – аҳмоқлик.

Сэмюэл Джонсон

- Билимсиз виждонли одам бўлиш фойдасиз, аммо билимли нопок одам – жуда хавфли.

Сэмюэл Джонсон

- Агар киши меъёрни билса, демак у ҳамма нарсани билади.

Томас Карлейль, инглиз философи (1795-1881)

- Дунёдаги бирор халқ бошқа халқларга нисбатан истеъдодли эмас.

Готхольд Эфраим Лессинг,

немис драматурги (1729-1781).

- Ҳаётдаги энг оз бахт-саодат, манфаат – бойликдан, энг кўпи – доноликдан.

Готхольд Эфраим Лессинг

- Биз яшайдиган дунё шундайки, бир аҳмоқ кўп аҳмоқларни яратади, битта доно одам жуда оз доноларни яратади.

Георг Кристоф Лихтенберг, немис ёзувчиси (1742-1799).

- Ялқов одам ботқоқликдаги ҳаракатсиз, қўланса ҳид чиқарувчи сувга ўхшайди ёки у жирканч ишлардан бошқа иш қилмайди.

М.В. Ломоносов, рус олими (1711-1765).

- Хушомадгўйликни қилган одам ифвогарликни ҳам қила олади.

Б. Наполеон, француз императори (1769-1821).

- Кўп нарсани билмайдиган кишилар кўп гапирадилар, кўп нарсани билганлар кам гапирадилар.

Жан-Жак Руссо

- Ким мақтовни ёқтирса, уни мақтов бузади.

Жан-Жак Руссо

- Ҳар хил қийинчиликларга чидаш қийин, аммо уни меваси ширин бўлади.

Жан-Жак Руссо

- Киши бу дунёда бойлик орттириш учун яшамайди, бахтли бўлиш учун яшайди.

А.М.Б. Стендаль, француз ёзувчиси (1783-1842).

- Ақлли бўлишликни энг муҳим томони, ақллиликни кексаликда кишига ҳурмат келтиришидир.

А.М.Б. Стендаль

- Бахтли бўлишнинг отаси – меҳнат.

Франкмен Б.

- Тежамкор – энг бой киши, хасис – ҳаммадан камбағал.

Шамфор Себастьян Р.Н., француз ёзувчиси (1741-1794).

- Эрки бир кишининг хоҳишига боғлиқ бўлган халқ сақланиб қолаолмайди, унга арзимамайди ҳам.

Шеридан Ричард Бринсли, инглиз драматурги (1751-1816).

- Пул – ҳар хил кулфатларни (ёмонликларни) илдизи, пулсизлик ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

С. Батлер, инглиз ёзувчиси (1835-1902).

- Ҳайрон қоласан, дунёда қанча одам ҳеч нарсани билмайди, бошқалари ақлсиз, ўйлайдиларки, ҳамма нарсани биладилар.

С. Батлер

- Ҳамма ҳам овқат ейди, ичимликлардан ичади, аммо бўкиб овқат ейиш, пиёнисталик ёввойиларнинг иши.

В.Г. Белинский

- Ҳар бир киши олим, шоир, ҳарбий ва бошқа соҳани кишиси бўлиши яхши, аммо у ҳақиқий инсон бўлмаса – бу ёмон.

В.Г. Белинский

- Ҳалол одамларни сурбет, беҳаё одамлар олдида уялиб, ерга караб ўтириш одатлари бор.

В.Г. Белинский

- Агар ер ҳайдаб ҳосил етиштирган деҳқоннинг меҳнати асар ёзган ёзувчининг меҳнати билан тенг қўймаган миллат ҳеч вақт гуллаб-яшнамайди.

Букер Талиафер Вашингтон, америкалик маърифатчи (1858-1915).

- Ҳар бир кишини заруратини қондириш учун дунё бойликлари етарли, аммо одамлардаги очкўзликни қондириш учун дунё бойликлари етмайди.

Ганди М.К. (Махатама), Ҳиндистондаги миллий озодлик ҳаракатининг раҳбари (1869-1948).

- Инглизлар, Сизлар буюк халқсиз, Сизлар буюк қора халқсиз, сизларнинг муштарингиз қиличлардан ҳам кучли. Сизларнинг иштаҳаларингиз катта. Сизлар бошқаларни ютиб юборувчи миллатсиз.

Виктор Гюго, француз ёзувчиси (1802-1885).

- Кулгу – бу қуёш, у инсон юзидаги қишни қувиб юборади.

Виктор Гюго

- Манманлик – бизнинг ичимизда ва бизга қарши ҳаракат қилувчи даҳшатли куч.

Виктор Гюго

- Бекорчиликдан қийин, чидаб бўлмайдиган ҳолат йўқ.

Чарльз Дарвин, англиялик табиатшунос (1809-1884).

- Инсонпарварлик цивилизациянинг меваси бўлиб, у одат тусига кириб қолади. У тамоман йўқолиб кетиши мумкин.

Ф.М. Достоевский

- Фақат ярамас одамлар ёлғон гапирадилар.

Ф.М. Достоевский

- Хасислик инсон қалбини қуритади.

А. Дюма, француз ёзувчиси (1802-1870).

- Ҳаётдаги ягона бахт – бу доимо олдинга интилиб яшаш.

Эмиль Золя, француз ёзувчиси (1840-1902).

- Ҳаётдаги энг разиллик – дўстини ишончини суистеъмом қилиш.

Генрик Испен, норвегиялик драматург (1828-1906).

- Одам – бу дунёда энг улуғ (салобатли) ҳайвон.

В.О. Ключевский, россиялик

тарихчи олим, академик (1841-1911).

- Узоқ вақт кузатишларим асосида, одамзотдан яхшилик кутиб бўлмайдим, деган хулосага келдим.

Агата Кристи, инглиз ёзувчиси (1890-1976).

- Хотинлар 99 ҳолатда ўзларини аҳмоқларча тутадилар, қолган бирида эркаклардан кўра маккорлироқ бўладилар.

Агата Кристи

- Фирибгарлар учун юқори репутация, обрў муҳим заруратдир.

Агата Кристи

- Одамни ўзгартиришга ҳеч кимни кучи етмайди.

- Ёмонлик ёмонликни туғдиради.

М.Ю.Лермонтов, рус ёзувчиси (1814-1841).

- Маккор одамлар билимдан ҳазар қиладилар, менсимайдилар, оддий одамлар ундан хайрон қолишади, доно одамлар билимдан фойдаланадилар.

*Томас Маколей, инглиз тарихчиси,
давлат арбоби (1800-1859).*

- Кимки одамлардаги кўрликни, адоватни, қаҳр-ғазабни сезмаса, у ўзини катта хавф-хатарга қолдиради.

Генрих Манн, немис ёзувчиси (1871-1950).

- Буюклик нимада? Ўзининг яқинларига, ватанга камтарона хизмат қилиш.

Генрих Манн

- Ота-онанинг севгиси энг беғараздир.

Карл Маркс, немис мутафаккири (1818-1883).

- Ахлоқсизликнинг биринчи кўриниши ўтган авлодларга ҳурматсиз бўлиш.

А.С.Пушкин, рус шоири (1799-1837).

- Кишини ҳақиқий характерини у сенинг бошлиғинг бўлганда билиш мумкин.

Энрих Ремак, немис ёзувчиси (1898-1970).

- Бир кунда бузилганларни тиклаш учун юз йиллар керак бўлади.

Ромен Роллан, француз ёзувчиси (1866-1944).

- Жаҳолат ҳаётимизни қисқартиради.

Гербет Спенсер, инглиз файласуфи (1820-1903).

- Кучли одамлар доимо оддий бўладилар.

Лев Толстой, рус ёзувчиси (1828-1910).

- Маълумот инсон учун энг катта бахт, эзгулик эканлигини исботлашни ҳожати йўқ. Маълумотсиз одамлар кўпол, қашшок ва бахтсиз бўладилар.

Н.Г. Чернишевский,

- Деворни нима учун қурилганини билмасдан уни бузманг.

Г.К. Честертон, инглиз ёзувчиси (1874-1936).

- Саёҳат ақлни ривожлантиради, агар у сизда бўлса.

А. Навоий

- Энг кўп ўқитилган одамлар энг кам биладилар.

Бернард Шоу, инглиз ёзувчиси (1856-1950).

4. Кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳақида

- Душманларнинг совғаси ҳалокат келтиради.

Софокль, қадимги юнон драматурги (эр.ав. 496-406 йиллар).

- Миш-мишлар тез тарқалиб, энг катта мусибатларга олиб келади.

Вергилий

- Содиқ дўст хурсандчилик кунларига керак, ташвишли, оғир кунларда у зарур.

Сенека Лиций Анней

- Фалокат кўпинча ташқаридан келмайди, ўзимизни ичимиздан чиқади.

Сенека Лиций Анней

- Инсон – инсон учун муқаддас.

Сенека Лиций Анней

- Жиноятчиларни аяган одам халол одамларга зарар еткази.

Сенека Лиций Анней

- Яхши хотин эркакнинг гултожи, ёмони – баттол, фақат кайғу келтиради, эрини хароб қилади.

Данил Заточник, рус ёзувчиси (XII-XIII асрлар).

- Аҳмоқлар кишидан фақат камчилик қидиришади, яхши томонларини кўрмайдилар, улар худди ифлос жойга кўнадиган чивинга ўхшайдилар.

Абу-ал Фрадж

- Душманингдан яширган сирни дўстингга ҳам айтма, чунки дўстлик ҳам узоқ вақт давом этмаслиги мумкин.

Абу-ал Фрадж

- Буюк одамлар кўпинча ярамас одамлар кўлида халок бўладилар.

Вильям Шекспир

- Денгиздаги балиқлар ердаги одамларга ўхшайди, йириклари кичикларини ютиб юборадилар.

Вильям Шекспир

- Вафодорлик, содиқлик бўлмаса севги ҳам, дўстлик ҳам, эзгулик ҳам бўлмайди.

Джозеф Аддисон, инглиз ёзувчиси (1672-1719)

- Дунёда ифвога қарши дори йўқ.

Мольер, франциялик актёр (1622-1673).

- Бегона юрт ватан бўлаолмайди.

Иоган Вольфганг Геёте, немис файласуфи (1749-1832).

- Одам, ахлоқдан ташқари ҳар қандай ислоҳат фойдасиз.

Томас Карлейль

- Яқин кишингга фойда келтирсанг ўзингга фойда келтирган бўласан.

Екатерина II

- Бировни қоралаш, ёмонлаш жуда осон, битта сўз билан қоралаш мумкин, аммо уни оқлаш учун қанчадан қанча дафтар варақлари керак бўлади.

Жан-Жак Руссо

- Тили узунлилик кўшниллар ўртасида ҳам, халқлар ўртасида ҳам душманлик уруғини сочади.

Вальтер Скотт, инглиз шоири (1771-1832).

- Агар одамлар бир-бирига ёрдам беришни ўрганмас эканлар, улар ер юзидан йўқ бўлиб кетадилар.

Вальтер Скотт

- Агар одамлар ўртасида “меники”, “сеники” деган тушунча бўлмаганда эди, бутун дунёда тинчлик ҳукмрон бўлган бўлур эди.

Генри Фильдинг, инглиз ёзувчиси (1707-1754).

- Хотинингни асра, аммо унга эркинлик берма.

Д.И.Фонвизин, рус ёзувчиси (1745-1792).

- Дўст ака бўлиши мумкин, ака дўст бўлмаслиги мумкин.

Франкмен Б.

- Юқори мансабда турган бошлиқлага камтарин, тенгларга самимий, паст лавозимда турганларга олийжаноб муносабатда бўлиш ҳар бир кишининг бурчи.

Франкмен Б.

- Маслаҳатни олишни истамаганларга ёрдам бериб бўлмайди.

Франкмен Б.

- Ноинсоф одамларга қараганда инсофли одамларнинг душманлари кўп бўлади.

Ф.М. Достоевский

- Хотинларнинг севгиси эркакларга лаҳзалик роҳат бериб, унга доимий мажбурият юклайди ёки бир умр кўнгилсизлик келтиради.

*В.О. Ключевский, россиялик
тарихчи олим, академик (1841-1911).*

- Муваффақиятларни асосий формуласи – одамлар билан муомала қилиш тўғрисидаги билимдир.

Теодор Рузвельд, АҚШнинг 26-президенти (1858-1919).

- Бойлар ўзларидан бошқани ўйламайдилар, камбағаллар камбағалларга ачиниб, уларга ёрдам берадилар.

Марк Твен, америкалик ёзувчиси (1835-1910).

- Инсон инсонни қули бўлишдан қутулиб, нарсаларни (буюмларни) қули бўлиб қолди.

Фридрих Энгельс, немис мутафаккири (1820-1895).

Юқорида келтирилган донишмандлар бундан бир неча юз, минг йиллар олдин ўтиб, ҳозирги вақтда уларнинг жасадлари тупрокқа айланиб кетган бўлса ҳам айтган сўзлари, фикрлари ҳозир ҳам жаранглаб турибди, ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Яна бир неча юз, минг йиллар ўтса ҳам, яъни кишилик жамияти бор экан, бу фикрлар долзарб бўлиб қолаверади. Чунки, бу фикрлар ҳамма даврда ҳам, ҳамма мамлакатларда ҳам, ҳамма миллатларга ҳам таалукли.

Яъни, кишиларнинг табиати, бир-бирларига муносабати, яшаш қонуниятлари ўхшаш.

Китобхонлар донишманд инсонлар айтган фикрларни ўқиб, таҳлил қилиб ўзларининг ва яқинларини ҳаётига тадбиқ этаолсалар, ҳаётларида содир бўлган муаммоларини ечимини тўғри топишларига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т. “ЎЗБЕКИСТОН”
2. Дамин Тўраев. “Ҳаёт манзаралари”, Т. “Фан”, 2011. -367.
3. Кочнев Б.Д., Рузанов В.Д. Раннесредневековое резное дерево из Толлисортепа. || ОНУ – 1973 - №4. С. 59-60.
4. Ражабова Н.Н. История изучения один из средневековых ворот города Карши – Губдин. 2010 г. Стр. 163-165.
5. Равшанов П. Қарши тарихи. “Янги авлод” 2006.
6. Бозор Самадов. Қашқадарё область Қарши районидаги “Партия XXII съезди” совхози тарихи. Тошкент, 1981, -166.
7. Турсун Содиков. “Олийжаноб инсон эди” “Қарши ДУ”, 2009. - 110.
8. Турдиев С. “Қашқадарё – 1941-1945 йиллар; Жасорат солномаси”.
9. Хотира. Қашқадарё вилояти. Тошкент 1994, -7.
10. Шомурод Шаропов, Умидилла Арслонов “Насафнинг муқаддас зиёратгоҳлари”, 1-китоб, Тошкент, 2005, -48.
11. Шомурод Шаропов “Қашқадарё зиёратгоҳлари”, 1-китоб, Тошкент, 2010, -397.
12. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Тузувчи Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Имом Бухорий республика илмий, маърифий маркази нашриёти. Тошкент, 2007. -269.
13. Энциклопедия мудрости. РОСССА, 2008, -814.

Қарши давлат университетининг профессори Туроб Тилововнинг “Ғубдин” рисоласига ТАҚРИЗ.

Истиқлол берган имконият туфайли миллий кадриятларимиз кадр топиб, ўтмиш тарихимизни ўрганишга кенг йўл очилди.

Айниқса, бу борада мухтарам президентимизнинг “Халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадрияти, тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки ватанимизни тарихини билишни истайди”- деган сўзлари қалам аҳллари, ижодкорлар учун дастур бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан Қарши давлат университети профессори Туроб Тиловов эзгу ишга қўл урган. Ўзи туғилиб ўсган қишлоғи тарихи ва бугунги куни мисолила мустақил диёримиздаги улкан ўзгаришларни қаламга олган. “Ватан – остонадан бошланади” дейди халқимиз. Бу бежизга эмас. Инсон учун дастлаб кўз очиб кўрган дунёси – бу унинг киндик қони томган тупроғи – Она қишлоғи ҳисобланади. Албатта, қишлоқ ва шаҳарлар ҳақида ёзилаётган рисола, топография, ҳатто, бадий асарлар кўплаб чоп этилмоқда.

Туроб Тилововнинг ютуғи шундаки, фақат ўзи туғилиб ўсган қишлоқнинг тарихи, географияси, иқтисодий ривожини билангина чегараланиб қолмайди. “Ғубдин”да бош қаҳрамонлар – ғубдинликлар, яъни шу қишлоқда яшаб ўтган ва ҳозирги кунда умргузаронлик қилаётганлар. Муаллиф қалам юритган ҳар бир ҳамқишлоғини шажарасига эътиборингизни қаратади. Унинг боболари-момолари ким

бўлган? Ота-она аждоди қишлоқда ўз нуфузи билан қандай ўрин тутган? Бугунги ёш авлодлари ўз аجدодларига мос муносиб ҳаёт кечиришяптиларми? каби саволларни қўяди ва атрофлича жавоб беришга интилади.

Эътиборли жиҳати, бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ ҳар бир касб эгаси – у хўжалик раҳбарими, оддий деҳқонми, боғбонми, ўқитувчими, сартарошми, қоровулми ким ва қайси соҳада меҳнат қилмасин – унинг назаридан четга қолмайди. Айни пайтда бугун давр тақозоси билан таомилдан чиққан, кўпчилик ёшларимиз билмайдиган, элимизнинг ўтмиш тарихига мансуб касб-хунарлар ҳақида батафсил маълумот беради.

Рисола муаллифи мазкур китобни ёзишдан олдин узоқ муддат изланишлар олиб борган, тарихий манбаларни ўрганган. Қишлоқ тарихини билган қариялар билан суҳбат қилган, уларнинг фарзандларидан ўтмиш воқеаларини сўраб-суриштирган ва бунинг натижасида маълум муваффақиятларга эришган.

Фикримнинг далили сифатида рисолада номлари ва фаолиятлари қайд этилган алоҳида рўйхат-жадвалларда акс эттирилган Ғубдиндан чиққан ҳадисчи олимлар, уламолар, кейинги бобларда эса мазкур ҳудудда туғилиб камол топган давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилгани фикримизга далил бўла олади.

Халқ байрамлари, сайиллари, тўйлар билан боғлиқ урф-одатлар тасвирланган саҳифалар ҳам ўқувчида яхши таассурот қолдиради.

Мухтасар айтганда, Туроб Тилововнинг ушбу рисоласи ҳақида яна бир қатор фазилатларни айтиш мумкин. Айни пайтда, рисолага

тааллуқли жузъий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биринчи галда китоб ўта синчковлик билан қайта таҳрир қилиниши лозим. Боиси, келишик кўшимчаларининг ўринли-ўринсиз қўйилиши, синтаксис-орфографик хатолар, қайтариқлар ва бошқа камчиликлар бартараф этилиши лозим.

Туроб Тиловов – нафақат вилоятда, балки республикада таниқли биолог (эколог) олим. Шу боис у ёзаётганда кўп ҳолларда олим сифатида ёндашиб қалам тебратган. Шунданми, илмий атамаларни кўп қўллаган. Эҳтимол, бу бир жиҳатдан ижобий ҳолдир. Балки бу ўринлар янада бадийлаштирилса рисоланинг ўқимишлилиги янада ортарди.

Энг муҳими, бир кишлоқ (Ғубдин) рисолада хурматли олимимизнинг ҳамқишлоқлари ўтмишига қилган “ижодий сафари”ни ижобий баҳолаш лозим.

Муҳаммад Очил

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси

Қашқадарё вилояти бўлими адабий маслаҳатчиси,

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси.

Муаллиф ҳақида

Туроб Тиловов 1939-йил 10 мартда Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Ғубдин қишлоғида туғилди. Унинг отаси Тилов Аминов (1889-1993) ҳам шу қишлоқда туғилиб, яшаб ўтган. Собиқ шўролар даврида у колхозда раҳбар лавозимларида (қишлоқ кенгаш раиси, колхоз раиси, ҳосилот (агроном), ферма мудури), гоҳ оддий колхозчи бўлиб фаолият кўрсатган. Колхоз совхозга айлангач, қарийб 25 йиллик иш стажи бекор қилиниб, унинг иш фаолияти 21 сўм нафақа белгиланган.

Онаси, Саломат Холиқова (1912-199) ҳам шу қишлоқда туғилиб яшаган, қишлоқнинг бошқа хотин-қизлари сингари энг оғир йиллари колхозда ишлаган, унга 12 сўм нафақа белгиланган. Ўша даврда ҳаммани иқтисодий аҳволи тенг, бир-бирига ўхшаш бўлган. Оилада 6 та (3 қиз, 3 ўғил) бўлган.

Туроб Тиловов 1945 йилда Ғубдин қишлоғидаги 1-ўрта мактабга ўқишга бориб, 1955 йилда 10-синфни аъло баҳоларда тугатди. Унинг мактаб ёшидаги ҳаёти бошқа тенгдошлари сингари мактабда, дарсдан кейин, каникул пайтлари доимо колхоз иши билан банд бўлди. 1956-1961-йиллар мобайнида А. Навоий номи Самарқанд давлат университетининг биология факультетида таълим олиб, уни муваффақиятли тугатди. 1961-1962-ўқув йилида Қарши станциясидаги 43-сон ҳамда ўзи ўқиган 1-сон ўрта мактабда кимё-биология фанларидан ўқувчиларга сабоқ берди. У 1962-йилдан бошлаб Тошкентдаги Ўзбекистон фанлар академиясининг Зоология институти энтомология лабораториясида илмий ходим бўлиб ишга ўтди. 1963 йил Москвадаги А.Н. Северцов номи ҳайвонларнинг эволюцион морфологияси ва экологияси институтида стажёр-тадқиқодчи, 1961-

1967-йиллар шу институтнинг (“Ҳашаротларнинг экологик физиологияси” лабораторияси) аспирантурасида профессор Р.С.Ушатинская раҳбарлигида таълим олди. 1968-йил номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва унинг кейинги ўқитувчилик ва илмий фаолияти Қарши давлат университети билан боғланиб кетди.

Туроб Тиловов аввал мазкур билим даргоҳининг Зоология кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатди. 1970 йилдан бошлаб анатомия ва физиология кафедрасининг доценти, 1977-1982-йиллари шу кафедранинг мудир лавозимида ишлаб, ўқув базасини мустаҳкамлашда, таълим-тарбия ишларини сифатини оширишда сезиларли ишларни амалга оширди.

1993-1998-йилларда Т. Тиловов кимё-биология факультети декани лавозимида ишлаб, факультетда интизомни, таълим-тарбия ишларини яхшилашда, ёш қобилиятли ўқитувчиларни танлашда ва тарбиялашда ижобий ишларни амалга оширди. У 2001-йилдан 2010-йилгача ҚаршиДУ экология кафедрасининг мудир лавозимида фаолият кўрсатди. Унинг раҳбарлигида кафедра жамоаси экология лабораториясини ташкил этди, кафедрада ўқитиладиган фанлар учун зарур кўргазмалар, 30 дан ортиқ лаборатория ишларининг услубий ишланмалари ва керакли жиҳозлари, фанларни дастур, ишчи дастур ва маъруза матнлари тайёрланди.

Т. Тиловов университетда таълим-тарбия ишлари билан бирга илмий соҳада ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Унинг серқирра илмий фаолияти 200 дан ортиқ илмий мақолалар, тавсиялар, қўлланма ва дарсликларда ўз аксини топган.

Унинг “Полиз кўнғизи ва унга кураш” (1983), “Ҳашаротлар оламида” (1984), “Полиз ва сабзавот экинларининг зараркундалари” (1987), “Ҳашаротлар физиологиясидан амалий машғулотларда маҳаллий манбалардан фойдаланиш” (1999), “Колорадо кўғизи ва унга қарши кураш” (2009) каби қўлланмаларидан республика университетларининг биология факультетини талаба ва ўқитувчилар, қишлоқ хўжалик соҳасидаги мутахассислар фойдаланиб келишмоқда.

Т. Тиловов ижодида унинг экология соҳасида олиб борган ишлари алоҳида ўринга эга. Унинг “Баҳри ҳаёт фожиаси” (1996), “Экологиянинг долзарб муаммолари” (2003), “Экология” (2013) номли қўлланмаларида ҳозирги даврда сайёрамизнинг экологик ҳолати, Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятидаги экологик муаммолар, уларни олдини олиш хусусида батафсил фикрлар берилган. Ушбу қўлланмалардан университет, коллеж талабалари ва ўқитувчилари муҳим манба сифатида фойдаланиб келмоқдалар. Айниқса, унинг экологиядан яратган электрон дарслиги ўқув машғулотларини янги педагогик технология асосида дарс ўтишда муҳим аҳамиятга эга. Республикамиздаги журналлар ва газеталарда домланинг экологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган 70 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган. Унинг экология кафедрасининг барча аъзолари билан ҳамкорликда яратган “Экологиядан лаборатория ишлари” (2009) номли қўлланмаси республикамиз Олий ўқув юртларида экология фанидан талабаларга билим бериш сифатини оширишда, уларнинг мустақил иш бажаришларида муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Т. Тиловов 1988 йилда Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш жамияти эълон қилган “Табиат ва инсон” конкурсига “Қашқадарё” газетаси ва республика журналларида чоп эттирган катор мақолалари

билан қатнашиб, Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш жамиятининг I даражали дипломи билан тақдирланган.

У 1998-йил “Ўзбекистон мустақиллиги – унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати” мавзусида тадқиқотчиларнинг 3-Республика илмий коллоквиумида ўқиган мзмунли маърузаси учун Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат комитетининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Т. Тиловов Москва, Санкт-Петербург, Витебск, Минск, Киев каби чет мамлакатларнинг шаҳарларида, шунингдек, Ўзбекистонда – Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термез, Қарши каби шаҳарларида зоология ва экология фанлари бўйича ўтказилган илмий анжуманларида ўз маърузалари билан қатнашди.

2010-йилда Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей талабаси Алманова Азиза Т. Тиловов раҳбарлигида экология йўналиши бўйича бажарган “Қашқадарё соҳиллари атрофидаги ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар, уларни муҳофаза қилиш” мавзусидаги илмий иши “Зулфия” номли Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Профессор Б. Аминов билан ҳамкорликда ёзилган унинг “Одам ва унинг саломатлиги” 8-синф дарслигини 8 марта қайта ишланиб, “Ўқитувчи” нашриётида нашр этилган (1993, 1995, 1997, 2001, 2003, 2005, 2006, 2010 йиллар). Яъни, муаллифлар ушбу дарсликнинг 8 авлодини яратишди. Ушбу дарслик рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тилларида таржима қилиниб, бир неча марта нашрдан чиқарилган. Дарслик бир неча йиллар мобайнида миллионлаб нусхада чиқарилиб, ўқувчиларга етказилди. Шунингдек, ушбу дарслик ҳақида бир неча марта ижобий фикрлар “Маърифат” газетасида чиққан. Республикамиз ёшлари 1993-йилдан буён ҳар бир инсон учун

кимматли бўлган ўз саломатлигини муҳофаза қилиш қоидаларини ушбу дарслик орқали ўрганиб келмоқдалар. Шунингдек, у Б. Аминов билан ҳамкорликда “Одам ва унинг саломатлиги” дарслигининг биология ўқитувчилари учун услубий қўлланмасини тайёрлаб, “Ўқитувчи” нашриётида (2003) чоп эттиришди.

Т. Тиловов 1998-1999-йиллари биология ўқув фанлари бўйича умумий ўрта таълим мактаблари учун дастур ва дарсликларни синовдан ўтказиш бўйича Давлат Комиссияси аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Умумий ўрта таълимнинг Биология фанлари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тайёрлашда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этди (“Шарқ” нашриёти, 1999).

Т. Тиловов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Таълим Марказининг биология фанлари бўйича ўқув-методик кенгаши аъзоси сифатида ўрта мактаблар учун ёзилган дарслик ва қўлланмаларни муҳокама этиш, нашрга тавсия этиш ишларига қатнашиб келади.

Домла Т. Тиловов кўп узоқ чет мамлакатларда (Ватикан, Италия, Испания, Мальта, Монако, Марокко, Тунис, Таиланд, Франция, Ҳиндистон каби) бўлиб, бу мамлакатларнинг табиати, тарихи, халқ хўжалиги, маданияти ҳақида публицистик мақолалар ёзиб, “Фан ва турмуш” журнали ҳамда “Қашқадарё” газеталари саҳифалари орқали халқимизни бу мамлакатлар билан яқиндан таништирди.

Профессор Т. Тиловов ёш авлодни тарбиялашдаги самарали хизматлари учун “Меҳнат фахрийси” медали (1991), “Халқ таълими аълочиси” (1996), “Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси” нишони (2000) билан мукофотланган. Шунингдек у Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини фахрий ёрлиқлари билан бир неча марта тақдирланган.

Домланинг умр йўлдоши билан тарбиялаб, вояга етказган 5 нафар фарзанди ўзларига муносиб касб-кор танлаб, турли соҳаларга хизмат қилиб келмоқдалар.